

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**С.Н.Джураева, И.С.Усмонов,  
А.М.Қурбонов, Л.К.Азимова**

# **СУРХОНДАРЁ ТАРИХ САҲНАСИДА**

**Монография**

**«O‘ZKITOB SAVDO NASHRIYOT  
MATBAA IJODIY UYI»  
ТОШКЕНТ – 2022**

УЎК: 94(575.151)  
КБК: 63.3(5Ўзб)я73

**Джураева С ва бошқалар.**

**Сурхондарё тарих саҳнасида** [Матн]: Монография / С.Джураева ва б.  
– Тошкент: “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi”, 2022. - 288 б.

**Масъул муҳаррир:**

**Х.Юнусова** тарих фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

**З.Ишанходжаева** тарих фанлари доктори, профессор

**Д.Раҳимжонов** тарих фанлари номзоди, доцент

**Б.Мургазов** филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда Сурхон воҳасида милоддан аввалги 6 минг йилликдан милодий II-III асрларгача бўлган қадимги давр археологик ёдгорликлари тарихи, Сурхон воҳасида зиёратгоҳлар масаласига доир қарашлар, у ердаги шайх ва хизматчилар фаолияти, зиёратгоҳларда аҳоли бажарадиган маросим ва амаллар, Термизий алломалар ҳаёт-фаолияти, илмий мероси, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси каби маълумотлар берилган. Шу билан бирга, ўрта асрларда Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Чағониён ва Термизда адабий муҳит, савдо-сотик алоқалари, Сурхон воҳасида маънавий ва моддий маданият тарихи, бугунги кунда вилоят археологик ёдгорликлари, тарихий ва ўлкашунослик музейлари ҳамда зиёратгоҳларнинг туризм соҳасини ривожлантиришдаги ўрни, ушбу маданий мероснинг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиб берувчи масалалар ёритилган.

Китоб Сурхондарё вилояти тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу жамоавий монография Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техник кенгашининг 11-сонли баённомаси (2022 йил 25 ноябрь) қарори асосида А-ОТ-2021-132 рақамли гранд лойиҳаси доирасида “Сурхондарё тарих саҳнасида” номли монографияси сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8431-9-6

## КИРИШ

Дунё цивилизациясида Ўзбекистоннинг муносиб ўрни бўлиб, унинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхондарё вилояти нафақат Марказий Осиё, балки Шарқнинг қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланган. Қадимги Буюк Ипак йулида жойлашган Сурхон воҳаси зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва монийлик каби турли динларнинг шаклланиши, тараққий этишига асос солган. Мустақиллик йилларида Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа ва Қоратепа каби қадимий археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши уларга бўлган муносабат ва эътибор намунасини кўрсатди.

Дунё мамлакатларида исломломшунослик, ҳадисшунослик, калом илми каби исломий фан йўналишлари ва ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган алломаларнинг илмий меросини ўрганиш юксак даражага кўтарилди. Шунингдек, Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Абу Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Саййид Бурхонуддин Ҳусайн Термизий каби алломалар асарларининг хорижий тилларга таржима қилиниши умуминсоний гоълар ва маънавий қадриятларни тиклашда кенг қўламли ишларнинг амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Сомонийлар (IX аср), Қорахонийлар (X-XIII асрлар), Ғазнавий ва Салжуқийлар (XI-XII асрлар) даврида Буюк ипак йўлида жойлашган Чағониён ва Термизда ўзига хос маданият, маънавият, шаҳарсозлик, меъморчилик, савдо алоқалари, хунармандчилик ривожланиб, хом ва пишиқ ғиштдан шарқона меъморий услубда Эски Термизда Қирқ киз қаъласи (IX аср), Ҳаким Термизий (X-XIV асрлар), Султон Содот (XI-XIX асрлар), Эски Термиз яқинида жойлашган Пайғамбар оролидаги Зул Кифл (X аср), Термиз хукидорлари қароргоҳи Термизшоҳлар саройи (IX-XII асрлар), Абу Исо Термизий (X-XI асрлар) мақбаралари қурилган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхон воҳасида жаҳонга машҳур бўлган археологик ва архитектура ёдгорликлари, ўлкамиз тарихи билан боғлиқ зиёратгоҳларни туристик зиёрат объекти сифатида тиклаш бўйича қилинган ишлар миллий, тарихий ва моддий меросимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни номоён этади. Хусусан, Сурхондарё воҳаси Бактрия, Кушон каби тарихий

давлатлар, Олтинсой, Сангардак, Боботоғ каби гўзал табиати жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб, бу ҳудудларда қадим замонлардан юксак тараққиёт мавжуд бўлган [1:273-302].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 3 мартдаги 119-сон “Моддий-маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон давлатларида устувор масалага айланган бир пайтда, туристик соҳада мамлакатимиз салоҳиёти жуда юқори. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Сурхон воҳасида қадимги давр обидалари, илму ирфон вакиллари ва ислом дунёсида машҳур бўлган алломалар, уларнинг номи билан боғлиқ ислом меъморчилигининг ноёб архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, обод этиш, бу жойларда зиёрат туризмни ривожлантириш, нафақат вилоят, республика, балки хорижлик туристларни ҳам жалб этиш, номоддий маданият намуналарини асраб-авайлаш, давлатимиз қадим тарихи,

маънавияти, маданияти ва гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқтисодиёт ривожига улкан ҳисса кўшиш имконияти яратилади.

“Сурхондарё тарих саҳнасида” деб номланган ушбу монографиянинг I боби “Сурхон воҳасининг қадимги давр ёдгорликлари” деб номланиб, унда Сурхон диёридаги милоддан аввалги 6 минг йилликдан милодий II-III асрларгача бўлган қадимги археологик ёдгорликлар тарихи археологлар: т.ф. д.проф. Ш.Шайдуллаев ва тадқиқотчи А.Курбонов томонидан, II боб “Сурхон воҳасида зиёратгоҳлар масаласига доир қарашлар” деб номланиб, бу бобда воҳа зиёратгоҳлари, саҳобалар, хўжалар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган зиёрат объектлари тарихи, аҳоли ҳаётида туган ўрни ёритилган. Ушбу бўлим т.ф.д. С.Джураева томонидан атрофлича тадқиқ этилган. III боб “Термизийлар ҳаёт-фаолияти, илмий мероси” деб номланиб, воҳада яшаб, фаолият кўрсатган алломаларнинг илмий мероси, ислом илмлари ривожига кўшган ҳиссаси каби масалалар т.ф.н. доцент И. Усмонов томонидан, IV боб “Ўрта асрларда Чағониён адабий муҳити ва савдо-сотик алоқалари” номи билан ағалиб, унда ўрта асрларда Чағониёнда Фаррухий, Дақиқий, Тохир Чағоний, Мунжиқ Термизий каби адабиётшунос олимлар ижоди, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Чағониён ва Термизда савдо-сотик алоқалари масалалари ёритилган. Бу боб фил.ф.н. доцент Б.Муртазоев, фил.ф.н.доцент Р.Абдуллаев, т.ф.д. С.Джураева, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Ж.Чўтматов томонидан ёритилган. Китобнинг V боби “Сурхон воҳасида маънавий ва моддий маданият намуналари” деб номланиб, унда воҳа аҳолиси ҳаёти, кийимлари, фольклор, бахшичилик, кўпқари ва кураш, хунармандчилик ҳақида маълумотлар илмий асосда ёритилган. Мазкур боб. т.ф.д. С.Джураева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) Л. Азимова ва тадқиқотчи Г. Аскархўжаева томонидан ёзилган.

Тадқиқотда ўрта аср манбалари, сайёҳлар эсталиклари, Совет даври адабиётлари ҳамда Ўзбекистон Миллий архиви, Туризм ва маланий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги архив ҳужжатлари, Сурхондарё вилояти туризм ва спорт бош бошқармаси, “Вақф” хайрия жамоат фонди маълумотларидан, шунингдек, дала тадқиқотлари доирасида зиёратгоҳларнинг ҳолати юзасидан олиб борилган суҳбат натижаларидан фойдаланилган.

# **I БОБ: СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЎДГОРЛИКЛАРИ**

## **ЖАРҚЎТОН ИБОДАТХОНАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАРАКТЕРИ**

**Ш.Шайдуллаев,**  
**тарих фанлари доктори**  
**А.Қурбонов,**  
**Термиз давлат университети**  
**таянч докторанти**

Ўрта Осиё бронза даври аҳолисининг диний қарашлари бўйича археология фанида ниҳоятда катта ишлар қилинган. Жарқўтон, Даштли, Тўғалоқ ХХІ, Гонур ёдгорликларида марказлашган маҳобатли ибодатхоналар ўрганилган [1]. Уларнинг диний характери масаласида олимлар бир фикрга келишмаган бўлса-да [2], кўпчилик тадқиқотчилар мазкур иншоотларни илк зардуштийлик (протозорастризм) ибодатхоналари деб баҳолаганлар[3].

Жарқўтон ибодатхонаси 1983-1987 йиллар мобайнида А.А Асқаров ва Т.Ш. Ширинов бошлиқ ЎзР ФА Археология институтининг Шеробод отряди томонидан ўрганилган [4], 1994-2003 йиллар давомида эса, Ш.Б. Шайдуллаев ва Д. Хуфф бошлиқ Ўзбекистон – Германия археологик экспедицияси тадқиқотларни давом эттирган [5].

Иккинчи экспедиция, асосан, ибодатхонанинг ички ва ташқи тузилиши, тархлари бўйича аниқловчи ва тўлдирувчи ишларни бажарган.

Жарқўтон ибодатхонаси шаҳарнинг энг баланд жойига ва марказига маҳобатли қилиб қурилган [6]. Маҳобатли меъморчиликка эга бўлган мазкур ибодатхона тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, жуда кучли мудофааланган, деворлари 4,5 метр қалинликда. У қалъа кўринишли бўлиб, Д. Хуффнинг тадқиқотларига кўра, ярим доира шаклидаги буржларга ҳам эга [7].

Ибодатхона тадқиқотчиларининг умумий фикрларига кўра, унинг ички қурилиш усули ҳам илоҳийликка хос бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчиси, хўжалик қисми бўлиб, ибодат ва коҳинлар

хизмати билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш амалга оширилган. Ибодат учун зарур бўлган аслаҳалар, майитлар билан қабрларга кўйилган айрим ашёлар ҳам ибодатхонанинг хўжалик қисмида ишлаб чиқарилган. Бу фикрни Жарқўтон ибодатхонасининг хўжалик қисми тадқиқотлари давомида айнан қабрларда учрайдиган ярим фабрикат кўринишидаги, лойдан ясалган ҳайкаллар, бронза эритиладиган печлар ва уларда тайёрланган илоҳий предметлар, инсонларни сархуш қиладиган “хаома” сингари ичимликлар тайёрланадиган хоналар ҳам шу қисмда ўрганилган[8]. Иккинчи қисм, ибодатхона марказида ҳам ғиштдан терилган кенг майдон бўлиб, унда “чоҳартак”, марказий оташкада ўрни ўрганилган.

Учинчиси, ибодат амаллари бажариладиган илоҳият қисми бўлиб, унда оташкадалар, қудуқлар, омборхона, кулхоналар, яъни илоҳиятга даҳлдор бўлган, инсонларнинг ибодат қилишига хизмат қилган мажмуа жойлашган.

Меъморий ечим жиҳатидан мулоҳаза қиладиган бўлсак, мазкур ибодатхона Жарқўтон жамоасининг муайян даражада шаклланган дини ҳақида маълумот беради. Негаки, ибодатхоналар ҳар қандай диннинг энг ривожланган, моддийлашган кўринишидир. Аммо, мазкур ибодатхона қандай диннинг кўриниши, инъикоси эканлиги муаммолигича қолмоқда.

Жарқўтон ибодатхонасига хос хусусиятлар ҳақида гап кетганда, унинг тадқиқотчилари А.А. Асқаров ва Т.Ш. Ширинов илк зардуштийлик (протозороастризм) ибодатхонаси, деган хулосага келган. Ибодатхонанинг илк зардуштийлик характерини очиб беришда у ерда очилган алтарлар, кулхоналар, «муқаддас қудуқлар», «хаома (вино) тайёрланадиган хоналар» ашёвий манба бўлиб хизмат қилган. Ибодатхонадан ташқари, Жарқўтон қабристонидан еттита қабрда одам суяқларининг тахлаб кўмилганлиги, кенатаф қабрларда оғзадон кўринишли, цилиндроконик кичик идишларнинг топилишини ҳам тадқиқотчилар илк зардуштийлик белгилари, деб ҳисоблайдилар[9].

Аммо, Жарқўтон ёдгорлигида зардуштийлик урф-одатларига тамоман зид бўлган археологик манбалар ҳам бор. Булар жумласига майитни ерга кўмиш одатининг ва майит билан ашёлар кўшиб кўмиш Сополли маданияти аҳолисининг энг характерли анъанасидир[10]. Ундан ташқари, Жарқўтоннинг №5 тепалигида, Бўстон VI

кабристонида майитни ёқиш иншооти – крематорийларнинг мавжудлиги зардуштийлик коидаларига тамоман зиддир [11].

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) А.Шайдуллаевнинг фикрига кўра маҳобатли ибодатхоналарнинг пайдо бўлиши, амалдаги диннинг тўлиқ шаклланганлигидан, унинг ривожланишидаги кульминацион даврдан далолат беради. Шу маънода, Бактрия ва Марғиёнада ўрганилган монументал меъморчилик обидалари илк зардуштийликка хос ибодатхоналар бўлса, унда том маънодаги зардуштийлик ҳақида гапириш лозим бўлади. Бироқ, илк зардуштийлик ибодатхоналари деб таърифланаётган Жарқўтон, Даштли, Тўғалоқ XXI, Гонур ёдгорликларида зардуштийлик тўлиқ шаклланмаган, балки унинг куртаклари ҳақида сўз юритса бўлади, негаки юқорида эслаб ўтганимиздек, сўнгги бронза даврида зардуштийлик амалларига зид бўлган археологик манбалар кўплаб учрайди. Марказлашган ибодатхона куриш даражасигача ривожланган жамоа учун “прото” сўзини ишлатиш мазмунан ва моҳиятан тўғри эмас. Тадқиқотлар давомида Жарқўтон ибодатхонасининг ижтимоий характери тўлиқ очилмаган. Фикримизча, бу жумбоқни Жарқўтон жамоалари ҳаёти тарзидан излаш масалага тўғри ёндашишдир [12].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. 1993. – 187с;
2. Сарианида В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., Наука, 1977. – 184 с;
3. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.
4. Гаиров В.А., Кошеленко Г.А. Тоголок 21 и проблемы религиозной истории древней Маргианы // ВДИ. 1989, №1, - С. 171-173.
5. Абдуллаев К., Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ. - Самарканд, 2009. – 120 с;
6. Антонова Е.В. Арии и Бактрийско-маргианский археологический комплекс // Иранский мир II-I тыс. до н. э. Материалы международной научной конференции, посвященной памяти Э.А. Грантовского и Д.С. Раевского. Выпуск VI. ИВ РАН. Москва, 2013. - С. 9-16;



7. Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., 2008; Мейтарчиан М.Б., Культ огня в Бактрии // Иранский мир II-I тыс. до н. э. Материалы международной научной конференции, посвященной памяти Э.А. Грантовского и Д.С. Раевского. Выпуск VI. ИВ РАН. – М., 2013. - С. 49-54.

8. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М., ИА АН России. 1993. – С.42.

9. Huff D. Djarkutan (Archaeological research on Tere VI) // ИМКУ. № 31.

10. Ширинов Т.Ш. Средняя Азия в II тысячелетия до нашей эры и протозоартизм // ИМКУ. Вып.31. – С. 35-48.

11. Huff D. Djarkutan (Archaeological research on Tere VI) // ИМКУ 31. – С. 58-68.

12. Аскарлов А. Энг кадимий шаҳар. – Тошкент, 2009.

13. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – С. 121.

14. Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент, 1983. - С. 83.

15. Аскарлов А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата, 1989; Аскарлов А.А. Степной компонент в комплексах оседлых культур эпохи бронзы в Северной Бактрии // Проблемы древней истории Северного

16. Причерноморья и Средней Азии (эпоха бронзы и раннего железа). Краткие тезисы докладов науч. конференции, посвящ. 90-летию Б.А. Латынина. – Л., 1990;

17. Avanesova N.A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flussoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // АМГТ 29, 1997. – Р. 147-178.

18. А. Шайдуллаев. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Автореф. дисс. Тар.фан.фал.док.(PhD). – Тошкент – 2018.

## КАЙРИТТЕПА

**Ш.Шайдуллаев,**  
**тарих фанлари доктори**  
**О.Ҳамидов,**  
**тарих фанлари бўйича**  
**фалсафа доктори (PhD)**  
**А.Қурбонов,**  
**Термиз давлат университети**  
**таянч докторанти**

Статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда олиб борилган тадқиқотлар давомида Бургуттепа ёдгорлигидан 45 та стратиграфик қатламдан 3154 та шаклга эга бўлган сопол парчалари аниқланди [1]. Қазиишмалар кесимида ҳисоблайдиган бўлсак, 1-қазиишмадан 1265 та, 2-қазиишмадан 1205 та, 3-қазиишмадан 510 та, 4-қазиишмадан 139 та, 5-қазиишмадан 10 та сопол парчаси топилди. Шунингдек, 25 та сопол ёдгорликнинг устки сатҳидан териб олинди ва ўрганилди.

Улар ясаиш жиҳатдан тўрт хил технологик услубда:

- сопол чархида (28 та);
- чархсиз, қўлда ясалган (2987 та);
- текстил матодан тикилган қолиплари ёрдамида (134 та);
- лента услубида ясалган (5 та)[2].

Демак, Бургуттепа ва Кайриттепа сополлари мажмуасининг 94,7 % ни (2987 та) ҚЯНСМга характерли бўлган, қўлда ясалган сополлар ташкил этади. Улар паст ҳароратда пиширилганлиги туфайли маълум бир қисм сополларнинг устки қисмида увадаланиш кузатилади, мўрт, ташқи тарафида ҳар хил рангдаги доғлар кузатилади. Сополларнинг ташқи кўриниши сарғиш, жигарранг, қизғиш, ёрқин қизғиш, тўқ сариқ-қизғиш рангларда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сопол чархида ясалган идиш парчаларининг барчаси Сополли маданиятининг Жарқўтон даврига характерли бўлиб, ўйлашимизча, Кучук I даври одамлари шу ҳудудда жойлашган Тулкитепа, Тиллабулоқ ва Йўлтепа ёдгорликлари сополларидан бевосита фойдаланганлар ва бу ҳолат Бургуттепа сополлари статистикасида ўз ифодасини топди.

Сополларда матонинг излари шундай яхши сақланганки, арқоқ

ва ипларнинг қалинлиги, матоларнинг тўкилиш услублари бўйича хилма-хил маълумотларни олиш мумкин. Мато излари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, матоларнинг айримлари қалин ип ва арқоқда дағал, бошқалари ингичка толадан силлиқ тўкилган.

Албатта, жуда кам сонда бўлсада, лентасимон усулда ясалган идишлар ҳам қўлга киритилди. Улар асосан хумчалар бўлиб, гоҳида Бургуттепа ва кайриттепаликлар йирик идишларни қалама усулда ясаганликларини кўрсатади.

Бургуттепа сополларини лой таркиби бўйича 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- ҳар хил минерал таркибли сополлар (кварц, оҳақтош, қора кум);
- майдаланган сопол парчаларини аралаштирилиб ясалган сополлар (шамот);
- минераллар ва шамот аралаштирилиб ясалган сополлар.

Бургуттепа ва Кайриттепа сополлари энг аввал Шеробод деҳқончилик ўлкасида, паст текислигида жойлашган Кучуктепа, Жарқўтон ва Жондавлаттепанинг Кучук I даври сополлари билан таққосланди. Натижада, улар бир тарихий-иктисодий ҳудудда жойлашган ва битта маданиятга оид бўлсада, сополларнинг ашёси – лойи таркибида, ясаиш услубида, пиширишда, идишларнинг шаклларида, ранг тасвирида фарқлар кузатилди. Биринчидан, Бургут ва Кайриттепа сополлари лойи таркибида кичик тошлар, минераллар миқдори кўп, паст текисликда жойлашган ёдгорликларда ўрганилган сополларнинг лойида эса соз гил тупроққа шамот ва кичик тош таркибли кум қўшилган [3]. Сополларни пиширишда ҳам Бақтрия кенглигида жойлашган манзилгоҳларда меҳнат қилган кулоллар анча сифатга эришган. Биз ўрганаётган ёдгорликларда сопол буюмларнинг шакли жуда ҳам чегараланган. Энг оддий шаклли – коса, чапя, хумча, қозон, жуда кам миқдорда қопқоқ ясалган, холос.

Ш.Б. Шайдуллаев Кучуктепа ва Жарқўтон мисолида Кучук IA даври сополларини 16 та типга бўлган ва ҳар бир тип сополларини 2-6 тагача вариантларга ажратган [4]. Худди шундай, сополларга нақш беришда ҳам Кучуктепа ва Жарқўтон кулоллари анча ёрқин рангларни олишга эришган. Шеробод паст текислиги ва тоғ олди ҳудудлари сополлари таққосланганда кўзга ташланадиган

ҳолатлардан яна бири Кучуктепа ва Жарқўтоннинг Кучук IА даври сополларида Сополли маданияти анъаналари яққол сезилади [4]. Эътиборлиси шундаки, Кучуктепанинг энг куйи, Кучук IА қатламларида сопол чархида ясалган сополлар миқдори умумий сополларнинг 28 % ни ташкил этган ва улар шакллари бўйича 4 та типга бўлинган [4], билъакс, Бургуттепа ва Кайриттепа ёдгорликларида сопол чархида ишланган сополлар учрамайди. Бу жуда катта фарқ, албатта бу ҳолатга эътибор бериш, тарихий хулосалар чиқарилаётганда эътиборга олиш лозим бўлади.

Шеробод паст текислиги ёдгорликларидан топилган, қўлда ясалган сопол идишларнинг айримлари жуда ҳам сифатли ясалган, сифатлилиги шу даражадаки, чархда ясалган идишлардан фарқ қилиш қийинлигини ҳам эътиборга олиш керак [4].

4.1. жадвал. Шеробод паст текислиги ва тоғли олди худудларида жойлашган ёдгорликлардан топилган, Кучук I даври сополларининг киёсий жадвали.

Т/р	Шеробод паст текислигида жойлашган, Кучук I даври сополлари типологияси (Шайдуллаев, 2000)	Шеробод тоғолди худудларида жойлашган, Кучук I даври сополлари типологияси
I.	Нимкоса	+
I.1.	Ярим сферик, текис асосли нимкоса	+
I.2.	Ярим сферик, ёйиқ асосли нимкоса	+
I.3.	Паст бўйли нимкоса	-
II.	Коса	+
II.1	Ярим сферик шаклли коса	+
II.2	Коник шаклли коса	-
III.	Чапя (горшок)	+
III.1	Думалоқ қоринли, гардишлари ўткир ва ташқарига қайрилган чапя	+
III.2	Чўзиқ қоринли	+
III.3	Тухумсимон қоринли	+
III.4	Думалоқ қоринли ва бўйинли чапя	+
III.5	Цилиндр шаклли	-
III.6	Коник шаклли	-
IV.	Хум	-
IV.1	Чўзинчоқ қоринли хумлар	-
IV.2	Тухумсимон қоринли хумлар	-
V.	Хумча	+

V.1	Чўзинчоқ қоринли хумчалар	+
V.2	Чўзинчоқ қоринли ва бўйинли хумчалар	+
VI.	Ликопча	-
VI.1.	Яримсферик, текис асосли ликопча	-
VI.2.	Коник шаклли, текис асосли ликопча	-
VII.	Жўмракли ликопча	-
VIII.	Осиб қўйилган идишлар	+
IX.	Қопқоқлар	+
X.	Ваза	-
XI.	Миниатюра ҳажмли идишлар	-
XII.	Доира шаклли қозонлар	+
XII.1	Ярим ой шаклли балдоқли қозонлар	+
XII.2	Вертикал шаклли балдоқли қозонлар	+
XII.3	Жўмракли қозонлар	+
XIII.	Тобалар	+
XVI.	Ошхона чапялари	-
XVI.1	Доира шаклли ва қайрилган гардишли	-
XVI.2	Доира шаклли ва вертикал гардишли	-
XVII.	-	Воронка

Демак, жадвалда кузатилганидек, Бургут ва Кайриттепа кулолчилик идишлари шакл жиҳатдан ҳам Шеробод паст текислигида жойлашган ёдгорликлар сополларидан фарқ қилади, Кўҳитангтоғ ён бағрида жойлашган ёдгорликлар сополлари анчайин оддий, кулоллар кундалик ҳаётга энг зарур бўлган буюмларни ясаганлар.

Аммо, Кайриттепадан бошқа ёдгорликларда учрамайдиган, ҚЯНСМ кулолчилиги сополларининг янги шаклларига ҳам дуч келинди. Булар сополдан ясалган воронкасимон идишлар бўлиб [5], бундай идишлар Кайриттепада уч дона аниқланди. Уларнинг юқори қисми диаметри – 13-16 см, қуйи қисми диаметри – 6-6,4 см ни ташкил этади, иккитаси археологик бутун. Биринчи сопол воронканинг юқори қисмига бўяма нақш чизилган. Нақш сақланган қисмида 3 та қалин қия вертикал чизиқ чизилган бўлиб, остидан уларни бирлаштирувчи горизонтал чизиқ тортилган. ҚЯНСМ сополлар мажмуасида ушбу турдаги бўяма нақш мотиви кузатилмаган бўлиб, қисман Ж. Люилье типологиясидаги В64 типга монанд келади [6]. Иккинчи сопол воронканинг юқори қисмига тўқ қизил ранг билан қалин горизонтал чизиқ – нақш тортилган.

Ушбу турдаги сопол воронка ҚЯНСМ ёдгорликларида биринчи марта аниқланган бўлса-да, бошқа давр маданиятларида унга ўхшаш сопол воронкалар кузатилган. Масалан, А.А. Иессен томонидан ўрганилган Цимлянск сув омбори қурилиши худудидаги катакомб маданиятига оид ёдгорликларда сопол воронкалар аниқланган бўлиб, тадқиқотчи ушбу идишларнинг болалар қабрларидан чиққанлигини ҳисобга олиб, сут маҳсулотларига оид идиш эканлигини тахмин қилади. Ушбу маданият топилмаларини ўрганган М.В. Андреева Шарқий Манич катакомб маданияти Чоғрай VIII (18-қўрғон, 4-қабр), Цаган Уси IV ёдгорлиги (1-қўрғон, 6-қабр) сопол воронкаларни батафсил келтириб ўтади. М.В.Андреева сопол воронкаларнинг ярми катталар қабрида ўғир ва ўғирдасталар билан бирга топилганлигини таъкидлайди [6]. М.В.Андреева ушбу омилни ҳисобга олиб, Л.С.Клейннинг катакомб маданиятида учрайдиган сопол воронкаларнинг ведалардаги “павитри” атамаси билан боғлиқлигини қўллаб қувватлайди [7]. Ведаларда келтирилдиган “павитри” ибораси – қўй жунидан тайёрланган сузги (сут) бўлиб, ундан Сома ичимлиги ёғоч идишларга сузилган. Т.Я.Елизаренкованинг ведаларнинг рус тилидаги таржимасида бу ҳолатга – олтин рангли соманинг ёғоч идишда тиндирилиши, ҳукмдорнинг воронка билан келиши сингари воқеликлар таърифланган [8]. Демак, воронкасимон идишлар хаома (сома) ичимлиги билан боғлиқ мослама туридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Lhuillier J. Pottery from Burgut Kurgan and Kayrit Oasis, Preliminary Report for Season 2015 // STUDIA HERCYNIA XX/2, 2016. P. 112–121.
2. Lhuillier J. Pottery from Burgut Kurgan and Kayrit Oasis, Preliminary Report for Season 2015 // STUDIA HERCYNIA XX/2, 2016. P. 112–121.
3. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
4. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
5. Воронка – ичи тешиқ, найча асбоб. Оғзи тор идишларга суюқлик қўйиш ва филтрлаш учун ишлатилдиган, найчали, конус

шаклидаги асбоб. Қ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. А-Д. – Т., 2006. 468 б.

6. Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500-1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. – Paris. 2013. Planche 78, B64.

7. Андреева М.В. Восточноманычская катакомбная культура: анализ материалов погребальных памятников. – М., 2014. С. 27, 72, 74 Илл. 35, 24-25; 122. III, 3.

8. Клейн Л.С. Этногенез и археология. СПб.: Евразия. 2013. – Т. 2: С. 303.

9. «По сити из овечьей шерсти кругами (бегают) приятный, // Золотистый осаждается в деревянных (сосудах)» (IX, 7, 6); «Царь проходит через цедилку, громко ревя□ (IX, 85, 9); «Бык ревет в деревянном сосуде» (IX, 7, 3). П.: Елизаренкова Т.Я. Ригведа: мандалы IX–X / изд. подготовила Т.Я. Елизаренкова. 2-е изд., испр. – М.: Наука. 1999. С. 11, 75

## ТАЛЛАШҚОН

**Ш. Шайдуллаев,**  
**тарих фанлари доктори.**  
**А.Қурбонов,**  
**Термиз давлат университети**  
**таянч докторанти**

Шеробод дехқончилик ўлкаси. Кўҳитангтоғ ён бағри яйловлари ва Уланбулоксой ва Шеробод дарёлари сув хавзаларини ўз ичига олади. Кучук I даврида воҳанинг маркази ролини Кучуктепа ёдгорлиги бажарган бўлса, қадимги Бактрия маданияти даврига келиб бу ўлкада Жондавлаттепа шаҳри бунёд этилади ва у воҳанинг маркази вазифасини ўтайди. Агар Кучуктепа стратегик жиҳатдан ноқулай, кичик сув ўзани бўйида жойлашган бўлса, Жондавлаттепа Шеробод дарё ўзанида, халқаро савдо, яъни Мароқанд – Бактра йўли устида жойлашганлиги билан характерланади. Жондавлаттепанинг умумий майдони 8 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларидан иборат. Ёдгорликда ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар бу ерда э.ав. VIII асрдан бошлаб, эрамининг IV асригача шаҳар ҳаёти давом этганлигини кўрсатди. Шеробод дехқончилик ўлкасида Жондавлаттепадан ташқари Кучуктепа, Талашқонтепа I каби ёдгорликлар жойлашган.

Шимолий Бактриянинг илк темир даврига оид жанубий Ўзбекистон ҳудудида мукамал ўрганилган ҳарбий истехкомқалъаларидан бири Талашқонтепадир. Бу ёдгорлик Шеробод туманининг Бойқишлоқ ёнида жойлашган. У доира шаклида, диаметри 135м. қалинлиги 5 м.дан кам бўлмаган мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа девори 15 та ярим айлана шаклидаги буржлар билан мустаҳкамланган. Девор ва буржларга икки қатор шинаклар ўрнатилган. Ёдгорликда археологик қазишмалар олиб борган Э.В.Ртвеладзе ва Ш.Р.Пидаевларнинг ёзишича, қалъанинг асосий мудофааси унинг қалин ва баланд девори устида олиб борилган. Қалъага кириш дарвозаси унинг шимолий-ғарбий томонида, узун йўлак шаклида қурилган. Қалъанинг ичида мудофаа девори бўйлаб уй-жойлар қурилган. Қалъанинг марказий қисми эса очиқ ҳовли бўлиб, у ерда кундузлари ҳарбий машқлар



ва турли тадбирлар ўтказилган, кечалари эса, ҳайвон сақланган. Қазилган жараёнида қалъада жуда кўп дон сақлаш хумлари топилди. Қалъа деворлари остида, буржлар ичида беҳисоб бронза ва суякдан ясалган ўқ-ёй учлари, сопол парчалари топилди. Бу топилмалар қалъанинг функционал характерини белгилайди.

Талашқонтепа I доира ва квадрат шаклида қурилган қалъалар типига мансуб бўлиб, ушбу типга оид ёдгорликлар кучли муҳофизланганлиги ва ҳарбий характерга эгаллиги билан характерланади.

Қалъанинг ички қисми очиқ ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари фақат муҳофизат деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилади.

Қадимги Бактрия маданияти оид Талашқонтепа I ёдгорлиги қурилишларга алоҳида эътибор берилган. Бундай дейишимизга ётарлича археологик маълумотлар тўпланган. Масалан Қизилтепа, Хаитободтепа шаҳарлари энг ривожланган фортификация билан муҳофизат қилинган бўлса, Талашқонтепа I ва Бандихонтепа II ҳарбий истеҳкомлари алоҳида муҳофизат иншоотлари сифатида шаклланади.

Шаҳарларнинг арк ва шаҳар қисми ҳам муҳофизат деворлари билан ўраб олинганлиги ҳамда айни вақтда чуқур ва кенг хандақларнинг ҳам қазилганлигининг гувоҳи бўламан. Шаҳарларнинг муҳофизат деворлари пойдеворлар устига қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача боради. Муҳофизат деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг муҳофизат қудрати янада оширилган. Деворлар ҳам, буржлар ҳам шинаклар билан таъминланган. Ўрта Осиё археологиясида муҳофизат деворларига буржлар ўрнатиш бронза давридан маълум бўлса-да, уларга шинаклар қўйиш илк маротаба қадимги Бактрия маданияти даврида кашф этилганлиги шу даврда муҳофизат ишларига алоҳида эътибор берилганлигига яна бир бор ишорадир. Талашқонтепа муҳофизат иншоотининг такомиллашуви жанг қуролларининг такомиллашуви билан мутаносиб равишда кечган. Қадимги Бактрия маданияти даврида илк маротаба уч қиррали пайконларнинг кашф этилганлигини кузатишимиз мумкин.

Талашқон I ва Бандихон II ёдгорликлари Ахамонийлар империяси тузумининг ҳарбий деспотизм эканлигини тасдиқловчи ҳар бир деҳқончилик ўлкасида алоҳида қурилган ҳарбий истеҳкомлар – қалъалар сифатида вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Бактриянинг ахамонийлар даври ёдгорликларини, унинг моддий маданиятини ўрганиш ва бошқа ҳудудлар билан таққослаш

натижасида шундай хулосага келдикки, Бактриянинг Ахамонийлар империяси таркибида ўз ўрни бўлган. Бактрияликлар Эрон Ахамонийлари ҳарбий қуроқларининг такомиллашувига катта ҳисса қўшишган. Ўрта Осиё қуроқларининг, ҳар хил тақинчоқларнинг ва металлдан ишланган идишларнинг Эронга олиб борилганлиги Персеполь рельефларида ифодаланган расмларда кўринади. Ундан ташқари металл қалқонли, отлари ҳам қалқон билан ҳимоя қилинган жангчиларнинг, яъни шу тарзда қуроқланиш одатининг Ахамонийлар даврида Эронга, ундан олд Осиёга ва Ҳиндистонга тарқалганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан зикр этилади. Бу маълумотлар ҳарбий соҳанинг ривожланганлигини кўрсатади.

Биз юқорида Шимолий Бактрия ҳудудларида бронза ва илк темир даврида яшаган ўтроқ аجدодларимизга тегишли Таллашқон ёдгорлиги ҳақида фикр юритдик. Ушбу ёдгорлик ўзбек элатининг халқ сифатида илк бор шаклланиш даври моддий маданияти бўлиб, уларнинг излари, уларга хос оригинал моддий маданият обидалари илк темир даврдан бошлаб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ҳам кенг тарқалган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Древнебактрийская крепость Талашкантепа «Российская Археология», № 2, – Москва-1993, – С. 133-147.

2. Ширинов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия – минг шаҳарли мамлакат. – Б.12-13.

3. Марущенко А.А.Елькен-депе (Отчет о раскопках 1953, 1955 и 1956 гг.). Труды института истории, археологии и этнографии. – Ашхабад, 1959. – С.65.

4. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. –Ташкент, 2000.

5. Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region. La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. – Paris, 2001.

6. Shapulat B. Shajdullaev. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien. AMIT. Band 34. – Berlin, 2002. P.292, Abb.41.

7. Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства. История Иранского государства и культуры. – М., 1971. – С.5-37.

## ХАИТОБОДТЕПА

**Ш. Шайдуллаев,  
тарих фанлари доктори.  
А.Курбонов,  
Термиз давлат университети  
таянч докторанти**

Маълумки, шаҳарлар илк синфий жамиятлар даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади. Ўрта Осиё археологиясида шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги муносабат етарлича ўрганилмаган. Шу сабабдан шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасида олимлар ўртасида ягона фикр йўқ.

Сўнгги бронза даври илк шаҳар-ёдгорликларини айрим тадқиқотчилар «бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари», деб таърифлашган бўлса, бошқалари шаҳармонанд (протогород) деб атайдилар. Илк темир даври шаҳарларини таърифлашда ҳам шу ҳолат кузатилади. Э.В. Ртвеладзе бу давр шаҳарларини «шаклланаётган шаҳарлар» тоифасига киритса, Б.А. Литвинский «шаҳарлашаётган қишлоқлар» деб таърифлайди.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги олимлар ўртасидаги илмий мунозараларнинг асосий сабаби, шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини алоҳида-алоҳида муаммо сифатида ўрганилишидир. Бу тарихий методологик жиҳатдан нотўғри, чунки илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлади ва уларнинг ривожланиб бориши ҳам ўзаро бир-бирига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши куйидаги даврларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Дехқончилик ўлкалари доирасида таркиб топган шаҳарлар (шаҳар-давлатлар). Бу давр шаҳарлари х.э.ав. II. минг йилликда ташкил топган.

Қадимги Бактрия худудида ўрганилган Жарқўтон, Дашли I каби ёдгорликлар бу давр шаҳар – давлатлари бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ва бир-бирлари билан узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Илк темир даврида Шимолий Бактрия худудида учта дехқон-

чилик ўлкаси бўлганлиги, уларнинг марказлари (Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хаитободтепа) археологик жиҳатдан аниқланмоқда.

Сурхон деҳқончилик ўлкаси Сурхондарёнинг ўрта окими худудларини бирлаштирган. Бу ерда Хаитободтепа воҳанинг маркази вазифасини бажарган. Хаитободтепа ташқи тузилиши жиҳатидан Шеробод воҳасининг маркази Жондавлаттепадан деярли фарқ қилмайди. У ҳам арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлиб, кучли мудофааланган шаҳарлар тоифасига киради. Хаитободтепа ёдгорлигига ҳам Қадимги Бактрия маданияти даврида асос солинган. Хаитободтепа шахристонининг мудофаа деворлари худудида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, унинг мудофаа девори 5 метр қалинликда бўлиб, йирик тўғри тўрт бурчакли ғиштлардан терилган (50-58x30x12-14 см). Мудофаа девор 8 метр қалинликдаги, 1,5 метр баландликдаги, пахсадан қурилган пойдевор устида қурилганлиги Қадимги Бактрия маданияти фортификациясида янгилик сифатида эътироф этилган. Хаитободтепа атрофида ҳам Бандихонсойтепа каби қишлоқ типидagi ёдгорликлар жойлашган.

Кучук I даврида воҳа марказини бажарган ёдгорликлар кейинги тарихий жараёнларда, яъни Қадимги Бактрия маданияти даврида ўз сиёсий мавқеини йўқотиб боради. Негаки, улар жойлашган географик ўрнига ўра ноқулай, кичик сув ўзанларида жойлашган. Қадимги Бактрия маданияти даврида катта дарёлар бўйларида жойлашган ёдгорликлар кучайиб, янги сиёсий марказларнинг пайдо бўлишини кузатамиз. Шеробод деҳқончилик ўлкасида Шеробод дарёси бўйида жойлашган Жондавлаттепа, Сурхондарё бўйида жойлашган Хаитободтепа ёдгорликларининг пайдо бўлиши жараёнини кузатишимиз мумкин.

Ўрта Осиё худудларида Қадимги Бактрия, «Катта Хоразм» подшоҳликларининг вужудга келиши ва бу подшоҳликларнинг Аҳамонийлар империяси таркибига кириши билан шаҳарлар тараққиётининг ушбу босқичи бошланади. Марказлашган давлатлар худуди жуда кенг бўлиб, бир ва бир неча ўлкаларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, шаҳарлар тоифаларга ажрала бошлайди. Марказлашган давлат ёки империя пойтахтлари сифатидаги шаҳарлар (Суз, Персополь), марказлашган давлат худудидаги сатраплик марказлари (Бақтр). Сатрапликлар худудидаги шаҳарларни сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб катта ёки кичик шаҳарларга

ажратиш мумкин (Афросиёб, Қизилтепа, Хаитободтепа, Кўктепа каби).

Шаҳарларнинг арк ва шаҳар қисми ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги ва айни вақтда чуқур ва кенг ҳандакларнинг ҳам қазилганлигининг гувоҳи бўламиз (Хаитободтепа, Қизилтепа). Шаҳарларнинг мудофаа деворлари пойдеворлар устига қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача боради. Мудофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг мудофаа кудрати янада оширилган. Деворлар ҳам, буржлар ҳам шинаклар билан таъминланган. Ўрта Осиё археологиясида мудофаа девориларга буржлар ўрнатиш бронза давридан маълум бўлса-да, уларга шинаклар қўйиш илк маротаба Қадимги Бактрия маданияти даврида кашф этилганлиги шу даврда мудофаа ишларига алоҳида эътибор берилганлигига яна бир бор ишорадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпоху раннежелезного века. – Ташкент, 2000. С.18-21.
2. Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсуна). Автореф. дисс. ... к.и.н. Л., 1978. – С.5
3. Сагдуллаев А.С. Некоторые аспекты проблемы происхождения Среднеазиатских комплексов типа Яз I. // СА, 1989, №2. – С.62.
4. Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С.34-37.
5. Сабиров К. Обоонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии. Автореф. дисс. ... к.и.н. – М., 1978.
6. Shapulat B. Shajdullaev. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien. AMIT. Band 34. – Berlin, 2002. – P.271-276.

## ЖОНДАВЛАТТЕПА

**Ш.Шайдуллаев,**  
**тарих фанлари доктори**  
**Абдусамад Қурбонов,**  
**Термиз давлат университети**  
**таянч докторанти**

Қадимги Бактрия маданияти даври ёдгорликларини ўрганиш методик жиҳатдан бироз қийинчиликлар туғдиради, негаки шу давр ёдгорликлари сўнгги даврлар, яъни Ахамонийлар ва илк антик даврлар маданий қатламлари билан қопланиб қолган. Шундай бўлса-да, ўтказилган археологик тадқиқотлар натижаси ўларок, ёдгорликларнинг жойлашиш услублари ва типологиясини ёритишни ва шу усул орқали Қадимги Бактрия шоҳлигининг шаклланиш жараёнини кузатишни мақсад қилдик. Қадимги Бактрия маданиятининг илк даври маданий қатламлари (Кучук II) фақат Кучук I даври ёдгорликларида учрайди. Улар Шимолий Бактриянинг еттита ва Жанубий Бактриянинг тўртта деҳқончилик ўлкаларида жойлашган.

### **Кучук I даври ёдгорликлари ва уларнинг воҳалар бўйлаб жойлашиши**

<b>Деҳқончилик воҳалари</b>	<b>Воҳа маркази</b>	<b>Воҳа ҳудуди</b>	<b>Ўлкадаги бошқа ёдгорликлар</b>
<i>Шеробод</i>	Жондавлаттепа	Уланбулоқсой, Бўстонсой ўзанлари	Жарқўтон, Кучуктепа
<i>Бандихон</i>	Бандихон I	Бандихонсой ўзанлари	Ғозимулла
<i>Мишоди</i>	Қизилтепа	Мишоди ўзанлари	Қизилча VI, Бўйрачи 2, Номсизтепа

Кучук IV даври маддий маданияти Шимолий Бактриянинг Кучуктепа [1], Талашқонтепа I [2], Қизилтепа [3], Бандихон I [3], Хатибод [4], Жондавлаттепа [2] ва яна жуда кўплаб ёдгорликларда қайд этилган.

Шеробод деҳқончилик ўлкаси. Кўҳитангтоғ ён бағри яйловлари ва Уланбулоқсой ва Шеробод дарёлари ҳавзаларини ўз ичига олади. Кучук I даврида воҳанинг маркази ролини Кучуктепа ёдгорлиги бажарган бўлса, Қадимги Бактрия маданияти даврига келиб бу

ўлкада Жондавлаттепа шаҳри бунёд этилади ва у воҳанинг маркази вазифасини ўтайди. Агар Кучуктепа стратегик жиҳатдан нокулай, кичик сув ўзани бўйида жойлашган бўлса, Жондавлаттепа Шеробод дарё ўзанида, халқаро савдо, яъни Мароқанд - Бактра йўли устида жойлашганлиги билан характерланади.

Жондавлаттепанинг умумий майдони 8 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларидан иборат. Ёдгорликда ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар бу ерда мил.ав. VIII асрдан бошлаб, эрамининг IV асригача шаҳар ҳаёти давом этганлигини кўрсатди [2]

Шеробод деҳқончилик ўлкасида Жондавлаттепадан ташқари Кучуктепа, Талашқонтепа I каби ёдгорликлар жойлашган.

Шеробод деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Уланбулоқсой ва Шеробод суғорилиш районларини бирлаштириб, Шеробод воҳаси ва Кўҳитангтоғ яйловларини ўз ичига олган. Ўлканинг сиёсий маркази вазифасини Жондавлаттепа ёдгорлиги бажарган. Жондавлаттепа шаҳридан ташқари бу ерда Кучуктепа, Пшактепа, Талашқон I каби ёдгорликлар жойлашган.

Шимолий Бактриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

Арк ва шаҳристон қисмдан иборат бўлган, мудофаа деворлар билан ўралган, умумий майдони 22 гектаргача бўлган шаҳарлар. Шимолий Бактрия худудида Жондавлаттепа, Қизилтепа, Хаитободтепа, Байтудашт IV, Қалаи Мир каби ёдгорликлар шаҳарлар тоифасига киради.

Географик жиҳатдан Пачмактепа Жондавлаттепанинг, Пишактепа эса Кучуктепанинг ёнида жойлашган. Жондавлаттепа ва Кучуктепа Бактриянинг Аҳамонийлар даврига оид энг асосий, сераҳоли ёдгорликларидан ҳисобланади. Фикримизча, Пачмактепа ва Пишактепа ёнидаги ёдгорликлар – Жондавлаттепа ва Кучуктепа ёдгорликлари аҳолисининг маънавий эҳтиёжлари учун хизмат қилган.

## Шимолий Бақтриянинг Ахамонийлар даври ёдгорликлари ва жойлашиши

Дехкончилик ўлкалари	Ўлка маркази	Аркли қишлоқ	Арксиз қишлоқ	Қўرғон	Қалъа	Мақсадли ёдгорлик
<i>Шеробод</i>	Жондавлат тепа	Добилқўрғон			Талашқон I	Пишак, Пачмак тепа
<i>Бойсуи</i>	Қизилтепа	Обишир	Бандихон-сойтепа	Қизилча I-XI	Бандихон I	
<i>Сурхон</i>	Хаитобод	Шўроб				
<i>Кофирниҳон</i>	Қалаи Мир		Бобуртепа Болдайтепа			
<i>Панж</i>	Байтудашт		Байтудашт I	Байтудашт II-III		

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аскарров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: «Фан» Узбекской ССР, 1979
2. Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. – Paris, 2001. – P. 178.
3. Сағдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа ... – С. 21.
4. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... – С. 98. – Ташкент: «Фан» 2000.
5. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... – С. 88.



## АЙРИТОМ

**Ш.Шайдуллаев,  
тарих фанлари доктори.  
А.Курбонов,  
Термиз давлат университети  
таянч докторанти**

Буддавийлик Ўзбекистон жанубининг қадимги ва илк ўрта асрлардаги тарихида чуқур из қолдирган. Бу ерда муддавийлик маданиятига оид ёдгорликларини очиш ва ўрганиш, юқори кўринишдаги бадий асарлар ва буюмларнинг топилганлиги ҳам бундан далолат бериб туради. Шуниси эътиборлики, Марказий Осиёда буддавийликнинг энг машхур ва қадимги ёдгорликлари айнан Ўзбекистоннинг жанубидан топилган. Унинг худуди милоднинг I-III асрида мавжуд бўлган, дунёдаги энг катта салтанатлардан бири бўлган Кушон империяси таркибига кирган.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистоннинг жанубида ноёб буддавийлик ёдгорликлари бўлмиш Қоратепа, Фаёзтепадаги ер ости ва ер усти ибодатхона ва монастирлари, Зурмала ступаси, Далварзинтепа ва Зартепада буддавийлик ибодатхоналари яхши ўрганиб чиқилган. Ушбу ёдгорликларни ўрганиш Марказий Осиёда буддавийлик маданиятини тарихига ойдинлик киритиш билан бир қаторда, Хитой ва Узоқ Шарқ худудига ушбу диннинг тарқалиши, унинг ўрнини тўлиқроқ тушунишга жуда ката имкон беради.

Жанубий Ўзбекистондаги буддавийлик ёдгорликларини археологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, Бактрияда Буддавийлик дини ва буддавийлик маданиятини тарқалиш даври милоднинг илк яъни I-III асрларида Буюк Кушонлар империяси бошқаруви даврига тўғри келади.

Шуни яна таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим тадқиқотчилар бу жараён мил.авв. III асрнинг иккинчи ярмига, бошқалар эса юечжилар даврига (мил.авв. II- I асрлар ва милоднинг I асрига) тўғри келади деб ҳисоблайдилар. Яна баъзи тадқиқотчиларни таҳминларига кўра, бактрияликлар буддавийлик динини машхур Кушон подшоҳи Канишка бошқаруви даврида (милодий I охири ва милодий II асрнинг бошлари) қабул қилган деган хулосаларни

ўртага ташлашмоқда ва бугунги кунда ҳам бу мавзу энг ката муаммолардан бири саналади.

Шуни тахмин қилиш мумкинки, бақтрия аҳолиси буддавийлик дини билан милодий I асрда танишган ва Кушон подшоҳлиги мавжуд бўлгунгача бу ерда Ҳиндистон миссионерларидан иборат машхур колониялар мавжуд бўлган бўлиши мумкин.

Марказий Осиёда буддавийлик ва буддавийлик бадиий маданиятини ўрганиш 1932 йилда, Термиздан 7 километр юқорида жойлашган Айритом ҳудудида Амударё тубидан акант барглари орасида арфа, дўмбира ва уд чалаётган белбоғли учта тош релеф топилганидан сўнг бошланган. Ушбу машхур топилманинг топилиши Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавийлик бадиий маданиятини ўрганишда жуда ката туртки бўлди.

Олимлар томонидан 1933 йилдан бошлаб, Айритомда яна худди шунга ўхшаш ва шу кўринишга яқинроқ еттида бўртма тасвирга эга фриз топилди. Бу блоклар Амударёнинг баланд қирғоғида жойлашган ва уч томондан мудофаа деворлари ҳамда миноралари билан ўралган маҳобатли бино безаклари бўлган. Бино милоднинг I асрига оид иморат харобалари устида қурилганлиги билан диққатга сазовордир.

Олимларнинг ва мутахассисларнинг фикрича, тасвирли релеф блоклар бино пештоқларининг тепасини беагаган бўлиши мумкин.

1964 йил Айритом ибодатхонасидан шарқий томонга қараб 1 км узоқликда сирти тош бўлақлар билан қоплаб қолинган ступа кавлаб олинган. Афсуски, экспедиция кундаликлари ва чизмалари ёниб кетган. 1963–1966 йилларда Айритомда Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (Б. Турғунов) ҳам қозиш ишлари олиб борган. Деворларининг калинлиги 1,5 м, балаландлиги 2–2,5 м бўлган 15 га яқин эшик ва деразасиз хоналар (диний маросимлар ўтказилган хоналар) топилган. Хоналарга юқоридан махсус зиналар орқали тушилган.

1979 йилда эса будда ибодатхонасида биноси ёнида археологлар икки персонаж тасвирланган, тагсупасида ўйиб ёзилган олти сатрдан иборат ажойиб ёзув намунаси туширилган тош бўлақларини топишган.

Айритомдан топилган саккизта горизонтал кошиндан иборат фриз бурчакларида валюталар ва икки қатор акант барглари

тасвирланган бўлиб, уларнинг ўртасида кўкрагигача бўрттириб ишланган ва акант баргари орасида учиб чиқаётган одам тасвири туширилган. Улар само мусиқачилари – арфа, уд, кўшнайн, дўмбира, чанг чалаётган гантхарвалар, гулчамбар, идиш ва мевалар кўтарган донатислардир.

Саҳнанинг барча иштирокчиларининг юзи этник мансублик хусусиятларига кўра катта думалок юзи ва бироз каттарок куймуш кўзи, чаккага тортилган қошлари ва киррабурни, кишгина оғзи ва ўзига хос ияги алоҳида тасвирланган. Уларнинг ҳаммаси чиройли либослар ва ҳашаматли бош кийимларни кийишган. Шу билан бир қаторда, тасвирланган персонажларнинг юзида ҳаяжон, ёшини кўрсқатувчи алоҳида белгилари йўқ, таркидунё қилган киши киёфаси акс эттирилган ва танаси жонсиз киёфада. Олимларнинг тахминларига кўра, эҳтимол бундай тасвирларнинг таърифи Бактриянинг бадий маданий услубини афзал кўрганидандир.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Айритомда “Парининнирвана – жатака” билан боғлиқ саҳна акс эттирилган. Ривоятларга кўра, бешта мусиқа асобобидан чиқаётган куй мотам рамзини ифодалаб, вафот этган Буддага бағишланаётганлигидан далолат беради ва уни энг охири йўлга кузатаётган бўлиши мумкин.

Шуниси кизиқки, ушбу фриздаги саҳна Айритомда маҳаллий аҳоли вакиллари образлари акс эттирилган бўлиб, бу жиҳат уни шу ерлик аҳоли образлари орқали тушунишини осонлаштирган. Бундан ташқари, Айритом фризида Гандхара санъати билан боғлиқ бўлган кўринишлар ҳам аниқланган ва шу орқали олимларнинг Кушон салтанати бўйлаб тарқалган мислсиз тарихий-маданий воқелик сифатида гандхара мактаби бўлганлигини тасдиқлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш. Пидаев. Қадимги Ўзбекистонда Буддавийлик ва Буддавийлик мерос. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 120б.

## ЭСКИ ТЕРМИЗ

**Ш.Шайдуллаев,**  
**тарих фанлари доктори**  
**А.Қурбонов,**  
**Термиз давлат университети**  
**таянч докторанти**

Термиз қадимги Бактрия давлатининг қоқ ўртасида, айтиш жоизки, юрагида вужудга келган. Қадимги Бактрия географик жиҳатдан шимолда Ҳисор, шарқда Помир, жанубда Ҳиндикуш тоғлари, ғарбда Ҳерируд ва Мурғоб дарёлари билан чегараланган. Ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жануби, Афғонистоннинг шимолий вилоятларини ўз ичига олган.

Бактрия турли манбаларда турлича аталган. Энг қадимги ёзма манба – “Авесто”да Ахурамазда томонидан яратилган 16 та мамлакатдан тўртинчи бўлиб, туғлари баланд кўтарилган гўзал мамлакат Бахди (авесточа *Vāxδīm sīrām aēdδβō. drafšam*) яратилганлиги айтилади. Беҳистон битикларида бу ўлка Бактриш, юнон-рим манбаларида Бактриана – Βακτριανή номи билан тилга олинади [1].

Юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарига кўра, Бактрия шаҳарлари орасида энг йириги Бақтра бўлган [2]. Квинт Курций Руфнинг айтишича, Бактриянинг пойтахти Бақтр бўлиб, Парапамис тоғлари этагида жойлашган. Унинг деворлари тагидан Бақтра дарёси оқиб ўтади. Мазкур дарё шаҳар ва вилоятга ном берган [3].

Милоддан олдинги VI аср 30 йилларидан то мил.ав. 330 йилга қадар Термиз шаҳри худуди аҳамонийлар Эрони таркибида бўлган. Бу даврда Эски Термиз ўрнидаги аҳоли манзили унча катта бўлмаган. Аммо муҳим кечув ўрнида жойлашганлигидан стратегик аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Сўнгги тадқиқотларга кўра, милоддан аввалги V–IV асрларда ҳозирги Термиз ўрнида (темир йўл вокзали, университет ва тиббиёт коллежи атрофида) унча катта бўлмаган аҳоли пункти вужудга келади. Аммо у Бактрия аҳоли манзиллари тизимида унчалик рол ўйнамаган. Чунки, Бактриянинг шимолига ўтадиган асосий карвон йўли ҳозирги Термиздан 30 км ғарбда жойлашган Шўроб қишлоғи

ўрнида бўлган [4].

Милоддан аввалги 330 йилда Александр Македонский сўнги ахамоний Доро III ни тор-мор этиб, Бактрия ерларига кириб келади. Келиф кечуви ёнида Амударёдан ўтиб, Сўғдиёнага бостириб киради. Лекин Спитамен бошчилигида кўтарилган кўзғолон уни чекинишга мажбур этади. 328 йилнинг баҳорида Александр Македонский Шўроб кечувидан ўтиб, Сўғдиёнага бостириб кирган ва кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлган. Б.Литвиновнинг таъкидлашича, Александр Македонский Сўғдни ишғол қилгач, Термизни забт этишга шошилган. Ва милоддан олдинги 327 йилда Термизни забт этган [5].

Халқ ўртасида тарқалган ривоятларда айтилишича, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Термизни қамал қилганида шаҳарни шоҳ Каштасб мудофаа этган экан. Шаҳар ишғол қилинган, дарё узра кўприк бунёд этиш ҳақида фармони олий берилган. Афсонага кўра, Александр вафот этгач, Термизда қолдирилган кичикроқ гарнизон бошлиғи ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилган ҳамда муайян вақт шаҳар ва унинг атрофини бошқарган [6].

Термиз халқаро савдо алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутган. Милоддан аввалги II асрда Бактрия ва Ҳиндистоннинг ягона давлат таркибига кирганлиги бу алоқаларнинг янада кенгайишига имкон берган. Термиздан топилган фил суяги ва шишадан ишланган буюмлар бунинг далилидир. Улар орасида эллингач санъат анъаналари асосида фил суягидан тайёрланган яланғоч унумдорлик маъбудасининг хайкалчаси алоҳида қизиқиш уйғотади [7].

Кушонлар даврида Термиз Хитойдан Ҳиндистон ва ундан Европага борувчи транзит савдони амалга оширган. Худди шу даврда Термизга Ҳиндистондан буддавийлик дини кириб келади. Бу дин қарийб етти аср (милодий I – VII асрлар) давомида Кўхна Термиз аҳолиси мафкурасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Диний-фалсафий таълимот сифатида буддизм милоддан аввалги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда юзага келган. Буддизм асосчиси, қадимги ҳинд афсонасида айтилишича кшатрия сулоласига мансуб шахзода бўлган. Уни Сиддхартха Гаутама деб аташган. Будда машҳур ислохотчи сифатида танилган. У инсонларни тўғри яшаш, эзгу ва савоб ишларни қилишга даъват этган, буддавийлик таълимотига эргашувчи роҳиб ва роҳибалар жамоасини тузган.

Дастлаб Банорасда, кейин эса умрининг охиригача бошқа шаҳар ва қишлоқларда ўз таълимотини тарғиб қилган.

Буддизм тарқалган Осиё мамлакатларида будда ҳақида турли афсоналар пайдо бўлган. Будда тасвири акс эттирилган ҳайкаллар ва турли ҳайкалчалар буддизмда муқаддас ҳисобланади. Термиздаги буддавийлик ёдгорликларини тадқиқ қилиш натижасида буддизмнинг Ўрта Осиёга кириб келиш вақти ва йўлини аниқлаш имкони вужудга келди. Термиз аҳолиси буддизм билан дастлаб милоддан аввалги I асрда танишишган. Қушон ҳукмдорлари Қужула Қадфиз ва Вима Қадфиз ҳукмронлиги даврига келиб будда жамоаларининг мавқеи анча ортган. Шаҳарда буддизмнинг асосий равақ топиш даври милодий II – IV асрларга тўғри келади.

Термиздаги будда ёдгорликларини ўрганиш 1936–1938 йилларда М.Е.Массон раҳбарлигида ишлаган Термиз археологик-комплекс экспедицияси (ТАКЭ) билан боғлиқдир. Экспедиция бу ерда кенг қўламли тадқиқот ишларини амалга оширди.

Бундан кейинги тадқиқот ишлари иккинчи жаҳон уруши ва бошқа сабабларга қўра узок муддат тўхтаб қолди. Ниҳоят, 1961 йилнинг баҳорида археолог Б.Я.Ставиский раҳбарлигида Қоратепадан тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Кейинроқ, Қоратепадан бир километр масофадаги Фаёзтепа ёдгорлиги археолог Альбаум томонидан ўрганилди ва у ерда буддавийлик монастери бўлганлиги аниқланди.

Термиз яқинидаги буддавийлик ёдгорликлари ҳозирга қадар ўрганилмоқда. Қоратепа – Эски Термиз қалъаси яқинида жойлашган тепалик. Бу ердаги 7 гектарлик майдонда йирик буддавийлик ибодатхонаси барпо этилган. Ибодатхона мажмуаларининг кўпчилиги ер юзасидаги ҳамда ғор иншоотларини ўз ичига олган. Тепалик рельефи бир неча ўнлаб катта-кичик ўйма хоналар комплекси қурилишига сабаб бўлган. Ҳар бир комплекс махсус ўйилган ғорлардан, даҳлизлардан ва ташқи иморатлар: ибодатхона – ховлидан иборат. Ғорлар ичкаридан узун коридор билан уланган.

Қоратепадан 1 км шимол томонда ер юзасига қурилган Фаёзтепа монастери топилган. 1968 йилда чўпон Абсад Бекнаев монастр жойлашган ҳудудда мергели тошидан ишланган ҳайкалчага кўзи тушади. Эртаси куни ўз топилмасини Сурхондарё ўлкашунослик музейига топширади. Бу жойни музей археологи В.А.Козловскийга

кўрсатади. Ўша йили кузда Фаёзтепада қазишмалар бошланади. Унга археолог Л.И.Альбаум бошчилик қилади. 1968–1976 йиллар давомида монастир худуди тўлиқ ўрганилади. Тадқиқотлар натижасида ёдгорлик милодий I–III асрларга оид будда монастир-ибодатхона мажмуаси (вихара) бўлганлиги аниқланди.

Ёдгорлик уч қисмдан иборат, яъни марказий қисмида ибодатхона, унинг шимоли-ғарбида монастир, жануби-шарқида эса хўжалик аҳамиятига эга иншоотлар аниқланган.

Фаёзтепадан кўпгина ашъвий буюмлар топилган. Улар орасида энг машхури маҳаллий мергелитошдан моҳирлик билан ишланган 118 килограммлик ҳайкал – будда ва унинг икки ёнида қўл қовуштириб, сиғиниб ўтирган икки монах ҳайкалчаси ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда реалистик санъатнинг энг қадимги монументал намунаси бўлган деворий суратлар биринчи бор топилди.

Фаёзтепада олиб борилган қазишмалар натижасида қушон шоҳлари: Вима Кадфиз, Хувишка, Васудева III тангалари, III–IV асрларга оид сосоний шоҳларининг тангалари топилди. Фаёзтепа будда ибодатхонаси III аср охири – IV аср бошларидаги қушон-сосоний урушлари даврида вайронага айланган. Ундаги қимматбаҳо буюмлар талаб кетилган. Будда ҳайкаллари бузиб ташланган. Сосонийлар Амударёдан ибодатхонага келтирилган сув қувурларини ҳам бузиб ташлаганлар.

Араб истилоси арафасида эса монастир қумтепага айланиб бўлган [8].

Эски Термиз ташқарисида зўрмала минораси жойлашган. Бу минора қачонлардир тош бўртмалар билан безатилган йирик будда ступасининг қолдиғи бўлган. Зўрмаланинг ҳинд ступаларидан фарқ қилади. Аммо шарқий Афғонистондаги хадда ступасига яқин туради [9] Ступа – санскрит тилида коинотнинг тимсоли бўлиб, цилиндр шаклида қурилган. Тепа қисми гумбаз шаклида, пастки қисми майдонча бўлган. Ғиштдан қилинган майдончага зинапояли йўлак орқали чиқилиб, тоат-ибодат қилинган. Ступалар ибодатхоналарда ёки ўзи алоҳида қурилган [10].

Ступа илгари қовариктош ғилофига эга бўлган ва чиройли безатилган, унинг ягона цилиндр шаклидаги қурилиши гумбазсимон бўлади. Ступа зинали баланд асос устида қурилган, у ҳам ғиштдан барпо этилган. Унинг сирти ҳеч қачон қизил ранли пишиқ ғишт

билан қопланмаган, балки бўртма тош қоплама билан безатилган бўлиб, унда буддавий қурилишлар акс эттирилган.

Яна иккита будда ибодатхонаси Термиз яқинидаги Айритом шаҳарчасида жойлашган эди. Улар замонамизга қадар қисман етиб келган. Улардан бири текисланган грек-бактрия ибодатхонаси ёки кўрғон деворлари устидан қурилган. У ерда квадрат шаклдаги зиёратгоҳ ва Будда ҳайкали бўлган.

Милоднинг III аср ўрталарида ўзаро низолар ва сосонийларнинг тазйиқи туфайли кушонлар давлати инқирозга учрайди. Сосонийлар давлати милодий 226 йилда Парфия давлати ўрнида вужудга келади. Сосоний ҳукмдорлари ўз босқинчилик йўналишларини шарққа – Кушон подшолиги ва ғарбга – Рим империяси сарҳадларидаги Сурияга қаратишади. Натижада, Термиз турли сиёсий кучларнинг тўқнашув майдонига айланади. Хусусан, сосонийлар шоҳи Шопур I (242–272) амалга оширган ҳарбий юришлар натижасида Кушон подшолари мағлубиятга учрашади. Бактрия, шу жумладан, Термиз ҳудуди ҳам эронликлар томонидан босиб олинади. Сосонийларнинг Термизда бўлганликлари Қоратепاداги тарихий битикда сақланиб қолган [11]. Эрон босқинчиларининг ҳарбий юришлари вақтида Термиздаги будда ибодатхоналари, хусусан, Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари ҳам инқирозга учрайди. Сосонийлар ибодатхона олтинларини талайдилар, ибодатхона қошидаги барча олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни талаш билан чегараланмай, ҳатто Будда ва будда санамларини парчалаб, улар устидан юргизилган олтин пардозларини ҳам эритиб оладилар. Сосонийлар Амударёдан ибодатхонага келтирилган сув иншооти – водопровод қувурларини ҳам бузиб ташлайдилар [12]. Кушон подшолиги ерларида сосонийлар Эронига тобе бўлган Кушон-Сосоний вилояти ташкил этилади. Ушбу вилоят ҳукмдорлари сосоний шахзодалари томонидан идора қилинган, Кушон шоҳи ёки Буюк Кушон шоҳи деб танга пуллар зарб қилишган. Қоратепада олиб борилган қазिशмалар вақтида кушон-сосоний ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангаларнинг топиллиши бунинг далилидир.

IV аср ўрталаридан сиёсий майдонга янги кучлар кириб келадилар. Хитой, рим, византия ва арман манбаларида хионийлар, кидарийлар ва эфталлийлар номли қабилалар тилга олинади.

Илк ўрта асрлар давридан бошлаб ҳозирги Эроннинг шимоли-



шарқий, Афғонистон ғарби, Туркменистоннинг то Амударёгача бўлган қисми Хуросон деб аталган. Хуросон сўзи сосонийлар даврида «шарқ» маъносини англатган ва улар томонидан ушбу улкан худуд алоҳида марзбонликка берилган эди. Аммо Хуросоннинг чегаралари сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Араб географлари – ал-Балазурий, ибн Ҳавкал, ибн Рустлар Хуросон деганда янаям каттароқ худудни тушунишган. Унга Мовароуннаҳрни ҳам қўшишган. ал-Балазурий бизгача етиб келмаган географик асарида ёзишича, «Хуросон тўрт чоракдан иборат; биринчи чораги – Эроншаҳр, унга Нишопур, Кўхистон, Табасайн, Ҳирот, Бушанг, Бадғис ва Тус; иккинчи чораги – Марвишоҳижон, Сарахс, Наса, Бавард, Марвируд, Толиқон, Хоразм, Балх дарёси бўйида жойлашган Замм ва Амул, ҳамда Бухоро; учинчи чораги Амударёнинг ғарбида жойлашган. Ушбу чоракнинг дарёгача бўлган масофаси 8 фарсахдир. Унга Фарёб, Жузжон, Юқори Тохаристон – бу Толиқон, Хуттал, Валвалидж – бу Музаҳим ибн Бистам шаҳридир, Рустоқбоиқ, Бадахшон – ундан Тибетга йўл ўтган, Андаробдан йўл Кобулга ўтган, Термиз – Балхдан шарқда жойлашган, Чағониён, Замм, Қуйи Тохаристон, Хулм ва Саманган; тўртинчи чораги – Мовароуннаҳр, унга – Бухоро, Чоч, Турарбанд, Сўғд – бу – Кеш ва Насаф, Рубистон, Ушрусона, Санам – Муқаннинг кўрғони, Фарғона, Бутгам, Самарқанд, Абаркат, Банокат ва турклар еридир» [13].

Эски Термиз ўз даврида савдо йўллари кесишган нуқтада жойлашганлигидан барча даврларда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. С.Турсунов, Э.Қобулов, Б. Муртазоев, Т.Пардаев, И.Умаров. Термиз тарихи. 2019.
2. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. – III в. н. э.). – Т., – 1940, – С. 26–30.
3. Руф К.К. История Александра Македонского. – М., 1993, книга 7, 4, 31.
4. С.Турсунов, Э.Қобулов, Б. Муртазоев, Т.Пардаев, И.Умаров. Термиз тарихи. 2019.
5. Литвинов Б. 1898.
6. Термиз тарихи. – Б. 83.
7. Термиз тарихи – Б. 14.

8. Асқаров А. 2008.
9. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. 1990
10. Жалолиддин Мирзо. 2001
11. Луконин В.Г. 1969, – С. 40 – 46.
12. Асқаров А. 1977. 33 – 34 б
13. ал-Балазурий, – С. 11 – 12, прим. №1.

## II БОБ. СУРХОН ВОҲАСИДА ЗИЁРАТГОҲЛАР МАСАЛАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР

---

---

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЗИЁРАТГОҲЛАР МАСАЛАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар маҳаллий аҳоли орасида турли диний қарашлар билан боғлиқ культлар (санам, уй хўжалиги воситалари) мавжуд бўлган ҳамда маҳаллий аҳоли орасида диний эътиқодлар зиёрат кўринишида сақланиб қолган. Кейинги жараёнларда араблар ва мўғуллар истилоси даврида ҳам бундай одатлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ислом дини ўлкада тўлиқ қарор топгандан сўнг, қадимий диний тасаввурлар ва уларнинг маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзидаги кўринишлари жиддий ўзгаришларга учраган. Улар янги дин шакллари билан қоришган ҳолда маҳаллий аҳоли ҳаётида регуляторлик (бошқарувчилик) вазифасини бажариб қолган.

Илк исломда бундай эътиқод шакллари учрамайди, кейинги даврларда маҳаллий диний культлар ва анъаналар таъсирида шаклланган авлиёлар ва уларнинг мазорларига, қадамжоларга ташриф, у ерларни зиёрат қилиш, жонлик сўйиш, чирок ёқиш, чалпак қилиш ва бошқа диний урф-одатлар кенг тус олган.

Мусулмонларнинг шариат қонунларида зиёратгоҳларга ташриф ҳақида сўз юритилмаган ва бу ислом динида “азизлар” қабрига бориш қонунийлаштирилмаганлигини кўрсатади. Тадиқотчи М.Тастанбековнинг фикрича, “Муқаддас жойлар”га ибодат қилишга қарши мусулмон мазҳаблари ўртасида шиддатли кураш олиб борилган [1: 667-675].

Аҳли сунна вал жамоа номи билан машҳур тўрт мазҳаб олимларининг барчаси қабр зиёрати фойдали ва савобли эканлигини айтиб, бир қанча фатволар берганлар. Масалан, Ҳофиз Бағдодий айтадики, Имом Шофий деганди: “Мен Абу Ҳанифа Раҳматуллоҳи алайҳ билан табаррукланар эдим. Деярли унинг қабрини ҳар куни зиёрат қилар эдим, бирон бир хожатим бўлса, икки ракат намоз

ўқиб, сўнгра Абу Ҳанифа Раҳиматуллоҳнинг қабри олдида келардим ва ўша ерда ҳожатимнинг раво бўлишини Аллоҳдан сўрардим, ҳожатим раво бўларди”. Қорилар шайхи Ҳофиз Жазарий “Ҳиснул ҳасийн” китобида шундай ёзганки, “Солиҳ инсонларнинг қабрлари дуо ижобат бўладиган жойлардир” [2:29]. Инсон гуноҳларини тан олиб, ўзига нисбатан Аллоҳга яқинроқ бўлган авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиб, у ерда Худога ёлворар экан, Аллоҳ Таоло ўша авлиёлар ҳаққи ҳурмати унинг дуосини ижобат қилади. Бу эътиқод кўриниши исломда “васила” дейилади. Яъни Аллоҳдан ҳожатини сўрашда банда ўзи ва Худо орасига бирорта авлиёни восита қилади [3: 271-272].

Француз олими Д.Сурдел исломдаги муқаддас культларда ибодат, зиёратгоҳлар ва уларга ташриф масаласида фикр билдириб, диний ритуаллар авлиёларга ибодат қилиш маҳаллий шомонлик анъаналари билан интеграциялашганини, бу янгилик халқлар орасида тарқалиб кетгандан сўнг каноник амалиёт сифатида қабул қилинганини таъкидлайди [4: 70].

Ҳозирги кунга қадар турли дин уламулари орасида авлиёларга ибодат қилишни ижобий ёки салбий баҳолайдиган қарашлар илгари сурилади, бироқ бошқа томондан зиёратга бориш маҳаллий аҳолининг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим саналади. Шу маънода, айнан Ўзбекистон мисолида зиёрат объектларига ташриф давомида унинг регуляторлик, воситачилик, даволовчи ва коммуникация функциясини кўришимиз мумкин.

И.Голдциернинг фикрига кўра, эски эътиқоднинг баъзи шакллари динга кириб бориши учун ибодат муҳим саналган. Мусулмон аҳолиси илгари кўп худолик эътиқодига риоя қилган мамлакатлар ва ерларни забт этар экан, бу динларнинг турли унсурлари исломга кириб келганини ва кўшилиб кетганини таъкидласа, М.Б.Пиотровский эса муқаддас культ зиёрати одамларнинг эътиқодлари, қадимги урф-одатлари ва маросимларини бирлаштирганини қайд этади. Бироқ у каноник эмас, анъанавий исломда, Аллоҳга шафоат қилувчиларга ибодат қилиш тўғрисида доғмалар тарқатилганини айтади. “Халқ исломи”да бундай ҳимоячилар валий, деб номланган, валий култи исломдан олдинги сақланиб қолинган шомонлик эътиқодларига тегишли эканлигини таъкидлайди [5:45].

Ҳозирги Марказий Осиё худудида зиёратгоҳлар масаласини

ўрганган М.М. Тастанбеков тадқиқотларида, минтақада диний ибодат зиёрат қилиш анъанаси ислом пайдо бўлишидан анча олдин шаклланганини келтириб, ўзларини мусулмон деб атаган кўчманчи халқ ҳаётида ибодат элементлари диний онгнинг бир қисми сифатида сақлаб қолингани, бу кўчманчи ва мусулмонларнинг диний эътиқоди “foIk IsIam” (халқ исломи) симбиозининг мавжудлигини англатиши, шунинг учун “муқаддас жойлар”, зиёрат амали ва урф-одатлар орқали амалга ошириш рад этилмаётгани айтилади [6: 667-675].

Мазкур масалада Совет этнографи В.Басилов уни қуйидагича баҳолаб, мазкур культ (зиёрат ибодати) ёрдамида ўлкада мусулмончиликкача бўлган эътиқод ва маросимлар ислом динига мослаштирилди ва бу унинг янги ҳудудларга тарқалиш имкониятини берганини қайд этади [7: 61].

Таъкидлаш лозимки, “муқаддас жойлар”га зиёрат масаласининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалишида сўфийлик [8: 521] ҳам муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда В.В.Бартольднинг келтиришича, Қуръонда расмий таъқиқ бўлганига қарамай (авлиёлар мазорига ташриф – С.Ж), сўфийлик исломдан олдинги диний таълимотга яқинроқ ҳисобланади [9: 115].

Масалан, Ибн Баттутанинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз авлиёларнинг қабрлари учрайди. Бу шаҳарлардаги авлиёларнинг қабрларига бутун ислом оламидан зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга, баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади [10: 52-53].

Этнолог тадқиқотчи С.Н.Абашин ҳам ўз тадқиқотларида буни тасдиқлаб, Марказий Осиёда сўфийлик авлиёлар культининг шаклланишига ҳисса қўшган омил эканлигини келтиради. Яъни ўзининг таквоси, чуқур билими билан машҳур бўлган суфийлар (муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин авлиё сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари ибодат объектига айланди [11:128-131]. Шу тариқа сўфийлар томонидан авлиёларга ибодат қилиш ижтимоий ҳаётда мустаҳкам ўрнашганлигини қайд этади.

Шунингдек, тадқиқотчи А.В.Сызранов ҳам бу масалада фикр билдириб, Астрахан ҳудудида мусулмон авлиёлари ва уларнинг

зиёрат объектлари ўрта асрларда Ўрта Осиё сўфийлик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида шаклланганини қайд этса [12: 127-143], тадқиқотчи В.Литвинов, Туркистон мусулмонларининг “муқаддас жойларга”, зиёрат объектларига ибодатини исломнинг “Туркистон модели”, деб номлайди [13: 45-54]. Мазкур тадқиқот натижалари Марказий Осиёда зиёрат культининг шаклланишида сўфийлик анъаналари элементи муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади. Бундан кўринадики, сўфийлик тариқатлари гуллаб яшнаган даврда, исломда “ширк” ҳисобланган азиз авлиёларнинг қадамжолари, мазорларини зиёрат қилиш кучайган. Шу билан бирга, исломдан аввалги қадимий эътиқодлардан қолган муқаддас ерларни эъзозлаш ҳам урфга кирди. Бу ислом динидан аввалги урф-одатларнинг қолдиғи сақланиб, янгича тус олганлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, олимлар томонидан зиёрат объектларининг пайдо бўлиши тўғрисида турли фикр-мулоҳазалар билдирилса-да, маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёратгоҳлар руҳий-психологик покланиш муҳим феномен сифатида ва маънавий-маърифий вазифани бажаришда давом этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013.

2. Тошқубри Зода. Аш-Шақоикун-Нуъмания фи уламои давлати-л-Усмания. – Байрут: Дору-л-китоби-л-арабий, 1975.

3. Тожибоев Б. Қабр зиёрати ва васила // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2013, 4-сон.

4. Доминик Сурдель. Ислам. Перевод с французского. – Москва, 2004.

5. Pitrovsky M.B. Islam - belief and a way of life // Islam. Short directory. – М., 1983.

6. Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013.

7. Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – Москва, 1970.

8. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М., Наука. 1965.
9. Бартольд В.В. Ислам. Соч. Т.6., – Москва, 1966.
10. Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. – Тошкент: Шарқ машъали, 1993.
11. Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. № 2.
12. Сызранов А.В. Культ мусульманских святых в Астраханском крае // Этнографическое обозрение. 2006. №2.
13. Литвинов В.П. «Святые места» мусульман Туркестана как центры антироссийской деятельности турецкой агентуры (вторая половина XIX – начало XX в.) // Вестник РУДН. Серия: История России. Том 15, №2, 2016.

## ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАР

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Жаркўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғидаги Ҳайитобод тепалигига 800 метрлар масофада қабристон бўлиб, унга кираверишда ўнг томон очиқ жойда мусулмон оламида кам учрайдиган кўри-нишдаги, лой билан сувалган қабр бўлиб, унинг тепасига учта туғ қадалган. Унда “Ҳакимия” тариқати асосчиси Ҳаким Термизийнинг шогирдларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизийнинг қабри борлиги тўғрисида тахминлар мавжуд. Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизийнинг (ваф. тах. 907) таваллуд саналари аниқ эмас, бироқ Балх шаҳрининг Аёз деган жойида дунёга келган деб айtilган. “Шайх ал-ислом” унвонига эга бўлган машхур шайх сифатида “Таврот” ва “Инжил” китобларини ўқигани сабабли замондошлари уни “Илм ва ҳикмат хазинаси” деб атаганлар. Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлган ал-Варроқ ат-Термизий қатор асарлар муаллифи бўлиб, унинг “Китоб ал-ихлос”, “Китоб ал-хуроф”, “Китоб ал-ажаб”, “Китоб ҳақиқат ал-бойин”, “Одоб ал-олим ва-л-мутааллим” каби таснифотлари мавжуд [1: 48-50].

Варроқ Термизий тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолинган бўлиб, хусусан Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизийга берилган тавсиф учрайди [2:412-416]. Алишер Навоий Варроқ Термизий асли Термиздан бўлиб, шайхлик даражасига эришган алломанинг “Варроқ” тахаллусини олишига касб-кори сабаб бўлганини таъкидлайди [3:84-87]. Варроқ қадимий ва кўхна китобларни қайта кўчириш ва муковалаш билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан ишлатилган [4: 43-45].

Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдуллонома” асарида, XV асрнинг бошларида, темурийлар даврида Ҳаким Термизий мақбарасида амалга оширилган қурилиш-таъмир ишлари ҳақида келтириб ўтади [5: 310]. Шунингдек, Бухорийнинг 1527 йилда ёзилган “Шарафномаи шоҳий” (Подшони шарафловчи китоб) номли асарида, Термизнинг топографик ўрни, меъморий бинолари, осори



атикалари ҳамда халқнинг этник таркибини келтириш билан бирга, бу даврда, Термиз балх ҳукмдорига буйсунганини ва Абдуллахон шаҳарни қамал қилишдан олдин Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқ мазор шайхларини катта совғалар билан сийлаб, ҳурмат кўрсатганини қайд этади [6:22-24]. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий Абу Варроқ Термизийнинг қабри Термизда эканлигини, у Имом Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлганлигини таъкидлайди [3:79-82].

Яна шуни айтиб қўйиш керакки, X асрдан бошлаб, Термиз работи ҳисобланган қисмининг шимолий тарафида Варроқ Термизий мақбараси тикланган бўлса, Жайхун тарафда Хожа Варроқ мазорига қадар Ҳаким Термизий мақбарасининг гўрхона қисмида аллома дафн этилган ва унинг хоки устида мўъжазгина мақбара бунёд этилган. Кейинчалик Қорахонийлар даврида қурилган маҳобатли иншоотга асос бўлиб қолган бу илк мақбара 28x28x4 см, 30x30x4-5 см ўлчамга эга хом ғиштлардан кўтарилиб, бу турдаги ғиштлар меъморчиликда Сомонийлар давридан бошлаб кенг қўлланилган [7].

Маҳаллий аҳоли вакилининг аجدодларидан эшитган маълумотга таяниб айтишича, у Варроқ Термизийники бўлиб, қабр IX-X асрлардан буён мавжуд экан. Шўро даврида мақбара яқинида майдонларни текислаб ташлаш туфайли кўплаб тарихий обидалар, жумладан, муқаддас зиёратгоҳларнинг бузилиб, бутунлай йўқ бўлиб кетиши кузатилади, шу сабабдан Варроқ Термизий қабри ноаниқ бўлиб қолган [8]. Қабристонга кираверишга маҳаллий аҳоли томонидан ҳомийлик асосида дарвоза ва дуо фотиҳа қилишлари учун очиқ айвон қурилган. Қабристон ёнида аввалдан Ҳайитобод масжиди бўлиб, у қайтадан ҳашар йўли билан 800 ўринли қилиб қурилган [9].

Жарқўрғон туманидаги Хўжа қишлоғида Хожа Самандар Термизий зиёратгоҳи жойлашган. Самандар Термизий XVII асрнинг 30-йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30 йилларигача яшаб, юз йилдан ортиқ умр кўрган. Замондошлари Мирзо Юсуф ва Малехо Самарқандий томонидан олов қалб, ўтқир тилли адиб, деб таърифланган. Муҳаммад ибн Бақо Термизий Хожа Самандарни “Ўз замонасининг машҳур арбоби, элчи, жангчи ва тарихчи олим сифатида танилган ҳамда маънавият дастурини тарғиб этган та-

никли алломаларидан бири бўлган” деб қайд этади. У ҳижрий 1107/ милодий 1695 йилда ёзган “Дастур ал-мулк” асарининг хотимасида шундай деган эди: “Илтимосим шулки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса, бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жону дили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қилса, уни ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини “Қуръон”нинг онаси – ёқимли “Фотиҳа” сурасини ўқиб, ёд этинглар”. Шу боис Малехо Самарқандий томонидан Хожа Самандар Термизий “Шариф зот” деб таърифланган [10:3-5].

Мовароуннаҳрда Шайбонийлар сулоласи даврида (1500-1601) Термизда ҳокимият саййидлар қўлидан кетган бўлишига қарамай, уларнинг мавқеи сақланиб қолган.

Хожа Самандар Термизий яшаб ўтган давр Аштархонийлар сулоласи даврига (XVII-XVIII) тўғри келади. Н.Турсунов алломани Жалойир қишлоғи хўжаларидан бўлганини келтиради [11:45-46]. XVII аср охирида Бухоро хонлигида сиёсий-иқтисодий таназзул туфайли Термиз саййидлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлишган.

1980 йилда Россия фанлар академияси Осиё музейида А.Л. Куннинг коллекцияси таркибида Хожа Самандар Термизий асарининг қўлёзмаси ҳам рўйхатга олинган.

Хожа Самандар Термизий авлодлари ўзларини “хўжалар” деб ҳисоблашади. Алломанинг Хўжа, Абдукаримхўжа, Ўзбекхўжа, Пошшоимхўжа деган ўғиллари бўлган [12]. Самандар Термизий авлодлари ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Хўжа қишлоғида яшаб келмоқда.

Самандар Термизий мақбараси XVII-XVIII асрга оид бўлиб бир хонадан ташкил топган, усти гумбаз билан ёпилган. Аввал мақбара Кумқўрғон тумани Қоптўқай қишлоғидаги дарё бўйида жойлашган бўлса, у ерга дарё суви яқинлашиб келганлиги сабаб, марҳумнинг суюклари йиғиб олиниб, қишлоқдан юқорироқ тепаликка қайта дафн этилган. Самандар Термизийнинг авлодлари бобокалонлари қабри устига мақбара бунёд этишган. Теварак-атрофни зиёратчилар учун қулай ҳолга келтирилганлар [13:27-28].

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев Т.Р. Хожа Варроқ Термизий ва унинг маънавий мероси // ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004.
2. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017.
3. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. Нашрга тайёрловчи А. Мадраимов ва бошқ. – Т.: А.Навоий номидаги давлат музейи. 2001.
4. Суюнова Ҳ. ал-Ҳаким ат-Термизийга Абу Бакр Варроқ Термизий сеvimли ва садоқатли шогирд сифатида // Давр, замон, шахс Республика илмий- амалий анжумани. Биринчи қисм. – Сурхон нашр, 2016.
5. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 2 ж. – Т: Фан, 1969.
6. Холиқов З., Дежимуродов Х. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // Moziydan sado. – 2004, 2-сон. – Б. 22-24.
7. ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 39-иш, 17- варақ.
8. Дала тадқиқотлари. –Сурхондараё вилояти. Термиз тумани, 2020 йил 19 август. 4-дафтар.
9. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғида яшовчи, маҳалла раиси 1956 йилда туғилган Асроров Каромат бобо билан бўлган суҳбат. 2020 йил 21 август. 3-дафтар.
10. Хожа Самандар Термизий. Дастур ал-мулук: Подшоҳларга қўлланма/Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Ж.Эсонов. – Т.: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
11. Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. 2018, 3(79)-сон.
12. Холиқов Иброҳим. 1961 йила туғилган, Хожа Самандар Термизий мақбараси имоми. 2021 йил, июнь. – Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани Хўжа қишлоғида яшовчи, 1953 йилда туғилган Абдувойидов Жалолхон билан суҳбат. 2021 йил, 16 июнь. 3-дафтар.
13. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001.

14. Djuraeva, S. (2022, March). VIEWS ON THE ISSUE OF SHRINES IN UZBEKISTAN. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 73-77).

15. Djuraeva, S. (2022). HISTORY OF THE SHRINES OF ABDURAHMAN IBN AWF AND ABU HURAYRA (AQ ASTANA BABA) ASSOCIATED WITH THE NAME OF THE COMPANIONS IN SURKHANDARYA REGION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X), 3(03).

16. Djuraeva, S. (2020). The role of spiritual and material heritage of Surkhandarya region in the development of tourism. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2).

# **СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ХҲЖА ҲАСАН ИЛҒОРИЙ, ХҲЖАИПОК ВА ХҲЖАМАЙҲОНА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТАРИХИ**

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Сурхон воҳасидаги зиёратгоҳларнинг аксар қисми рамзий бўлиб, халқ орасида ҳурматга сазовор бўлган ислом йўлида хизмат қилган саҳоба, пир, саййид, тўра, авлиё ва диний уламоларга лойиқ кўрилган шахслар билан боғлиқ ёки шахси ноъмалум, афсоналарга асосланган ташриф масканлари ташкил этади. "Рамзий қабр", арабча "рамз", "белги", "ишора" сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тили этимология луғатига кўра, "ишора қилиб турувчи" маъносини билдиради, яъни умумий тушунчада ҳурмат ишораси, белгиси сифатида ўзлаштирилган. Шундай объектлардан вилоятда саҳоба ва хўжалар номи билан боғлиқ: Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф, Абу Ҳурайра, Ахтам саҳоба, Хўжа Ҳасан Илғорий, Хўжа Рўшноий, Хўжаипок ва бошқа номдаги рамзий зиёратгоҳларни кўришимиз мумкин.

## **ХҲЖА ҲАСАН ИЛҒОРИЙ ЗИЁРАТГОҲИ**

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Жиянбобо қишлоғида саҳобалардан бўлган Хўжа Ҳасан Илғорий, халқ орасида яна бир номи Каптархона деб аталувчи зиёратгоҳ бор. Саҳобалар муқаддас ислом динини бутун башариятга етказиш йўлида барча машаққатларни кўтариб, тўла-тўқис адо этган зотлардир. Қуръони каримда саҳобаи каромларга шундай хитоб қилинган: "Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдиларингиз"[1]. X-XI асларда ислом динини мустаҳкамлаш учун саҳобаларга рамзий қабрлар қилиниб, уларнинг халқ орасидаги образи гавдалантирилган.

Хўжа Ҳасан Илғорий (582-632 йй) исломни кенг тарғиб қилишда катта куч сарфлаган. Бир қанча жанглarda Муҳаммад Пайғамбар (с. а. в.)га ёрдам берган ўта довюрак, жасур шахс бўлган. Хотираси кучли бўлиб, ҳар қандай маълумотни ёдда сақлай олган. Шу билан бирга, ислом илми билимдонларидан бири бўлган. Шунинг учун

унга Хўжа Ҳасан Илғорий ( тез илғовчи, англовчи, зийрак) деган тахаллус кўйилган [3].

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: "Расулulloх соллалллоху алайҳи вассаллам: "Саҳобаларимни таҳқирламанглар, жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизлардан бирортангиз Ухуд (тоғи) мислича олтин сарфласа ҳам, улардан бирортаси "муд"ига (544 грамга тенг ўлчов бирлиги) ҳам, у (муд) нинг ярмига ҳам эриша олмайди", дедилар" (Термизий ривоят қилган). Чунки, бу зотлар пайғамбарларнинг охиригисига саҳоба бўлишдек бахтга сазовор бўлган ва Расулulloх соллалллоху алайҳи вассаллам олиб келган ҳидоят нуруни бошқаларга етказиш йўлида молу жонларини фидо қилган мўминлардир [4].

Олтинсой туманидаги саҳоба Хўжа Ҳасан Илғорий шарафига барпо этилган "Каптархона" (XIX-XX асрлар) зиёратгоҳи аҳоли орасида Бўри халифа бобо номи билан машҳур бўлиб, айтишларича, бу кишини зиёрат қилганлар яралардан халос бўлар экан. У ердаги биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илғорийнинг рамзий қабри бўлиб, ёнида кичик дарча бор. Зиёратчилар дарчадан тупроқ олиб, яраларига малҳам қиладилар. Яна бу ерга кўрққан кишилар, боласи турмаганлар, боласига чилла тушганлар келишади. Зиёратгоҳга жуда кўп зиёратчи келиб-кетгани учун "Каптархона" зиёратгоҳи номини ҳам олган [5]. Сариосиё тумани Саргардак тоғи тепасида хўжалар номи билан боғлиқ Хўжа Илғор (Илғор хўжа), Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида эса, саҳоба Хўжа Ҳасан Илғорий деб аталган зиёратгоҳлар бор. Фақат биттаси хўжа, биттаси саҳоба номи билан боғлиқ.

Иккинчи қабр Аввал Халифага тегишли бўлиб, биринчи қабрдек ўрнатилган. Ҳажм жиҳатдан биринчи қабрдан анча кичик. Аввал Халифа 1820-1910 йилларда яшаб ўтган. Ул зот ўқимишли киши бўлган. Зиёратгоҳ бошида иккита тут дарахти бор. Бу тут дарахти экилганига ҳам 1100,1200 йил бўлган деб тахмин қилинади. Қабр атрофида Аввал Халифа авлодларидан 20 дан ошиқ катта ва кичик қабр бор.

Сурхон воҳаси худудида жойлашган олим, авлиё, пир, саййид, хўжа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўлагига айланиб, ташриф давомида зиёратчилар нафақат табаррук зотларга бўлган хурматни, балки ислом

маданиятига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, ҳаёти тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўладилар.

## **ХЎЖАИПОК ЗИЁРАТГОҲИ**

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжаипок қишлоғи тоғ ён бағрида Хўжалар номи билан боғлиқ Хўжаипок зиёратгоҳи жойлашган. "Хўжа" сўзи форсча обру эътиборли киши, соҳибу фахрий, унвон ва мурожаат шаклидир. Марказий Осиёда ХХ аср бошига қадар хўжалар Хулофои Рошидийн (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али), Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда хўжалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади [6].

Хўжаипок зиёратгоҳида тоғнинг тагидан бир неча чақирим узунликда шифобахш сув чиқади. Сув Тентак дарё (Олтинсой дарё) га қуйилади. Сувнинг қаердан чиқаётганлиги ҳанузгача номаълум. Зинапоя орқали сув чиқадиган ғорга тушилади. Бу ерда бир қабр бор. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу қабр Хўжаипок отанинг синглиси Бибизайнабнинг қабридир. Ғорга ташмасдан тепаликда рамзий яна бир қабр бор. Аҳоли орасида бу қабр Хўжаипок ота, яъни Абдурахмон ибн Авфнинг қабридир [7]. Тадқиқотлар натижасида, манбаларда хўжалардан бўлган Хўжаипок исмли шахс аниқланмаган. У ҳақида фақат ривоятлар мавжуд. Абдурахмон ибн Авф (ваф. 654/32 ҳижрий) саҳоба бўлиб, ислом дунёсида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) томонидан “Ашарай мубашшара” яъни ҳаётлик чоғида жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳобадан бири бўлган [8]. Тарихий манбалардан маълумки, саҳоба Абдурахмон ибн Авф умуман бизнинг юртимизга келмаган. Демак, ғорнинг тепасидаги ва ғорнинг ичидаги қабрлар рамзийдир.

Саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар бутун республика бўйлаб учрайди. Абдурахмон ибн Авф номи билан боғлиқ рамзий зиёрат объектлари Ангор туманида, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилояларида ҳам мавжуд.

Хўжаипок зиёратгоҳи тоғ ён бағрида баҳаво жойда жойлашган бўлиб, баҳор ва ёз фаслларида ўзининг сўлим табиати, шифобахш

суви билан кўплаб зиёратчиларни жалб этади. Аниқланишича, сув таркибида фосфор, олтингугурт, туз, хлорид, сульфид, азон, темир ва бошқа моддалар бор. Сув асосан, бош, оёқ, бел оғриқлари, кўкрак қафасининг қисилиши, турли яралар, чипқон, тошма, тери ва асаб касалликларига даъводир [9]. Олиб борилган сўровларга кўра, маҳаллий аҳоли шифобахш сувни Хўжаипок ота каромати деб билишади ва ундан фойдаланганда шифо топишга катта умид қилишади. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хўжаипок қишлоғида ҳам Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган. Бу қадамжо халқ орасида араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган етти хўжалардан бири Хўжаипок отага тегишли эканлиги айтилади [10]. Тахминимизча, бу ердаги қабр рамзийдир, чунки илмий изланишлар натижасида Хўжаипок ота ҳақида тадқиқотларда маълумотлар учрамади.

Зиёратгоҳ худудида худди Сурхондарёдаги Хўжаипок зиёратгоҳи каби олтингугуртли сув чиқади. Ундан ҳосил бўлган кўл ва балчиқ бор. Н. А. Семашко номидаги Республика курортология ва фезатерапия институти мутахассислари Хўжаипок ота зиёратгоҳи сувининг таркибини ўрганиб, Д. Менделеев жадвалидаги кўп минерал моддаларнинг борлигини аниқлаган ва касалликларга шифо бўлиши айтилган [11]. Хўжаипок зиёратгоҳи суви шамоллаш билан боғлиқ касалликлар: ревматоид (бод касаллиги), полеартрид, турли тери касалликлари, асаб тизими, умуртқа астехондрози, умуртқа грижаси, ҳар хил невропотиялар, сурункали холисистид, энтрохолидпростатит, аднигсит, бурцелоз ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади [12]. Хўжаипок ота суви ва балчиғи асосан июнь, июль ойларида қуёш иссиғи таъсирида исиб, беморларга шифо бўлиш хусусиятига эга.

Хуллас, Хўжаипок зиёратгоҳи рамзий бўлса-да, улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихини кенг оммага тарқатиш, нафақат вилоятда, балки республикада туризм йўналишида машҳур қилиш, ислом уламолари ҳаётини илмий ўрганиш, рисоалар, китоблар нашр қилиш лозим бўлади.



## ХЎЖА МАЙХОНА ЗИЁРАТГОҲИ (XV АСР)

Хўжамайхона зиёратгоҳи (XVаср) Бойсун тумани Дарбанд кишлоғидаги катта дарада жойлашган. Мозорнинг атрофи қалин дарахтлар билан ўралган. Зовнинг тубидан катта ҳажмдаги сув чиқиб, учта тоғ зинаси орқали дарёга қўшилади. Маҳаллий аҳоли орасидаги ривоятларга кўра, Хўжамайхона зиёратгоҳидаги қабр Ҳазрати Али (р. а)га тегишли. Ҳазрати Али (р.а) Ўрта Осиёга келмаган бўлса ҳам Алавийлар билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалган [13]. Али ва унинг авлодларини ардоқлаш Сурхондарё вилоятида ҳам кучли мавқеига эга бўлганини кўришимиз мумкин.

Хўжамайхона суви тоғ тагидан 10 км дан ортиқ ичкаридан чиқади. Сувнинг туби қаерда эканлиги ноъмалум. Япон олимларининг олиб борган тадқиқотларига кўра, Хўжамайхона суви Осиё китъасидаги энг тоза, филтрланган, шифобағш сув бўлиб, унда инсон организмига фойдали бўлган темир ва олтин моддалари мавжуд экан [14]. Хўжамайхона зиёратгоҳи худудида мозор ва мўжизавий катта ҳажмдаги сув бўлиб, ўзининг табиий манзараси, тоғ ҳавоси, сувининг тиниқ, тотли, шифобахшлиги билан кишини ҳайратга солади. Бундай зиёратгоҳлар нафақат зиёрат объекти, балки табиат томонидан пайдо бўлган экотуристлик зона ҳамдир.

Хуллас, табиат билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Улар Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Одамлар қадимги даврларда табиат ходисаларидан қўрққанлиги сабабли, уни ғайриоддий ҳисоблашган. Ўзига хос жиҳати шундаки, зиёратгоҳлар олдида дарахт, қандайдир тош, сув ёки булоқ бўлган. Зиёрат билан боғлиқ табиат объектларининг баланд тепаликларда жойлашганлиги, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси йилдан йилга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Халқимизнинг қадимги қарашлари ва эътиқодларини, тарихини ўрганиш учун бундай жойларни зиёрат туризми ва экотуристлик манзилга айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қуръони карим. Оли Имрон сураси, 110 оят.
2. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Жиянбобо қишлоғи. 16 ноябрь 2022 йил.
3. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: 2003.
4. Абдулқодир Абдул Раюим. Эътиқод дурдоналари. "Бадъул амолӣ" шарҳи. – Тошкент: Шарқ, 2016.
5. Зиёратгоҳ имоми билан бўлган суҳбат. 17 август 2021 йил.
6. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти", 2017.
7. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжайпоқ қишлоғи. 25 август 2022 йил.
8. Ашарай мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. Тошкент: Мовароуннаҳр, 1994-.Б. 23-27. 100 улуғ саҳобий. – Тошкент: Тошеент ислом университети нашриёт бирлашмаси, 2018.
9. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: 2003.
10. Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хўжайпоқ ота қишлоғи, 24 август 2019 йил. 4-дафтар.
11. Тошқулов Қ. Қадимий ва навқирон Дехқонобод. Биринчи китоб. Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2012. – Б. 12.
12. Тошқулов Қ. Қадимий ва навқирон Дехқонобод. Иккинчи китоб. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015.
13. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Дарбанд қишлоғи. 28 август 2022 йил.
14. С.Турсунов., Қ. Рашидов. Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr".

## ОМОНХОНА МЎЪЖИЗАЛАРИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Омонхона қишлоғида Ҳазрат Султон Вали (XIV аср) зиёратгоҳи жойлашган. Ҳазрат Султон Вали ҳақида тарихий ва ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. Фақатгина у киши ҳақида баъзи ривоятлар мавжуд. Тарихчи олим А. Холмирзаевнинг айтишича, ўлимидан сўнг шу ерда дафн этилган [1]. Ривоятларга кўра, Ҳазрат Султон Вали XIV асрда Балхда туғилган. Ўзига устоз излаб, Сиддиқ саҳоба билан бирга, ҳозирги Омонхона дарасига келиб жойлашган [2]. Шу ерда қирк кун чиллада ўтириб, "Балогардон" деган лақабга сазовор бўлган.

Тарихчи С. Турсуновнинг келтиришича, Ҳазрат Султон Вали мозори атрофи 10 гектар келадиган эски қибристон бўлган. У кишининг исми-шарифлари Сайид Шамсуддин бўлиб, халқ Ҳазрат Султон Вали Балогардон деб аташади. Ҳазрат Султон Вали Бойсуннинг Омонхона (аслида, Эминхона, эмин-эркин маъносида), қишлоғида яшаб, шу ерда макон топганлар. Шайх Саид Шамсуддин ҳазратларининг Бойсундаги Дийдоркамда Санги Султонда Амир Темур билан учрашуви ўз даврида қандай нуфузга эга бўлганлигидан далолат беради. Ҳазрат Султон Вали кўп йиллар Омонхонадаги Ёппакамарда чилла тутиб, ибодат ва зикр қилиб юрганлар. Ўша пайтда бу кишининг овозаси нафақат Чағониён, балки бутун Чигатой улусига кетган бўлиб, хизматларига одамлар келишган [3].

Ҳазрат Султон Вали қабрининг ўнг томонида халифаси, оёқ томонида фарзандларининг қабри бўлган. Аввал қабр устида мақбара бўлмаган. 2002 йилда қабр устига очиқ айвонли мақбара қурилган. Қабристон ёнида уч гектарли боғ барпо қилинган. 4 км узоқликдаги Олича булоғидан қувур орқали боғга сув келтирилган. Бойсун тумани Широнобод қишлоғидаги бир тепалик устида Бибиширин зиёратгоҳи бор. Ривоят қилинишича, Бибиширин Омонхонада абадий макон топган соҳибқаромат авлиё Султон Вали ҳазратларининг туғишган синглиси Бибирайхон бўлади. Бибиширин бибимиз ўз замонасида ҳақ муомиласи ва маърифат бобида беназир

бўлган [3]. Халқ орасидаги ривоятларга кўра, Ҳазрат Султон Вали қабри устига қуриладиган бўлажак мақбарани бефарзанд ўтган синглиси Бибишириннинг қабри устига қуришни васият қилган [4]. Бунда биринчи муқаддас жой номи орқали иккинчи жой мавқеи оширилган. Совет иттифоқи даврида Бибиширин ёдгорлиги бузиб ташланган, лекин қабрлар сақланиб қолган.

Сурхон диёрида ислом оламида танилган аллома, авлиё, тасаввуф вакиллари яшаб ўтган бўлиб, уларнинг ҳақиқий хоки шу заминда абадий макон топган. Кичик мақбара ва зиёратгоҳларнинг аҳоли орасида нуфузи кўтарилишига сабаб, уларнинг йирик шахс номлари билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

## **ОМОНХОНА БУЛОҒИ ВА ҚАМАРИ АЗИЗ ЗИЁРАТГОҲИ**

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Омонхона қишлоғида неча асрлик тарихга эга шифобахш сув – Омонхона булоғи бор. Шу ерлик кексаларнинг айтишича, қишлоқнинг пайдо бўлганига етти аср бўлган. Булоққа яқин жойда Қамари Азиз рамзий зиёратгоҳи ҳам мавжуд.

Омонхона қишлоғида Ҳазрат Султон Вали Балогардон, Хожа Сиддиқ саҳоба, Хожаи Вақтдон, Қамари Азиз номли зиёратгоҳлар жойлашган. Бу улуғ манзиллар неча асрлардан буён сақланиб қолган бўлиб, одамлар қадимги даврлардан бу зиёратгоҳларга ташриф буюришган [4]. Айтишларича, ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли "Омонхона суви" деб атайдиган булоқ Ҳазрат Султон Вали ҳассасини тошга уришидан пайдо бўлган экан. Ҳазрат Султон Вали содиқ халифаси Назармамат билан Ғуттакамар дарасида яшаб, кейин ҳозирги кунда Омонхона деб аталувчи қишлоққа кўчиб ўтишган, охирида эса шу ерни абадий макон қилишган экан. Омонхона булоғидан 200 метр масофада Омонхона қишлоғининг ўртасидаги бир тепаликда Ҳазрат Султон Вали (XIV аср) зиёратгоҳи жойлашган [6]. Омонхона булоғининг тепасида Омонхона ғори бор. Ғор оғзи жуда тор, бир киши аранг сиғади. Йўлакнинг узунлиги 3-3,5 метр. Ғорнинг ичи тахминан 50-60 кв, метр бўлиб, ёзда 5-6° совуқ, қишда 20° илиқ бўлади. Эътиборли томони шундаки, бу ғор бошқа ғорларга ўхшамайди. Тоғ аҳолиси айнийдиган озик-овқатларини шу ғорга олиб келиб қўяди. Ғорга ҳар қандай одам тушолмайди.

Омонхона ғорининг куйи қисмида Омонхона булоғи бор. Юқорида келтирилган ривоятларни инобатга олмасак, булоқнинг қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Совет даврида Ҳазрат Султон Вали қабрини зиёрат қилиш тақиқланган. Омонхонага Оқ масжид 70 йил ёпиб қўйилган. Булоқ сувининг шифо сифатида фойдаланилишига рухсат берилмаган [7].

Мустақиллик шарофати билан 1994 йилда Омонхона булоғи қошида Омонхона шифохона-оромгоҳи очилган. Омонхона булоғининг сув таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги Саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий-текшириш институтида томонидан ўрганилиб, сув таркибида сульфат иони 88 мг, Экв; р-н 80 биоқувват мавжуд бўлиб, сув таркибида. кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа микроэлементлар ҳам мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, сульфат ва магний ионлари меъридан бир неча баробар ортиқ бўлиб, истеъмол қилинганда ўт сурувчи, сийдик ҳайдовчи, қон босимини тушириш хусусиятига эга. Омонхона булоғи суви сурункали гепатит, сурункали холистит (ўт пуфаги йўлларида яллиғланиши), ошқозон-ичак тизимида учрайдиган касалликлар: гастрит, дуодент, комет, қандли диабет, ошқозон ости безининг яллиғланиши (панкреатит), хафакон (қон босими) ва бошқаларга даво ҳисобланган [7]. Омонхона қишлоғи, Ҳазрат Султон Вали, Омонхона булоғи тарихи ҳақида А.Холмиров [1], С.Турсунов [5], Шоҳ Мурод Шароф [7], М.Зарипова [2], Т. Алланов, О. Алланов [6] илмий изланишлар олиб борган.

Омонхона булоғига яқин жойда Ҳазрат Султон Валининг фарзанди билан боғлиқ "Қамари Азиз" рамзий зиёратгоҳи бор. У ерга мустақиллик йилларида рамзий қабр қилиниб, устига очик айвонли мақбара қурилган. Қадамжо атрофи девор билан ўралган. Зиёратчилар учун текис йўлак, очик айвонли шийпон, ўтирғичлар ўрнатилган. Қишлоқдаги масжидлар ҳам таъмирланган. Ҳазрат Султон Вали, Қамари Азиз зиёратгоҳлари ҳамда Омонхона шифохона-оромгоҳига бориш учун йўллар қайта тузатилган [4]. Қамари Азиз ҳақида ёзувчи Шоҳ Мурод Шароф қуйидаги ривоятни келтирган: Кунларнинг бирида Ҳазрат Султон Вали Балогардоннинг етти яшар ўғли Қамари Азиз Ёппакамар ичида ўйнаб юриб, кутилмаганда ғойиб бўлибди. Муридлар ҳар қанча қидиришмасин

топиша олмабди. Бу нохуш хабарни ноилож пирларига айтишибди. Султон Вали ҳеч нарса бўлмагандек, бамайлихотир дуои фотиҳа қилибди ва шундай дебди: "Қамари Азизнинг ғойиб бўлиши менга азалдан маълум эди. Бориб кўрингларчи, ўғлим ғойиб бўлган жойдан булоқ оқиб чиқаётган бўлиши керак. Аллоҳ таоло менинг фарзандим шарафига инсониятда учрайдиган, етмиш хил дардга даво бўладиган шифобахш сувли булоқ инъом қилди. Қамари Азиз шу булоқ шарофати билан охиратгача одамлар қалбида яшайди" дебди. Муридлар бориб кўришса, ҳақиқатдан ҳам тошлар орасидан янги булоқ кўз очиб, шарқираб оқаётган эмиш [7]. Орадан кўп асрлар ўтибдию, булоқ ҳамон тинимсиз оқиб дардманлар дардига шифо бўлиб келмоқда. Ҳазрат Султон Вали авлодлари ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод Қумқурғон, Денов туманларида истиқомат қилишади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, турли ривоятлар асосида шаклланган, неча асрлик тарихга эга бўлган Омонхона қишлоғи, у ерда абадий макон топган Ҳазрат Султон Вали зиёратгоҳи ва у кишининг каромати билан пайдо бўлган Омонхона бўлоғи, оромгоҳи, Қамари Азиз зиёратгоҳи жуда кўплаб зиёратчи ва дам олувчилар билан доим гавжум. Бу маскан бутунги кунда обод ва ўз қадим тарихига эга ҳудуд бўлиб, кўшни вилоятлар ва бутун Республика аҳолиси учун ўзига хос зиёрат ва экотуризм манзилидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва саънат нашриёти, 2001. – Б. 33.

2. Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар халқимиз маънавиятининг белгиси. // "Бойсун баҳори-миллий маънавиятимиз дурдонаси" Халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўплами. – Термиз: Сурхон нашр, 2017. – Б. 157-158.

3. С.Турсунов., Қ. Рашидов. Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr". – Б. 373-378.

4. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғи. 27 август 2022 йил.

5. Турсунов С., Рашидов Қ.Бойсун. Тошкент: "Akademnashr", 2011. – Б.338. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёрат-

гоҳлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 33.

6. Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўъжизалар манзили. – Тошкент: "Тафаккур", нашриёти, 2013. – Б. 37-38.

7. Шоҳ Мурод Шароф. Омонхона мўъжизалари. – Тошкент: А. Қодирий номи халқ мероси нашриёти, 1996.

## СУРХОН ВОҲАСИДАГИ БИБИЗАЙНАБ, БИБИШИРИН ВА БИБИ САРПУШ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Санобар Джураева,  
тарих фанлари доктори

Сурхондарё воҳаси ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида ислом қадриятлари ва анъаналари тизимининг бир бўлагини ташкил этибгина қолмай, ислом илмлари ривожига улкан ҳисса қўшган Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Абу Исо Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Хожа Самандар Термизий ва бошқа олиму фузалоларни тарбиялаб вояга етказган ўлка ҳисобланади.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида тарихий-маданий объектлар Амир Темур номи билан ҳам боғланади. Чунки, Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлган. Улар аллома ва авлиёлар қабрларини зиёрат масканига айлантирганлар.

Амир Темур "Тузуқлари"да: "Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва макбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос гилам ва чироқ билан таминласинлар..." деб айтган [1:134].

У ерда аллома, авлиё ва уламоларнинг руҳлари абадий қўним топган маданий мерос объектлари билан бирга маҳаллий аҳолигагина маълум, ўз даврида кучли ислом илмига эгаллиги билан аҳоли ва ҳукмдорлар орасида обрўга эга бўлган момолар қабрлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бор.

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Бибизайнаб қишлоғи четидаги адир ён бағрида Бибизайнаб зиёратгоҳи жойлашган [2]. Бибизайнаб момо Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Эшон қишлоғидан бўлиб, руслар Ўрта Осиёни забт этганида, у киши билан бирга қариндош-уруғлари ҳозирги зиёратгоҳ ҳудудига кўчиб келишган. Саййид авлодидан бўлган Бибизайнаб момонинг турмуш ўртоғи ҳам ислом илми билимдони, буюк авлиё эдилар. Бибизайнаб момо ҳам қалби тоза, покиза аёл бўлиб, ислом илмини авом халққа етказишда кўп куч сарфлаган [3:33].

Маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, Бибизайнаб момонинг аждодлари Амир Темур даврида Шаҳрисабзда яшаган бўлиб, саййид авлодидан бўлганлиги, аҳоли ижтимоий ҳаётида муҳим



ўрин тутгани учун Соҳибқирон назарига тушган [4]. Бибизайнаб момо қабри оддийгина пишиқ ғишт билан ўраб қўйилган бўлиб, қабр очик жойда жойлашган. Қабр тепасида бири мушт, бири очик бўлган қўлларнинг рамзий белгиси қўйилган. Халқ орасидаги кексаларнинг гапига кўра, муштнинг рамзий маъноси кимки у ерга зиёратга борса келаётган балои қазо даф, бўлармиш, очик қўл зиёратчилар учун кўнглим очик" деган маънони билдирар экан [5] Бибизайнаб момо зиёратгоҳига Шаҳрисабздаги авлодлари ҳам келиб туришади. У кишининг авлодлари ва қишлоқ аҳли ҳам шу қабристонга қўйилган. Қабристон, зиёратгоҳ ва қишлоқ Бибизайнаб момо номи билан аталади. Бибизайнаб момодан Қорахон эшон, Боқохон эшон, Шойит бобо эшон ва бошқа авлодлар тарқалган. Авлодлари ҳозирги кунда Олтинсой тумани Бибизайнаб, Вахшувор, Маданият қишлоқларида истиқомат қилишади. Олтинсой тумани Қорлиқ қишлоғида Бибизайнаб момо авлоди Қорахон эшонбобо зиёратгоҳи жойлашган. Қабр устига маҳаллий аҳоли томонидан бир хонали, усти гумбазли мақбара қурилган. Зиёратгоҳга маҳаллий аҳоли вакиллари, Бибизайнаб момо авлодлари келиб туришади.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғи бир тепалик устида Бибиширин зиёратгоҳи жойлашган [3:4].

Ривоят қилинишича, Бибиширин Омонхонада абадий макон топган буюк соҳибқаромат авлиё Султон Вали ҳазратларининг туғишган синглиси Бибирайхон бўлади. Бибиширин бибимиз ўз замонасида ҳақ муомаласи ва маърифат бобида беназир бўлган [6:378].

Тадқиқотчи М. Зарипова Омонхона ва Бибиширин мавзесидаги қариялар билан қилган суҳбатига асосланиб айтишича, Омонхонадаги шифобахш сув, Авлоддаги Бошчашма Шамсуддин Султон Валий қароматлари ила содир бўлганини такидлайди. Ҳазратнинг дуоларини олиш учун Бойсунга ташриф буюрган Мовароуннахр ҳукмдори Соҳибқирон Амир Темур билан Дилоркамда Санги Султондаги учрашуви у кишининг ўз даврида катта нуфузга эга эканлигидан далолатдир [7:157-158].

Демак, Бибиширин момо ҳам Амир Темур даврида яшаган авлиё Султон Валининг синглиси бўлиб, акасидай халқ орасида юсак маънавият, илм бобида тенгсиз бўлган, шу сабаб маҳаллий аёллар орасида ҳурмат қозонган.

Бибиширин макбараси катта қабристон четида қад қўтарган. Макбаранинг олди пеш айвонли бўлиб, гумбаз билан ёпилган [4].

1986 йилда Совет ҳокимиятининг диний эътиқодимизни топташ учун олиб борган сиёсати туфайли Бибиширин макбараси бўзиб ташланган. 1988 йилда Пасурхи қишлоғидан бўлган, ҳозирда шу қабристонда мангу қўним топган Ҳамид Каримов, ҳамда Қорабўйин қишлоғидан бўлган ака-ука Абдуллаевлар томонидан макбара қайтадан тикланган. Мустақиллигимиз туфайли 2002-2007 йилларда макбара маҳаллий ҳомийлар томонидан қайта таъмирланган. Қабристон ва макбара Бибиширин номи билан аталиб, у ерда ўз даврида маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўлган домла Кулобийнинг қабри ҳам бор. Ҳафтанинг чоршанба кунлари бу ерга фақат аёллар зиёратга келишади [4].

Зиёратгоҳларнинг юксак мавқега эга бўлиши у ерда ётган шахснинг саййид, авлиё авлодига мансуб бўлганлиги, ҳамда ўзининг ислом илмларини яхши билганлиги сабаб маҳаллий аҳолининг ижтимоий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигидир.

Сурхондарё вилояти Юрчи қўрғони Дўстлик қишлоғида Биби Сарпуш зиёратгоҳи жойлашган [8]. Зиёратгоҳ тарихи ҳақида аниқ маълумот йўқ. Маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, қабрнинг ўнг томонида зиндон бўлган (XII-XIII асрлар), у ердаги маҳбусларга қиз таом, нон олиб келиб турган ва бу сирни сақлаган, шу сабаб унга Биби Сарпуш (сир сақловчи) деб ном қўйишган, уни Қоракўз ҳам деб аташган. Ота онаси мусулмон бўлмасда қиз ислом динини қабул қилган. Шу сабаб аҳоли орасида ҳурмати ошган. Вафотидан кейин қиз шу ерга дафн этилган. Кейинчалик бу ер маҳаллий аҳолининг катта қабристонига айланган. Биби Сарпушнинг қабри очик жойда тепалик бағрида жойлашган. Қабристон номи ва зиёратгоҳ "Биби Сарпуш" деб аталади. Зиёратгоҳ худудида у ерга келувчи зиёратчиларнинг номоз ўқиши учун маҳаллий ҳомийлар томонидан 2 хонали уй, усти ёпиқ шийпон қилинган [9]. Ҳозирги кунда бу жой зиёратга келувчи аёлларни мардлик, жасурлик эътиқоди мустаҳкам, продали, сир сақловчи, вафодор аёл сифатида эзгуликка чорлайди.

Туризм йўналиши бугунги кунда давлатимизда устувор соҳага айланган бир даврда, Жанубий Ўзбекистонда аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш, ички ва ташқи зиёрат туризмини ривожлантириш давлатимиз

истикболини белгилайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон "Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шар-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш учун чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 709-сонли фармойиши қабул қилинди ва унга кўра "ВАҚФ" хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Соҳибқирон Амир Темур давридан буён ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган аёллар номи билан брғлик зиёратгоҳларга маҳаллий аҳоли, ҳокимият, вақф хайрия жамоат фонди эътибори қаратилган. Бу муқаддас зиёратгоҳларни халқимиз маънавиятининг белгиси сифатида асраб-авайлаш, у ерда ички ва ташқи зиёрат туризмни ривожлантириш долзарб вазифалардан биридир. Бу зиёратгоҳлар ҳозирги кунда ҳам аҳоли, аёлларнинг ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Улар аёлларни чуқур билим олишга, иродали бўлишга, мардлик, жасорат кўрсатишга, оилада, фарзандлар тарбиясида оқил, турмуш ўртоғига вафодор бўлишга, эзгуликка чорлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Амир Темур. Тузуқлар. – Т: Ekstremum-press, 2016.
2. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Бибизайнаб қишлоғи. 2020 йил 27 август, № 3 дафтар.
3. Жуманазар А, Тўхлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. – Т: Akademnashr, 2016.
4. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғида яшовчи, 1959 йилда туғилган Зиёратгоҳ мутаваллиси. Бердиқулов Шоди мулла билан бўлган суҳбат. 2019 йил 8 август, № 4 дафтар.
5. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Бибизайнаб қишлоғи. 25 август 2022 йил
6. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т: Akademnashr, 2011.
7. Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар-халқимиз маънавиятининг белгиси // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" (Халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўпла-

ми). – Термиз: Сурхон-нашр, 2017.

8. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғи. 2020 йил 27 август, № 3 дафтар.

9. Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғида яшовчи, 1967 йилда туғилган Саидов Ашурали ака билан бўлган суҳбат. 2020 йил 27 август, № 3 дафтар.

## СУРХОН ДИЁРИДА “ЧИЛ ДУХТАРОН”- “ҚИРҚ ҚИЗ”ЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР

Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори

Ўрта Осиё ижтимоий-маданий ҳаётида табиат билан боғлиқ зиёратгоҳларни зиёрат қилишнинг анъанага айланиши, тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Қадимда бу ҳудудда яшаган одамлар табиат сирлари, ундаги ўзаро уйғунликни ҳаёлий ўзлаштириш билан бирга, уларда диний тасаввурлар ҳам аста-секинлик билан шакллана борган. “Чилдухтарон”, яъни “Қирқ киз”лар билан боғлиқ қарашлар Сурхон воҳасида мавжуд бўлиб, Термиз, Узун, Бойсун туманларида шу номдаги зиёратгоҳлар бор. Улар ҳақида халқ орасида турли ривоятлар учрайди.

Л. С. Толстовнинг таъкидлашича, “Қирқ киз”лар номи билан боғлиқ ривоятлар ва халқ дostonларининг илдизлари эрамиздан аввалги V-IV асрларда яшаган сак-массагет қабилаларидаги мавдуд ривоятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки сак-массагетлар яшаган даврда жангчи қизлар бўлинмаларининг мавжудлиги Юнон ва Рим тарихчилари томонидан тилга олинган. Кейинчалик улар орасида турли ривоят ва дostonлар юзага келади [1:156]. Шу тариқа жой номлари ҳам пайдо бўлган.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан “Қирқ-қиз” зиёратгоҳларига илтижо қилиб, мадад сўраш одати мавжуд бўлган. Бу одат кейинчалик фолбин аёлларда сақланиб қолган. Этнограф олим О. А. Сухарева томонидан ёзиб олинган матнда фолбин аёлнинг чилтон покиза, яъни қирқта бокира хур қизларга мурожати ҳам келтирилган [2:115]. Термиз туманидаги “Қирқ-қиз” мақбараси республикамиздаги таникли археологик ёдгорлик бўлиб, Сомонийлар даврига оиддир. У IX-XIV асрлар давомида йирик маданий-диний марказ сифатида фаолият кўрсатган. Ушбу даврда Термиз “Шаҳри Сомоний” деб тарихий манбаларда қайд этилган. Бу мажмуа бир бой уруғига тегишли кўрғон, деб тахмин қилинган. Шу билан бирга, аҳоли томонидан улуғланадиган муқаддас зиёратгоҳ ҳамдир.

Шундай зиёратгоҳлардан бири Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Хўжаастмин қишлоғи тепасида Кўйи Сафед

(Оқ тоғ) этагида "Қирқ қиз" (Чил духтарон) зиёратгоҳи жойлашган. Тоғ оппоқ кўрингани, тепасида доим қор бўлгани учун шундай деб аталади. Тоғ орасида қирқта арча бор. Ривоятларга кўра, бир малика ўзининг қирқта канизаклари билан айланиб, сайр қилиб юрганда ўзлари томонга отда келаётган бир қанча эркакларни кўради. Тоғ тепасида қаерга қочишни билмаган қизлар Аллоҳга эркаклардан яширишини сўрайди. Сўрови ижобат бўлиб, қирқта қиз қирқ арчага айланиб қолган экан [3]. Ҳозирда ҳам бу ерда қирқта арча бўлиб, уни ҳеч ким кесмайди. "Қирқ қиз" зиёратгоҳи ёнида "Хўжаиаспбон" (отбоқар хўжа) қабри ва ноодатий айлана тош, Шакарсеб (Шакар олма) булоғи ҳам бор [4:44]. Булоқлар билан боғлиқ қарашлар уларнинг ҳаёт экологияси асосини ташкил этади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, "Қирқ қиз"лар билан боғлиқ ривоятларда "Қирқ" рақами муҳим аҳамиятга эга бўлган. "Қирқ" рақамини эъзозлаш туркий халқларда қадим замонлардан бошланганлигини деярли барча олиилар тасдиқлашади. Бу рақам исломдан олдинги урф-одатларга бориб тақалади. Энг муҳими, рақамларни илоҳийлаштириш, унинг кароматига ишониш ва у билан турли маросим, тадбирларни белгилашдан иборат бўлган. Айниқса, бу одатлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Вақт ўтиши билан мазкур "Сеҳрли" рақам ислом қоидаларига сингиб, турли матосимлар мана шу рақам атрофида амалга ошириладиган бўлган.

Форсча "Чил духтарон" ёки "Қирқ қиз" номли жойлар юртимизда кўплаб учрайди. Шулардан бири Термиз туманидаги "Қирқ қиз" макбараси ҳисобланади. У республикамиздаги таниқли археологик ёдгорлик бўлиб, Сомонийлар даврига оиддир. У IX-XIV асрлар давомида йирик маданий-диний марказ сифатида фаолият кўрсатган. Ушбу даврда Термиз ҳудуди "Шаҳри Сомоний" деб манбаларда қайд этилган. Бу мажмуа тарихий манбаларда бир бой уруғга тегишли кўрғон деб тахмин қилинган. Шу билан бирга, аҳоли томонидан улуғланадиган муқаддас зиёратгоҳ ҳамдир.

Археологларнинг олиб борган тадқиқотларида аниқланишича, "Қирқ қиз" қаъласи қуйидаги ҳолатда сақланиб қолган: у ёруғлик тарафга қараб қурилган бўлиб, квадрат шаклида, бурчаклари бақувват ички миноралар билан мустаҳкамланган. Кириш айвонларига деразалар ўрнатилиб, узун ўтиш айвонлари орқали ички ҳовлига ўтилади. У ердан тўрт қисмдан иборат икки қаватли

бинога кирилган. Ушбу биноларнинг иккитаси шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий тарафдан бир хил бўлиб, иккаласида ҳам бештадан тўғри бурчакли хоналар мавжуд. Хоналар уч тарафдан икки каватли бир-бири билан бирикиб кетган заллар билан ўралган. Ҳар бир хона фақат зал билан туташтирилган [5:26].

"Қирқ қиз" обидасининг қурилиш услуби хилма-хиллиги билан диққатга сазавордир. Иншоот қурилишида ғиштлар қатлам қилиб, бошқаларида эса эгилган ҳолатда терилган. 1972 йилда шарқ маданияти музейи экспедицияси иншоотда архитектуравий ўлчаш ва суратга олиш ишларини олиб борган. Дастлаб мажмуа тарихини ўрганиш ва унинг ҳажмини ўлчаш ишларини 1936 йили С.Н.Полупанов ҳамда И.В.Заволин АЁСББ (Археологик ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) амалга оширган бўлиб, ушбу тадқиқот натижалари архивда сақланмоқда. 1965 йилда археолог З.А.Ҳакимов тадқиқот ишларини олиб борган [6:93].

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Мочай қишлоғида "Қирқ қиз" деган тошлоқ тепалик бўлиб, маҳаллий аҳоли уни "Қирққизтош" деб атайдди. Афсоналарга кўра қирқта қиз чўмилиш учун сой бўйига тушадилар Маълум вақт ўтиб, қизлар ҳали чўмилиб улгурмаган бир пайтда отларнинг дупур-дупури эшитилади, ёв бостириб кела бошлайди. Қизлар тоғ томонга қочишади. Осий қўлига аср тушишни хоҳламаган қизлар кўкка ёлворишиб тошга айланишни сўрайди. Шунда илтижо қабул бўлиб, қирқта қиз қирқта тошга айланиб қолган экан [7:120].

Академик В.В.Бартольднинг таъеидлашича Ўрта Осиёда қадимги иншоотларни маҳаллий халқ кўп ҳолатларда "Чил духтарон" номи билан боғлашга одатланганлар [8:152]. Фарғона вилоятининг Сўх, Фарғона, Бешариқ, Марғилон, Охунбобоев, Олтиариқ туманларида ҳам қирқ қизлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида моддий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-5328-сон "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шар-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида” Фармонлари, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №-709 сонли фармойиши қабул қилинган. Унга кўра, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилган. Табиат томонидан пайдо бўлган зиёратгоҳларга халқимизнинг қадимги қадрияти сифатида давлатимиз катта эътибор бермоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, воҳанинг турли ҳудудларидаги “Қирқ қиз”лар билан боғлиқ зиёратгоҳлар гўзал табиат инъомидир. Термиз туманидаги “Қирқ қиз” ёдгорлиги археологик объектдир. Халқ орасида улар ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Бундай қарашлар халқимизнинг қадимги эътиқоди, қадрияти бўлган. Айниқса уларнинг баланд тепаликларда жойлашганлиги, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси зиёратчилар сонининг йилдан йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Халқимизнинг қадимги қадрияти, эътиқодини кўриш ва тарихини ўрганиш учун бундай объектларни зиёрат туризмига айлантириш олдимизда турган муҳим вазифадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Толстов. Л. С. Отголоски массагето-аларского субстрага в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса// Энографии и археология Средней Азии. –М., 1979. – Б. 156.
2. Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана //Домусульманские ворования и обряды в Средней Азии. – М: Наука, 1975. – Б. 115.
3. Дала тадқиқотлари.Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хўжа Асмин қишлоғи.27 август 2022 йил.
4. Муҳаммад Юсуф Маъусий Хондизагий. Тачоллоий ишқ. – Душанбе, 2003. – Б. 44.
5. Пугаченкова Г. А.Термиз. Шахрисабз. Хива. – М: Искусство, 1976. –С. 26.
6. Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З. А. Средневековые памятники Сурхандарьи.-Т: Издательство литературы и искусств.им. Г. Гуляма, 1982.С. 93.
7. Ипак йўли афсоналари. –Т.: "Фан", 1993. – Б.120.
8. Бартольд В.В. Сочинения. Том II,часть 2. – М., 1964. – С.152.



## ХОНЖИЗА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти ўзининг қадим тарихи, археологияси, этномаданияти, меъморий ёдгорликлари ва алломалари, уларнинг илмий мероси, илм-фанга қўшган ҳиссаси билан жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин тутди. Бугунги кунда жаҳонда туризм йўналиши устувор соҳага айланган бир даврда, Сурхон диёридаги табиий, маънавий, маданий ва моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлатимиз истиқболлини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларида, "Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакат бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш" кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳияти жуда юқори. Бу йўналишда зарур қулайликлар яратиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита таркибида "Зиёрат туризмини қўллаб қувватлаш" бўлими ташкил этилиб, Малайзия, Туркия, Индонезия каби давлатлар учун визасиз режим жорий қилинди [1].

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон "Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 709-сонли фармойиши қабул қи-

линган. Унга кўра "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Сурхондарё вилояти шимолий ҳудуди бўлган Ҳисор тоғ тизмасига кирувчи Хонжиза тоғи (Хурсанд тоғ) ва Сандардак тоғи табиати ўзига хос бўлиб, у ерда яшовчи халқнинг қадим тарихи, этномаданияти, маҳаллий алломалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлари, қадамжолар, табиат томонидан пайдо бўлган булоқлар, мўжизакор туристик зоналар мавжуд. Маънавий ва моддий меросимизга таяниб, тоғ ҳудудида маҳаллий ва хорижий туризмни ривожлантириш давлатимиз иқтисодиётини юксалтиради.

Маънавий бойликларимиз, архетектура ёдгорликлари, зиёратгоҳлар, табиатнинг гўзал манзараларини асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳисор тоғ тизмаларига кирувчи Хурсанд тоғи Сурхондарё вилоятининг шимолида жойлашган бўлиб, Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Халқ орасида Хурсанд тоғ – Хонжиза тоғи ҳам деб аталади. Хонжиза Хурсанд тоғи ҳудудидаги қишлоқнинг номи бўлиб, "Хондиза" сўзи асли хон (туркча), диза (форсча) сўзидан олинган. У хон кўрган қаъла, хон кўрган жой, маърифат қаъласи номини билдиради. Унинг иккинчи талқини (тожикча) "Хонипур" сўзидан олинган бўлиб, ноз-неъмат кўйиладиган, меҳмон кутадиган жой маъносини англатади [2]. Яъни, Хонжиза қишлоғи тўрт томонидан: Ҳисор тоғ тизмаларига кирувчи шимолдан Хурсанд тоғ, шарқдан Қаровул тоғ, жанубдан Паршоҳ, ғарбдан Шикоргоҳ тоғлари билан ўралган водийда жойлашганлиги сабабли, бу ҳудуд меҳмон кутадиган, ижод қиладиган, дам оладиган қаъла маъносида келган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ерда неча юз йиллар олдин Чингизхон, Амир Темур ҳам бўлган. Тасаввуфчи олимлар ҳам шу ерда бўлиб, яшаб ижод қилган. Шунинг учун "Хон кўрган жой", "Маърифат қаъласи" номини билдирган.

Тоғ аҳолиси шу ерда бир неча минг йиллардан буён яшаб келаётганлиги сабабли ўзига хос тарихга эга. Хонжиза халқи орасидан тасаввуф соҳасида кучли билимга эга олимлар етишиб чиққан. Уларнинг қабрлари маҳаллий ва вилоят миқёсидаги зиёратгоҳлардир. Хурсанд тоғи ҳудудида Кенгузар, Нилу, Дебодом, Десурх, Хонжиза, Хўжаасмин, Чош, Пастикалон, Пор, Пуштиварак, Ўрах, Кўзияк, Карсак каби қишлоқлар бўлиб, у ерда хўжалар,

шахидлар номи билан боғлиқ ва табиат томонидан пайдо бўлган 30 га яқин зиёратгоҳлар бор. Тоғ табиати чиройли, салқин, ҳавоси тоза, баҳаво жойлар бўлгани учун ёз фасли давомида доим дам олувчи ва зиёратчилар билан гавжум.

Хонжиза кишлоғи маркази бўлган тепаликдаги Хонжиза қабристонида Домла Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг қабри бўлиб, яшаб ўтган йиллари номаълум. Маҳаллий аҳолининг айтишича бундан 500-600 йиллар аввал Самарқанддан шу ерга келиб қолган, у киши кучли авлиё, тасаввуфчи олим, маърифат тарқатувчи бўлган. Қабри устига маҳаллий аҳоли томонидан мақбара қурилган. Ҳозирда маҳаллий аҳоли борадиган зиёратгоҳдир [3].

Тасаввуфчи етук олим, шайх ва шоир Сўфий Ҳисорий-Хондизагийнинг қабри ҳам Хонжиза қабристонидадир. У Домла Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг 5 авлоди ҳисобланади. Сўфий Ҳисорий-Хондизагий 1878 йилда тоғли Хонжиза кишлоғида туғилган. Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудида туғилгани учун Сўфийи Ҳисорий тахаллусини олган. Илк исломий таълимни кишлоғида олган бўлиб, отаси Абдулвоҳид Нақшбандия тариқатига мансуб эди. Сўфийи Ҳисорий жуда Аллоҳга берилганлиги, дунёга эътиборсизлиги ҳамда танаси озғинлигидан Сўфийи Хароба деб ҳам аталган [4:3-16].

Хонжиза кишлоғида Эшони Сафар Халифа исмли қалби уйғок, соҳибқаромат шайх бўлиб, шариат ва тариқат илмларида комил эди. У зот тариқат ижозатини Халифа Чўян исмли валий зотдан олган. Эшони Сафар Халифа аллома ва шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагийнинг амакизадаси бўлиб, Сўфий Хондизагий бир неча кишлоқдошлари қатори ана шу забардаст шайх ва алломадан таълим олган [5:380-381].

Эшони Сафар Халифа (тах. 1850-1935 йиллар) Қашқадарё вилояти Қамаши туманида мангу кўним топган Шайх Абдул Ҳасан ибн Илёс Лангарий (вафоти 1491-1492) авлодидан бўлиб, Хонжиза кишлоғидаги маҳаллий аҳолига ислом дини илмидан таҳсил бергани келган ва шу ер аҳолисига пир бўлган [6:72]. Бобоқалони Шайх Абдул Ҳасан ибн Илёс Лангарий ҳам ўз даврида ислом дини ривожига катта ҳисса қўшган ва ўзининг билими, хизматлари билан ҳукмдорлар олдида обру эътиборга эга бўлганини тарихдан кўришимиз мумкин.

Эшони Сафар Халифанинг шогирди бўлган Сўфий Хондизагий дастлабки мадраса таълимини Денов шахридаги Саййид Оталиқ, сўнгра Бухородаги Мир Араб мадрасасида олган.

Сўфий Хондизагий кейинчалик таникли алломалар бўлиб етишган шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий, Домулла Саъид, Мулло Зиёратшоҳ, Мулло Айнуддин, Мулло Фахруддин каби шахслар билан бирга Бухородаги Мир Араб мадрасасида узоқ муддат таҳсил олган [4:4].

Тасаввуфчи олим Сўфий Хондизагий жўшқин шоир ҳам бўлган, Аллоҳ, ишқига етиш каби ички кечинмалари асосида "Жўшиши дарёи дарс" шеърий китобини ёзган. Умрининг охиригача Бухоро мадрасасида мударрислик қилган, соғлиғи йўқлиги туфайли ватанига қайтади, 1921 йилда, 43 ёшида Хонжиза қишлоғида вафот этади [7].

Домла Айниддин Сўфий Хондизагийнинг акаси бўлиб, 1860 йилда Хонжиза қишлоғида туғилган. Дастлабки билимни болалигида қишлоғидаги Шайх Эшони Сафар Халифадан олган, Деновдаги Саййид Оталиқ мадрасасида, кейин Бухорода таҳсил олган. Мадрасани тугатиб қишлоғига қайтгач Қуръони карим, ҳадис, тасаввуфдан шогирдларига илм ўргатган. Фақат ибодат қилган, кунига 100 ракаат номоз ўқиган. 1938 йилда оламдан ўтган, Хонжиза қабристонидаги укаси қабри ёнига дафн этилган [8].

Бундан кўриниб турибдики, 500-600 йиллар муқаддам яшаган тариқат вакили, авлиё Домла Нодирмуҳаммад Самарқандий авлодлари бўлган тасаввуфчи олимлар: Сўфий Ҳисорий-Хондизагий, Домла Айниддин боболари изидан бориб шариат ва тариқат илмларини ўрганишда комил бўлганлар, шогирдлар етиштириб маърифат тарқатганлар. Уларнинг қабрлари Хонжиза қишлоғидаги катта зиёратгоҳга айланган.

Хонжиза қишлоғида қабристонида яна бир забардаст аллома, саънаткор шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагийнинг хоклари абадий кўним топган [3].

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий 1871 йилда Хонжиза қишлоғида ҳунарманд уста оиласида туғилган. Қуръон илмидан хабардор бўлган, адабиёт ва санъатни севадиган Усто Муҳаммад Ражаб кичик ўғлининг зийраклиги, илмга ташналигини сезиб тўрт ёшлигидан Хонжиза қишлоғидаги амакиси шайх Эшони Сафар

Халифага шогирдликка берган. Шундан сўнг у Денов шаҳридаги Саййид оталиқ мадрасасида таълим олган [9:3-5].

У 1821 йил йирирма ёшида Бухорога Мир Араб мадрасасига ўқишга боради. Қуръон илмларини чуқур ўрганеди. Қисқа вақт ичида мадрасада шоир сифатида танилади. 1915 йилда Мир Араб мадрасасини тамомлайди [10:256-258].

Муҳаммад Юсуф Маъюсий қишлоғига қайтиб келиб ижод қилади. Қуръон тиловати ва ижодий ишга кўп берилганлиги, фарзандсизлик дарду ғами туфайли 1948 йилда кўзлари кўрмай қолади. 1967 йил март ойида 96 ёшида оламдан ўтади [5:383-385].

Шоирнинг шеърлар баёни қолган бўлиб, у "Гуфтори Маъюсий" ("Маъюсийнинг айтган шеърлари") номи билан машхур [5:385].

Хонжизалик адабиёт ихлосманди Хусрав Саъдуллоҳ шоир шеърларини тўплаб, 2003 йилда "Тажоллои ишқ" номли китоб килиб Душанбе шаҳридаги "Ирфон" нашриётидан чиқарди.

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Қуръон илмини чуқур ўрганган олим, шоир сифатида Хондиза халқини илму маърифатга етаклаган. Унинг Хонжиза қабристонидagi мозори зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Катта Хонжиза қабристони қишлоқнинг ўртасида тепаликда жойлашган бўлиб, дарвозадан кираверишда чап томонда Домла Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг қабри бор. Қадимдан қабр устида оддий лой пахсадан мақбара бўлган. 2016 йилда эски иморат бузилиб, ўрнига маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан оддий ғиштдан бир хонали, усти шифр билан ёпилган мақбара қурилган. Қабристон аллома номи билан аталади. Дарвозадан тўғрига юрганда катта Савда дарахтининг тагида домла Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг, унинг ўнг томонида Домла Эшони Сафар халифа, ундан юқорида, пастроқда учта Савда дарахтининг тагида домла Сўфий Хондизағий, у билан ёнма-ён акаси домла Айниддинларнинг қабри бор. Бу мазоротда ислом илми ривожига ҳисса қўшган, ўз халқига маърифат-зиё тарқатган алломалар ётгани учун катта зиёратгоҳ сифатида маҳаллий халқ томонидан қадрланади [3].

2018 йилда зиёратгоҳга Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими томонидан эътибор қаратилиб, қабристон ёнидаги катта қишлоқ масжиди юқорисига Муҳаммад Юсуф Маъюсийга атаб фонд ҳисобидан олди айвонли, усти кичик гумбазли мақбара қурилди.

Ичига рамзий қабр қўйилган. Ҳозирги кунда ҳам таъмирлаш ишлари давом этмоқда [11].

2018 йил ўрталарида қишлоқдан оқиб ўтувчи Хурсанд дарё бўйига "Вақф" жамоат фонди томонидан Сўфий Хондизагийга атаб ҳам мақбара, унинг ёнида 100 кишилик масжид қурулган. Мақбарага рамзий қабр қўйилган. Зиёратчилар учун шарт-шароит яратилган. Сўфий Хондизагий дарёнинг жўшиб, пишқириб оқишдан илхом олгани учун, қадамжосига шу жой танланган. Алломаларнинг қабрлари тепаликда жойлашгани, зиёратчилар учун ноқулай бўлганлиги боис, уларга шундай қулайликлар яратилган. 2019 йил февраль ойида бу зиёратгоҳ "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё вилояти бўлими тасарруфига ўтган [12].

Хонжиза қабристонининг ёнида, ўнг томонда катта қишлоқ масжиди бор. У бундан етти асрлар муқаддам ҳам бўлган. Масжид 1999 йилда маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан ёғоч ўймакорлиги усулида шу ерлик усталар: Соҳибов Раҳматулло ва шогирдлари томонидан қайта қурилган. Иш давомида масжид устунидан XIV асрга оид ёзувлар топилган. Бинонинг янги қурилишида устки қисмига ўн бешта гумбаз ёпилган. Ўртадаги марказий учта гумбазнинг биттасига Муҳаммад Юсуф Маъюсий ижоди, ғазаллари, иккинчисига, Сўфий Хондизагий ғазаллари, ўртадаги катта гумбазга Эшон Сафар Халифа, шогирдлари: Сўфий Хондизагий, Муҳаммад Юсуф Маъюсийларнинг ҳаёт фаолияти ёғочга ўйиб ёзилган. Масжид минг кишига мўлжалланган. Ҳовлида ҳам яна минг киши номоз ўқиса бўлади. Ибодат қилувчилар учун барча шароитлар яратилган. Жума номозларида, ҳайит байрамларида қўшни қишлоқ аҳолиси ҳам шу ерга келади. Зиёратчилар ҳам шу масжидда номоз ўқийди [13].

Маҳаллий аҳолининг айтишича, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг сеvimли шогирди ва куёви, икки буюк халифасидан бири Хожа Алоуддин Аттор (вафоти 1400 йил) [14:154-155]. XIV асрда Хонжиза аҳолисининг пири бўлган, шу масжидда номоз ўқиган [13].

Масжид устунидаги ёзувлардан, маҳаллий аҳоли орасидаги ҳозирги кунгача етиб келган бундай ривоятлардан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам масжид XIV асрга тегишли деб хулоса чиқариш мумкин.

Хожа Аллоуддин Аттор XIV асрда нақшбандия таълимотини

тарғиб қилиш учун Чағанёндаги (Сурхондарё вилояти), қадимги Холчаёнга (Денов тумани) келган [15:24-30]. Маҳаллий халқ тоғ худудида сел келиши, тоғ кўчиши, ёввойи ҳайвонлар тажовузидан пир дуоси билан соғ қолиш мумкин деб ўйлашган. Аллохдан паноҳ сўрашган.

Бундан ташқари тоғнинг устида, қишлоқларида Хўжалар билан боғлиқ зиёратгоҳлар кўпчиликни ташкил қилади. "Хўжа" сўзи форсча обру-эътиборли киши, соҳибу-фахрий, унвон ва мурожат шакли. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар хўжалар Хулофои Рошидийн (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али)нинг Муҳаммад (с.а.в) нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари, авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда хўжалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади [16:551-552].

Хурсанд тоғ тепасида, муз қатламларидаги Чош қишлоғида Хўжаи Пирях (Қари муз хўжаси) зиёратгоҳи бор. Бу жой Хурсанд тоғнинг энг баланд чўққиси ҳисобланади. Тепаликдаги муз қатламлари қалинлигидан санаш мумкин [17].

Хонжиза маҳалласи Дебодом қишлоғининг шимолий қисмида Хўжаимурид (Муриднинг хўжаси), Куйи сафет (оқ тоғ) этагидаги Хўжаастмин қишлоғида Хўжаиаспбон (отбоқар хўжа), Хонжиза қишлоғининг жанубий томони. Хурсанд дарёнинг қирғоғида Хўжаи тунд (бемардош хўжа) каби хўжалар билан боғлиқ зиёратгоҳлар бор [18].

Халқ орасида хўжалар етти хўжа деб аталиб, унинг қариндошлари Сариосиё тумани Сангардак тоғ худудида ҳам учрайди. Сангардак қишлоғининг шимолий қисмида, Саргардак дарё тепасидаги тоғ устида Хўжаи илғор (Илғор хўжа) зиёратгоҳи бор. У ердан тўртта булоқ чиқади, суви шифобахш.

Хўжаи илғор зиёратгоҳининг номи Хўжаипеш (Пешқадам хўжа), Хўжаи баланд, Хўжаи устун (ҳаммадан баланд, юқорида) деб ҳам аталади. Ёз ойларида зиёратгоҳ доим зиёратчилар билан гавжум. Қабр тоғнинг тепасида бўлиб, унинг устига маҳаллий аҳоли томонидан томи шифр билан ёпилган бир хонали хонақоҳ қурилган. 2019 йил баҳорида зиёратгоҳ "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими тасарруфига ўтказилиб, улар ҳисобидан зиёратгоҳга чиқиш учун тоғнинг тепасигача 1080 та зина қилинган, бу зиёратчиларга

кулайлик туғдиради [19].

Сангардак тоғи Хубон қишлоғи тепасида Хўжаихубон (Яхшилар хўжаси) зиёратгоҳи бор [20]. Унга зиёратчилар фақат июнь ойида бир кун боришади.

Сариосиё туманининг Хупар тоғи Хупар қишлоғида “Еттинчи хўжа” деб аталувчи Хўжамқара (Хўжанинг қораси кўринди) зиёратгоҳи бор. Бу жой ҳам неча асрлардан буён мавжуд бўлиб, тарихи номаълум. Қабр очиқ айвон тагида жойлашган. Маҳаллий ҳомийлар ҳисобидан таъмирланган. Ҳозир "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими тасарруфида [21].

Олтинсой туманига қарашли Хўжаи барку тоғи Ушур қишлоғида Хўжаи Ҳисор (Ҳисор хўжаси) зиёратгоҳи жойлашган. "Ҳисор" сўзи хўжанинг Ҳисор қаъласидан келганини билдиради. Бу жойга фақат йилда бир марта август ойи 20 санасидан кейин бир ҳафта ичида чиқса бўлади. Зиёратгоҳ тоғнинг устида бўлгани, тоғ табиати жуда совуқлиги боис доим у ерга бориб бўлмайди, зиёратчи жуда камчиликни ташкил этади [22].

Яна бир хўжа – Хўжаипок номи билан боғлиқ зиёратгоҳ Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги тоғ ён бағрида Хўжаипок қишлоғидадир. Бу зиёратгоҳда тоғ тагидан муздан олтингугуртли сув чиқади [23:33-34].

Хўжаипок номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Республикамининг бошқа вилоятларида ҳам учрайди: жумладан Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Туркменистон Республикаси билан чегарадош тоғ худудида Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган. Қишлоқнинг номи ҳам Хўжаипок деб номланган. Бу ердан ҳам шифобахш сув бор [24].

Хўжаипок номи билан боғлиқ зиёратгоҳларда бир хиллик учрайди: яъни шифобахш олтингугуртли сув чиқади.

Халқ орасида Араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун етти хўжалар келган гаплар бор. Хўжаларнинг ким бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Улар асосан тоғли худудлардаги маҳаллий аҳолига ислом илмларидан маърифат таркатган, пир бўлган, ўзларининг ибодат қилишлари учун ҳам тинч, сокин жой излаган бўлиши мумкин.

Булоқлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳаёт экологияси асосини ташкил этган. Хонжиза қишлоғида Хурсанд



тоғидан келадиган дарёнинг бўйида Чашми девоноҳо (Девоналар булоғи) бор. У қадимдан бор бўлиб, катта тошнинг орасидан қайнаб чиқади. Қишлоққа киришда, ўнг томонда тераклар кўп бўлганлиги учун бу ердан чиқаётган булоқ "Кўк тераклар булоғи" деб аталади. Десурх қишлоғидаги Қизилсой бўйида "Оби Сурхон", Найхо тоғининг тагида "Шайхлар булоғи" деб номланувчи булоқлари билан машхур. Шу билан бирга, Нилу қишлоғининг юқорисида, Кенгузар қишлоғига етмасдан чап томонда Қорақиз адирлигида Қўтирбулоқ зиёратгоҳи, қишлоқнинг тепасида Чашмаи Бибихур-Бибинур мозорида ҳам муқаддас булоқлар бор. Нилу қишлоғининг кунботар тарафида тоғнинг тепасида ҳам шифобағш сув чиқадиган булоқ бўлиб, у Чашмаи Соро зиёратгоҳи деб аталади. Дебодом қишлоғининг тепасида Дарвозаҳо зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, бу ерда тоғнинг уч жойидан сув чиқади. Хўжаасмин қишлоғи тепасида Кўйи сафет (Оқ тоғ) этагида (тоғ оппоқ кўрингани, доим қор бўлгани учун шундай деб аталади) Қирқ қиз (Чил духтарон) зиёратгоҳи жойлашган. Тоғ орасида қирқта арча бор. Бу ерда Шакарсеб (Шакар олма) булоғи бор [25].

Сангардак тоғида катта айлана тош борлиги сабаб (форсийда "санги гирдак" - "айлана тош, юмалоқ тош" маъносини билдиради) Сангардак деб номланади. Тоғнинг 100 метрлар тепалигидан оппоқ сув оқиб тушадиган жойда қадимий "Шаррамозор" деб аталувчи табиат томонидан пайдо бўлган жуда чиройли манзарали шаршара бор. Бу жой зиёратгоҳ бўлмасда, сув ҳеч ким билмайдиган жой, тоғнинг ўртасидан оқиб тушаётганлиги, мўъжизавий кўринишга эгалиги, қадимдан мавжудлиги сабаб уни "Шаррамозор" деб аташади. 2018 йилда бу шаршара "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими тасарруфига ўтган. Бу ташкилот ҳисобидан зиёратчи ва дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Булоқлар кўпинча зиёратгоҳ ҳудудларида учрагани, одам ўйламайдиган тоғ орасидан, тоғ тагидан сув чиқиб булоқ пайдо бўлганлиги сабаб, аҳоли бу мўжизани Аллоҳни қудрати деб ўйлайди. Шунинг учун уларни муқаддас, сувини шифобағш деб билган. Гўзал табиат объектлари билан боғлиқ муқаддас жойларнинг кўп бўлиши Сурхон замини табиатининг ўзига хослигини кўрсатади.

Халқ орасида шаҳидлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам улуғланади. Масалан Хонжиза қишлоғида Шоҳидон тоғининг

остида шаҳидлар учун тош билан ўралган Шаҳидон мазороти (Шаҳидлар мазори) бўлиб, Нилу қишлоғининг тугашида Чош тараф дарёнинг бўйида писта боғидаги Писта мазоротида ўнтача қабр бор. Бу қабрлар ҳам шаҳидлар қабри ҳисобланади. Нилу қишлоғининг ўртасидаги муқаддас саналадиган ҳовузда балиқларни ҳеч ким емайди. Аҳоли шу ҳовуздан сув ичади. Қишлоқдаги Шўркўл сойлигининг тепасида ҳам зиёратгоҳ бўлиб, у халқ орасида Мирзо Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёр учрашган жой сифатида улуғланади [20].

Хонжиза қишлоғи йўлнинг чап томонида, қишлоқдан анча узоқда Мазори тўқ зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, унинг атрофида дўлана дарахти бор [25].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида олиб борилган археологик, этнографик тадқиқотлар, муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уни юзага келтирган ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеликларни ёритишда катта аҳамиятга эга. Сурхон воҳаси шимолидаги тоғли ҳудудларда ҳам XIV-XV асрларда ўзига хос маънавий муҳит ҳукмрон бўлган. Ислом илми билимдонлари маҳаллий аҳоли маънавиятининг юксалишига хизмат қилган. XIX-XX асрларда бу ердан тасаввуфчи олимлар етишиб чиққан. Улар ўзларининг ҳаёт фаолияти, илмий мероси, жўшқин Аллоҳни улуғловчи шеърлари билан аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган, маърифат тарқатган. Алломалар, хўжалар, шаҳидлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ва табиат томонидан пайдо бўлган туристик объектлар водий аҳолисининг моддий бойлигидир. Уларни ўрганиб илмий таҳлил қилиш, у ерга маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш долзарб вазифадир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Сурхондарё шимолидаги тоғ қишлоқларида 29 та зиёратгоҳлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг аксариятини вилоят ва ҳудудий, маҳаллий миқёсда маълум бўлган зиёратгоҳлар ташкил этади. Жумладан, тасаввуф вакиллари номи билан боғлиқ 5 та, Хўжалар номи билан аталган 9 та, булоқлар билан боғлиқ 11 та, шаҳидлар билан боғлиқ 3 та, 1 та қадамжо ўрганилиб илмий муомилага киритилди. Тоғ қишлоқларида маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқган тасаввуф вакилларининг ўз халқига диний билим бергани, илму маърифат

таркатгани боис, улар хоки ётган зиёратгоҳлар ҳозирги кунда аҳоли бораган муқаддас зиёрат объектидир. Бу жойлар маҳаллий аҳолининг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир этадиган маскан сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, табиат томонидан пайдо бўлган булоқлар, зиёратгоҳларнинг баланд тепаликларда жойлашганлиги, гўзал табиати, сўлим, салкин ҳавоси зиёратчилар сонининг йилдан йилга ошишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон давлатларида фаол масалага айланган бир пайтда, бу жойларга маҳаллий зиёратчилар билан бирга хорижлик туристларни ҳам жалб қилиш, давлатимиз қадим тарихи, маънавияти, маданияти, гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Туризм-мамлакатимиз иқтисодиётининг эртанги куни /<https://president.uz/uz/1516>.

2. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1957 йилда туғилган Соҳибов Раҳматулло билан бўлган суҳбат. Тоҷик филологияси фани ўқитувчиси, Хонжиза болалар оромгоҳи директори. 2020 йил 16 август.

3. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи, 2019 йил 31 июл. 4 дафтар.

4. Домулло Сўфи Ҳисори Хондизағй. Чўшиши дарёи дарс (Жўшиши дарёи дарс). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Хусрави Саъдуллоҳ. – Душанбе: "Деваштич", 2006.

5. Мирзо Кенжабек. Термиз таскираси. Буюк термизийлар. – Т: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017.

6. Абдужаббор Ҳожи Соатов. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд идрок Шамчироғи. – Т: Фан ва технология, 2010.

7. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1940 йилда туғилган Маматқулов Ҳамроқул бобо билан бўлган суҳбат. 2019 йил 2 август. 4 дафтар.

8. Сурхондарё вилояти Денов тумани Янги Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1941 йилда туғилган Хўжаев Лутфулло Ҳожи отаси – 1895-1979 йилларда яшаб ўтган Ниёзов Хўжабой бободан эшит-

ганларини сўзлаб берди. 2019 йил 2 август. 4 дафтар.

9. Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизағи. Тачалло ишк ("Ишк тажаллийси"). – Душанбе: "Ирфон", 2003.

10. Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари (IV асрдан XX аср бошларигача). – Қарши: "Насаф", 2006.

11. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1976 йилда туғилган Муҳаммадиев Фарҳод (Домла Сўфий қадамжоси маъсул ходими: Шартнома №-23, 2019 йил 25 феврал) дан олинган ҳужжатлар асосида берилди. У "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими. 2020 йил 16 август.

12. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1988 йилда туғилган Султонов Нуриддин (Домла Маъюсий қадамжоси маъсул ходими: Шартнома №-27, 2019 йил 25 феврал)дан олинган ҳужжатлар асосида берилди. У "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими вакили. 2020 йил 16 август.

13. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1957 йилда туғилган Соҳибов Раҳматулло билан бўлган суҳбат. Тожик филологияси фани ўқитувчиси, Хонжиза болалар оромгоҳи директори. 2020 йил 16 август.

14. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Муин ал-фуқаро. Тарихи муллозода (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Т.: Янги аср авлоди, 2009.

15. Бўриев О. Хожа Аллоуддин Аттор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маънавий, маданият-тарғибот маркази, 1994.

16. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017.

17. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош қишлоғи. 2019 йил 31 июл.

18. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Дебодом, Хонжиза, Хўжаасмин қишлоқлари. 2019 йил 2 август. 4 дафтар.

19. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак тоғидаги Йўлдош Охунбобоев қишлоғи. 2019 йил 5 август. 4 дафтар.

20. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 5 август. 4 дафтар.

21. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хупар қишлоғида яшовчи, 1962 йилда туғилган Дўстов Исмаилло билан бўлган суҳбат. Зиёратгоҳ маъсул ходими. 2019 йил 14 август. 4 дафтар.

22. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Жиянбобо қишлоғида яшовчи, 1976 йилда туғилган Сувонов Абдилазиз билан бўлган суҳбат. Ҳозирда шу қишлоқдаги 29 ўрта мактаб тарих фани ўқитувчиси. 2020 йил 26 август.

23. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003.

24. Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Хўжаипок қишлоғи. 2019 йил 24 август. 4 дафтар.

25. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош, Хўжасмин, Хонжиза, Десурх, Дебодом, Нилу, Кенгузар қишлоқлари. 2020 йил 15-16 август. 2 дафтар.

## ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ ШАЙХ ВА ХИЗМАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида нуфузга эга бўлган Ўзбекистон худуди ислом оламида ўзининг Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Сайфиддин Бохарзий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа буюк сиймолари билан машҳур.

Аждодларимиз хоки ётган зиёратгоҳлар тарихи, моддий ва маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, у ерда хизмат қилаётган шахслар фаолиятини ўрганиш, зиёратчиларга шарт-шароит яратиб бериш, зиёратгоҳларга маҳаллий аҳоли ва хорижий туристларни жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳр маҳаллий аҳолисининг зиёратгоҳларга тез-тез борганлиги туфайли, ушбу қадамжоларга ҳукмрон сулола, ҳоким ва бекликлар томонидан шайхлар тайинланган. XIX аср охирига қадар улар зиёратчиларга хизмат кўрсатиб келган.

“Шайх” – ислом дини тарқалган мамлакатларда олимлар, ислом дини пешволари, фақиҳларга берилган ном. Кейинчалик сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам “Шайх” деб юритилган. Марказий Осиёда “Шайх” кўпинча муқаддас мозорлар ва қадамжоларда садақа ва назр-ниёз олиб турадиган руҳонийлар табақасига нисбатан ишлатилган [6:562].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Шайх” мозор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, Худо йўлига аталган назр-ниёзларни қабул қилувчи, руҳоний” деб изоҳлаб ўтилган [9:392].

Аммо “Шайх” тўғрисида ушбу изоҳ етарли эмас. Мозор шайхи нафақат назр-ниёзни қабул қилувчи, балки мозорнинг мавқеини ушлаб турувчи, у ердаги қадимий анъаналарни давом эттирувчи шахс сифатида муҳим роль ўйнаган.

Муқаддас зиёратгоҳларга эгалик қилиш ва ундаги шайхлик вазифасини эгаллаш яқин кунларгача ўз аҳамиятини йўқотмаган

бўлиб, бу ваколатга эришишда шайхлик ҳуқуқи куйидаги тоифаларга бўлинган:

а) саййидлар гуруҳи;

б) хўжалар гуруҳи;

в) тасаввуф тариқати намоёндалари ҳисобланувчи эшонлар авлодлари гуруҳи;

г) сўфий пирлар қўл остида хизмат қилган мадраса муаллимлари, махдумлар, охундлар гуруҳи;

д) мазорларда хизмат қилиши туфайли шайхлик ҳуқуқини қўлга киритган оддий табақага мансуб оилалар гуруҳи [1:60].

“Сўфий” лақаби билан танилган илк зот Куфалик Абу Ҳошим Сўфий (ваф. 767 й.) эди. Тасаввуф тарихида биринчи така – хонақоҳ эса бир насроний Амир томонидан Ройила шаҳрида Абу Ҳошим учун қурилган эди [8:49]. Сўфийларда ҳам уларнинг қабрлари устига така ва хонақоҳлар қурилган [2:100].

Така хонқоҳларнинг ёнида чиллаxonалар бўлиб, у ерда сўфийлар қирк кун чиллада ўтиришган, яъни ташқи оламдан узилиб, тоат-ибодат қилганлар. Такадаги ёки хонақоҳдаги қабрлар сўфийлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган, улар бу ерда ётган сўфий ҳурмати учун Қуръони каримдан тиловат қилишган ва бу жойни табаррук зиёратгоҳ ёки табаррук жой ҳисоблашган.

Марокашлик сайёҳ Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асарида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар тарихига оид қимматли маълумотлар берилган. У Ўрта Осиёга қилган саёҳатида “Сўфийлардан бўлган шайх Нажмиддин Кубро қабри олдидаги зовияга (хонақоҳга) борганида, у ерда зиёратчилар учун таомлар пиширилаётган экан. Ўша пайтда бу хонақоҳнинг шайхи Сайфиддин ибн Асаба экан. Қўшни хонқоҳда энг буюк зоҳидлардан бири Жалолиддин Самарқандий шайхлик қилаётганини, қадамжолар қошида зовия, қадамжода хизмат қилувчи руҳонийлар учун ажратилган вақф мулклар (дала, боғлар) борлигини” айтади [5:49].

Вақф – мусулмон мамлакатларида давлат ёки мусулмонлар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк бўлган [6:122].

Ибн Баттута Бухорода Сайфиддин Бохарзий қабрини зиёрат қилади. Унинг ёзишича: “Сайфиддин Бохарзий мазори қошидаги зовия жуда катта бўлиб, унга ажратилган вақф мулклар ҳисобидан

зиёратчиларни боқиш ҳам кўзда тутилган. Бу зовия шайхи Сайфиддин Бохарзий авлодларидан бири Яхё Бохарзий (1335-1336) муқаддас ҳаж сафарига борган” [5:50].

Сайёх “Эски Термиз Жайхун соҳилида қурилган эди. Чингиз уни вайрон этгандан сўнг, янги шаҳар дарёдан икки миля масофада бунёд этилган. Биз у ерда катта ер ва боғлар соҳиби энг муҳтарам обрўли шайхлардан бири – Шайх Азизон зовиясига кўндик. Шайх ўз бойликларини зиёратчиларни боқишга сарфлар эди” деб айтган [5:77]. Ибн Баттута айтаётган Шайх Азизон зовияси ҳозирда Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳи бўлиб, Пайғарбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг набираси Ҳусайн авлодига мансуб Термиз саййидлари мақбаралар мажмуасидир.

Ўша даврда Термиз саййидларидан Аъло – ул-Мулк Худовандзода Термиз ноиби бўлган. Термиз саййидлари XI-XIX асрлар давомида ушбу мақбарага шайхлик қилиб келишган [4:89].

Амир Темур “Тузуқлар”ида: “Менга бўйсинган мамлакатлар саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвешлари, зоҳидларини, суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Факиру мискин, бирор касб қилишга ожиз, шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрис ва шайхларга кундалик маошларини белги-лансинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чироқ билан таъминласинлар. Биринчи навбатда Амир ул-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Хулани вақф этиб берсинлар. Шунингдек, Турон ва Эрондаги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар”, деб айтган [3:133-134].

Демак, зиёратгоҳга шайхлик ўзига хос сўфий авлиёлар силсиласи бўлиб, шайхлик авлоддан-авлодга ўтиб келган. Зиёратгоҳ ва унда хизмат қилувчи шахсларга вақф мулки ажратилган.

Мазор шайхлари тўғрисида Б.Х.Кармышева қуйидагиларни келтирган: “Мазорлардаги шахсларга келсак, уларнинг жамиятдаги ўрни ва даромадлари, улар кўриқлаётган зиёратгоҳларнинг машҳурлиги ва унинг вақфининг келтираётган фойдаси билан боғлиқ бўлган. Оддий шайхлар ва унинг оиласи аъзолари зиммасига



зиёратчиларга тунаб қолиш учун жой бериш, хўжалик анжомлари ва қурбонлик қилинган ҳайвонлар гўштини қайнатиш учун ўтин тайёрлаш, мазорни жумладан, диний маросимлар учун таҳоратхона ва таом пишириладиган, қурбонлик келтирадиган жойни ва масжидни тоза сақлаш сингари хизмат кўрсатиш вазифаси кирган” [7:101].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин. Ҳар бир зиёратгоҳда шайхлик қилиш ҳуқуқи дастлаб, унинг олдинги шайх авлодларига қараб белгиланган. Зиёратгоҳнинг мавқеи у ерда ётган аллома, авлиё мақомига ёки зиёратгоҳ шайхи обрўсига ҳам боғлиқ бўлган.

Муқаддас зиёратгоҳлардаги шайхларнинг тутган ўрни ва мавқеи жиҳатдан қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

а) катта шайхлар. Катта шайхлар жумласига муқаддас зиёратгоҳларнинг калитларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шайхлар кирган. Бундай шайхларнинг зиёратгоҳларда ўз хонаси бўлиб, фақатгина уларнинг рухсати билан мазор ичига кириш мумкин бўлган. Катта шайхлар турли касалга чалинган кишиларни, жумладан, ақлдан озган одамларни даволай олиш қобилиятига ҳам эга бўлганлар.

б) Кичик шайхлар. Бундай шайхларни сони биргина муқаддас зиёратгоҳларда баъзан ўн нафардан ортиқ бўлиб, иккинчи даражали ишлар билан шуғулланганлар. Улар мазор атрофидаги дарахтлар, булоқ, ёки муқаддас тошлар атрофида йиғилганлар. Кичик шайхлар зиёратчиларга дам солиш, кинна ҳайдаш билан ҳам шуғулланганлар. Бундай шайхларнинг кўплиги туфайли зиёратгоҳларда шайхлик қилиш ҳуқуқи ҳафтанинг маълум икки, уч кунига қараб белгиланган. Бундай шайхларнинг асосий вазифаси зиёратчиларни дуо қилишдан иборат бўлган.

Зиёратгоҳлардаги шайхлар яна бир жиҳатидан икки гуруҳга бўлинган.

а) Оилавий шайхлар: эр-хотин шайхлар, ака-ука шайхлар, опа-ука шайхлар, ота ва ўғил шайхлар, она ва қиз шайхлар. Бундай оилавий шайхларнинг ёши каттаси хар доим зиёратгоҳнинг бош шайхи ҳисобланган.

б) Ёлғиз ўзи шайхлик қилувчилар. Бундай шайхлар жумласига қилувчиларнинг ваколати оилавий шайхлик қилувчиларга нисба-

тан кам бўлган.

Шайхлик қилиш учун қуйидаги талаблар мавжуд: даволаш қобилятига эга бўлиш, мазор аввалги шайхнинг рухсати, ўша одамнинг дастлабки диний билимлари (намоз ўқиш, Қуръон оятларини билиши сингари) етарлиги, зиёратчилар билан мулоқот қилишга қодир бўлиши лозим, деб қаралган.

Мустақиллик йилларида моддий ва маънавий ёдгорликларни асраб-авайлаш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-5328-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 709-5-сонли фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ушбу фонд олдида юртимиздаги тарихий, меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, масжид, зиёратгоҳ ходимлари, имом-хатиблар, имом ноиблар, мутавааллийлар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маош билан таъминлаш, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг диний-маърифий асарларини чоп этиш, юртимиздаги қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги нуфузини янада ошириш, зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат вазифа қўйилди. Ҳозирги кунда “Вақф” хайрия фондига текин фойдаланиш шартномаси асосида Республика бўйича 189 та қадамжо ва зиёратгоҳлар бириктирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги тасаввуф алломалари номи билан боғлиқ зиёратгоҳларда шайх ва хизматчилар фаолият юритиб келган, зиёратгоҳ ва унда хизмат қилувчи шахслар учун вақф мулки ажратилган. Зиёратчиларга турар жой, таомлар берилган, улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунда юртимизда зиёратгоҳда хоки ётган

буюк шахслар ҳаёти фаолияти, зиёратгоҳ тарихини ўрганиш, моддий ва маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, зиёратгоҳда хизмат қилаётган хизматчиларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, зиёратгоҳларни одобонлаштириш, зиёратчилар учун шарт-шароит яратиш ва у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдулахатов Н. Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Т.: Шарқ, 2005.
2. Ал-Жазорий Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо. Тасаввур сирлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
3. Амир Темур. Тузуклар. – Т.: Ekstremum-press, 2016.
4. Аршавская В.А, Ртвеладзе Э.В, Ҳакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Г.Гулям, 1982.
5. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993.
6. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.
7. Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухараского ханства в конце XIX-начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма – М.: Наука, 1985.
8. Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Фан, 1967.

## ЗИЁРАТГОҲЛАРДА АҲОЛИ БАЖАРАДИГАН МАРОСИМ ВА АМАЛЛАР

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Ўрта Осиё ижтимоий-маънавий ҳаётида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишнинг анъанага айланиши, тарихий илдизлари узок даврларга бориб тақалади. Қадимда бу ҳудудда яшаган одамлар табиат сирлари, ундаги ўзаро уйғунликни ҳаёлий ўзлаштириш билан бирга, уларда диний тасаввурлар ҳам аста-секинлик билан шакллана борган.

Неолит (янги тош, мил.ав 6-4 минг йиллик) даврида муқаддас ҳайвон, она худога аталган ҳайкаллар, турли хил диний маросим ва тоат-ибодатлар билан боғлиқ қарашлар пайдо бўлган [16:34]. Ўша даврдан бошлаб, одамлар айрим нарса, буюм, тош, дарахт, ғор, булоқларда ғайри табиий хислатлар, сифатлар бор деб ўйлашган.

Зардуштийлик динида ҳам тўрт унсур: тупроқ, сув, олов ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Шунингдек, имон ва эътиқоднинг мустаҳкам бўлишига катта эътибор берилган [3:112-113]. Ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё халқлари тупроқ, сув, олов ва ҳавони ифлослантириш гуноҳ деб ҳисоблашади. Бу диндаги олов билан боғлиқ баъзи урф-одатлар бугунги даврда ҳам сақланиб қолган.

Юртимизга ислом дини кириб келганидан сўнг маҳаллий анъана ва қадриятлар “Араб маданияти” билан уйғунлашиб исломий тус олди. Бу даврда Ўрта Осиёда Ислом оламида машҳур бўлган Имом Бухорий, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр ва бошқа алломалар етишиб чикди.

Буюк шахслар хоки ётган жойларга подшоҳлик, хонлик ва бекликлар томонидан мақбаралар қурилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилган. Баъзи жойларга эса уларнинг қадами етган бўлса ёки қабрларидан тупроқ келтирилиб қадамжолар қилинган. Маҳаллий аҳоли бундай жойларни муқаддас ҳисоблаб зиёратга борган. Шу билан бирга табиат томонидан пайдо бўлган чашма, дарахт, тепалик, ғорларни ҳам муқаддас жойлар ҳисоблашган.

“Муқаддас” тушунчаси барча динларда инсонлар учун энг

кадрли нарсаларга нисбатан қўлланиб келинган. Исломда Макка ва Мадина, шиаларда Карбало ва Нажаф шаҳарлари умумий муқаддас жойлар ҳисобланади ва зиёрат қилинади. Ҳиндларда Ганг дарёси, яхудийлар, насронийлар учун Қуддус шаҳри муқаддас саналади [6:335].

Ислом дини доирасида вужудга келган урф-одатлардан бири муқаддас зиёратгоҳларда аҳоли томонидан бажариладиган маросим ва амаллардир. Халқимиз орасида улуғ аллома-авлиёларнинг кадамжоларига бориб, уларни зиёрат қилиш орқали Худодан ўз ниятларини сўраш қадимдан қолган удумдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) “Қабрларни зиёрат қилишни истаган киши зиёрат қилсин. Чунки қабр зиёрати бизга охиратни эслатади” - деб айтганлар [9:6]. Охиратни эшлаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради.

Эски Термиздаги зиёратгоҳда дафн этилган Ҳаким Термизий (IX-X асрлар) олий мақом тасаввуф арбоби ва шариятпаноҳ олим бўлиб, XI-асргача бўлган 12 суфиёна силсиланинг еттинчи намоёндаси ҳисобланади. Бу халқа “Ҳакимия” деб номланади [1:19]. Суфий бўлганлиги учун халқ у кишининг зиёратгоҳини кадрлайди. Аҳоли орасида бу жой “Термиз ота” деб юритилади.

У кишининг жасади қўйилган мақбара ҳозирги кунда мусулмон оламидаги улкан зиёратгоҳ бўлиб, бу жойга араб давлатларидан, республикамизнинг турли вилоятларидан, вилоятимиз туманларидан жуда кўплаб зиёратчилар келишади. Юртимиздан ҳажга борган зиёратчилардан “Сиз бу ерга келишдан аввал Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Исо Термизийларни зиёрат қилдингизми?”, деб сўрашлари бу олимларнинг ислом оламидаги обрўлари нақадар юксаклигидан дарак беради.

Ҳаким Термизий зиёратгоҳига келган кишиилар аллома ҳаққи-га Қуръон тиловат қилишади. Шу жойда қурбонлик қилиб, Худо йўлига эҳсон чиқаришади ва барча ёмон туйғулардан озод бўлгандек ўзларини енгил ҳис қиладилар. Зиёратгоҳларда қурбонлик маросимларини ўтказишда қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Қурбонлик араб тилида “Худога яқинлашиш”, яъни унинг раҳмат – шафоатига сазовор бўлиш учун Худо йўлига жонлиқ сўйишни англаган [6:619]. Машҳур географ сайёх Ибн Баттута ўзининг “Саёҳатнома”сида “Ўрта Осиёда авлиёларнинг мазорларида қур-

бонлик учун жонлик (от, кўй, хўкиз) сўйиш маъжусийларда ҳам, мусулмонларда ҳам келгандилар “Мўғуллар”га ҳам хос одатдир”, деб айтган [5:54]. Бундан кўриниб турибдики, зиёратгоҳларда қурбонлик қилиш одати фақат мусулмонларга хос бўлмаган.

Ҳақим Термизий мақбарасининг орқа томонида дарахт бўлиб, зиёратчилар унга ният қилиб, ип боғлашади. Ип боғлаш орқали зиёратчи муқаддас жойга нисбатан умид ва ишончини намойиш этади. Унинг истаги руёбга чиққач, иккинчи бор келиб, боғлаган ипини ечган ва Худо йўлига қурбонлик қилган. Бу ҳол Ўрта Осиё халқларига хос бўлиб, жумладан, қозоқлардаги бу одат ҳақида Ч.Ч.Валихонов шундай ёзади: “Табиатнинг барча ғайриоддий кўриниши, чўлда ўсаётган дарахт шохлари, ажойиб ўсимлик ҳам муқаддас саналиб, зиёратгоҳ вазифасини ўтаган. Ҳар бир йўловчи кўйлакнинг ёки бирор-бир матонинг парчасини боғлаб, хайвонни қурбонлик келтирган” [2:56].

Термиз туманидаги Қирқ қиз (IX-XIV асрлар) мақбараси республикадаги таниқли археологик ёдгорлик. Шу билан бирга, аҳоли томонидан улуғланадиган муқаддас зиёратгоҳ ҳамдир. Ўрта Осиё халқларида қадимдан “Қирқ қизларга” илтижо қилиб, мадад сўраш одати мавжуд бўлган. Бу одат кейинчалик фолбин аёлларда сақланиб қолган. Этнограф олим О.А.Сухарева томонидан ёзиб олинган матнда фолбин аёлнинг чилтон покиза, яъни қирқта бокира хур қизларга мурожаати ҳам келтирилган [11:115].

Шундай зиёратгоҳлардан бири Сурхондарё вилояти Узун тумани Хонжиза тоғининг Хўжа Асмин қишлоғи тепасида Кўйи Сафет (Оқ тоғ) этагида “Қирқ Қиз” (Чил Духтарон) зиёратгоҳи жойлашган. Тоғ оппоқ кўрингани ва тепасида доим қор бўлгани учун шундай деб аталади. Тоғ орасида қирқта арча бор. Бу ерда Шакар себ (Шакар олма) булоғи ҳам бор [12:44]. Булоқлар билан боғлиқ қарашлар уларнинг ҳаёт экологияси асосини ташкил этишини билдиради.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Қирқ қизлар билан боғлиқ ривоятларда “Қирқ” рақами муҳим аҳамиятга эга бўлган. “Қирқ” рақамини эъзозлаш туркий халқларда қадим замонлардан бошланганлигини деярли барча олимлар тасдиқлашади. Бу рақам исломдан олдинги урф-одатларга бориб тақалади. Энг муҳими, рақамларни илоҳийлаштириш, унинг кароматига ишониш ва у билан турли маросим, тадбирларни белгилаш, айниқса, Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди.

Вақт ўтиши билан мазкур “Сехрли” рақам ислом қоидаларига сингиб, турли маросимлар мана шу рақам атрофида амалга оширилдиган бўлган.

Қадамжоларга зиёратчиларнинг кўплаб келиши у ерда ётган шахснинг ислом оламида буюк мақомга эга бўлганлиги, тириклигида қилган кароматларига ҳам боғлиқ бўлган. “Ибн Баттута ўзи борган шаҳарлардаги бирор авлиё ҳақида ҳикоя қилганида, албатта кўрсатган кароматларини, комил-ишонч билан тасвирлайди (Ибн Баттута туғилиб ўсган Марокаш диёрида ҳам авлиёларни хурматлаш одат эди)” [5:54].

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшивор қишлоғида ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф илми анъаналарининг давомчиси сифатида ўзига хос мактаб яратган шоир ва мутафаккир, авлиё Сўфи Оллоёр (1644-1721)нинг зиёратгоҳи жойлашган (XVII-XVIII асрлар) [13:31-32].

Сўфи Оллоёрни халқ кароматгўй авлиё сифатида билади. Айтишларича, унинг каромати билан Катта Вахшивор қишлоғида иккита булоқ пайдо бўлган. Уларнинг бири Қўтирбулоқ, иккинчиси Қорабулоқдир. Қўтирбулоқнинг суви бир йилда олти ой чиқади, олти ой қуриydi, у тери касалликларига даво [8:131]. Аҳоли ҳозирги кунгача шу булоқларда сув ичиб келади. Зиёратгоҳга Швецария, Арабистон, Афғонистон, республикамизнинг турли вилоятлари, вилоятимиз туманларидан зиёратчиларнинг кети узилмайди.

Денов туманида Нақшбандия тариқати давомчиси, тасаввуф вакили Хожа Алоуддин Аттор (XIV аср) яшаб ўтган. У Амир Темур даврида Мовароуннаҳр олимлари бошлиғи этиб тайинланган. Амир Саййид Шариф Жўзжоний (Али ибн Муҳаммад ибн Али, 1330-1414 йй.) ва Мавлоно Низом ад-дин Хомушларнинг пири ҳисобланади [14:11].

Хожа Алоуддин Аттор силсилаи шарифда 17-ўринда турадиган авлиё. Қабри ҳозирги кунда Деновда Шайх Алоуддин Валий ёки Остона Бува қабристонидан жойлашган. У киши тириклик вақтида: “Қимки мени яхши кўрса, остонамдан жой олсин”, деган экан. Қабристонда унинг авлодлари: ўғли Шайх Ҳасан Аттор Валий ва Хожа Юсуф Атторнинг ҳам қабри бор [7:16].

Хожа Алоуддин Атторнинг зиёратгоҳи араб давлатлари, республикамиз ва вилоятларимизда таниқли. Зиёратгоҳнинг муҳим жиҳа-

ти шундаки, Алоуддин Атторнинг қабри ёнида беш панжанинг изи бор. Айтишларича, зиёратга келган кишининг панжаси шу панжа изига тўғри келса ниятига етар эмиш. Баъзи диний уламолар панжа бу пайғамбаримиз (с.а.в) ва унинг тўрт солих чахорёрларининг бирдамлик белгисидир дейишган.

Сурхон дарёсининг чап қирғоғидаги (Сурхондарё вилояти Узун тумани) Оқ-Остона бобо қишлоғида машхур саҳоба, ровий, фақиҳлардан бири бўлган Абу Ҳурайра (602-679) номи билан боғлиқ Оқ-Остона бобо зиёратгоҳи (IX-X асрлар) жойлашган [14:24]. Қадамжо архелогик ёдгорлик сифатида маълум бўлиб, бу ерга маҳаллий аҳоли билан бирга вилоятнинг турли туманларидан асосан хафтанинг чоршанба кунида кўплаб зиёратчилар келишади. Зиёратгоҳнинг муҳим жиҳати шундаки, иши юришмаган кишилар, бахти очилмаган қизлар, Худодан фарзанд сўраганлар асосий зиёратчиларни ташкил этади.

Қизлар супурги олиб мақбарани супиришади. Туркий халқларнинг эртақ ва ривоятларида подшоҳ саройининг остонасини супуриш маликага совчиликка келганлигини англатади, муқаддас мазорларни супуриш, авлиёлар орқали Аллоҳдан мадад сўрашни билдирган [4:164]. Ўзбек ва тожик халқларида қайси уйга совчилар борар экан, уй остонасини этаги билан яхши ниятда супуриб қўйган [10:227].

Зиёратгоҳдаги махсус жойларда чоршанба куни аёллар иши юришмаган, бахти очилмаган қизлар учун Биби Мушкулкушод ўтказишади.

Мифологик тасаввурларга кўра кишини қийинчиликдан халос этадиган аёл образи. (Биби Мушкулкушод форсча – “мушкулини осон қиладиган аёл”). Ривоятлардан бирида, ўтин йиғиб юрадиган чол ўроғини йўқотиб қўяди ва уни қидириб Биби Мушкулкушод яшайдиган ғорга кириб қолади. Биби Мушкулкушод чолга агар у, хафтанинг ҳар чоршанбасида унга атаб зиёфат ўтказса, ўроғи топилиши ва ҳозиргисидан кўпроқ ўтин йиғишини айтади. Чол бу талабни бажаради ва иши юришиб кетади [6:106].

Ислом динида бу удум бидъат ирим-сиримлар бўлиб, халқ орасида аввалги динлардан бизгача сақланиб қолган маросимдир. Ҳозирги кунда айрим аёллар Биби Мушкулкушод ўтказишни иши юришиб кетиши учун Худо йўлига қилинган эҳсон деб ҳисоблашади.



Оқ-Остона бобо зиёратгоҳи Абу Хурайра қадамжоси бўлиб, аҳоли саҳобалар руҳиятини қадрлашади. У ердан маънавий озуқа, жисмоний куч олишади, саҳобалар ҳаёти уларга ибрат ҳисобланади. Зиёратгоҳга борган кишилар ўз ҳиссиётлари туфайли Худога чин кўнгилдан ибодат қилганликлари учун ўзларини руҳан дарддан фориғ бўлгандек ҳис қиладилар. Исломи динида зиёратгоҳдаги маросимлар билан боғлиқ қарашлар кўп асрлик тарихга эга. Зиёратгоҳларда бажариладиган удувлар узоқ вақтдан буён амал қилиниб келинаётганлиги маълум. Бу аввало зиёратчилар руҳий ҳолатида намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида моддий ва маънавий ёдгорликларни асраб-авайлаш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-5328-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 16-апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 709-сонли фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ушбу фонд олдига юртимиздаги тарихий, меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, масжид, зиёратгоҳ ходимлари, имом-хатиблар, имом ноиблар, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маош билан таъминлаш, Исломи дини ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг диний маърифий асарларини чоп этиш, юртимиздаги қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги нуфузини янада ошириш, зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат вазифа қўйилди. Ҳозирги кунда “Вақф” хайрия фондига текин фойдаланиш шартномаси асосида Республика бўйича 189 та қадамжо ва зиёратгоҳлар бириктирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда мавжуд зиёратгоҳ, мақбара, қадамжолар, диний ва миллий қадриятлардан

саналади. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Аҳолининг зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларида асосий ғоя бу ихлос тушунчасидир. Шу боис, мазорга ихлос билан бориш зиёратнинг бош мезони ҳисобланади. Бу зиёратнинг ҳар бир маросими ва амалларида кўзга ташланади. Уларни илмий асосда чуқур ўрганиш, юртимиз маънавий ҳаётнинг юксалишига, халқ орасидаги айрим салбий одатларга барҳам берилишига, ижобий ҳислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Бугунги кунда ватанимиз тупроғида хоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, у ердаги урф-одатларни ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, уларнинг онгида соғлом эътиқод, тўғри дунё қарашни шакллантириш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев А. Ҳақим ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // ал-Ҳақим ат-Термизий ва унинг даври ва: Халқаро илмий конференция маърузалари тўплами. – Термиз: Термиз давлат университети, 2004.
2. Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.
3. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Босилов В.Н. Легенда: Верить или не верить? // Советская этнография. – Москва: 1974 №1.
5. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993.
6. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.
7. Маманазаров А. Сатторов Б. Денов дурдонаси. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001.
8. Менкул Ханжар. Вахшивор ва Суфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993.

9. Мирзо Ахмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Т.: Мо-вароуннахр, 2005.
10. Моногарова Л.Д. Семья и семейный быт // Этнографические очерки Узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969.
11. Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975.
12. Мухаммад Юсуф. Маъюсий Хондизагий. Тачоллоий ишқ. – Душанбе, 2003.
13. Пардаев О. Олтинсой зиёратгохлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003.
14. Пугаченкова Т.А. Ак-Астана баба// Советская археология. – Т.: 1960. № 3.
15. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993.
16. Эргашев Ҳ. Хамидов Ҳ. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Гафур Гулом, 2015.

### III БОБ: ТЕРМИЗИЙЛАР ҲАЁТ-ҲАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

---

---

#### АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ

**Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент**

Термиз қадимдан илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланиб, кўплаб буюк алломаларни вояга етказган. Айниқса, Термиз шаҳри IX асрда Мовароуннахрнинг энг йирик ва кўркам шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлган. Шаҳарда илм-фан ва маданият юксак даражада тараққий этган. IX-X асрларда Термизда бошқа илмлар қатори ҳадис ва тасаввуф илми равнақ топа борди. Илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, ислом илмлари бўйича Термиз шаҳридан етишиб чиққан кўплаб алломалар “ат-Термизий” нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар. Жаҳон эхтиромига сазовор бўлган ана шундай термизлик буюк сиймолардан бири – Абу Исо Муҳаммад Термизий бўлса, яна бири Ҳаким Термизийдир.

#### **Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий даври**

Имом ат-Термизий (Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин) хижрий учинчи (милодий тўққизинчи) асрда Аббосийлар салтанати даврида яшаган бўлиб, ҳаёти даврида (210-279 хижрий, 824-892 милодий йиллар) тўққизта халифа фаолият юритган эди. Улар: ал-Маъмун, сўнгра Муътасим Биллох, сўнгра ал-Восиқ Биллох, сўнгра Мутаваккил Аълаллох, сўнгра Мунтасир Биллох, сўнгра Мустабийн Биллох, сўнгра Муътаз Биллох, сўнгра Муҳтадий Биллох, ундан сўнг ал-Муътаид Аълаллох. Аллома ўз ҳаёти даврида кўплаб сиёсий воқеалар ва диний масалаларга доир фитналарга шохид бўлган бўлсада, у яшаган даврда илм-фан ва маданият гуллаб-яшнаб, бу даврда кўплаб фақиҳлар, муҳаддислар, муфассирлар ва калом илмининг олимлари фаолият кўрсатган эдилар.

#### **Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий**

**Унинг исми ва насаби.** Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад

ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо Ибн аз-Заҳқок, Абу Ийсо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, унинг ал-Буғий нисбаси билан аталишига сабаб олим айнан шу қишлоқда таваллуд топиб, шу қишлоқда вафот этганлиги туфайлидир. Шу билан бирга у бутун элу юрт-каттаю кичик ўртасида Термиз шаҳрига нисбат берилиб, у ёшлигидан шу шаҳарда ўсганлиги ва унда вафот этганлиги боис шу нисба, яъни ат-Термизий нисбаси билан машхур бўлган.

Ат-Термизий туғилган йили хусусида ҳам ёзма манбаларда бир-биридан фарқли саналар келтирилади. Араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабий ўз асари “Мейзон ал-иътидол” [5:117] Термизийнинг хижрий ҳисобда етмиш йил умр кўрганлиги ҳақида аниқ ёзган. Шунга кўра, барча муаллифлар олимнинг хижрий 209 (милодий 824) йилда таваллуд топиб, хижрий 279 (милодий 892) йилда вафот этганлигига иттифоқ бўлганлар.

**Кўзи ожизлиги.** Абу Исо ат-Термизий кўзи ожиз (кўр) ҳолда туғилганми ёки кўзи очик (соғ) ҳолда туғилганми, деган савол ҳам турли талқинларга сабаб бўлган. Қатор олимлар унинг туғма кўрлиги ҳақида ёзган бўлса ҳам аммо ат-Термизийни шахсан кўриб у билан мулоқотда бўлган ал-Ҳофиз Умар ибн Алак (320 хижрий 931 милодий йилда вафот этган)нинг қатъий ишонч билан ёзишича “У (ат-Термизий) умрининг охирида кўзи кўрмай қолган. Унинг вафоти 892 йил”. Шу билан бир қаторда, Абу Исо ат-Термизийнинг кўзи ожизлиги ҳақида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Таниқли олим Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ўзининг “Таҳзийб ат-таҳзийб” [3: 389] номли асарида, Абу Аҳмад ал-Ҳоким деган олимнинг “ал-Ҳофиз”, Умар ибн Алакнинг (X асрда яшаган)” Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этдилару ўзидан кейин илм ва тақводорликда бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда Абу Ийсо ат-Термизийдек бирор кишини ҳам қолдирмадилар. У ўз устозининг вафоти туфайли кўп йиғлайвериб кўзлари кўрмай қолганди...” деб ёзган. Мана шу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, У (ат-Термизий) кўзи очик (соғлом) ҳолда туғилиб, умрларининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолган. Бинобарин, илмий ижодининг фаоллиги даври камолига етиб, барча асарларини ёзиб тугатганидан кейин бу воқеа содир бўлган.

### **Илм излаб олис юртларни кезиш.**

Илмга чанқоқ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий кўп олимлардан сабоқ олган. У таҳсил олиб, ҳадис эшитган устозларининг саноғини келтирсак, уларнинг сони икки юздан ошиб кетади. Устозлар Шарқнинг турли туман мамлакатларига мансуб таниқли олимлари бўлган. Бир гуруҳ йирик олимлар ҳам борки, ат-Термизий улардан ҳам ҳадис илмидан сабоқ олган. Мисол тариқасида буюк муҳаддислар имом ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳам шулар жумласига киради. Янги-янги ҳадислар эшитиш ва ёзиб олиб асарлар яратиш мақсадида у Ҳижознинг Макка ва Мадина каби шаҳарларида, Бағдод, Басра, Куфа, Хуросоннинг Нишопур, Рай ва бошқа шаҳарларида таниқли олимлардан ҳадислар ёзиб олиб, тўплагани ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Таниқли ҳадисшунос ал-Ҳофиз Абу Бакр ибн Нуқта ўзининг “Тақйид ли-маърифати руввот ас-сунан вал масонийд” (“Сунан ва муснадлар ровийларини билиш бўйича қайднома”) номли асарида Абу Исо ат-Термизий ҳадис эшитган устозларининг исмларини келтиради [1:96-97]. Ал-Ҳофиз ал-Миззий эса “Абу Исо ат-Термизий ҳадис эшитиш мақсадида бир талай мамлакат ва шаҳарларни кезиб чикқан. Шу сафарлари давомида кўплаб хуросонлик, ироқлик, ҳижозлик ва улардан бошқалардан ҳадислар эшитган”, деб ёзади [2: 250-251].

### **Ўз даврининг буюк олимлари билан мулоқоти**

Имом ат-Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти даврида ҳадис илмининг кўп буюк олимлари билан учрашиб улардан илм, сабоқлар олиб, ўз илмий салоҳиятию иқтидорини бардавом оширишга муяссар бўлди. Масалан, у олти буюк муҳаддиснинг бири бўлган имом Муслим ибн ал-Ҳажжож билан мулоқотда бўлиб ундан таҳсил олдию, лекин ундан кўп ҳадис ривоят қилмаган. Шунингдек барча олимлар томонидан эътироф этилган буюк муҳаддис имом Абу Довуд Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний билан учрашиб, ундан олган баъзи ҳадисларини ўз асари “ал-Жомеъ ас-Саҳих”да келтирган. У иллатли ҳадислар ва ровийлар ҳамда ҳадис санъатига бағишланган илмлар бўйича Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ва Абу Зуръа ар-Розий каби таниқли олимлар ижодий фаолиятидан самарали фойдаланган. Шулар билан бир қаторда, ат-

Термизий кўпроқ мулоқот қилиб, илм ўрганган олимлар орасида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий алоҳида ўрин эгаллайди.

### **Термизий Имом ал-Бухорийнинг шогирди**

Шулар билан бирга, имом ат-Термизийнинг илмий ўсиши ва салоҳиятининг ривожига энг кўп таъсир кўрсатиб, фойда келтирган олим, шубҳасиз, ҳадис илмининг султони Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳисобланади. Чунки имом ат-Термизий бу буюк муҳаддиснинг ёнида узоқ муддат бўлиб, илмий нуқтаи назардан ундан кўп жиҳатдан фойдаланди, ҳатто унинг кўз ўнгида, илмда юксак даражаларга эришиб, алломанинг эътирофига ҳам сазовор бўлди. Машҳур олим Ибн Халликон ўзининг “Вафоётул аъён” асарида бу ҳақида “Имом ат-Термизий Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг шогирди ва ҳатто унинг баъзи устозларидан ҳам сабоқ олган”, - деб ёзса [4: 407], олим Салоҳ ас-Саодатий “Ат-Термизий ҳадис илмини Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Бухорийдан олган”, деб алоҳида таъкидлаган. Имом ат-Термизий Имом ал-Бухорийдан фақат ҳадис ва унинг турли илмларидан сабоқ олиб қолмасдан, балки ундан фикхул ҳадис (фикҳий ҳадис илмидан) ҳам кўп истифода қилган. Айни шу масалага тўхталиб, машҳур тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ҳам “Тазкиратул хуффоъ” номли асарида “ҳадисларнинг фикҳий жиҳатларини ўрганишда ат-Термизий ал-Бухорийдан сабоқ олган” [6: 634], деб алоҳида таъкидлагани имом ал-Бухорий ҳадисларнинг фикҳий жиҳатидан ўрганишда беқиёс аллома бўлиб, бу соҳанинг бутун сир-асрорларини мукамал ўзлаштирганлиги барча олиму уламолар томонидан эътироф этилган эди. Аслини олганда Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг имом ал-Бухорий билан учрашуви Хуросоннинг Нишопур шаҳрида юз берган бўлиб, имом ал-Бухорий узоқ йиллар хорижий юртларда илмий сафарларда бўлиб, кўплаб асарларини яратиб, ўз илмида юксак поғоналарга эришган. Бинобарин йирик олим сифатида Бағдоддан ўз юртига қайтаётган эди. Нишопур шаҳрига келганда маҳаллий олимлар, хоссатан унинг шогирди имом Муслим ибн ал-Хажжожнинг илтимосига кўра беш йил, яъни 250 ҳижрий йилдан 255 гача (863-868 йиллар) мобайнида Нишопурда қолиб кетди ва бардавом равишда бу шаҳардаги мадрасаларда ҳадис илмидан дарс берди. Кўпдан кўп ҳадис шайдоларию мухлисларига янги-янги

маълумотларга бой сермазмун маърузалар қилди. Бу пайтга келиб, ат-Термизий кўплаб устозлардан сабоқ олган ўз илмини камолига етказиб, бир неча минг ҳадисни ёд билган етук олим даражасига етган эди. Имом ал-Бухорийни Нишопурга келганлигини эшитган ат-Термизий ҳам зудлик билан Термиздан Нишопурга етиб келди. Улар ўртасидаги яқин илмий-маърифий ҳамкорлик айнан шу шаҳарда ғоятда самарали бўлди. Бинобарин имом Бухорий ҳам унинг етук салоҳиятидан воқиф бўлиб, унга нисбатан ишончи ошгач, унинг ҳадис соҳасидаги илмию билимдонлигини юксак қадрлади. Шундай шароитда бу иккала олим ўртасида илмий мулоқотлар, айниқса иллатли ҳадислар, ҳадислардаги жарҳ ва таъдйил, ҳадис ровийлари масалаларига оид қизгин баҳсу мунозаралар бардавом равишда самарали тус олди. Имом ат-Термизий айни шу масалалар бўйича ўз устози ал-Бухорий билан шу даражада баҳсга киришиб кетдики, ўша даврда камдан кам олимларгина шу қадар юксак даражага эга эди. Чунки бу пайтда унинг салоҳияти энг чўққисига етиб, етарли даражада қиёмига (камолига) етишган эди. Ўз суюкли устози имом ал-Бухорийнинг беназир илмий уммонидан баҳраманд бўлиб, у яратган ҳадис мактабини мукаммал даражада тугаллаган истеъдодли шогирд мақомига сазовор бўлган эди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, буюк алломанинг ҳам илмий уммони, ҳам юксак инсоний фазилатларини ўзида бекаму куст тўла ўзлаштириб амалиётда мукаммал намоён қилган ҳеч шубҳасиз бу Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳазратлари бўлган.

Энг муҳими ат-Термизий ўз устозининг илму ирфондаги бекиёс қимматга эга бўлган билимларию юксак инсоний фазилатларини элу юрт орасида ёйишда, кенг халқ оммаси ўртасида тўла тўқис тарғиб қилиб тарқатишда бекиёс фидоийлик билан сайи ҳаракат кўрсатди. Жумладан ўз таснифларида беҳисоб равишда унинг асарларидан нақлу ривоятлар келтирди. Ҳатто ат-Термизий ўзининг бош асари “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг охириги қисмида келтирган иллатли ҳадислар, ровийлар ва тарихга доир кўплаб маълумотларни айнан устози Имом ал-Бухорий билан бўлиб ўтган баҳсу мунозараларидан олганлигини очиқ ойдин таъкидлаб ўтган. Ўша даврнинг олимларидан ал-Бухорийнинг яққол устунлиги хусусида тўхталиб: “Иллатли ҳадислар, тарих ва ҳадис иснодларини билиш маъносида на Ироқдаю, на бутун Хуросону Мовароуннаҳрда



Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан устун биронта ҳам олимни учратмадим”, - деб ёзган.

### **Имом ал-Бухорийнинг эътирофи**

Ўз навбатида Имом ал-Бухорий ҳам қалбида Абу Исо Муҳаммаднинг илми ва ақлу заковати туфайли уни ғоятда юксак кадрлаб бениҳоя ҳурмат кўрсатарди. Бунга кўшимча унинг (ат-Термизийнинг) улуғ устозлари ва ундан фойдаланган кўп сонли мухлисларини кўриб, таъниқли олимлар унга ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳузурида менман деган илм аҳллари бош эгиб унга юксак илтифот бирдирганларини кўргач, Имом ал-Бухорийнинг ат-Термизийга нисбатан ҳурмати янада ортди ва ундан баъзи ҳадисларни олиб, ҳадислар тинглай бошлади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ал-Бухорий унинг билим даражасининг ғоятда кенг қамровлиги, айниқса ҳадисларни ёдда сақлаб қолиш қобилияти, яъни қувваи хофизасининг беназир бўлганлигини алоҳида кадрлаган ва буюк муҳаддис ат-Термизий илмидан кўп ўринларда фойдаланганлиги хусусида унинг ўзи ат-Термизийга қараб “Илм соҳасида мен сиздан кўрган фойда сиз мендан кўрган фойдадан кўпроқ”, - деб эътироф этганлиги кўплаб ёзма манбаларда қайд этилган. Масалан, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний “Таҳзийб ат-таҳзийб”да келтирган буюк муҳаддиснинг мана шу қисқагина эътирофи [3: 389] ҳам имом ат-Термизийнинг илмий салоҳияти нақадар олий даражада бўлиб, ҳаққоний равишда илм аҳллари томонидан юксак кадрланганлигини кўрсатади.

### **Термизий асарлари**

Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг маданий меросида, шубҳасиз, «ал-Жомеъ» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»), «ал-Жомеъ ал-кабийр» («Катта тўплам»), «Саҳийҳ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «аш-Шамоил ан-набавийа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «аш-Шамоил Муҳаммадийа», «аш-Шамоил фи шамоил ан-набий саллоллоҳу алайҳи вассаллам» номлари билан ҳам аталади.

Ушбу асар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий (1992 йили вафот этган) томонидан ўзбекчага ўгирилган (араб алифбосида ва кириллчада Тошкентда бир неча бор нашр қилинган). «Китоб ат-таърих», «Китоб ал-илал ас-сағийр ва ал-илал ал-кабийр», «Китоб уз-зухд» («Такво ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо ва-л-куна» («Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб»), «ал-Илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмо ус-саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исмлари») шулар жумласидандир.

### **«ал-Жомеъ» асарида фикҳ масалалари**

Ҳадис илмига бағишланган асарларда аҳком масалаларини ўрганиш ҳижрий иккинчи асрнинг ўрталаридан, Имом Молик ибн Анас давридан бошланган эди. Мана шу пайтдан бошлаб ҳадисларни тадвин этиш (тартиблаш) фикҳий бобларга асосланиб амалга оширилиб, шу мақсадда “Мувавто” тартибида асарлар пайдо бўла бошлади. Масалан, ал-Қозий Ийод ўзининг «ал-Мудорак» номли асарида «биринчи бўлиб «ал-Мувавто» асарини яратган Абдуллазиз ибн Абдулмалик ибн ал-Мажишун» деб ёзган эди. Шундан сўнг Имом Молик ибн Анас унинг бу фаолиятини ғоятда маъқуллаб, ўзи ҳам «ал-Мувавто» асарини тасниф этди. У ўзи ал-Мадина ал-мунаввара ва бошқа шаҳарларда учратган уламолардан ёзиб олган ҳадисларидан танлаб олиб бу асарига киритди. Муаллиф ушбу асарига киритган мазкур ҳадисларни соф манба деб ҳисоблаб, ҳадис тўплаш мақсадида бошқа мамлакатларга сафар қилмади. Яна шунини қайд этиш керакки, «ал-Мувавто»га нафақат марфуъ (яъни пайғамбар аллайҳиссаломга бориб боғланадиган) ҳадислар, балки мадиналик саҳобалар ва тобеъийн уламолардан ривоят қилинган ҳадислар ҳам киритилган. Шу билан бирга муаллиф фикҳий масалаларда ўз нуқтаи назарини ва мулоҳазаларини билдирган эди. Юқорида зикр қилганимиз ал-Қозий Ийод «ал-Мудорак» асарида Молик ибн Анаснинг ўз асари «ал-Мувавто» ҳақида «Унда («ал-Мувавто»да) Расулуллоҳ ҳадислари, саҳоба ва тобеъийнларнинг сўзлари ва ўзимнинг фикр-мулоҳазаларим мужассам бўлган», – деган сўзларини келтиради.

Молик ибн Анас ушбу асарини яратишга алоҳида эътибор ва ўта масъулият билан қаради. Асарга танлаб киритилган ҳадисларнинг сони тўрт минг ҳадисни ташкил этади. Кўп олимларнинг фикрича, бу асар ислом дини равнақи учун ҳам, мусулмонлар учун ҳам катта аҳамиятга моликдир. Муаллифнинг турли масалалар бўйича ўз фикрини дадил билдириши «Уйқудан намозга турилса, албатта, таҳорат олиш зарур» деган фикрида намоён бўлади.

Ҳадислардаги фикҳий масалаларни тадқиқ этишда Молик ибн Анасга эргашган айрим муаллифлар (масалан, Ибн Абу Шайба, Абдурразок аш-Шофиъӣ) ҳам шу йўсинда асарлар тасниф этдилар. Мана шу муаллифлар асарларини, шунингдек, аҳл ар-райнинг фикҳий масалалардаги фикр-мулоҳазаларини ҳар томонлама чуқур ўрганган, тадқиқ этган Имом ал-Бухорий ўзининг «ас-Саҳийҳ» асарида фикҳий масалаларга алоҳида эътибор бериб, уни батамом юксак поғанага кўтарди. Имом ал-Бухорийдан кейин бу соҳага қўл урган муҳаддислардан бири унинг шогирди Имом ат-Термизий ҳисобланади. Бу пайтга келиб ҳадисларда фикҳий масалаларда катор асарлар яратилган ва муайян даражада тараққий этган эди. Мана шундай ҳолатда Имом ат-Термизий ўзининг шоҳ асари «ал-Жомеъ»да ўзига хос услубни қўллайди. Муаллиф фикҳий масалалар ва аҳкомларни ўз абвоблари (боблари) мазмуни жумласига киритади. Фикҳ илми олимларининг фикр-мулоҳазаларини келтириб турли-туман мазҳаблардан огоҳ қилди, баъзи ҳолларда улардан энг мақбули ва афзалларини ажратиб кўрсатди. Ўз асарларида аҳл ал-илм наздида қабул бўлган ҳадисларга таянган ҳолда фикр юритди.

Фикҳий масалаларда Имом ат-Термизий услубларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- тарожумларга эътиمود қилиш;
- боб мазмунида уламо ва ровийлар фикрини ҳадисларда ифода этиш;
- ғоялар ўртасида афзалларини алоҳида кўрсатиш;
- бобларни улардан келиб чиқадиган аҳкомларга асосан турларга бўлиш.

Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» асари баҳсли масалаларни талқин қилишда йирик манба ҳисобланади. У айниқса қадимий (қарийб унутилаёзган) таълимотларни ўрганиш масаласида тенги йўқ асарлардан бири сифатида тан олинган. Масалан, Имом ал-Ав-

зоъий, Ироқда яшаган машхур имомлардан Суфён ас-Саврийларнинг мазҳабий таълимотлари узоқ муддат амалда жорий бўлган эди.

Ибн Роҳувайҳ номи билан машхур бўлган хуросонлик олим Имом Исҳоқ Иброҳим ал-Ханзалий, мовароуннаҳрлик аллома Абдуллоҳ ал-Муборак ал-Марвазий мазҳабларини ўрганишда ҳам Имом ат-Термизий асарининг аҳамияти бекиёс эди. Бу асар нафақат қатор мазҳабий таълимотлар, айна вақтда уламолар ўртасидаги ихтилофий масалаларни ҳар томонлама ўрганишда ҳам алоҳида аҳамиятга молик эди. Шу боис бу асар ҳақида «Ихтилофли масалалар ҳақида бизгача етиб келган энг қадимий манба» деб алоҳида таъкидланади. Имом ат-Термизий асарининг ўша мазҳаб соҳиблари ва пешволари яшаган даврга вақт жиҳатдан яқинлиги асарга ишончли манба сифатида қарашни тақозо этади. Бу ҳол айниқса илм аҳллари ва тадқиқотчилар учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, асардаги нақлларда имкон борича камроқ хатога йўл қўйилиб, кейин ёзилган асарларга нисбатан унга афзаллик берилади.

Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» асарида фикҳий масалалар ҳам ифода этилган бўлиб, уларни тадқиқ этишда учта муҳим жиҳатга эътибор беришни мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Биринчи масала* – Имом ат-Термизийнинг фикҳий йўналиши.

*Иккинчи масала* – у ривоят қилган ҳадисларда мазҳабий иснодларнинг ўрни.

*Учинчи масала* – фикҳий масалалар ифодаси.

Мана шу масалаларни батафсил кўриб чиқиш ат-Термизийнинг фикҳий масалалардаги қарашларини тўлиқ ифода этади.

### **Термизийнинг «аш-Шамоил ан-набавийя» асари**

Абу Исо ат-Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Аш-шамоил ан-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-Шамоил фи шамоил ан-набий саллоллоҳу алайҳи вассаллам», «Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя» номлари билан ҳам келтирилган. Асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу

ўринда шуни таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. «аш-Шамоил ан-набавиййа» азалдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауф ал-Муновий ал-Мисрийнинг (вафоти 1003 ҳижрий йили) «Шарҳ уш-шамоил», Али ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорийнинг (вафоти 1192 ҳижрий йили) «Жамъ ул-васоил фи шарҳи аш-Шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур ал-Жумалнинг «Ал-Мавоҳиб ал-Муҳаммадиййа бишарҳ аш-шамоил ат-Термизиййа» кабиларни келтириш мумкин. Бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги ал-Азҳар кутубхонасида 144 ҳадис илми рақами остида сақланмоқда, Муҳаммад ибн Жасус ал-Моликийнинг (вафоти 1182 ҳижрий йили) «ал-Фавоид ал-жалийла ал-баҳиййа ала аш-Шамоил ал-Муҳаммадиййа» (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят ал-Азҳар университетининг собиқ шайхи Иброҳим ал-Божурийнинг (вафоти 1277 ҳижрий йили) «ал-Мавоҳиб ал-Ладуниййа ала аш-шамоил ат-Термизиййа» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

### **Илму амали ибратли аллома**

Машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг шахсий ҳаёти ва баркамол ижодининг ҳар томонлама ўрганилиши туфайли буюк бобокалонимизнинг ҳозирги давримиз учун ҳам ўрнатилган кўп ибратомуз фазилатларининг гувоҳи бўламиз. Энг аввало, ат-Термизийнинг ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоклиги ва зўр ҳавас билан қизиқиши, бу борада ҳар қандай қийинчиликларга ҳам бардош бериб, ўз мақсади, яъни ўз билимини ошириш йўлидаги жидду жаҳди ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Ёзма манбаларда келтирилишича, ҳадисшунослик илми саккизинчи асрнинг иккинчи ярмидан ўн биринчи аср ўрталаригача

асосий ва зарурий машғулотлардан бири даражасига айланган. Бу даврда Шарқнинг турли мамлакатларидан бўлган тўрт юздан ортик муаллифлар ана шу илм (ҳадисшунослик) билан шуғулланганлар.

Маълумки, ўз билимини ошириш борасида ат-Термизий кўпгина хорижий мамлакатларни зиёрат қилган. Элма-эл кезиб, чўлу биёбонлар ошиб ровийлардан эшитган ҳадисларини йиғиш билан шуғулланган. Уларни тартибли равишда ёзиб қайд қилиш билан бирга ушбу ҳадисларни қанчалик даражада саҳиҳ, ҳасан ёки заиф, мавзу (сохта, тўқима) эканлигини қайта-қайта текширган, илмий равишда чуқур тадқиқ этган. Алломанинг шогирдлари орасида турли миллат вакиллари ҳам кўп бўлган.

Ёши қирқдан ошган ва турли мамлакатлар олимларидан таълиму таҳсил олган ат-Термизий ҳам Имом ал-Бухорий машҳур бўлган пайтда етук олим даражасида танилган. Иккала олим ўртасида 863–868 йиллар ораларида Нишопурда кўпдан кўп самарали илмий мунозаралар, самимий дўстона учрашувлар бўлган. ат-Термизий ўз асарлари учун кўпгина фойдали маълумотларни ал-Бухорий билан бўлган учрашувларида олганлигини ёзади [7].

Абу Исо ат-Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ», «аш-Шамоил ан-набавиййа» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан хурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Бу ибратли панд-насиҳатлар ва ўғитлар халқимизни, жамиятимиз аҳлини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ат-Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ»да тарих, мантиқ, ҳуқуқшунослик, табобат, зироатга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз. Араб тилини ривожлантиришда ат-Термизийнинг хизматлари катталигини ҳам замонавий олимлар қайта-қайта таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимизнинг шахсий ҳаёти ва унинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Абу Бакр ибн Нуқта. Тақйид ли маърифати рувват ас-сунан ва-л-масанид. – Байрут, Дар ан-Навадир, 2014.
2. Жамолиддин Абулҳажжож Юсуф ал-Миззий. Таҳзийб ал-камол фи асмой ар-рижол. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1407 хижрий сана. Т.26.
3. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзийб ат-таҳзийб. – Байрут: Дор ас-содр (йили кўрсатилмаган). Т.9.
4. Ибн Ҳалликон. Вафоёт ал-аъён. – Қохира, 1367 хижрий сана. Т.3.
5. Шамсуддин аз-Заҳабий. Мезон ал-эътидол фи нақд ар-рижол. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1965.
6. Шамсуддин аз-Заҳабий. Тазкират ал-хуффош. – Ҳиндистон.
7. Убайдулла Уватов. Икки буюк донишманд. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2017.

## «ТАСАВВУФ» АТАМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШИ

**Иброҳим Усмонов,**  
**тарих фанлари номзоди, доцент**

«Тасаввуф» атамаси қачон пайдо бўлганлиги ҳақида тадқиқотчилар орасида яқдил фикр мавжуд эмас. Аммо манбаларда илк ҳижрий асрлардаёқ бу истилоҳ муомалада бўлганлиги қайд этилади. Жумладан, Ҳасан ал-Басрий (642–728): «Тавоф пайтида бир суфийни учратиб қолдим. Унга бир нарса берган эдим, қабул қилмади ва менда тўрт чақа бор, ана ўша кифоя қилади, деди», – деб ёзган. Шунингдек бошқа тобейий Суфён ас-Саврий (ваф. 777 й.): «Агар Абу Хошим Суфий (ваф. 767 й.) бўлмаганида, риёнинг дақиқ маъносини билмаган бўлардим», – деган. Бундан «суфий» ва унинг ҳосила шакли «тасаввуф» сўзи ҳижрий биринчи (милодий еттинчи) асрдаёқ маълум бўлгани келиб чиқади [5:36]. Ҳатто исломдан олдинги даврларда ҳам «суфий» истилоҳи арабларда муомалада бўлгани ҳақида манбаларда қайд этилади.

Арабистонда илк ислом даврларидаёқ маълум бўлган бу истилоҳ, Марказий Осиёга қачон кириб келди? Суфийлар ҳақида ёзилган илк табақот китоблари: бухоролик ал-Калободийнинг (ваф. 990–994 й.) «Китоб ат-таъарруф», ас-Саррожнинг (ваф. 988 й.) «Китоб ал-лумаъ», ас-Сулабийнинг (ваф. 1021 й.) «Табақот ас-суфийя», ал-Қушайрийнинг (ваф. 1074 й.) «ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф», ал-Ҳужвирийнинг (ваф. 1073–1077 й.) «Кашф ал-махжуб» асарларида кўплаб Мовароуннаҳр ва Хуросон мистиклари «суфий» номи билан келтирилади. Аммо бу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, бу асарларнинг барчасида «суфий» номи билан зикр этилган ал-Ҳаким ат-Термизийнинг (ваф. 932 й.) бирор бир асарида «суфий» ёки «тасаввуф» сўзи қўлланилмайди. «Наводир ал-усул» асарида «الصوف ليس» «зуҳд йўлида жун кийди) ибораси бир неча бор қўлланилади. Лекин жун кийган шахслар «суфий», уларнинг йўли эса «тасаввуф» деб аталмаган.

ас-Сулабийнинг «Табақот ас-суфийя» асарида келтирилишича: «Тасаввуфий девонларни тўплайдиган Жаъфар ал-Хулдий (ваф. 959 й.): «Менда 130 дан ортиқ суфийларнинг девонлари бор», – деди.



Шунда Хусайн ар-Розий ундан: «Сенда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бирор китоби борми?», – деб сўраганида, у: «Мен уни суфийлардан деб ҳисобламайман», – деди [6:434]. Шунингдек, ҳиротлик ал-Ансорий (ваф.481/1089 й.) ўзининг ҳиротликлар лаҳжасида ёзилган «Табакот ас-суфийя» асарида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг энг яқин шогирди Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий (ваф.293/906-907 й.) ҳақида:

(**حكيم بود عارف نا صوفي صوفي چيزى ديگري است**) «Ҳаким, ориф бўлган, суфий бўлмаган, суфий бошқа нарса», – дейди [6:156].

Шунингдек, ал-Ҳоким ан-Найсобурийнинг (ваф. 1014 й.) «Тарих Найсобур» асарида IX–X асрлардаги Нишопурнинг уламо ва шайхлари ҳақида маълумот берилади. Асарда Нишопурнинг машҳур 50 мистики зикр этилади. Лекин улар «суфий» номи билан эмас, балки «зоҳид», «обид», «воиз», «музаққир» номлари билан аталади. Ушбу асарда биринчи бўлиб Абу Бакр ал-Воситий (ваф. 932 й.) «суфий» деб номланади. Абу Бакр ал-Воситий Нишопурда узоқ вақт яшаган, бироқ ўзи асли фарғоналик бўлиб, Ироқнинг Восит шаҳрида кўп бўлганлиги учун «ал-Воситий» таҳаллусини олган. Ироқда машҳур мутасаввиф Жунайд ал-Бағдодийнинг (ваф. 910 й.) халқасига қатнаб юрган. Абу Бакр ал-Воситий Ироқ тасаввуф мактабининг кўзга кўринган вакили бўлиб, кейинчалик бу мактабга хос таълимотнинг, жумладан, Жунайд ал-Бағдодийнинг «сахв» концепциясини Хуросон ва Ўрта Осиёда тарқалишига ҳисса қўшган [4:15-28]. Унинг Ироқ тасаввуф мактаби вакили эканлиги «суфий» номини олишига сабаб бўлган. Шунингдек, қуддуслик машҳур географ-саёҳатчи Абу Абдуллоҳ ал-Муқаддасий (ваф. 990 й.) ҳам ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» асарида хуросонлик мистиклар ҳақида ёзганида уларни «суфий» атамаси билан эмас, балки «обид», «зоҳид», «воиз» номлари билан атайди [9]. Қуйида Хуросоннинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Нишопурда хронологик тарзда зоҳид, обид (ёки суфий)лар аҳолининг неча фоизини ташкил этишганини кўрсатувчи жадвални келтирамиз (Ушбу жадвални тадқиқотчи Ричард Баллит Нишопур аҳолиси ҳақида табакот китобларидан олинган маълумотлар асосида тайёрлаган [8:41-42]):

<b>Йиллар</b>	<b>816-884</b>	<b>884-925</b>	<b>926-947</b>	<b>947-950</b>
Зоҳид, обид, суфий	3%	6.5%	6.4%	10.1%

Қуйида эса ушбу кўрсаткич уч тоифа ўртасида тақсимланади:

<b>Йиллар</b>	<b>816-884</b>	<b>884-925</b>	<b>926-947</b>	<b>947-950</b>
Зоҳид	100%	55%	35%	37%
Обид	0	42%	45%	20%

Ушбу жадвалдан кўринадики, IX аср охири – X аср бошларида обидлар сони тез суръатлар билан кўпайиб борган, X асрдан бошлаб эса суфийлар тоифаси жамиятда кўпроқ мавқега эга бўлиб қолган ҳамда XI аср охиригача суфийлар сони сезиларли равишда ортиб борган. Кўрилган манбалардан маълум бўладики, илк ҳижрий асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон мусулмон мистиклари «суфий» деб номланмаган бўлса-да, лекин кейинги давр манбаларида улар ёппасига «суфийлаштирилган», ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларга «суфий» номи постфактум бириктирилган. Демак, илк ҳижрий асрларда «суфий» истилоҳи барча мистикларга нисбатан қўлланилмаган. Бу ном асосан Бағдод ва умуман Ироқ тасаввуф мактаби вакиллари ёки унинг таъсирига тушганларга нисбатан истеъмолда бўлган. Шунинг учун ҳам баъзи ўрта аср олимлари мистикларни «суфийлар» ва «суфий бўлмаганларга» ажратганлар. Бу ажратишнинг боиси – икки мактаб ўртасида мавжуд бўлган ихтилофлар бўлиши мумкин. Марказий Осиё мистикларининг аксарияти Ироқда ҳукмрон бўлган тасаввуф қарашларини «шаклий» деб топиб, мистик ҳолатни зоҳирда ошкор этмай, унинг фақатгина қалбда яшамоғи лозимлигини, инсоннинг асл вазифаси – нафсини ислоҳ этмоқ, риё амаллардан сақланмоқ, қалбини фақат Аллоҳга боғламоқ эканлигини таъкидлаганлар. Улар хонақоҳлар қурдириб, алоҳида либослар кийиш, ошкора зикр мажлислари уюштиришни, жамиятдан ажралиб, ўзгача бир гуруҳга айланиб яшашни риёкорлик деб билганлар [7:56]. Яъни, улар зоҳирдан кўра ботинни устун қўйганлар. Иккинчи томондан эса Хуросон ва Мовароуннаҳр мистиклари нафс мавзусига ҳаддан зиёд эътибор қаратиб (масалан маломатийа, улар нафсда айб ва нуқсонлар қидириб, ўзларини маломат қилиш орқали нафс тарбиясига интилар эдилар) Ироқ мактаби суфийларининг таъналарига учрадилар. Юқорида кўриб чиққанларимиздан маълум бўладики, Бағдод мистика мактаби

анъанаси – «тасаввуф» деб, мистиклари эса – «суфий» деб номланган, лекин бу истилоҳлар Мовароуннаҳр ва Хуросон мистикасига нисбатан Х асргача кўлланилмаган. Эхтимол, бу мактаблар орасида бўлиб турган ихтилоф ва тортишувлар туфайли илк даврларда «суфий» истилоҳи бу минтақаларда муомалада бўлмаган. Марказий Осиё тасаввуфининг IX–X асрлардаги энг ёрқин намояндаси ал-Ҳаким ат-Термизий ўзини «суфий» ёки «мутасаввиф» деб ҳам ҳисобламаган, яъни ушбу асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасига кириб келаётган Ироқ тасаввуф мактаби таълимотлари таъсирига учрамаган, балки ана шу таъсирга тушган юртдош мистикларни танқид қилган. Жумладан ал-Ҳаким ат-Термизий шундай ёзади: «Замонамизда ўзини зоҳид қилиб кўрсатувчилар пайдо бўлган. Саҳобий ва тобейлардан бўлган салаф солиҳлар сидқ ва ўз динларини эҳтиёт қилиб, бориға қаноат қилиб, жун (суф) ва жулдур кийим (ҳалиқон) кийганлар, одамларга аралашидан ўзларини тийганлар. Улар бу амалларни Аллоҳ таолодан кўрқиб, Унинг олдиға дунё қолдиқлари билан ифлосланиб, бормаслик учун қилганлар. Уларнинг бу ишлари худди чўкиб кетишдан кўрқиб, денгизға тушишдан сақланган одамға ўхшайди. Бу эса уларнинг эътиқодлари заифлигидандир. Улардан кейин эса худди шу ишларда содиқ-ростгўй бўлмаган кишилар уларға эргашиб, суф ва ҳалиқон кийишға, қотган нон ва қолдиқлар ейишға киришдилар. Улар бу билан зуҳдларини намоен қилмоқчи бўлдилар, қалблари эса дунё шаҳватлари билан тўлган, уларнинг дунёлари динларини еб қўйган [1:225-226]. Шу ерда биз Ироқ тасаввуф анъаналаридан бири бўлган «суф кийиш»ға ал-Ҳаким ат-Термизий танқидий назар билан қараётганининг гувоҳи бўламиз. Яна бир ўринда, аллома: «Улар ўзлари зоҳидлик нима эканлигини билмайдилар, зуҳд бу – дунёни ҳақорат қилиш, қолдиқларни ейиш, жун (суф) кийиш, бойларни қоралаш, фақирларни мадҳ этиш деб тушунадилар. Аслида эса зуҳд – имотат ан-нафс (нафсни ўлдириш)дир», – дейди [1:366]. Ана шу мисоллар ҳам бир томондан Ироқ, иккинчи томондан Хуросон ва Мовароуннаҳр тасаввуфи анъаналари ўртасидаги ихтилофларни кўрсатади. Лекин кейинги давр олимлари Бағдод, Мовароуннаҳр ва Хуросон мактаблари ўртасидаги ихтилоф ва тортишувларни эътиборға олмай, балки яшириш мақсадида, уларни яхлит бир ҳолда тасаввур қилишға интилиб, барча ислом мистикларини

«суфий» деб атаганлар. Бу ерда эҳтимол, ихтилофли тарафларни келиштириш мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Ёки Ироқда суфийларга бўлган муносабатнинг кескинлашуви, жумладан, халифанинг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси ханбалийа мазҳабига мансуб зоҳид Ғулом Халил ва Бағдоднинг бош қозиси Абу Исҳоқ ал-Ҳаммодийларнинг халифа қўли билан суфийларни тазйикқа олиб, 75 суфийни зиндикликда айблаб, жазолаш учун сўроқ қилиниши [3:70], Мансур ал-Ҳалложнинг 922 йил қатл этилиши ва унга хайрихоҳ бўлганларнинг тазйикқа учраши оқибатида Ироқ мактаби суфийларининг Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларига кўчиб келиб, бу ерларда ўз мактаблари таълимотларини тарқатиб, кейинчалик бу таълимотлар Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфи билан қоришиб кетиши ва Ироқ тасаввуф мактаби таълимотларининг минтақада устунликка эришиши билан боғлиқдир. Ироқ тасаввуфи минтақада мавжуд бўлган карромийларнинг хонақоҳлари ва маломатийлардаги футуввани ўзлаштириш орқали Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида маҳаллий тасаввуфий оқим ва ҳаракатларининг баъзиларини сиқиб чиқаришга, баъзиларини эса ўзига сингдириб юборишга муваффақ бўлди [3:112]. Натижада минтақа мистикасига нисбатан ҳам «тасаввуф» атамаси қўлланила бошлади. Юқорида қайд этганимиздек, X–XI асрларда ёзилган мумтоз суфий табақотларида баъзи Марказий Осиё мистиклари «суфий» деб аталган. Масалан: Абу Бакр ал-Калободийнинг: «Китоб ат-таъарруф», ас-Саррожнинг «Китоб ал-лумаъ», ас-Суламийнинг «Табақот ас-суфийя», ал-Кушайрийнинг «ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф», ал-Ҳужвирийнинг «Кашф ал-махжуб» ва бошқа асарлар. Чунки бу муаллифлар ўзлари бевосита Ироқ тасаввуф мактабига мансуб бўлган ёхуд унинг таъсири остида эканликлари боис бошқа мистикларни ҳам шу мактаб намоёндалари сифатида кўришга интилганлар. Шу билан бирга Мовароуннаҳр ва Хуросон мистикасида «ҳаким» ва «хикма» атамаси кўпроқ қўлланилган. Масалан, ал-Воиз ал-Балхийнинг «Фазоил Балх» асарида [6:41-76] (асар 1214 й. ёзиб тугатилган), ас-Суламий ва ал-Калободий томонидан «суфий» деб аталган шахсларни бу асарда «ҳаким» номи остида топамиз. Булар – Ҳотим ал-Асамм (ваф. 858 й.), Аҳмад ибн Хазравайҳ (ваф. 855 й.), Абу Бакр ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий кабилар. Шу ўринда хулоса ўрнида айтиш мумкинки, X асрга қадар Мовароуннаҳр ва

Хуросондаги маҳаллий мистик ҳаракатларга нисбатан «тасаввуф», «суфий» истилоҳлари қўлланилмаган. Бу истилоҳлар Ироқ мактаби тасаввуфига нисбатан истифода этилган. Бу минтақа тасаввуф вакиллари ҳали зуҳд ва ҳикма – ботиний масалалар ҳақида мунозаралар олиб борганлар. Шу боис, бу ҳудудларда ҳаким, воиз, зоҳид номлари кенгроқ тарқалган. Лекин кейинги давр тарожим ва табақот жанридаги манбаларда улар ёппасига «суфий»лаштирилган. Бу ҳолат Ироқ тасаввуф анъаналарининг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф анъаналари билан қоришиб кетиши билан боғлиқ.

Ушбу тадқиқот доирасида қуйидаги хулосалар олинди: – IX–X асрларда исломдаги турли оқим ва йўналишлар аста-секин тасаввуфга мурожаат эта бошладилар. Ушбу жараён чуқурлашиб борган сари, тасаввуфнинг ижтимоий асоси кенгая борди. Тасаввуф ўзига хос бўлган хусусиятлари ва ҳаётий йўналиши билан исломий кадриятларни кенг халқ оммаси қалбига етиб бориши ва унга сингиб кетишига хизмат қилди. Биз юқорида зикр этган «яқинлаштириш» бу «яраштириш» дегани эмас, балки ислом шариатидаги мавжуд меъёрларни тасаввуфий руҳ билан уйғунлаштириб, кенг халқ оммаси қалбига киритиш эди.

– IX–X асрларда «тасаввуф», «суфий» истилоҳлари ҳали Марказий Осиё мистикасига нисбатан қўлланилмас эди. Бу истилоҳлар Ироқ мактаби тасаввуфига нисбатан истифода этилган. Бу минтақа тасаввуф вакиллари ҳали зуҳд, ҳикма ҳақида мунозаралар олиб борганлар. Уларга нисбатан минтақада ҳаким, воиз, зоҳид истилоҳлари кўпроқ қўлланилган. Лекин кейинги давр тарожим ва табақот жанридаги манбаларда улар ёппасига «суфий»лаштирилган. Бу ҳолат Ироқ тасаввуф анъаналарининг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф анъаналари билан қоришиб кетиши билан боғлиқ.

– Минтақа тасаввуфий муҳити шаклланишида маломатийа, карромийа мистик ҳаракатлари билан бир қаторда алоҳида зоҳид, обид, воиз ва ҳакимларнинг алоҳида ўрни бор эди.

– Марказий Осиё минтақасида ҳанафий мазҳаби кенг тарқалгани боис, унга монанд бўлган мотуридийлик таълимоти асосида ақидавий масалалар муҳокама қилинган. Шу сабабли минтақа тасаввуфи ҳам ақидавий масалаларда мотуридийликка асосланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. ал-Ҳаким ат-Тирмизи. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Дар ар-райён ли-т-турос, 1988.
2. ас-Сулабий. Табақот ас-суфийя. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонжий, 1986.
3. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
4. Комилов Н., Ёкубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни. – Тошкент: Академия, 2005.
5. Муҳаммад Содик М.Ю. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
6. Радтке Б. Теологи и мистики в Хурасане и Трансоксании // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – Санкт-Петербург: 2001.
7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиклол, 1999.
8. Bulliet, Richard W. The Patricians of Nishapur. – Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1972.
9. Sviri S. Hakim Tirmidhî and the Malâmatî Movement in Early Sufism, in: The Heritage of Sufism. Vol. I / ed. L. Levisohn. Oxford, Oneworld Publications: 1999, <http://www.goldensufi.org/4.1bSSMalamati.html>.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ИСБОТ АЛ-ИЛАЛ” АСАРИДА ФИҚҲИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент**

Марказий Осиё халқлари ислом ҳукуки, яъни фикҳ илми ва ушбу илмнинг услубий асоси бўлган усул ал-фикҳ илми ривожига жуда катта ҳисса қўшганлар. Бежизга манбаларда ўрта аср усул ал-фикҳ уламоларининг деярли барчаси ажам, уларнинг аксарияти мовароуннаҳрликлар бўлгани қайд этилмаган. Мазкур илмлар IX-XIV асрларда жуда тараққий этиб, шу даврда диёримиздан кўплаб фақиҳ ва усул ал-фикҳ уламолари етишиб чиққани бу гапларни тасдиқлайди: Абу Мансур Мотуридий, Қафқол Шоший, Абулайс Самарқандий, Абулмуин Насафий, Абу Убайдуллоҳ Насафий, Паздавий, Алоуддин Самарқандий, Шамсулаимма Сарахсий, Абу Ҳафс Насафий, Абулбаракот Насафий, Бурҳонуддин Марғиноний шулар жумласидандир.

Юқорида зикр этилган уламолардан олдинроқ яшаб ўтган яна бир аллома – Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ҳам фикҳ ва усул ал-фикҳ бўйича қимматли фикрларини бир кеча китоб ва рисолаларида қайд этган. Унинг фикҳга доир асарлари анъанавий фикҳий асарлардан услуб, баён, мақсад, таркиб жиҳатидан фарқ қилган: биринчидан, унинг асарларида шариат талаблари доирасида бирор амални бажаришдан банд оладиган руҳий-маънавий фойдалар тасвирига кўп урғу берилган, иккинчидан, ибодатларнинг буюрилиш сабаблари (عَلَل) очиб берилган; учинчидан, қилинган амалларни беҳуда қиладиган маънавий иллат ва нуқсонлар муолажасига катта ўрин ажратилган [2:179]. Жумладан, Ҳаким Термизий асарларида фақиҳларда учрайдиган баъзи иллатларни “Шифо ал-илал” асарида танқид қилади. Улар илмни зийнат учун, одамлардан юқори туриш учун, раҳбарлик талабида эмас, ниятини яхшилаб, муродини холис қилиб Аллоҳ учун ўрганишлари лозимлиги, акс ҳолда улар “фақиҳлар чиқиндиси” эканини айтади. Улар дунё тамаъсида ой кетидан йилларни – қиёслаш, мунозаралар, рухсатлар сотиш, уламоларнинг хатоларини тўплаш, золимларга ёрдам бериш, халқни Аллоҳ изн бермаган нарсага журъатли қилишга сарфлайдилар.

Фақиҳнинг ҳолати бундай бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди [1:94].

Яна бир ўринда (“ал-Масоил ал-Макнуна” асаарида) ёзади: “Фақиҳларнинг минглаб жилдли китобларида охират эслатмалари, жаннат ва дўзах васфи, ўлим, барзах ва у ердаги даҳшатлар, ҳисоб-китоб шиддати, игичка пулсиротдан олов узра ўтиш, амалларнинг вазни, одамларнинг кўркуви, Аллоҳга муштоқ бандаларнинг шавқи, Аллоҳни таниган уламоларнинг кўркуви, такводор ва парҳезкор бандаларнинг сифати, зоҳидлар ва роғиблар сифати, дин манзиллари, нафс, душман ва хою ҳавас кирдикорлари, зийраклар ва ўзига ром бўлганлар сифати, Қуръоннинг ҳикмати, латоифлари, яширин маънолари ва ажойиботлари, мукаррам бандаларнинг хусни хулқлари, Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ахлоқлари ва шамойиллари [...] ни кўрасанми? Фикр аҳли бундан четда” [1:95].

Ҳақим Термизий фақиҳларнинг фаолиятини танқид қилиб, уларнинг йўлидан фарқли услубда ўз фикҳий асарларини ёзади. Ҳақим Термизийнинг ана шундай ўзига хос фикҳий асарларидан бири “Исбот ал-Илал”дир.

Ҳақим Термизийнинг “Исбот ал-Илал” асари ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган асар эди. Суламий, Шаъроний, Субкийларнинг қайд этишларича, айнан “Хатм ал-авлиё” ва “Илал аш-шариа” асари учун муаллиф Термиздан сургун қилинган ва хатто куфрда айбланган [8:245].

Термизийнинг “Исбот ал-илал” китобини ёзишидан мақсади қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, диндаги ҳар бир ҳукмнинг мақсади, сабаби (иллат), ҳикмати бўлади ва албатта инсон уларни англаб ета олади, шуни тушунтириш; иккинчидан, айнан қайси иллат – сабаб у ёки бу ҳукм (амр ва наҳй) орқасида турганини амалий кўрсатиб бериш [6].

Мазкур китоб асарларда асосан қуйидаги номлар билан қайд этилган: Исбот ал-илал, Илал аш-шариа, Илал ал-убудийя фи-л-аҳкам, Китаб ал-илал, Исбат илал аш-шариа, Таълил аш-шариа, Илал ал-убудийя [3:62].

Асарнинг учта қўлёзма нусхаси борлиги аниқланган: бири – Берлин Қўлёзма фондида, ҳижрий 600 й. кўчирилган, 58 варақдан иборат, иккинчиси Туркиянинг Валиюддин фондида тахминан 700 йил кўчирилган, 50 бетдан иборат. Иккала қўлёзма ҳам тўлиқ ҳолда



сақланган. Берлин қўлёзмаси бир томондан қадимийлиги, иккинчи томондан имловий ва грамматик хатолар кўплиги, ёзувининг мураккаблиги билан Туркия нусхасининг бирқадар хатолар камлиги ва хати нафислиги билан фарқланади [4:54]. Тадқиқотларда асарнинг учинчи қўлёзма нусхаси Туркиянинг Харожи ўғли фондида мавжудлиги қайд этилган [2:70].

1998 йили мазкур икки қўлёзма асосида марокашлик олим Холид Заҳрий “Исбот ал-илал” номи билан китобнинг замонавий нашрини тайёрлади. “Исбот ал-илал” асари муқаддима ва 69 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлим бирор ибодат ёки шаръий ҳукмнинг жорий қилиниш иллоти – сабабини муҳокама қилади. Оят ва ҳадисдан далиллар келтиради, сўнгра ўзининг хулосасини беради. Масалан, ўлимтикни ейиш ҳаром қилинишининг иллоти сифатида қуйидагилар келтирилади: “Танадан руҳ чиқиб кетса, қон қотиб қолади. Шундай гўштни еган киши қонни ҳам бирга ейди... Томирларда оқадиган қон инсон танасида жойлашган душман (шайтон)нинг қароргоҳидан оқиб ўтгани учун ҳам ҳаром қилинган... Қоннинг нажосатланиши ва ифлосланиши айнан душман (шайтон) томонидан бўлади... Гўшт, жигар ва қораталокдаги қон бундай эмас” [10:238]. Демак, ўлимтикнинг ҳаром қилиниш иллоти – шайтон томонидан ифлослантилган қон истеъмол қилинмаслиги учун экан.

“Исбот ал-илал” асари “Бисмиллаҳ”дан кейин ўзининг кўп китоблари каби савол-жавоб тарзида бошланади: “Сен буйруқ ва қайтариқ (*ал-амр ва-н-наҳй*) иллатларининг исботи бўйича кишилар мунозара қилган нарсалар ҳақида мендан сўрадинг”. Сўнгра ўз муҳолифларининг фикрларини, уларнинг далилларини келтириб туриб, уларнинг ҳар бирига жавоб қайтаради: “Одамлар иллатлар йўқ нарса эканини айтадилар. Аммо ҳукмларнинг иллатлари мавжуд, уларни англаганлар англайди, билмаганлар билмайди” [10:67]. Сўнгра муаллиф ҳукмларнинг иллатлари мавжудлигини исботлаш учун авваламбор асарнинг кириш қисмида оят ва ҳадисларга, сўнгра мантиқий усулларга таянади. Мантиқий усулларга мисол: “Аллоҳ таоло бандаларига бирор нарсани буюрса ёки бирор нарсдан қайтарса, беҳудага қилганми ёки ҳикмат биланми? Агар беҳудага деса, Аллоҳнинг буйруқларига бепарво ва беписанд бўлиб, уни ўйинга йўйган бўлади, Агар “амр ва наҳй

ҳикматдан чиқарилган” деса, унга “қани ўша ҳикмат, нима экан у?” дейилади” [10:69]. Шундан сўнг аллома ҳикмат илми орқалигина ҳукмларнинг иллатини аниқлаш мумкинлигини айтиб, ҳикмат илмининг афзаллигини кўрсатади: “Ҳикмат – илмнинг ботини – яширин қисми, ботин – нарсанинг мағзидир, зоҳир – нарсанинг пўстлоғи. Манфаат мағизда, пўстлокда эмас” [10:69].

Термизий “Исбот ал-илал”да уламоларни уч тоифага ажратади: “Ушбу сўзлар ушбу умматга хосланган. Омма (уламолар)га ҳарфлар ва уларнинг талаффузи берилган, авлиёларга маънолари берилган, маъноларини мушоҳада қилиш хос авлиёларга берилган” [10:111-112]. Омма уламолар шариатнинг зоҳири ва ҳукмларини биладилар, чунки улар бу нарсаларни Роббиларини танишлари миқдоридан англаб етадилар. Уларда илмус-сифат бўйича фақатгина ҳарфлар йиғиндисигина бор. Буларнинг маънолари фақатгина Аллоҳнинг ердаги хос бандалари – ҳақимлар (*хукамо*)га маълум [10:98].

Термизийнинг бу тақсимоти асосида унинг илми зоҳир ва ботин, яъни ҳикматга ажратиши туради. Унга кўра – зоҳирий илм – илмнинг устки қобиғи, ботиний илм эса, унинг мағзидир. Омма уламо биринчисини англайди, аммо иккинчисига ожизлик қилади. Оммага лафзлар, хосларга эса, уларнинг маънолари берилган [10:70].

Ҳақим Термизий “Исбот ал-илал” асарида таълил (иллатларни топиш) масаласида нақлий, луғавий, завқий-ирфоний ва мантиқий-изчиллик асосларига таянади. Нақлий таълилда у бирор шаръий ҳукм иллатини аниқлашда Қуръон, ҳадис ва бошқа манбалар асосида таянса, луғавий таълилда сўзнинг ўзак маъносига кўпроқ урғу бериб фикҳий масаланинг иллатини аниқлайди. Ирфоний таълил эса Ҳақим Термизийнинг қарашлари, ҳаётий тажрибаси орқали шаклланганини кўриш мумкин. Мантиқий-изчиллик услубида иллатларни мантиқий тафаккур асосида дақиқлик билан аниқлаштиради.

Термизийнинг “Исбот ал-илал” асарида ижтиҳод ҳақида келтирилган фикрларини умумлаштириб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, ижтиҳод салоҳияти шариат иллатларни биладиган ва ҳукмларнинг ҳикматини англаб ета оладиган фақиҳларга берилган.

Ҳақим Термизийнинг яна шу номга яқин “Илал аш-шариа” деган асари каталогларда қайд этилиб, бу асарнинг ҳозирги

кунда икки қўлёзмаси – бири Қоҳирада, иккинчиси, Туркиянинг Валиюддий фондида сақланади. Асар “Исбот” асарига мазмунан яқин, аммо унинг мавзулари асосан таҳорат, намоз ва мисвок ишлатиш масалаларини қамраб олади. Бу асар ҳам тўла маънода анъанавий фикхий асарлардан фарқланади. Бу асарда ҳам Термизий хукмларнинг иллатини ёритишга, хукмларни адо этиш асносида кишининг руҳиятида кечадиган жараёнларни тасвирлашга катта эътибор қаратади [2:104-107]. Марокашлик тадқиқотчи Холид Захрийга кўра, мазкур асар Термизийнинг бошқа бир “ас-Сола ва мақосидиҳа” китобининг қисқартма шаклидир, янги мазмундаги асар эмас [3:65].

Шариат хукмларининг иллатлари бўйича Ҳаким Термизийнинг фикрлари кейинги даврлар кўплаб уламоларига ижобий таъсир қилган. Бинобарин, кейинги давр уламолари ҳам хукмларнинг иллатларини билиш муҳим эканини таъкидлаганлар. Зеро, иллат усул ал-фикҳдаги қиёснинг энг муҳим рукни ҳисобланади. Иллат қиёс биносининг пойдеворидир.

XIII аср ҳанафий уламоси Низомуддин Шоший усул ал-фикҳ бўйича ёзган “Усул аш-Шоший” асарида қиёсни учга бўлади: луғавий, мантиқий, шаръий. Шаръий қиёс – усулий қиёс деб ҳам аталиб, бир хукмни хукмига насс келган воқеадаги иллат туфайли насс келмаган воқеага қўллашга айтилади. Бир маънонинг иллат бўлиши тўрт нарса: Китоб, суннат, ижмо, ижтиҳод ва истинбот билан билинади [7:334-335], деб қайд этади.

“Иллат” сўзи шариат уламолари истилоҳида уч хил маънода ишлатилади:

1. **Хукмнинг шариатга киритилишига муносиб маънони ифода этиш учун.**
2. **Шариатга киритилган хукмга қилинган амалнинг самарасини ифода этиш учун.**
3. **Хукмга муносиб маънони ўз ичига олган зоҳирий ва ўзгармас сифатни ифода этиш учун.**

Усул ал-фикҳ уламолари иллатни: “Маслаҳат (фойда, манфаат) юзага чиқиши учун маълум хукмнинг шариатга киритилишига сабаб бўлган нарса ёки хукмни танитувчи сифат” деб таърифлаганлар [5:138-140].

Ҳаким Термизийнинг асарлари унинг ислом ҳуқуқшунослигидаги

“мақосид аш-шариа” йўналиши бўйича илк муаллиф бўлганини кўрсатади. Зеро, “мақосид аш-шариа” илми айнан “таълил илми” асосига қурилган бўлиб, унинг илк пойдевори Ҳаким Термизийнинг “Асрор ас-сола” ва “Исбот ал-илал” асарларида қўйилган [9]. Унинг фикҳий масалалардаги ижтиҳодлари буни яққол намоён қилади. Фикҳий масалаларда таржих қилиб, устун фикрни даллиллаб, қўллаб-қувватлайди.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Абдулфаттоҳ Барака. ал-Ҳаким ат-Термизий: назарийтуху фи-л-вилая. – Қоҳира: Мактаба Ваҳба, 2014.
2. Жуюший М. ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дар ан-Наҳда ал-арабийя, 1981.
3. Заҳрий, Холид. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Работ: Марказ ад-диросот ва-л-абҳос, 2013.
4. Заҳрий, Холид. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” асари муқаддима қисми. – Касабланка: ан-Нажаҳ ал-жадида, 1998.
5. Муҳаммад Содик М.Ю. Усулул фикҳ. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2019.
6. Nicholas Heer. Al-Ḥakīm al-Tirmidhī’s Kitāb Ithbāt al-‘Ilal. 1960. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.
7. Низомуддин Шоший. Усулуш Шоший / А.Аҳмадалиев нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016.
8. Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофеийя ал-кубро. – Гиза: Ҳижр, х. 1413. Т.2.
9. Ториқ Ҳажи. аш-Шаъаир ал-исламийя фи-л-китабат ал-мақосидийя ал-муасира. 2016 й. <https://www.ida2at.com/islamic-rites-in-the-writings-of-contemporary-intentional-view/>
10. ал-Ҳаким ат-Термизий. Исбот ал-илал. – Касабланка: ан-Нажаҳ ал-жадида, 1998.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент**

Ҳозирги кунда диний бағрикенгликка берилган таърифларга эътибор берсак, интернет тармоғида биринчи навбатда Орегон Жамоат коллежи антропологи Мари Кортис ва фалсафа ўқитувчиси Крис Кайтоннинг куйидаги таърифи кўзга ташланади: Religious Tolerance refers to the ability to appreciate spiritual values, beliefs and practices which are different from your own. *(тарж. Диний бағрикенглик ўзингизникидан фарқ қиладиган маънавий қадриятлар, эътиқодлар ва маросим-амалиётларни қадрлаш қобилиятини англатади).*

Кейинги энг кенг тарқалган таъриф инглизча Wikipedia да келтирилган: Religious toleration may signify "no more than forbearance and the permission given by the adherents of a dominant religion for other religions to exist, even though the latter are looked on with disapproval as inferior, mistaken, or harmful". *(тарж. "Диний бағрикенглик" доминант (хукмрон) дин вакиллари томонидан бошқа динларнинг мавжуд бўлишига сабр-тоқатлилик ҳамда рухсат беришдан бошқа нарса эмас, гарчи бу динларга адашган, зарарли деб ёки настназар билан қаралса ҳам").*

Юқоридаги талқинлардан биринчиси анча бағрикенгроқ таъриф бўлиб, айнан шу таъриф доирасида Ҳаким Термизийнинг (ваф. 932 й.) диний бағрикенгликка доир қарашларини ушбу мақолада кўриб чиқамиз.

Ҳаким Термизий яшаган даврда Хуросон, Мовароуннаҳр бири-бири билан баъзи масалаларда зиддиятли бўлган турли исломий мазҳаблар, хилма-хил ақидавий қарашлар тўқнашув майдонига айланган эди. Турфа хил қарашлар вакиллари бир жойда ёнма-ён яшар, лекин уларнинг ҳар бири ўз йўналишида таассуб ва ғулувга ботиб қолган эди. Бинобарин, ушбу минтақада контрастлик, таассуб ва ғалаён руҳи жамият ҳаётининг турли жабҳаларида намоён бўлган эди. Шунингдек, исломий мазҳаб ва оқимлардан ташқари минтақада яхудий, насроний, моний, мажусий, буддавий дин вакиллари ёнма-ён ҳаёт кечирганлар. Ҳаким Термизий таваллуд топган Термиз

шаҳри ушбу минтақанинг марказида жойлашганлиги боис ҳам, улкан ҳудуднинг барча диний оқимлари, ақидалари, элатлари маданиятининг кесишув жойи ҳисобланган. Ғарб шарқшунослари Ҳаким Термизий ўз минтақасида мавжуд бўлган буддавийлик, христианлик ва монийлик таълимотлари билан яқиндан таниш бўлган, зеро, уларнинг далолатини асарларида учратиш мумкин, деб ҳисоблайдилар [1:238-239].

Ҳаким Термизий ўз муҳитида бошқа дин вакилларига ҳам ҳамда ислом динидаги оппонентлари – маломатия, рофиза, карромия каби тоифаларга гарчи раддия берсада, лекин уларнинг қарашларига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Термизийнинг кенг дунёқараши у яшаган минтақанинг бой маданияти ҳамда ўша муҳитдаги диний плюрализм таъсирида шаклланган, деб тушуниш мумкин [2: 60].

Термизий ўзининг автобиографик асари “Бадъ аш-шаън”да ўз диний қарашлари учун фитнага учрагани, Балх волийси томонидан муҳокамага чақиритирилгани, сўнгра оқлангани ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтиб, диний қарашлар учун тазйик ўтказиш амалиётига танкидий қарайди [3]. Жумладан, Ҳаким Термизий ойлар, йиллар давомида ўз нафсларида айб ва нуқсон, нафс найранглари чукур изланиш йўлида умрини сарфлаган маломатийларни танқид қилган. Уларнинг бу сарфлаган саъй ҳаракатлари «қалб офатлари олдида улар ҳеч нарса эмас ва ушбу офатларнинг энг каттаси қалбнинг Аллоҳдан тўсилиб қолиши» эканлигини таъкидлаган [4: 11]: “Агар банда фақат ўз нафси билан овора бўлиб қолса, унинг ичида ғарқ бўлиб кетади. Умрини шу ишга сарфлайди, лекин нафс офатларидан кутула олмайди, бу ҳолда у қачон юқори мартабаларга, олий мақомларга юзлана олади”, дея маломатийларга эътироз билдирса-да, аммо шу билан бирга, улар таълимотининг асосий ғояси – *ихлос*га етишиш тамойилини қўллаб-қувватлаган. Жумладан, Термизий умматнинг хос кишиларини уч тоифага бўлади: «1) Уламолар – улар ҳаром ва ҳалолни ажратадилар, улар сени шариат йўлидан жаннатга етаклайдилар. 2) Ҳикматни англаган уламолар – улар сени шариатда *ихлос* йўлидан қурбат манзилларига олиб борадилар. 3) Кубаролар – улар маърифат илмини ва олий ҳикматни эгаллаганлар, улар софлик ва поклик йўлидан сени Аллоҳга етаклайдилар». Ушбу мисолдан маълум бўладики, Ҳаким Термизий *ихлос*ни маломатийлар каби энг юқори нуқта деб

билмаса-да, аммо қурбат манзилларига етказишига ишора қилади. Термизий диний қарашлари туфайли инсонларга тазйиқ йўлини эмас, балки ўз асосли тавсияларини бериш йўлини танлайди.

Ҳақим Термизий, юқорида қайд этилганидек, конфессионал хилма-хиллик ҳукм сурган жамиятда вояга етган. Унинг бошқа дин вакиллари, хусусан “аҳли китоб” – христианларга муносабати эътиборга молик. Ўз асарларида Термизий айрим христиан тоифаларини Пайғамбар алайҳиссалом башорат қилган “нажот топган фирқа”, деб тавсифлайди. Жумладан, Ҳақим Термизий “Наводир ал-усул” асарида қуйидаги ҳадисни келтиради: “Салмон розияллоху анху Аллоҳ таолонинг *“Имон келтирганларга нисбатан дўстликда яқинроқлар – «Биз насронийлармиз» деганлар эканини (ҳам) кўрасиз. Бунинг сабаби – улар (насронийлар) ичида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги*” (“Моида”, 82) ояти ҳақида сўралди. Салмон: “Улар – узлатгоҳлардаги роҳиблардир”, деб жавоб берди. Салмон деди: “Мен Расулуллоҳ алайҳиссаломга оятни ўқиб бердим, улар менга *“Бунинг сабаби – улар (насронийлар) ичида руҳоний ва сиддиқларнинг борлиги*” деб қироат қилдиридилар.

Термизийга кўра, бундай қироат қилдиришдан мақсад қиссис ва сиддиқ бир маънода эканини англатиш учун эди. Қиссис – пайғамбардан дин ва дунё ишларида келган барча ишларга сидқ ва вафо билан эргашган кишидир. Шунинг учун ҳам икки қироат бирга келдики, бир-бирининг ўрнига (мазмуни) ўтади. Бири Бани Исроил тилида бўлса, Исмоил алайҳиссалом авлодларининг тили бўлмиш – араб тилида эса – сиддиқдир [5:37].

Ҳақим Термизий “Наводир” китобида келтиришича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Шом тарафга қўшинларни юбораётиб деди: “Сизга Аллоҳдан такво қилишга чақираман”. Сўнг бир неча буйруқлар берди. Айтганлари ичида қуйидагилар бор эди: “Сизлар узлатгоҳларда ўз нафсларини тергаб ўтирган одамларга дуч келасизлар, шунда уларни ҳам, ҳамда Аллоҳ учун нафсларини тергаб ўтиришларини ҳам тек қўйинг”. Термизий бу масалани қуйидагича шарҳлайди: “Демак Абу Бакр розияллоху анху узлатгоҳларда таркидунё қилиб ўтирганларга тегмасликни, улардан жизъя талаб қилмасликни буюрдилар, зеро улар тарк қилганлари учун тарк этилдилар.... Улар насронийлардир, улар таркидунё қилдилар, ўзларини узлатгоҳларда ушладилар, улар тек қўйилдилар, чунки

улар ўз йўлларида содиқ бўлдилар, гарчи адашган бўлсалар-да” [5:38].

Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул” асарида Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни келтириб, христианларнинг айрим тоифалари қиёмат куни нажот топиши башорат қилинганини таъкидлайди: “Биздан олдингилар 72 фирқага ажралиб кетдилар, улардан фақат учтасигина нажот топди, қолганлари ҳалок бўлдилар. Бирлари Аллоҳнинг дини – Исо ибн Марям динларда подшоҳлар билан курашиб вафот топдилар. Иккинчилари – подшоҳларга қарши туришга тоқатлари йўқ эди, қавмлари ичида туриб Аллоҳнинг дини – Исо ибн Марям динига буюрдилар, подшоҳлари уларга қарши урушиб, арралаб бўлакларга бўлдилар. Учинчилари эса, подшоҳларга қарши туришга тоқатлари ҳам, қавмлари ичида туриб Аллоҳнинг дини – Исо ибн Марям динига буюришга ҳам кучлари йўқ эди. Улар тоғу тошларга чиқиб кетдилар, у ерда роҳиблик йўлини тутдилар. Ана ўшалар ҳақида Аллоҳ таолонинг оятлари нозил бўлган.... Ушбу ҳадис билан Расулulloҳ алайҳиссалом тоғу тошларга чиқиб кетиб, у ерда роҳиблик йўлини тутганларни “нажот топган учинчи фирқа” деб, хабарини бермоқчилар” [5:41], деб талқин қилади.

Термизийнинг асарлари ўз замонасидан илгарилаб кетгани учун ҳам ўз даврида етарлича эътиборга олинмагани кўплаб термизийшунослар томонидан қайд этилади [6:60]. Ҳозирги кунда олимнинг “мақосид аш-шариа” мавзусига доир фикрлари тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Мақосидий қарашлар бугунги кунда диний бағрикенглик тамойилини ёйишда муҳим ўрин тутди. Мақосид аш-шариа – ислом ҳукмлари ортида турган хикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қилади. Ислом фикҳи назариётчиларга кўра, “мақосид аш-шариа” – инсоният манфаатини ифода этишдир [7:30]. Ҳаким Термизийнинг “Шарҳ ас-солат ва мақосидиҳа” китоби бу борадаги илк асар бўлган эди [7:37]. Қуйидаги бошқа асарлари Термизийнинг илк тизимли “мақосидий фақиҳ” бўлганини тасдиқлайди: “ал-Ҳаж ва асроруху”, “Сабаб ат-такбир фи-с-сола”, “Илал аш-шариа”.

“Исбот ал-илал” китобида Термизийнинг мақосидий қарашлари яққол намоён бўлади. Гарчи Термизий “мақсад” сўзини кўп қўлламаса ҳам, айнан шу маънони берувчи “асрор”, “қасд” каби



сўзлардан унумли фойдаланади. Термизийнинг “Исбот ал-илал” китобини ёзишидан мақсади куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, диндаги ҳар бир ҳукмнинг мақсади, сабаби (иллат), ҳикмати бўлади ва албатта инсон уларни англаб ета олади, шуни тушунтириш; иккинчидан, айнан қайси иллат – сабаб у ёки бу ҳукм (амр ва наҳй) орқасида турганини амалий кўрсатиб бериш [8]. Термизий ҳукмларнинг иллатини билишда куйидаги асосларга таянади: 1) луғавий, 2) нақлий, 3) завқ-ирфоний [9:48] ҳамда 4) мантикий-изчиллик усули.

Термизийнинг шариат мақсадлари ҳақидаги қарашлари кейинги даврларда шу йўналишда ижод қилган мусулмон уламоларига туртки берган: Мотуридий, Шоший, Имом Жувайний, Ғаззолий, Иззуддин Абдуссалом, Қарофий, Шотибий ва бошқалар. Исломнинг замон билан ҳамнафас бўлиши, халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан мутаносиблиги, бирёқлама қарашлар чегарасида чекланиб қолмаслиги учун ҳукмларнинг мақсадига эътибор бериш орқали татбиқ этиш ғояси ҳозирда ҳар қачонгидан кўра долзарблик касб этмоқда. Ҳақим Термизий илк назарий асосларини қўйиб берган мақосид аш-шариа тушунчаси исломни янгилаш, модернизация қилишга интилаётган бугунги кун мусулмон олимларининг асосий курул-воситаси бўлиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили асосида бугунги кунда мусулмон уламолари айнан “*Динда мажбурлаш йўқ*” (“Бақара”, 526) ояти асосида “Эътиқод эркинлиги, диний қарашлар эркинлиги” атамаларини қўлламоқдалар. Масалан, бу атамалар ортида диндан қайтган одамга нисбатан анъанавий меъёрлар асосида жазо қўллаш эмас, балки айнан “*Динда мажбурлаш йўқ*” тамойили асосида ҳаракат қилиш ғояси илгари сурилмоқда [7:63]. Умуман олганда, Ҳақим Термизий илк тартибга солган тизимли мақосидий қарашлар, бугунги мультиконфессионал жамиятларда халқаро ҳуқуқий меъёрлар жорий бўлиб турган замонда диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кныш А. ат-Тирмизи ал-Ҳаким / Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
2. Geneviève Gobillot. al-Nakîm al-Tirmidhî. Encyclopaedia of Islam, Brill, 2018. 3 tome 5.
3. Masud, Muhammad Khalid al-Nakim al-Tirmidhi's Buduwuw Sha'n. IS, IV (1965) 3, 1965.
4. Хир Н. Муқаддимат китаб «Байан ал-фарқ байн ас-садр ва ал-қалб ва ал-фу'ад ва ал-лубб» ли ал-Ҳаким ат-Тиримизи. – Қоҳира: Мактабат ал-куллийот ал-азҳариййа, 1957.
5. ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Мактабат ал-Имом ал-Бухорий, 2008. Т.1.
6. Geneviève Gobillot. al-Nakîm al-Tirmidhî. Encyclopaedia of Islam, Brill, 2018. 3 tome 5.
7. Жасер Авда. Мақосид аш-шариа ка-фалсафа ли-т-ташриъ ал-ислабий. Лондон, Вашингтон: The international Institute of Islamic Thought, 2011.
8. Nicholas Heer. Al-Nakîm al-Tirmidhî's Kitâb Ithbât al-'Ilal. 1960. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.
9. Заҳрий Х. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” асари нашрининг кириш қисми. – Работ: Куллият ал-адаб ва-л-улум ал-ижтимаийя, 1998.

## АБУ БАКР ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ

**Иброҳим Усмонов,**  
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

Азалдан Турон заминида улуғ алломалар, буюк мутафаккирлар, муҳаддислар ва мужтаҳид олимлар этишиб чиққан. Улар билан нафақат фахрланиш балки, уларнинг маданий ва маърифий меросини ўрганиб, тадқиқ қилиш бугунги кунимизнинг долзарб масалалардан биридир. Зеро, ўз тарихи ва алломаларининг бой илмий меросини билмаган юрт фарзандлари ривожланиш ва маърифий салоҳиятга эришишдан маҳрум халққа ўхшайди. Шунингдек, Абдурауф Фитрат – тарихга таъриф бериб, шундай деган. "Тарих миллатларнинг ўтмишини, тарққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўргатувчи мадрасадир". Юртимизда етишиб чиққан буюк уламоларнинг хотирасини абадийлаштириш, илмий фаолиятини кенг ўрганиш Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини шакллантиришда тарихий аҳамиятга эгадир. Хусусан, Мавароуннаҳрда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, тасаввуфий асарларда зикри машҳур бўлган шахслардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Фазл Ҳаким Варроқ Термизий Балхийдир. Унинг номидаги "Ибн Фазл" нисбасини Абу Бакр Калободий ўзинг асарларида (ваф. 380/990) келтирган [1:12]. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн-Фазл-Ҳаким Варроқ Термизий Балхий Термизда таваллуд топган бўлиб, кейинчалик илм талабида Балхга кўчиб кетиб, умрининг аксар қисмини Балхда ўтказган. Аҳмад ибн Хизравайхга (ваф. 240/854) шогирд тушиб, унга ҳамсуҳбат бўлган ва яна зоҳид Муҳаммад ибн Саъд ибн Иброҳим, Муҳаммад ибн Умар ибн Хушном Балхийлардан ҳам дарс олган [2:235-237, 354]. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий унинг қабри Термизда эканлигини, Имом Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлганлигини, Таврот, Инжил каби илоҳий китобларни ўқиганлигини, шеърӣ девонлар тузганлигини ўз асарларида баён қилиб ўтишган [3:417]. Бундан кўринадики, Варроқ Термизий кўп тилларни мукамал эгаллаган ва ушбу тилларда ўз илмий фаолиятини такомиллаштиришда устозларининг ўгитларига амал қилгандир. Варроқ Термизий Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг шогирдларидан саналади. Буни илк бор

Хужвирий кайд этган [4: 629]. Заҳабий ва Ҳофиз Ҳамдон ибн Саҳл Абу Бакр Балхий ҳақида маълумот берар экан, унинг табаа тобей Маккий ибн Иброҳим Балхий (126-215/744-830) ва бошқалардан, ундан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Фазл Термизий ва Ҳофиз Абу Али Балхийларнинг ривоят қилганлигини айтади [5:123]. Ибн Мулаққин (723-804/1323-1401) эса Ибн Хамиснинг китобида уни “Хуросон машойихларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳаммод ибн Исмоил ибн Холид Термизий” деб зикр қилганини ва “Аҳмад ибн Хизравайҳ ва унинг ёнидаги шахслар билан учрашганлигини” келтириб, бу билан Абу Бакр Варроққа ишора қилган, деган қарашлар ҳам бор. Бу эса аслида куйида келадиганидек, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийдир.

Абу Бакр Варроқ Термизий асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Уҳайд бўлиб, у отасининг табаа тобей Маккий ибн Иброҳим ва Кутайба қабиларидан ривоят қилган ҳадисларини эшитган. Ўзи эса Балхнинг муҳаддиси Муҳаммад ибн Уқайл Балхий (ваф. 316/928) ва бошқалардан, ундан ҳам ўғли Ҳасан ва Ҳофиз Абу Зуръанинг ўғли Абдуллоҳдан ҳадисларни ривоят қилган. Абулқосим Самарқандий мотуридия ақидавий йўналиши ва ҳанафийлик мазҳабини Мовароуннаҳрда тарқалишида асосий ўрин тутган шахслардан бири бўлиб, у Абу Бакр Варроқ Термизий ва Балх машойихларидан тасаввуф илмини ўрганган. Устози ҳақида шундай дегани манбаларда кайд этилган: “Агар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин пайғамбарлик раво бўлганида, бизнинг замонамизда ўзининг илми ва ҳикмати, халққа меҳр-шафқати ва адолатлилиги билан танилган шайх шубҳасиз бу Абу Бакр Варроқ бўлган бўлар эди” [6:14]. Суламий Абу Бакр Варроқ Термизийнинг риёзат, фикҳ ва одоб борасида машҳур китоблар муаллифи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Самъоний (ваф. 355/965) Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муттавайҳ Абулқосим Зоҳид Балхий ҳақида маълумот бераркан, унинг Абу Бакр Варроқ Термизийга шогирд тушганлигини ва китобларини ундан ривоят қилганини айтади [7:393]. Абу Бакр Варроқ Термизийнинг кўпгина асарлари бизга маълум эмас ёхуд бизгача етиб келмаган. Ҳозиргача бизга битта асари маълумдир. Асар ҳақида Умар Ризо Каҳола (1323-1408/1905-1987) Дамашқдаги “Зоҳирия” кутубхонасидаги муаллифлар Фихристига таяниб, ушбу Термизийнинг “ал-Алим вал-мутаъллим” (Олим ва

таълим олувчи ёки Устоз ва шогирд) номли асари ҳақида маълумот беради [8:78]. “Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Термизий”нинг ушбу номдаги китоби Мисрдаги “Мақтабат ул-анвар ул-Муҳаммадия” нашриётидан чиққанлиги маълум. Шунингдек, Абу Бакр Варроқ Термизийнинг манбаларда келган ҳикматли сўзларини имкон қадар она тилимизга ўгирилган бўлиб, у зотнинг таржимадан четда қолган ёки тўлиқ таржима қилинмаган айрим сўзлари ҳам бўлиб, қуйида улардан мисоллар келтирилади [9].

Муҳаммад ибн Ҳомид деди: Абу Бакр Варроқдан сўрадим, “Аллоҳга ва одамларга яқин қиладиган нарсани менга ўргатинг!” Деди: “Аллоҳга сени яқинлаштирадиган нарса Ундан сўрашингдир, одамларга яқинлаштирадиган нарса эса сўрамаслигингдир”.

“Қалб учун олти нарса бор: ҳаёт ва ўлим, сиҳат ва беморлик, уйғоқлик ва уйқу. Унинг ҳаёти ҳидоят, ўлими залолат, сиҳати поклик ва сафо, беморлиги эса кудурат (хиралик) ва унга ёпишган нарсалар, уйғоқлиги зикр, уйқуси эса ғафлатдир. Буларнинг ҳар бирининг ҳам ўз аломати бор ҳаётнинг аломати рағбат ва раҳбат (ҳадик, қўрқув) ва шу иккиси билан амал қилиш, қалбнинг ўлими эса бунинг акси. Сиҳатнинг аломати қувват ва лаззат, беморлик эса бунинг акси. Уйғоқлик аломати (қалб ила) эшитиш ва кўриш, уйқу эса бунинг акси. Махлуқот билан машғуллик ва улар учун зийнатланиш (илоҳий) хайру саховатни (кўриш)дан пардадир. “Ким зуҳд ва фикҳсиз фақат калом илми билан кифояланса, зиндик бўлади. Ким фикҳ ва каломсиз фақат зуҳд билан кифояланса, бидъатга тушади. Ким зуҳд ва каломсиз, фақат фикҳ билан кифояланса, фосик бўлади. Ким бу ишларнинг баридан насибадор бўлса, нажот топади” дейди. Шу билан бир қаторда, Варроқ Термизий ўзининг ҳикматларида келтирадики, ақл эгалари ўзларидан кўра илмлироқ кишиларга эргашадилар, зоҳидлар эса, гўзал хулқ-одоб билан бўлса, нодонлар чиройли сабр қиладилар. Хусусан, турли ишлаб чиқариш ва саноатга доир илмлар ҳам фарзи кифоядир. Демак, ҳозирги замонда мусулмонлар фан-техника соҳасида ҳам барча дақиқ илмлардан кифоя қилиш даражасида билишлари зарур бўлади. Чунки давлатнинг куч-қудрати, ўзга давлатларга қарам бўлиб қолмаслиги илм-фаннинг ривожини ва тараққиётига бевосита боғлиқдир. Ёшларни дунёвий билимлар соҳибини ва ҳунарли бўлишга тарғиб қилиш энг муҳим масала деб ҳисобланган. Шунинг учун

ҳам Али разияллоху анху: “Болаларингизга ўзлари яшаётган давр илмларини ўргатинглар, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келганлар”, - деб таъкидлаганлар. Динимизда илмни диний ва дунёвийга ажритилмайди. Ота-боболаримиз бу қоидага амал қилганларидан уларнинг ичидан Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Бакр Варроқ Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино ва Улуғбек сингари қомусий олимлар етишиб чиққан. Улар ҳам диний, ҳам дунёвий илмларда пешқадам бўлганлар. Авлодларимиз ҳам биздан фахрланишлари учун бугун, ўзимиз ва фарзандларимизни илм олишлари ва шу орқали жамиятимизни пешқадам сафларга олиб чиқиши учун ҳаракат қилишимиз – ҳам фарзимиз, ҳам қарзимиз, ҳам бурчимиздир!

Шунингдек, Абу Бакр Варроқ Термизийнинг вафот санаси манбаларда турлича келтирилади. Ибн Мулаққин (723-804/1323-1401) у зотнинг вафотини 240/854 йил деб беради. Бунда у ушбу Термизий унга суҳбатдош бўлган Аҳмад ибн Хизравайҳнинг шу йилда вафот этганини ҳисобга олган ёки шу билан адаштирган. "Нафаҳот ул-унс" (Унсият бўйлари)да унинг вафоти 280/893 йил дейилади ва Умар Ризо Каҳола ҳам ушбу санани келтирган. Аммо у зотнинг вафотини 320/932 ёки 294/907 йил деб белгилаш кўпроқ учрайди. Маҳмуд ибн Валининг (XVII аср) "Баҳр ул-асроф" (Сирлар денгизи) асарида келишича, Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқларнинг нурафшон қабрлари Термиз шаҳри деворлари яқинида, шимолий томонда жойлашганини келтиради [9].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Калободий. ат-Таърруф. У “Абу бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Фазл Варроқ Термизий” ни муъомалат – тасаввуф илми бора-сида асар ёзганлар бобида келтирилади.
2. Сулабий. Табақот ус-суфия. 178 б. 33-рақам. Абу Нуъаям Асбаҳоний. Ҳилят ул-авлиё, 565-рақам. Хужвирий. Каш ул-маҳжуб. II, 354 б.
3. Жомий. Нафаҳот ул-унс. Умуман: 417-419 б, 127-рақам. Навоий. Насойим ул-муҳаббат 82 б. 135-рақам. Яна шу асар: 79 б
4. Хужвирий. Каш ул-маҳжуб. I, 353 б, II, 354 б. Аттор Тазкират ул-авлиё. 629 б: Умуман, 629-637 б. 66-рақам. Эрон нашри: 620 б:

5. Заҳабий. Тарих ул-ислом XIX.
6. Абдуллаев И. Ҳикматуллаев. Самарқандлик олимлар.
7. Самъоний. Ал-ансоб VII.
8. Умар Ризо Қаҳола. Мўъжам ул-муаллифин. XII.
9. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: “YANGI NASHR”, 2017.

## **АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ҲОМИД ТЕРМИЗИЙ, АБУ АЛИ МУҲАММАД ИБН ДАЙСАМ ДАҚҚОҚ ТЕРМИЗИЙ ВА АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ**

**Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент.**

Инсон туғилиб, вояга етар экан, илмдан бошқа нажот йўқ эканлиги тушуниб етмоғи лозим бўлади. Зеро барча илм инсонни Яратганни таниш маърифатига яқинлаштириб, шу тўғри йўлда собит туришга чорлайди. Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак инсонпарварлик ғояларига асосланган бой маънавий меросининг умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий моҳарати билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморчилик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимизнинг, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Мовароуннаҳр юртидан етишиб чиққан тасаввуф олимлари соф ислом ақидаси ва Яратганнинг инъом этган маърифати ила ўз ғояларини бутун дунё бўйлаб тарқатиб, муридларга таълим-тарбия беришга куч-ғайратлари сарфлаганлар. Агар тасаввуфнинг моҳиятига диққат билан назар соладиган бўлсак, унда фалсафа ҳам, одоб-ахлоқ ҳам, имон-этикодни ҳам ўзида мужассам этганлигини кўрамыз. Тасаввуф халқимиз маънавиятининг ўзак негизидир. Зотан, «маънавият» ва «маърифат» деган тушунчалар тасаввуф аҳли тушунчаларидир. Тасаввуф дунёни билишни, кундалик ҳаётимизни тўғри изга солишни, инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги қарашларини ўз ичига олувчи илмдир. Шунинг учун ҳам тасаввуфни илм-маърифат тараққиётидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизда вояга етган, унинг илм чашмаларидан сув ичган, ҳаётининг асосий қисмини илмга бағишлаб, доимо меҳнатда, изланишда бўлган, бизга ўзининг меросини қолдирган ана шундай аждодла-



римиздан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Холид Термизийдир. У ҳижрий 3 асрда яшаб, имом, муҳаддис, зоҳид, тасаввуф шайхларидан бўлган. Ушбу буюк зотнинг нафақат бизнинг минтақамиз, балки бутун ислом дунёси тарихида ўзига хос ўрни бўлганки, уни ардоқлаб Ироқ тариқат шайхларидан бири Абу ал-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Хуросоний ал-Бағовий унга “ан-Нурий” деб нисбат берадилар. Чунки у зотнинг юзи нур каби порлаб турарди. Яна айрим маълумотларга кўра, Бағовий ўз асарида «Унинг юзи яхшилиги учун унга Нурий дейилди», деб қайд этган. Абу Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Холид Термизий ҳозирги Сурхондарёнинг жануби, Афғонистоннинг шимолида таваллуд топган. Абу Али Муҳаммад ибн Дайсам Термизий Даққоқ Абу Бакр Термизий билан Балхда суфий ва ишончли ровий Али ибн Биндор Сайрафий (Сулаймийда ваф. 359/969 дейилади) билан ҳамсуҳбат бўлган [1:373]. Шу билан бирга Абу Бакр Варроқга шогирд тушиб, ундан бир неча ҳадисларни ривоят қилган. Абу Бакр Варроқ Термизий ўзига Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийни мурид қилиб, тасаввуф илмларидан иршод ва насиҳатни ўргатган. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийнинг руҳий тарбияга оид сўзларини Суламий Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Розийдан ривоят қилган [1,2]. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий ўзининг ҳикматларида “Авлиёларнинг вилоятини инкор қилиш жоҳилларнинг ишларидир. Бу уларнинг Аллоҳ таоло маърифатидан узоқлиги ва илмларининг озлигининг сабабидир”, дейди. Тасаввуф олимлари авлиёларнинг кароматлари дунё ҳаётида уларга Аллоҳ таоло томонидан инъом этилган неъмат эканлигини билганлар. Абу Аҳмад ал-Мағаззолий айтади: “Мен ан-Нурийдан кўра кўпроқ намозхонроқ инсонни кўрмадим, қачон масжидга кирсам, уни масжидда зикр қилиб ўтирган ҳолатда топар эдим”. ал-Жунайд айтдилар: “Нурий вафот этганида билимнинг ярми унинг ўлими билан кетди”, дейди. ал-Ҳусайн ибн Фазлдан ривоят қилинади: Нурийнинг ўлим пайти яқинлашганда унинг олдида бордим ва унга эҳтиёжинг борми?- деб сўрадим. У эҳтиёжим бу дунёда йўқ, деб жавоб берди Нурий. Унда нафсинг нимани хоҳлайди, дедим. Унинг эса кўзлари ёшланиб, Аллоҳни кўришни хоҳлайман, деб уч марта чуқур нафас олганидан сўнг бу фоний дунёни тарк этди.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий ҳикматларидан:

- Кимники, машойхларнинг ўғитлари қониктирмаса, у Қуръон ва суннатдан ҳам одобланмайди.
- Ҳар қачон мусулмонлардан бирини ўзимдан паст кўрдим, имон ва маърифат (Аллоҳни билиш)да ўзимда нуқсон топдим.
- Агар нурлар сирр (қалб)да қарор топса, тана аъзолари яхшилиқни ифода қилади.
- Нималарнидир қилишга ожиз бўлсанг ҳам ўз камчиликларингни кўришга ожиз бўлма.
- Авлиёларни паст кўриш Аллоҳ таолони билиш маърифатининг камлигидандир.

Термиз заминиде етишиб чиққан буюк алломалардан бири – ўз даврида муфассир, воиз, суфий, фақиҳ сифатида танилган Абу Али Муҳаммад ибн Дайсам Даққоқ Термизийдир. Мабаларда олим ҳаёти ҳақида маълумотлар кам учрайди. Хусусан, айрим манбаларда Али ибн Муҳаммад Дайсам ҳақида маълумотлар учрайди. Бу шахс Муҳаммад ибн Дайсам Даққоқ Термизийнинг ўғли бўлиши мумкин. Ушбу шахс кироат ва нахв илми борасида алоҳида эътироф этилади ва ахлоқи гўзал бўлганлиги мақталади. Унинг хати чиройли бўлган ва китоб кўчириш билан шуғулланган. Абу Али Муҳаммад ибн Дайсам Даққоқ Термизий 260/873 йил ёки ундан бир оз олдин туғилган ва 323/934 ёки 324/935 йилда вафот этган [3:236]. Унинг Мурсий нисбаси Андалусиядаги Мурсияга нисбатан олинган бўлиши, агар “Марсий” бўлса, у Мадина тарафлардаги қишлоқ номига нисбат берилган бўлиши мумкин [4: 244-245; 236].

Шунингдек, Абу Али Даққоқ Термизийнинг зоҳид, имон-эътиқодли ва замонасининг тақводор инсонларидан бўлганлиги ундан келтирилган ҳикмат ва ўғитларидан ҳам билишимиз мумкин. Абу Али Даққоқ Термизий айтади: “Тавба уч қисмдир: тавба, иноба ва авба. Тавба – тавба мақомининг бошланиши, авба охири, иноба иккисининг ўртаси. Жазодан кўрқиб тавба қилувчилар иноба соҳиби. Савобли ишларда рағбати камлигидан тавба қилган киши авба соҳибидир. Тавба мўминнинг сифатидир. Аллоҳ таоло айтади: “Барчангиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар” (“Нур” сураси, 31-оят). Иноба авлиё ва муттақинларнинг сифатидир. “Раҳмондан ғойибона кўрққан ва тавба қилувчи қалб билан келган кишилар” (“Қоф” сураси, 33-оят). Авба пайғамбарлар сифатидир. Аллоҳ таоло

марҳамат қилади: “У қандай ҳам яхши (авваб) бандадир” (“Сод” сураси, 30-оят)”.

Абу Али Даққоқ Термизий: “Ихлос – амални одамларнинг мулоҳазасидан (яъни, бу ишимни одамлар мақтайдими ёки ёмонлайдими, деб ўйлашдан) поклашдир”, дейдилар. Демак, ихлос бу дунё ва охирагда нажот топишнинг асоси ҳисобланиб, у амалларга нисбатан бинонинг пойдевори ёки жасаднинг руҳи кабидир. Бандаларнинг амаллари қабул қилиниши учун икки нарса муҳим, бири ихлос, иккинчиси тўғри бажариш. Яъни, амал ислом кўрсатмаларига зид бўлмаслиги лозим ва ўша амал Аллоҳ учун холис бажарилиши керак. Чунки, Аллоҳ таолодан бошқа учун бажариладиган ҳар қандай иш қабул қилинмайди. Шунингдек, Қуръони каримнинг бир қанча оятларида ихлос ҳақида зикр қилинади. Жумладан, ихлос билан дуо қилиш ҳақида шундай дейилади: яъни: “Унга (Аллоҳга) динни холис қилган ҳолларингизда дуо қилингиз. Сизларни (аввал бошда ярата) бошлаганидек, (қиёматда мангу ҳаётга) қайтурсизлар” (“Аъроф” сураси, 29-оят.) Яна бир оятда эса, Аллоҳ таоло Пайғамбарига хитоб қилиш орқали бизга динини ширк, риё ва сумъадан холис қилиб, ибодат қилишимизни буюради: яъни “(Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз сизга бу Китобни ҳақиқатан нозил қилдик, бас, Сиз Аллоҳга – динни Унга (ширдан) холис қилган ҳолда ибодат қилинг!” (“Зумар” сураси, 2-оят).

Шунингдек, “Рисолаи Қушайрия”да ҳам Абу Али Даққоқдан футувват бобида қуйидагича ривоят қилинади: Устоз Абу Али Даққоқ шундай деганини эшитдим, бу хулқнинг (футувватнинг) камоли фақатгина Расулulloҳ алайҳиссаломдагина бўлади. Зеро ҳар бир банда қиёмат куни “нафсим, жоним” деб турган пайтда, у зот алайҳиссалом “умматим, умматим” дея нола қиладилар [5:380].

Ўзбекистон қадимдан илм-фан диёри, шарқ ва ғарб цивилизацияси кесишган чорраҳа ва тараққиёт ўчоғи бўлиб келган. Мавароуннаҳрда дунёга машҳур қомусий олимлар етишиб чиққан, аммо бу заминда номлари ва бой илмий мерослари ўрганилмаган бир қанча олимларнинг илмий изланишлари бугунги кунда ёшларни илм-маърифатли ва салоҳиятли қилишда ўз аҳамиятини улкан эканлигини яна бир бор намоён қилмоқда. Ўрта Осиё араблар томонидан ишғол қилиб, ислом динини ёйганларидан кейин минтақада янги маданият шакллана бошланди, унинг гуллаб-яшнаши IX-XII асрларга тўғри

келди. Унинг барча соҳаларида дастлаб араб ислом маданиятининг кучли таъсири, шунингдек, араб ва маҳаллий анъаналарнинг ўзаро уйғунлашуви эди. Бутун Шарқда бўлгани каби Моварауннаҳрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машхур бўлган мутакаллим, файласуф ва муҳаддис, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар етишиб чиқдилар. Улар ўз илмий ишларида ахлоқ-одоб масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Олимларимиз илгари сурган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камол топишида катта аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё Шарқнинг юксак маънавият ва йирик илмий тафаккур марказига айланди. Ана шу IX-XII аср Шарқ Ренессанси даврининг буюк алломалари жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Хусусан, Мавороуннаҳрда вояга етган адиб, шоир Шаҳобиддин Собир ибн Исмоил Термизий 1078 йили Термиз шаҳридаги Дубода қишлоғида таваллуд топган. Дуоба маҳалласи XI-XII асрларда Термизнинг қок ўртасида, Сурхон дарёсидан шаҳар томон оқаётган катта ариқнинг бўйида жойлашган эди. Ўз шеърларида таъкидлашича, шоирнинг исми «Собир», куняси (фахрий номи) «Шаҳобиддин» (баъзи манбаларда «Жалолиддин»), адабий тахаллуси «Адиб» ва нисбаси «Термизийдир». Отасининг номи «Адиб Исмоил» эди. Маълум бўладики, «адиб» сўзи ўғил номига отасининг исмидан қўшилиб кетгандир. Умуман олганда, «адиб» тахаллуси заковатли илм аҳли ва донишмандларга берилади ҳамда уларнинг фазилати, билими, адабий салоҳияти шу сўз орқали маълум бўлади. Собирнинг отаси Адиб Исмоил чинакам билимдон ва фозил инсон бўлиб, унинг шеърият бобидаги салоҳияти манбаларда келтирилган. Кенг ва чуқур билими туфайли Термизда расадхона бунёд этган ҳоким Абулқосим Али ибн Жаъфарнинг назарига тушиб, мазкур илм даргоҳида фаолият кўрсатади ва истеъдодли олим сифатида шухрат қозонади. Шеърларидан бирида Собирнинг ўзи ҳам астрономия ва математикада ҳеч ким унинг олдига тушолмаслигини эътироф этган эди. Абулқосим Али ўз ҳокимиятини Нишопурга кўчиргандан сўнг Адиб Собир Термизийни ҳам ўз саройига олиб кетади. У дастлаб Хуросон раиси номи билан машхур Абулқосим Али

хузурида хизмат қилади. Сўнг илм изланиб Арабистоннинг қатор шаҳарларини кезади. Сафардан қайтгач, яна Абулқосим Али саройига йўл топади. Кўп ўтмай, Султон Санжар саройига даъват қилинади. Адиб Собир Султон Санжар саройининг етакчи шоири бўлиш билан бирга, салжуқийлар салтанатининг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Салжуқийлар сулоласи тарихи, подшоҳ ва ҳокимларнинг сиёсати ҳақида ҳам ўз шеърларида баён қилади. Давлатшоҳ Самарқандий Адиб Собир Термизий ҳақида шундай дейди: “Собир Султон Санжар ва унинг аркони давлати олдида азиз ва муҳтарам эди”, – деб ёзади. Адиб Собир Термизийнинг айтишича, Абулқосим Али султон ва хусравлар каби макомга эга шахс эди. Ул зот давлат, мансаб ва савлат соҳиби бўлган. Ҳокимлик юзасидан авф-ризо, ҳадя-инъом ва рад-қабул каби имтиёзларга эга эди. Бундан ташқари Жайхун атрофида ҳисор ва қалъаси, улардан ташқари гўзал боғ-бўстонлари, саройю кошоналари бор эди. У киши аҳли иймон ва диннинг ҳурматли кишиси ҳисобланарди. Аъён-ашрофлари билан ўтказиладиган йиғилишлари «олий мажлис» деб номланарди [6:10]. Шу сабабларга кўра Термиздаги илмий, адабий ва сиёсий муҳитда у кишининг таъсири катта бўлган. Адиб Собир Термизий умрини подшоҳлар саройида ижод қилиб ўтказди. 1147 йилда Адиб тухмат ва фитналарга учраб, ўлдирилади. Гарчи адиб душманлар томонидан хоин сифатида ўлдирилган бўлса ҳам унинг шеърлари халқнинг эътиборида эди. Хусусан у ўз байтларида:

*Уйқуда дедилар посбонлар сени,  
Уларни ёлгонга ким қилди мажбур?  
Феъли фил бўлса ҳам агар дилу жон,  
Асҳоби Қаҳф каби ухларми, ахир*

“Адиб Собир Термизийнинг бу даврда юксак маҳорат билан ёзган қасидалари ва ғазаллари XI-XII асрлар шеърятти мазмунига катта таъсир кўрсатди. Адиб Собир шеъряттидаги янги халқчил ғоялар бу шеърларнинг эстетик тараққиёт жабҳасида улкан ўзгаришларга бой эканлигидан далолат бериб турарди. Адиб Собир ўз шеърларида илм, фан, маданиятни тарғиб этган давлат арбоби, олим, шоир, сайид, нақиб, ноиб Мажидиддин Абулқосим Али ибн Жаъфардек маърифатпарвар инсон образини яратишга муваффақ бўлди” [6:14]. Термиз ноиби Мажидиддин Абулқосим Али ибн Жаъфар XII асрнинг биринчи чорагида Термиз ободончилигига катта

хисса қўшган. Жумладан, Термизда янги масжид ва мадрасалар, маъмурий бинолар, гўзал боғ-роғлар бунёд этди. Шаҳар қалъасини таъмирланиб, унда султонлар учун махсус қабулхона ва ташқарида амри маъруф учун катта минбар қурдирди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Суламий. Табақот ус-суфия. 373 б. Бу ҳақида Жомий ва Навоий ҳам маълумот берганлар.
2. Жомий. Нафаҳот ул-унс. 425-426 б, 183-рақам. Навоий. Насойим ул-муҳаббат 105-106 б. 190-рақам.
3. Чўтматов, Жўрабек Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи (Монография). – Т.: “Yangi nashr”, 2017. – Б. 236.
4. Самъоний. ал-Ансоб. XI, – 244-245 б.; Чўтматов, Жўрабек Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи (Монография). – Т.: “Yangi nashr”, 2017. – 236 б.
5. Қушайрий. Рисолаи Қуйшайрия. Мактаба Шоида Ҳадийса (Электрон манба). Футувват боби. Т.2. – Б.380
6. Абдуллаев А. Адиб Собир Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003

## ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР ШАХСИ ВА ЗИЁРАТГОҲИ

**Санабар Джураева,**  
**тарих фанлари доктори**  
**Иброҳим Усмонов,**  
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

Хожа Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Аттор ал-Бухорий (ваф. 1399 й.) – машхур мутасаввиф шайх. Хоразмда таваллуд топган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси ва кудаси (Баҳоуддин Нақшбанднинг Биби Хотуни Калон исмли кизи Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга турмушга чиққан). Алоуддин Аттор мадрасани тугатмасданок, Нақшбанд сулукига кирган, бир умр пири ёнида бўлган. Алишер Навоийнинг қайд этишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлик чоғидаёқ, кўп шогирдларининг таълим-тарбиясини Алоуддин Атторга топширган эди. Нақшбанднинг бошқа бир халифаси – Хожа Муҳаммад Порсо Атторнинг илтимоси билан «Рисолаи кудсия» («Хожа Баҳоуддиннинг кудсий калималари») китобини битган ва унда Аттор тилидан ўз пири ҳақидаги ўнлаб ривоят ва хотираларини келтирган. Уларда Нақшбанднинг таржимаи ҳоли, ҳаёт тарзи, одатларига оид қимматли маълумотлар, ҳикматли сўзлар баён этилган. Улар кейинчалик Нақшбанд ҳаёти ва тариқати ҳақидаги кўпгина рисоалар, жумладан, улар ичида энг эътиборлиси – Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Мақомоти Хожа Нақшбанд» («Баҳоуддин Нақшбанд», Тошкент, 1993) асари учун муҳим манба бўлган. Алоуддин Атторнинг айрим мақолотлари ҳам номаълум муаллиф томонидан «Калимоти Қудсияи Хожа Алоуддин» номли қисқа қўлёзмада жамланган. 1734 йилда кўчирилган ушбу қўлёзма Шарқ қўлёзмалари марказида сақланади. Алоуддин Аттор саҳв тасаввуфини сукрдан афзал кўрган. Баҳоуддин Нақшбанд вафот этганида, унинг барча шогирдлари, жумладан, Хожа Муҳаммад Порсо ҳам Алоуддин Атторга қўл берган. Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Убайдулло Аҳрор нақшбандия тариқати таълимотини Мовароуннаҳрда кенг тарқалашига муваффақ бўлдилар. Бу шахсиятларнинг фаолияти туфайли Шарқий Туркистон ва атроф минтақалар аҳолисининг исломлашув жараёлари якунига етди. Алоуддин Аттор 1399 йили

қаттиқ касалликдан сўнг вафот этган.

Сурхондарё вилояти Денов тумани Номозгоҳ маҳалласида Хожа Алоуддин Аттор (XIV аср) зиёратгоҳи жойлашган. Хожа Алоуддин Аттор нафақат Сурхон воҳаси, балки Мовароуннаҳр маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган мутасаввуф олимдир. У ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг сеvimли шогирди ва куёви, икки буюк халифасидан бири бўлиб, асл исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмийдир [1]. Отаси хоразмлик бўлган, атторлик савдоси билан шуғулланган [2:44-46]. Бироқ Навоийнинг асарида Бухорий тахаллуси билан келтирилади [3:265-266]. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Хожа Алоуддин Аттор, Хоразмда туғилган. Бухоро мадрасасида таълим олган. Талабалик вақтида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини пир тутиб, сулукига киради. Хожа Нақшбанд у кишига улуғ илтифот кўрсатиб, ўзига куёв қилади. Алоуддин Аттор бир умр Нақшбанд ҳазратлари билан бирга бўлиб, кўп кишиларни тарбия қилди, маънавий камолотга етказди. У зот нақшбандия силсиласининг 17-муршиди комилидир [4:393-394]. Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди, нақшбандия тариқатининг давомчиси Яъқуб Чархий билан жуда яқин дўст бўлган. Муҳаммад Дорошукухнинг “Сафинатул авлиё” (XVII аср) асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Мавлоно Яъқуб Чархийни муридликка қабул қилгач, уни Хожа Алоуддин Атторга топширгани, Нақшбанд ҳазратлари вафотидан сўнг олим Алоуддин Аттор суҳбатида камол мартабасига еткани қайд этилган. Али Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида ёзилишича, Хожа Аҳрор Мавлоно Яъқуб Чархийнинг муриди бўлиб, у Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муридидир. Мавлоно Яъқуб тугалликни ҳазрат Хожа Алоуддин Аттордан топган [5:154-155]. Хожа Алоуддин Аттор, айни пайтда, Муҳаммад Порсо билан ҳам жуда яқин дўст бўлган. Бу ҳақда аллома таъкидлайдики, “иккаламизнинг ўртамизда йигирма йилдан буён бузилмас дўстлик бор, мен ундан жуда розиман” деган [6:20]. У кишининг ундови билан Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи Қудсия”, Салоҳ ибн Муборак эса “Анисут толибин” асарини ёзган.

Муҳаммад Порсонинг “Мақомоти шайх Алоуддин Аттор” рисоласида ёзилишича “Алоуддин Аттор Чағониённинг Дехнов деган жойида яшаганлар, лекин Бухородан бу ерга қачон ва қандай ша-



роитда келиб қолганлари маълум эмас” деб қайд этадилар. Хожа Алоуддин Аттор милодий XIV асрнинг 90-йилларида Бухородан Деновга келгач, нақшбандия тариқати тарғиботини давом эттирди. Нақл қилишларича, Алоуддин Аттор 795/1392 йил шаъбон ойининг бошида вафотидан 7 йил аввал Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилиш мақсадида Ҳисор вилоятидан Бухорога бормокчи бўлади. 18 кун деганда Бухорога етиб, Нақшбанд қабрини зиёрат қилади. Шаввол ойининг бошида яна уйига қайтади. Муҳаммад ибн Тохир Хоразмийнинг ривоятига кўра, Алоуддин Аттор 802/1399 йил 2-ражаб ойининг душанба куни дардга чалинади. Касалининг сабаби бош ва бел оғриғи эди. Ўша ойнинг 20-кечаси хуфтон номозидан сўнг вафот этади [7]. Ҳозирги кунда мазкур қабристон “Шайх Аттор Валий” ёки “Остона бува” деб номланади. Бу қабристонга ўғли Ҳасан Аттор ва набираси Хожа Юсуф Аттор ҳам дафн қилинган. Яъқуб Чархий Хожа Алоуддин Атторнинг таклифига кўра Деновга келади ва фаолиятини шу ерда давом эттиради. Вафотидан олдин Хожа Алоуддин Аттор халифаси Яъқуб Чархийга яқиндагиларини суҳбат билан, узоқдагиларни эса китоб воситасида тарбиялаш лозимлигини васият қилган. Хожа Алоуддин Аттор ҳазратлари Ҳасан Аттор, Низомиддин Хомуш, Яъқуб Чархий, Ҳисомиддин Порсо, Мавлоно Абу Саид, Абдуллох Имомий Исфаҳоний, Шайх Умар Мотуридий, Саййид Шариф Журжоний каби етук шайхларни етиштирган [8:69]. Ёйрик олим Хожа Аҳрор Валий Ҳиротдан Яъқуб Чархий ҳузурига, Ҳисор водийсига бориб, нақшбандия тариқати асосларини ўрганади. У ердан Самарқандга қайтаётганда Чағониёнда маълум вақт яшайди [9:84]. Сафар чоғида у Деновда бўлиб, Хожа Алоуддин Атторнинг набираси Хожа Муҳаммад Аттор билан учрашган. Хожа Алоуддин Аттор вафотидан кейин у кишининг авлодлари нақшбандия тариқатини давом эттирганлар. Жумладан, ўғли Хожа Ҳасан Аттор Мовароуннахр ва Хуросон тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган. Фахриддин Али Сафий “Рашахоту айнил ҳаёт” асаридан у кишини “Отасининг валийлик дарахти самараси” деб таърифлайди [10:16]. Темурий хукмдор Шохруҳ Мирзо Хожа Ҳасан Атторни жуда ҳурмат қилган. Манбаларда ёзилишича, бир гал олимни шахсан пешвоз чиқиб кутиб олган ва унга бедов от совға қилган [9:9].

Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида “Саййид Оталиқ”

мадрасаси мавжуд. Ушбу мадраса Алоуддин Атторга атаб қурилгани учун Саййид Оталиқ дея номланган. Мадраса Алоуддин Аттор авлодлари томонидан 26 йил мобайнида қурилиб, унга уста Аҳмад Бухорий бошчилик қилган. Пойдеворининг чуқурлиги 5,5 метр, шимоли-жанубга томон чўзилган тўғри тўртбурчак тарҳли (46×64 м), бурчакларига гулдасталар ишланган. Ҳовли (40×29,5м) атрофида олди чуқур ровоқли, икки қаватли ҳужралар жойлашган. Пастки қаватдаги ҳужралар ҳажми 4,75×2,75 метр ва юқорисидаги ҳужралар ҳажми 2,75×2.25 метр, томи балхи гумбазли бўлган. Пештоғи ва ички хоналарида миёнсарой равоқларида ганчкори безаклар ва ички бўртма қобирғасимон, муқарнас нақшлар сақланган. Хужра деразаларига ганчдан панжаралар ишланган [11:419-420]. Мирзо Кенжабекнинг айтишича, Русиядаги октябрь инқилобидан олдин мадрасада 400 га яқин талаба илм олган ва 33 нафар мударрис сабоқ берган. Шўролар тузуми даврида мадраса ёпиб ташланган. Хожа Алоуддин Аттор сағанаси XV асрга оид, бўлиб, аввал зиёратгоҳда фақат Валийнинг қabri ва ўғли, набирасининг қabri бўлган, кейинчалик бу жой катта қабристонга айланган. Алоуддин Аттор қabri совет йилларида очик осмон остида тўртбурчак шаклида пишиқ ғиштдан қурилган катта сағана бўлган. Олимларнинг тахмин қилишича, сағананинг ичида Валийнинг турмуш ўртоғи ва бошқа кишининг ҳам қabri бўлиши мумкин.

Мустақиллик йилларида азиз авлиёларнинг илмий мероси, зиёратгоҳларига катта эътибор қаратилганлиги муносабати билан 2000 йил Денов тумани ҳокими ва маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қabr ёнига мақбара қурилган. 2019-2020 йилларда маҳаллий хомийлар томонидан эски мақбара бузиб ташланиб, қabr устига пишиқ ғиштдан квадрат шаклда усти гулоҳи гумбаз билан ёпилган ҳашаматли мақбара қурилган. Қabr мақбаранинг ертўла қисмига олиниб, тепасига рамзий қabr қўйилган. Мақбарага ганчкорлик усулида жуда чиройли безаклар берилган [12]. Ҳозирги кунда ҳам Алоуддин Атторнинг авлодлари яшаб келмоқда. Улардан Муҳаммад Содиқ ва Муҳаммад Мунир Ҳиндистонда яшаб, муридлар тарбияси билан шуғулланадилар [2:45]

Дала тадқиқотлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги кунда ҳам Алоуддин Атторнинг авлодлари Денов тумани

Номозгоҳ маҳалласида, Тожикистоннинг Ҳисор водийси ва Афғонистонда ҳамда Тошкент вилоятида ҳам истиқомат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахим Ҳисорий. Тухфатул Ансоб. ЎЗР ФАШИ Асосий кўлёзма №5432.
2. Асророва Л. Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020, 3-сон.
3. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. – Т.: А. Навоий номидаги давлат музейи. 2001.
4. Мирзо Кенжабег. Термиз таскираси. Буюк Термизийлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017.
5. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Муъин ал-фуқаро, Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
6. Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор-Нақшбандия тариқатининг йирик намоёниси. Илмий-амалий анжуман маърузалари, тезислари. – Денов: 2004.
7. Султон Муҳаммад Дорошукух. Сафинат ул-авлиё / Тошбосма нашр.– Лакҳнав: Мунший Навал Кишур матбааси, 1862.
8. Обидов А, Бобононов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Наврўз, 2018.
9. Орзибеков Р. Хожа Аҳрорнинг устози-Яъқуб Чархий (устоз-шогирд мактаблари) // Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида туганган ўрни. Илмий-амалий анжуман маърузалари, тезислари. – Т.: Миллий университет, 2004.
10. Фахриддин Али ас-Сафий. Рашахот айн ал-ҳаёт // Таржима муаллифи Домла Худойберди ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчи Ҳасанов – М., Умрзоқов Б. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ж.7. – Т.: 2004.
12. Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов шаҳри, 2021 йил 16 июнь.
13. Ислом энциклопедия. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
14. Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айн ил-ҳаёт. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004.

## УМАР ТЕРМИЗИЙ

**Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент.**

Буюк уламоларга бешик бўлган бу диёр бутун жаҳонга қанчадан-қанча зиё аҳлини тақдим этган. Шундай улуғ уламолардан қадимий Термиз ҳудудида етишиб чиққан яна бир олимлардан бири Умар Термизийдир. У милодий XV асрда яшаб ўтган. У зотнинг таваллуд топган йили, манзили ҳамда оиласи ҳақида тўлиқ маълумотлар қолмаган. Умар Ризо Қаҳоланинг (1905-1987) маълумот беришича, Умар Термизий 857/1453 йилда ҳаёт бўлган. У зотнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар бизга жуда кам етиб келган. У киши муфассир, воиз, суфий, факих ва бир қанча илмларни ўзлаштирган. Шунингдек, Умар Термизийнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар оз бўлса-да ўзининг ёзган “Тафсир сурат ал-Ихлос” китобидан у зотнинг жуда донишманд, соғлом эътиқоди далолат қилади. Ҳозирда “Тафсир сурат ал-Ихлос” китобининг асли эса Миср кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. Умар Термизий “Тафсир сурат ал-Ихлос” китобини ҳижрий 857 йил, милодий 1453 йилда вафот этган Миср подшоҳларидан бири Зоҳир Муҳаммад Абу Саидга бағишлаб ёзган. Бу ҳақида муаллиф асарнинг муқаддимасида, китоб пошоҳнинг эзгу ишларига хайрихоҳ тарзда ёзилганлигини таъкидлайди. Зоҳир Муҳаммадга китоб орқали ўз насиҳатларини етказди [1:279]. Ушбу тафсирни Султоннинг кутубхонасига тақдим этмоқчилигини ҳам айтади. “Тафсир сурат ал-Ихлос” китоби қўлёзма асар бўлиб, унинг ҳажми икки юз бетга яқин. Муаллиф унда “Ихлос” сурасини тафсир бил маъсур йўналишида яъни оят, ҳадис ва турли ривоятлар ёрдамида тафсир қилган. Подшоҳни китоб орқали холисликга, риёдан узоқ бўлишга ва бир қанча эзгу ишларни қилишда янада бардавом бўлишга ўргатади. Умар Термизий ёзилажак китобни подшоҳга инъом этиш нияти борлигини ва бу ишни қилиш-қилмаслигига ўзи ҳам иккиланиб, “Мен гавҳарни денгизга улоқтирган одамга ўхшаб қолмайманми”, деб ўтади. Ҳар қанча иккиланса ҳам китобни подшоҳга тақдим этишга муваффақ бўлди. “Тафсир сурат ал-Ихлос” китобининг ёзилиш услуби ат-тафсир бил маъсур йўналишида бўлиб, оят, ҳадис ва турли ривоятлар

билан бир каторда шеъриятдан ҳам унумли фойдаланган. Асарнинг мукаддима қисмида шундай дейди: “Биз аввало ихлоснинг ҳақиқати, фазли ва даражаларини баён қиламиз. Сўнгра суранинг тафсири, унинг таъвили, нозил бўлиш сабаблари ҳамда Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” китобига мувофиқ тарзда эъробларни жойлаштирамиз”. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуга: *“Амалингни холис қил. Шунда унинг ози ҳам сенга кифоя қилади”*, дедилар. Муаллиф подшоҳга шундай насихат беради: Билгинки, эй олим, одил, подшоҳ Аллоҳ сени асра-син ва сенга ўзи ёрдам берсин. Ихлосли бўлиш учун нафсни синдириш, таъма қилмаслик, охират учун мухлис бўлиш керак. Баъзи шайхлардан келтирилади: Мен ўттиз йил намозни масжидда, биринчи сафда ўқир эдим. Бир куни баъзи сабаблар билан иккинчи сафга етишдим. Одамлар мени иккинчи сафда кўрган пайтда, мени хижолат ўраб олди. Билдимки, одамлар назари мени аввалги сафда изларди. Бу жуда нозик сир эди. Бу ерда риё ва ихлос ўртасидаги дақиқ фарқнинг баёни акс этган. Риёдан ғафлатдагилар охиратда барча савоблари гуноҳга айланганини кўрадилар ва бунга далил Аллоҳ таоло “Зумар” сурасининг 47-оятда айтади: *“Ва уларга Аллоҳ томонидан ўзлари хаёлларига ҳам келтирмаган нарсалар зоҳир бўлур”*. Ва яна “Жосия” сурасининг 33-ояти бунга далил: *“Ва уларга қилган амалларинг ёмонликлари аён булди ва уларни ўзлари истехзо қилиб юрган нарса ўраб олди”*.

Ва яна “Қаҳф” сурасининг 103-оятда: *Сен: “Сизга амаллари юзасидан энг зиёнкорларнинг хабарини берайми? Улар бу дунё ҳаётидаёқ саъийи-ҳаракатлари ботил бўлган, ўзлари эса, гўзал иш қиляпман, деб ҳисоблайдиганлардир”*, дегин.

Одам алайҳиссаломдан тортиб, то қиёматгача келадиган барча одамлар сўз ва амалда ихлосли бўлишга буюрилгандир. Ким ихлосни маҳкам ушласа – нажот топади. Ким уни зое қилса – ҳалокатга юз тутаяди. Зеро, амалнинг қабул бўлиш ёки бўлмаслиги, унга мукофот ёки жазо берилиши, ўша амалда ихлоснинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги эътибори билан бўлади. Аллоҳ таоло биздан аввал ўтган қавмларни ҳам ихлосга буюрганини эслатиб, шундай дейди:

*“Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис тутган ва тўғри йўлдан олмаган ҳолларида ибодат қилишга ва*

*намозни барпо қилишга ҳамда закотни адо этишга буюрилган едилар” (“Баййина”, 5-оят).*

Шунингдек, Умар Ризо Каҳоланинг маълумот беришича, суфий ва воиз Умар Термизийнинг “Китаб ун-нийя” (Ният китоби) Қохирадаги “ал-Хадаивия” кутубхонасида 2/173, 17945 рақам остида сақланаётгани ҳақида маълумотлар бор [2:279].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Умар Ризо Каҳола. Муъжам ул-муаллифин. VII.
2. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент: “YANGI NASHR”, 2017.

## ХОЖА САМАНДАР МУҲАММАД ИБН БАҚО ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ ЗИЁРАТГОҲИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори  
Иброҳим Усмонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент.**

Ўзбекистон – дунё цивилизацияси ва ислом равнақиға улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан юрт. Мамлакатимизда азалий ва аввалий миллий кадриятларимизга, қадимий маданий обидаларимизни таъмирлашга, буюк алломаларимизнинг номларини қайта тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Термиз шаҳри қадимдан йирик илмий марказлардан бири ҳисобланиб, кўплаб буюк алломаларни вояга етказган. Жаҳон эхтиромига сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири – Термизий Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақодир.

Термизий Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо ислом тарихида фаолият кўрсатган сермахсул алломалардан бири ҳисобланади. У ислом оламида илм-фан ривожланган даврда дунёга келиб, ўзининг кўплаб муҳим асарлари билан ўзидан кейинги давр олимлари ижодига улкан таъсир кўрсатди. Унинг асл исми Термизий Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо (тахаллуси: Самандар, таваллуди тахминан 1638 й., Термиз – вафоти тахминан 1740 й., Қумкўрғон туманидаги Қоптўқай қишлоғи) – тарихчи олим ва шоир, уламо ва давлат арбоби. Самандар Термизий саййидлар оиласида туғилган. Бухорода мадрасасида таҳсил олган. Дастлаб Нарпайда қозилик қилган (1660-1662). Сўнгра Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистонда зоҳидликда ҳаёт кечирган. 1670 йилларда Бухорога қайтиб, Аштархонийлар даврида Абдулазизхон саройида тарихчи (воқеанавис) лавозимида ишлаган. Субҳонқулихон ҳукмронлиги даврида Самандар Термизийнинг илмий фаолияти гуллаб яшнади. Кейинчалик хоннинг буйруғи билан Насафда муҳтасиб диний лавозимида фаолият юритган. Бизнинг замонамизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган бўлиб, булардан бири “Дастур ул-мулук”, у 1695 йили ва иккинчиси “Анис ул-фуқаро” (“Фақирлар дўсти”) номи билан машҳур бўлган асари 1735 йили ёзиб

тамомланган. Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ал-мулук” асари ўрта асрларда шаклланган махсус тарихий наср жанрининг юксак намунаси сифатида вужудга келган. Мусулмон шарқ мамлакатлари, жумладан, бизнинг минтақамиз тарихнавислари томонидан кенг қўлланилган ушбу жанрнинг асосий хусусияти подшоҳ ва ҳокимларнинг юксак мақоми ҳамда уларнинг мамлакат ва халқ ҳаётида тутган алоҳида ўрнига хурмат туйғусини шакллантириш ва тарбиялаш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар этикасини шакллантириш ҳамда бу масалаларда эътибор қаратиш лозим бўлган бошқа муҳим жиҳатларни кўрсатиб беришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам темурийлар даврида яшаб, ижод қилган мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» достонига султонлар хулқ-атвори ҳамда ўзига хос ўрнига бағишланган махсус боб киритган [1:39-41] бўлса, Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний” номли асарида бу масалага алоҳида эътибор қаратган [2:664]. Хожа Самандар Термизийнинг ушбу жанрда ёзилган мазкур асари Шарқ мамлакатларидаги давлатчилик тарихини ўрганишда, жумладан, ўрта асрларда минтақамизда улкан салтанатлар барпо этиб, ўз даврида илғор бўлган ўзига хос давлат бошқарув тизимини ишлаб чиққан аждодларимиз салоҳияти, подшоҳлар ҳукмдорларнинг давлат бошқаруви услублари ҳамда уларнинг халқ билан муносабатидаги муомала мезонлари шакллари ва мазмун моҳиятини тадқиқ қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асар 22 бобни ўз ичига олиб, мазмунига кўра икки қисмга: этика-дидактик ва тарихий қисмга бўлинади. Этика-дидактик қисми деярли олдинги этика-дидактик асарлардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Иккинчи тарихий қисми эса муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилган. “Дастур ул-мулук”нинг муқаддимасида фойдаланилган манбалар рўйхати берилмаган ва улар фақатгина кўчирилаётган вақтда тилга олинган. Асарда ўз даврининг машҳур муаллифларнинг асарларидан кўчирмалар келтирилади. Хусусан асарда учтаси кенг қўлланилган: 1) Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг “Анвар-и Сухайлий”; 2) Хожи Юсуфнинг “Илм ал-ахлоқ”; 3) Саъдийнинг “Бўстон” асарлари. Хожа Самандар юқоридаги икки асардан қўплаб ҳикоя ва фикрларни “Дастур ул-мулук”га қўшиб, Марказий Осиё халқларининг тарихи, этник



тараққий этиши ва ижтимоий ривожланишни муфассал баён қилишга ҳаракат қилади. Хожа Самандар Термизий ўзининг “Дастур ал-мулук” асарида қимматли насихат ва ўғитларни келтириб, бугунги кунда ёшларимиз таълим тарбиясида асарнинг қанчалик қимматбаҳо қийматга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Самандар Термизий нодир ҳикматларида сабр, ҳасад, ўзаро меҳр-муҳаббат, ёши улуғ инсонларга ҳурмат кўрсатиш ҳақида шундай дейди: “Азизим, гоҳида ҳаёт соқийси мурод шарбатини ичирса, гоҳида роҳат гулобига қаҳр захрини солади. Бас, собитқадам мард киши шундай кишики, давлат тўнини кийганида шодлик лабини кулгуга очмайди ва қийинчилик қадаҳини ичганда ҳам андуҳ кўзидан ҳасрат ёшини сочмайди. Чунончи, [бу туғрида] шундай дейдилар:

*Фам тортмагинки, қудрат соқийси замона қадаҳидан  
Гоҳ ширин шарбат берса, гоҳ қаҳр нишини санчади”*

Самандар Термизийнинг ибратли сўзлари соф ислом динимизда ҳам ўз аксини топади. Мусулмон киши ҳаётида сабр улкан аҳамиятга эга бўлиб, зеро диннинг ҳаммаси сабр устига қурилгандир. Аллоҳ таоло мўмин бандаларини ҳар қандай ўринда ҳам Ўзининг яхшиликлари билан сийлаб кўйган. Мўминлар доимо Раббиларининг неъматини ичидадирлар. Аллоҳ уларга яхши кўрган ёки ёқтирмаган нарсаларини бериб туради. Саҳиҳ ҳадислардан бирида Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «Мўминнинг ишига лол қоламан! Унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу фақат мўмингагина хос. Агар унга хурсандлик етса, шукр қилади, бу эса у учун яхшилик бўлади. Агар зарар етса, сабр қилади, бу ҳам у учун яхшилик бўлади» (Муслим ривояти). Бу ҳадис мўминнинг тақдири бутунлай яхшиликлар билан тўлиб-тошганидан дарак беради, агар қийинчиликка сабр қилиб, яхшиликка шукр қилса, албатта Аллоҳ бунинг мукофотини беради. Хусусан, Хожа Самандар Термизий ҳам ўз байтларида сабрнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги энг олий фазилат эканлигини байтлари орқали баён қилиб берган. Шунингдек, Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асарида ҳасаднинг зарари ҳақида шундай дейилади: “Азизим, кимнингки басират кўзи тавфик жавоҳирларининг сурмаси билан мунаввар ва дилининг гулшани лам йазал инояти райҳонларининг ҳиди билан муаттар бўлса, ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги керак.

Чунки, қилинган ишга мукофот ёки жазо ҳақдир”.

*Сенга нисбатан ҳам ёмонлик бўлмаслигини хоҳласанг,  
Иложи борича бировга ёмонлик қилма.*

*Сенинг яхшилик ёки ёмонлигинг ўзингга қайтар экан,  
Ўзингга нима қилаётганингга ўзинг қара.*

Ушбу байтда Хожа Самандар Термизий инсонлар баданидаги моддий ва жисмоний хасталикка эътибор берадилар, аммо қалб ва руҳдаги дардларига бепарво бўлишлари ҳақида баён қилмоқда. Аслида моддий хасталикдан кўра, маънавий касаллик хавфлироқдир. Чунки бадандаги дард одамнинг дунёдаги машаққат умрига зарар етказиши мумкин. Қалб хасталиги эса, икки дунёда ҳам ҳасрат ва надомат келтиради. Қалб касаллиги ичида энг хавfli, зарарли ва ёмонроғи ҳасаддир. Ҳасаднинг энг ёмон офати шуки, ҳасадгўй ўз тақдирига эътироз қилгани учун бу иллатга дучор бўлади. Ҳасадгўй Аллоҳ таоло ўз мулкидан хоҳлаган бандасига кўпроқ, хоҳлаган бандасига камроқ беришлигини адолатсизлик, деб баҳолайди. Натижада ўзи ўша неъматлардан ҳам, қилган амалининг савобларидан ҳам маҳрум бўлади. Хожа Самандар Термизийнинг байтлари ҳам ҳасаддан сақланиш даркорлигини таъкидлайди.

Жаркўрғон туманидаги Хўжа қишлоғида Хожа Самандар Термизий зиёратгоҳи жойлашган. Самандар Термизий XVII асрнинг 30-йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30 йилларигача яшаб, юз йилдан ортиқ умр кўрган. Замондошлари Мирзо Юсуф ва Малехо Самарқандий томонидан олов қалб, ўткир тилли адиб, деб таърифланган. Муҳаммад ибн Бақо Термизий Хожа Самандарни “Ўз замонасининг машҳур арбоби, элчи, жангчи ва тарихчи олим сифатида танилган ҳамда маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алломаларидан бири бўлган” деб қайд этади. У ҳижрий 1107/милодий 1695 йилда ёзган “Дастур ал-мулук” асарининг хотима-сида шундай деган эди: “Илтимошим шулки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса, бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жону дили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қилса, уни ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини “Қуръон”нинг онаси – ёқимли “Фотиҳа” сурасини ўқиб, ёд этинглар”. Шу боис Малехо Самарқандий томонидан Хожа Самандар Термизий “Шариф зот” деб таърифланган [3:3-5].

Мовароуннаҳрда Шайбонийлар сулоласи даврида (1500-1601)

Термизда ҳокимият саййидлар қўлидан кетган бўлишига қарамай, уларнинг мавқеи сақланиб қолган.

Хожа Самандар Термизий яшаб ўтган давр Аштархонийлар сулоласи даврига (XVII-XVIII) тўғри келади. Н.Турсунов алломани Жалойир қишлоғи хўжаларидан бўлганини келтиради [4:45-46]. XVII аср охирида Бухоро хонлигида сиёсий-иқтисодий таназзул туфайли Термиз саййидлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлишган.

1980 йилда Россия фанлар академияси Осиё музейида А.Л.Куннинг коллекцияси таркибида Хожа Самандар Термизий асарининг қўлёзмаси ҳам рўйхатга олинган.

Хожа Самандар Термизий авлодлари ўзларини “хўжалар” деб ҳисоблашади. Алломанинг Хўжа, Абдукаримхўжа, Ўзбекхўжа, Пошшоимхўжа деган ўғиллари бўлган [5]. Самандар Термизий авлодлари ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Хўжа қишлоғида яшаб келмоқда.

Самандар Термизий мақбараси XVII-XVIII асрга оид бўлиб бир хонадан ташкил топган, усти гумбаз билан ёпилган. Аввал мақбара Қумқўрғон тумани Қоптўқай қишлоғидаги дарё бўйида жойлашган бўлса, у ерга дарё суви яқинлашиб келганлиги сабаб, марҳумнинг суяклари йиғиб олиниб, қишлоқдан юқорироқ тепаликка қайта дафн этилган. Самандар Термизийнинг авлодлари бобокалонлари қабри устига мақбара бунёд этишган. Теварак-атрофни зиёратчилар учун қулай ҳолга келтирганлар [6:27-28].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Илмий танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. – Тошкент: “Фан”, 1970. - Б.39-41.
2. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. / Таржимонлар: Махмуд Ҳасаний, Асадали Ҳакимжонов. Нашрга тайёрловчилар: А. Мадраимов, М. Аминов. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010. - 664 б.
3. Хожа Самандар Термизий. Дастур ал-мулук: Подшоҳларга қўлланма/Форс-тожик тиидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Ж.Эсонов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

4. Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // *Moziydan sado*. – 2018, 3(79)-сон.
5. Холиқов Иброҳим. 1961 йила туғилган, Хожа Самандар Термизий мақбараси имоми. – Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани Хўжа қишлоғида яшовчи, 1953 йилда туғилган Абдувойидов Жалолхон билан суҳбат. – 2021 йил, 16 июнь. 3-дафтар.
6. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001.

## СЎФИ ОЛЛОЁР ШАХСИ ВА ЗИЁРАТГОҲИ

**Санабар Джураева,**  
**тарих фанлари доктори**  
**Иброҳим Усмонов,**  
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

Сўфи Оллоёр (1644 ёки 1634), Каттақўрғон беклиги, Минглар кишлоғи – 1724 (ёки 1721, Вахшивор) – туркий тасаввуф адабиётининг йирик вакили ва нақшбандия тариқати арбоби, суфий шоир. Бухородаги Жўйбор шайхлари мадрасасида таълим олган. Ўз даврининг анъанавий ҳисобланган барча илмларини эгаллаган, араб ва форс тилларини ўрганган. Бухоро хони Абдулазизхон томонидан божхонага маъмур этиб тайинланган. Суфиёна феъли, шоирона табиати туфайли бу лавозимдан истеъфога чиқиб, машхур шайх Наврўзга мурид тушган, унинг кўлида ўн икки йил тарбия топиб, шайхлик мартабасига етишган. Мансабдорлик пайтидаги қаттиққўллиги ва ўзгаларга етказган зулмларидан қаттиқ пушаймонлигини байтларида ҳамда ўғлига қилган насиҳатларида акс эттирган. Сўфи Оллоёр туркий ва форсий тилларда ижод қилиб, унда асосан диний савияси пасайиб кетган, ахлоқсизлик ва тубанликка юз тута бошлаган, ақидавий масалаларда оми бўлиб, турли сохта таълимотлар кетидан кўр-кўрона эргашиб кетаётган, рухий-маънавий озуқага муҳтож кенг халқ орасида ислом маърифатини ёйиш ва тасаввуфдаги инсон маънавий камолоти билан боғлиқ ғояларни тарғиб этган. У «Маслак ал-муттақин» («Такводдорлар маслаги»), «Мурод ал-орифин» («Орифлар муроди»), «Махзан ал-мутеин» («Итоаткорлар хазинаси») асарларини форсий, «Сабот ал-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Фавз ан-нажот» («Нажот тантанаси») маснавийларини туркий тилда яратган. Форсий ва туркийда битилган бошқа шеърлари ҳам мавжуд. «Мевалар мунозараси» номли манзума ҳам унга нисбат берилади. «Мурод ал-орифин» асари Сўфи Оллоёрнинг сўнгги асари ҳисобланади [1].

Сўфи Оллоёрнинг шоҳ асари «Маслак ал-муттақин» 12 минг байт, 135та катта-кичик боблардан иборат. Бу китобнинг ёзилиш сабабларидан бири шоир яшаган даврларда ислом динининг одамлар ҳаётидаги ўрни заифлашуви, юзлаб сохта шайх ва

эшонларнинг «кароматлари» туфайли динга нисбатан эътиборнинг сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши эди. Форс тилида ёзилган мазкур асар эл орасида машхур бўлиб, яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир кўлланма ёзишни илтимос қиладилар. Бунга жавобан, у «Маслак ал-муттақин»ни бирмунча қисқартириб, туркий тилда назмий асар битади ва унга «Сабот ал-ожизин» деб ном беради. Бу китоб ақида, шариат ва тасаввуф таълимотлари ҳақида сўз юритувчи туркий фалсафий-дидактик адабиётининг етук намунасидир. Умуман олганда, «Маслак ал-муттақин» ва «Сабот ал-ожизин» икки мустақил асар бўлса-да, уларда ғоявий ва маънавий томондан бир-бирини тўлдирадиган кўплаб байтлар учрайди. Асарда ақида масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўша даврда Афғонистондан кириб келаётган ва аҳоли орасида кенг тарқала бошлаган ботил суфий оқим – равшанийларнинг ёт мафкурасининг ислом таълимотига зид экани асослаб берилади. 1806 йили татар олими Тождиддин Ёлчиғул ўғли ўзининг Азиза исмли қизига атаб «Сабот ал-ожизин» асарига «Рисолаи Азиза» номли шарҳ ёзади. Бу шарҳ орқали Сўфи Оллоёр бутун турк дунёсида танилди. Сўфи Оллоёр биринчи навбатда йирик илоҳиётчи ва факих, Абу Ҳанифа анъаналарини омма орасида тарқатишда фаол иштирок этган дин арбоби эди. Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Хусусан, «Маслак ал-муттақин» ва «Сабот ал-ожизин»асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитиб келинган. Унинг тасаввуфий руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қашқардан тортиб Волга, Урал дарёлари ҳавзалари, Астрахань, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган ва кўп нусхаларда кучирилган. XIX асрнинг охирига келиб эса, Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта чоп этилган. Шу билан бирга «Маслак ал-муттақин» туркийга «Ҳидоят ал-муттақин» номи билан 1876 йили насрий таржима қилинган. Асар Тошкент ва Сайрам худудларида қўлёзма шаклда кенг тарқалган, аммо чоп этилмаган [2].

Сўфи Оллоёр тожик ва ўзбеклар орасида иш олиб боргани учун икки тилда ҳам самарали ижод қилган. «Маслак ал-муттақин» ва

«Сабот ал-ожизин» асарларининг содда тили ва таъсирчан руҳи халқ онгига тез таъсир кўрсатди. Чунки ўз асарларида Сўфи Оллоёр нафақат шоир, балки ҳанафийлик анъанасини ривожлантирган етук фақиҳ ва илоҳиёт олими сифатида намоён бўлди.

Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи (XVII-XVIII асрлар) Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғида жойлашган [3].

Сўфи Оллоёрнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар асарларида тарқоқ ҳолда учрайди [4:370-375]. Жумладан, “Рисолаи Азиза” асарида шоир 1634 йилда Миёнкол мавзесига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топиб, хитой-қипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидан бўлганлиги келтирилади. Шоир Бухоро мадрасаларида таҳсил олган ва Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланиб, диний ва дунёвий илмларни мукамал даражада ўрганганини айтиб ўтади. У ўзбек адабиёти тарихида забардаст шоиргина эмас, йирик олим сифатида ҳам танилган [5:40-41]. Олимнинг “Маслак ул-муттақийн” (Тақводорлар маслағи) форсийда назм йўли билан битилган, “Мурод ул-орифин” (Орифлар-донолар муроди) тасаввуф масаласига бғишланган, “Махсан ул-мутеъин” (Мутелар хазинаси) асари араб тилида фикҳга оид асар, “Сабот ул-ожизин” (Ожизлар саботи) туркийда ёзилган ҳамда “Қиёматнома”, “Муборак ҳаж сафари” каби асар ва панднома руҳидаги шеърлари мерос бўлиб қолган [6:15-30].

Сўфи Оллоёр масжидга ўтирганидан сўнг, эътибори шогирдлар тарбиясига қаратилиб, халқни тўғри йўлга бошлаш машаққати елкасига тушади. Бу орада турли хил зиддият, замона қарама-қаршилигига учраб, дастлаб Кат Илёсда (тахминан) 1700 йилга қадар, Каттақўрғонда 1702 йилгача, Чўнқаймиш-Аназират (Она зиёрат)да 1712 йилнинг охиригача, Қоратиканда бир неча ой истиқомат қилиб, сайри сулукда бардавом бўлади.

Сўфи Оллоёр 1713 йилдан кейинги умрини Ҳисор тарафига, Мавлоно Зоҳид Вахшуворий остонасини макон қилиб, мужоҳида ва риёзат билан ўтказди. Файзу анвор ва файзу осор бўлган бу жойда яшаб, хонақоҳ ва чиройли боғ қурдиради [6:15-16].

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, шоирнинг икки ўғли, бир қизи бўлган [7:23-24].

Мутасаввуф олим ва валий Сўфи Оллоёр 1724 йилда ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Вахшувор

қишлоғида вафот этган [8:16.20-23]. Катта Вахшувор қишлоғида Сўфи Оллоёр ҳаётлиги даврида ўзи қурдирган қадимги масжид (XVIII аср) мавжуд. Қадимшунос олим Л.И. Ремпел масжид устунларидан бирининг ёзувини ўқиш орқали 1713 йили уни қуриб битказилганини аниқлади. Масжиднинг шимоли-шарқий қисми икки айвон, қўшимча хона ва ҳовлидан иборат. Иморат тўғри бурчак шаклида икки ёқлама айвон билан туташган. Бинога киришнинг жануби-шарқий ва шимоли-шарқий йўллари мавжуд. Иморат синчли пахсадан қурилиб, икки қават девор билан ўралган. Масжиднинг ташқи тарафида кулбалар бор, меҳроб қисми жуда тор бўлиб, тўртта устун қўйилган. Айвонда еттита, залда эса олтита бақувват устунлар бор. Айвоннинг диаметри 14,0x16,2 м залнинг диаметри эса 11,1x9,7 м ташкил этади [9:68-69]. Масжид биноси XIX асрда Файзулла Охунд ва XX аср бошида Қўқон эшони томонидан амалга оширилган [10:38-39].

Зиёратгоҳга киришда дарвоза ва унинг атрофида шоирнинг шеърлари битилган ғиштин лавҳлар бор. Тор ва узун йўлак қабристонга қадар чўзилган. Йўлакка бетон ғиштлар намозгоҳга қадар терилган. Сўфи буванинг тепасида тўртта туғ турибди [11:7-8].

Алломанинг авлодлари ҳозиргача ҳаёт бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Катта Вахшувор қишлоғида ҳамда Шўрчи туманидаги Далварзин маҳалласида истиқомат қилишади [12:14-15]. Бундан ташқари, Сўфи Оллоёрнинг ҳозирги авлодларидан бир қисми Самарқанд шаҳрида ва вилоятнинг Чўнқаймиш қишлоғида яшашади, улар ўзларини эшон деб атайдилар ва тасаввуф вакили сифатида олимнинг ишларини давом эттирмоқдалар [8:60-70]. Айтиш мумкинки, вилоятда Сўфи Оллоёр номидаги бир қанча қадамжолар ҳам бўлиб, бу олимнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборининг юксак эканлигидан далолат беради. Масалан: Олтинсой тумани Оқарбулоқ қишлоғидаги “Масжид ота” зиёратгоҳи ҳам шундай тарихий объектдир. Маҳаллий аҳоли орасида ривоятларга кўра, Сўфи Оллоёр халифалари билан Самарқанддан чиқиб шу ерда тўхтаб ўтгани учун аҳоли бу жойни қадамжо ҳисоблаб, унинг яқинида кичик масжид бунёд этган. Шу вақтдан бошлаб бу жой зиёрат масканига айланган [13]. Мазкур зиёратгоҳ бугунда жуда обод ва файзли маскан сифатида аҳоли



ўртасида фойдаланиб келинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сўфи Аллоҳёр / Халқаро анжуман материаллари. Масъул муҳаррир Ж.Холмуҳаммад. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005;
2. Сайфуллоҳ С., Дехкон А. Маслакул муттақин асари ҳақида / Сўфи Оллоҳёрнинг «Маслакул муттақин» асари нашрининг муқаддима қисми. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007.
3. Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани, 2021 йил 17 июнь.
4. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
5. Сувонкулов И. Сўфи Оллоёр / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашири. Тузувчи: У. Уватов. – Т.: Ozbekiston, 2018.
6. Мирзо Меъроҷиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Исломи шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017.
7. Меликул Ҳанжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993.
8. Мирзаев Р. Шажара-аждодлар садоси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
9. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма, 1982.
10. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
11. Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Т.: Академнашр, 2015.
12. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она кишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003.
13. Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани, 2019 йил 18 август.

## IV БОБ: ЎРТА АСРЛАРДА ЧАҒОНИЁН АДАБИЙ МУҲИТИ ВА САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИ

---

---

### ФАРРУХИЙ ИЖОДИ ВА ЧАҒОНИЁН АДАБИЙ МУҲИТИ

**Бобоназар Муртазоев,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Абулҳасан Али Чулуғ Фаррухий Сейистоний (980-1037) замонасининг ширин калом шоири, шеърятда ўз услуби, ўз усули, ўз йўлига эга сўз санъаткори бўлган. Адибнинг исми Али, куняси Абулҳасан, тахаллусининг исми Чулуғ, туғилган маскани Сейистон, ёшлиги Сейистон даштларида ўтган, шоирликдаги камолотини она диёрида топган. Фаррухийнинг ҳаёт йўли ва ижод усули ҳақида манба ҳамда адабиётларда кўп гапирилади, шоир хусусидаги илк хабар Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола” (1156-1157)сида берилади (асли асарнинг номи “Мажмаъун наводир” – Нодир тўпламлар) [11:35-40]. Иккинчи хабар Авфийнинг “Лубоб ул-албоб” тазкирасида келтирилади [2:534-537], учинчи ахборот Давлатшоҳ Самарқандий (1437–1495)нинг “Тазкират уш-шуаро” (1487)сида зикр этилади [13:24-25]. Давлатшоҳ шоирни термизлик эканлигини ва унинг “Таржимон ул-балоға” номли асари борлигини айтади, шоирнинг термизлик дейилишига боис, у маълум вақт Чағониён амирлари саройида бўлган эди, ана шу Чағониён билан боғлиқ воқеалар Давлатшоҳни чалғитган. “Таржимон ул-балоға” асари масаласига келсак, асарнинг муаллифи Умар ар-Родуёний эканлиги тасдиқланган, аммо бу ҳам Фаррухийнинг шу номли асари борлигини инкор этадиган далил эмас. Ўтмишда ички мазмуни турлича, номи бир хил асарлар сон мингта эди, Фаррухийнинг шу номли асари бор-йўқлиги ҳозирча аниқланган эмас.

“Чаҳор мақола”да ҳикоя қилинишича, Фаррухий уйлангач, рўзғор ташвишлари кўпаяди, сарф-ҳаражатга эҳтиёж ошади. Фаррухий ана шу кезлар, яъни аҳволи танглашган пайтлар Чағониён амири Абулмузаффарнинг шеърдўст ва шоирдўст экани, шоирларга ғамхўру ҳамдастлигини ҳамда ҳамкорлигини эшитиб, Чағониёнга ошиқади. Сейистон ва Чағониён орасидаги масофа жуда узоқ эди, Фаррухий йўл азобига бардош бериб, йиртиқ чорикда, кир-чир

кийимда Чағониён тупроғига кириб келади. Шоир йўл-йўлакай Абулмузаффар Чағонийга атаб қасида тўқийди, қасиданинг сарлавҳаси: “Дар мадҳи Фахр уд-давла Абулмузаффар Аҳмад бин Муҳаммад волии Чағониён ва тавсифи шеър гўяд” [4-С.329–331; 169-қасида, 53 байтли], унинг матлаъи (бошланғич икки мисраси) куйидагича:

Бо корвони ҳулла бирафтам зи Систон,  
Бо ҳуллаи танида зи дил, бофта зи жон [4-С.329].  
[Юқоридаги байт “Сабақи Рудақӣ”да мавжуд. 12-С.106].

Мазмуни:

Либос карвони билан жўнадим Сейистондан  
Либоси ипи дилим, матоси эса жондан [11:36].

Фаррухий қасидани амир Абулмузаффарнинг кадхудоси (ишбошчиси) Амид Асадга тақдим этади. Амид Асад шеърятни дилдан севар эди, қасиданинг латифлиги, устодона битилгани унга ғоят хуш ёқади. Шеърнинг мазмуни бағоят юксак, аммо шоирнинг либоси йиртиқ, ковуши эски, оёғи кир, бошида катта беўхшов сейистоний салла, булар Амид Асадни шубҳага солади. Амид Асад олдида турган шахснинг шоирлигига ишонмайди, лекин унга шу кеча-кундузда амирнинг доғгоҳ (отларга тамға босиладиган жой) да экани, у ернинг сўлимлиги, атрофнинг кўкаламзорлиги, хуллас, табиатнинг гўзал инъоми бўлмиш ажойиб бир нақл ҳақида тасаввур беради. Амид Асад шоирга шуларни нақл қилиб эртага доғгоҳга бирга кетишини айтади, Фаррухий кечаси билан ухламай, доғгоҳ ҳақида бир қасида ёзиб чиқади. Фаррухий эртаси қасидани Амид Асаднинг кўлига тутқзади, қасида Амид Асадга шу даражада таъқир қиладики, у ҳамма ишини йиғиштириб шоирни олиб доғгоҳга йўл олади. “Доғгоҳ” номи билан аталувчи машҳур қасида ана шу тариқа дунёга келган эди. Амид Асад шоир Фаррухийни олиб доғгоҳга етиб келгач, амир Абулмузаффар ҳузурига кириб, шундай бир сўз санъаткори олиб келгани, Дақикий вафотидан сўнг оламда бу хил шоирни ҳали ҳеч ким кўрмаганини айтади.

Хуллас, тунги базм бошланади, гулханлар ёқилган, сарой аъёнлари, аркони давлат, созанда, хонанда, бозандалар ҳозир у нозир. Созандалар куй чалади, хонандалар хониш этади, хиргойи қилади, бозандалар чиройли рақсга тушиб хиром айламоқда, чор атрофга шўх кулги жаранги, таъсирли ашула оханги таралади. Навбат

Фаррухийга етади, у ўзининг “Бо корвони хулла...” (“Либос карвони билан...”) сўзлари билан ибтидо топувчи қасидасини ўқийди:

Ман бандаро ба шеър бале дастгаҳ набуд,  
З-ин пеш, в-арна мадҳи ту мегуфтаме ба жон.  
В-акнун ки дастгоҳ қавй гашту даст низ,  
Бе мадҳи ту маро напазируфт Систон [4-С.331].

[Юқоридаги байтлар “Сабақи Рўдакӣ”да мавжуд. 12-С.106].

Мазмуни:

Мен бандага шеър ёзишга йўқ эди имкон,  
Унда мадҳинг олдиндан қилардим жон дебон.

Энди шароит ҳам яхши, кўл ҳам узун,  
Сени куйламасам қабул этмас Сейистон.

(таржима эркин бўлиб, ўзимизники)

Шоирга олқишлар ёғилади, базми жамшид давом этади, май таъсиридан қалблар аланга олиб, аҳли мажлис сархушга кирган бир он, бир сонияда Фаррухий чанг жўрлигида “Доғгоҳ” қасидасини кироат қилади, қасиданинг сарлавҳаси: “Дар сифати Доғгоҳи Амир Абулмузаффар Фаҳр уд-давла Аҳмад бин Муҳаммад волии Чағониён” [4-С.175–180; 86-қасида, 58 байтли]. Қасида хазин, майин оҳанг билан бошланади:

Чун паранди нилгун бар рўй пўшад марғзор,  
Парниёни хафтранг андар сар орад кўхсор.  
Хокро чун нофи оҳу мушк зояд беқиёс,  
Бедро чун парри тўтий барг рўяд бешумор.  
Дўш вақти нимшаб бўи баҳор овард бод,  
Ҳаббазо боди шамолу хуррамо бўи баҳор.  
Бод гўй мушки суда дорад андар остин,  
Боғ гўй лўъбатони сода дорад дар канор [4-С.175].

Мазмуни:

Кўк ҳарирдан юзига ёпган рўмолин сабзавор,  
Етти хил ранг ипакларини бошга солди куҳсор.  
Ер оҳунинг киндигидек мушкин сочди беқиёс,  
Тол тўтининг парридек баргини ёзди беғубор.  
Кеча тонг чоғи баҳорнинг ҳидини ёйди сабр,  
О, нечук дилкаш сабо, қандай хумор хидли баҳор.  
Боғда гўёки гўзаллар жилвасидек бир ҳусн,  
Елнинг гўё этагида майдаланган мушки бор [11-Б.37].

Қасидани эшитган амир Абулмузаффар беҳад таъсирланади, шеърнинг кучи, шеърнинг қуввати амирни саховатга чорлайди ва у шоирга доғғоҳдаги тойчоқлардан истаганича ушлаб олишга изн беради. Фаррухий кайфнинг зўри билан тойчоқларни кечаси билан қувиб, хориб-чарчаб улардан қирқ иккитасини бир бузуқ работга хайдаб киритади. Амир Абулмузаффар шоир Фаррухийнинг қасидаларини юксак кадрлайди, юқори баҳолайди ва унга битта ясатилган от, иккита чодир, учта хачир, бешта қул, либос ва гилам инъом этади. Фаррухийнинг Абулмузаффар Чағоний хизматида бўлган пайтлари ишлари юришиб кетади, аҳволи етарли даражада яхшиланади ва кайфияти кўтарилади.

Фаррухий Чағониёнда бўлган чоғлари амир Абулмузаффарга бағишлаб учта ва Амид Асадга атаб битта қасида битган эди. Амирга атаб битилган учинчи қасидани шартли равишда “Меҳргон кутлови” деб номлаш мумкин, зеро қасидада амир Абулмузаффар Меҳргон байрами билан муборакбод этилади. Меҳргон байрами кузги тенг кунликка тўғри келади, бу мезон ойининг биринчи (21 сентябрь) куни бўлади. Фаррухийнинг “Доғғоҳ” қасидасида баҳор айёми тасвири берилади, “Меҳргон”да бўлса, куз фасли табиатига хос манзаралар аксини топган. Шоирнинг Чағониёнга ташрифи баҳор фаслида амалга ошган, буни “Доғғоҳ” қасидасининг байтларидан осонгина билиб олиш мумкин:

Арғувон лаъли бадахши дорад андар марсала,  
Настарин лўълўи лолои дорад андар гўшвор  
Шу байт “Сабақи Рудақӣ”да куйидагича:  
Арғувон лаъли бадахши дорад андар мурсала,  
Настаран лўълўи макнун дорад андар гўшвор [12-С.83].

Мазмуни:

Наъматак бағрида гўё марваридлар асрамиш,  
Арғувоннинг сирғасида ҳам Бадахшон лаъли бор [11-Б.37].

Фаррухий Чағониёнга баҳорда келиб, кеч куз фаслигача турган, бу қарийб бир йилни ташкил этади, у Чағониён шоирларининг сарасига айланган эди, буни Фаррухийнинг амир Абулмузаффар томонидан беқиёс даражада тақдирланганидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Фаррухийнинг Чағониёнда бўлган йилларини аниқлаш учун, аввало Абулмузаффар ҳукмронлиги йилларини тайин этиш лозим. Академик Э.В.Ртвеладзенинг ёзишича, 1002-1003 (393

хижрий) йиллар Чағониёнда зарб этилган дирхамда Музаффар Қия исми мавжуд, ана шу амир Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола”да эслатган амир Абулмузаффар билан бир киши экан. Агар тарихий воқеаларга назар ташласак, Тохир Чағоний вафоти (992 йил)дан сўнг тахтга Абулмузаффар чиққан, бунини Мунжикнинг Абулмузаффар хусусидаги қасидасида Тохирнинг марҳум дея тилга олиниши тўлиқ тасдиқлайди:

Ба ёди Тоҳири Парвизбахти Хусравбахт,

Дарахти давлати сар барзада ба чархи баланд [15-С.45].

Мазмуни:

Давлат дарахтининг шохлари осмон қадар баланд,

Бу Парвиз тахтли, Хусрав бахтли Тохир ёди учун.

Қисқаси, Э.В.Ртвеладзе амир Абулмузаффарнинг Чағониёни 1002–1008 йиллар идора қилган деган хулосага келади. Аммо бу муҳлат 1002 йилдан олдинга ҳам, 1008 йилдан кейинга ҳам узайиши мумкин, сабаби танга зарб қилиш ҳукмронликнинг кейинги йиллари рўй берганлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Тохир Чағоний вафоти 992 йилда содир бўлган, бу эса Абулмузаффарнинг Чағониёни идора этиш муддатини 992 йилдан бошланган деб тахмин қилишга кафолат беради. Қолаверса, Шибли Нуъмоний (17:57) Хусайн Озод (“Ва чун шунида буд волийи Балх мураббийи ахли камол аст баҳузурати у шитофт”) [6-С.244] ва Х.Мирзозода (“...аз Систон ба Чағониён ба дарбори амири Балх Абулмузаффари Тоҳирий Чағоний омада, хизмати дарборро бажо овардааст”) [7:47] Абулмузаффарни Балх ҳокими деб хато ҳукм чиқаришади ва ҳатто яна бир шу фикр тарафдори Ҳ.Этё [Тарихи адабиёти форс. Техрон, 1337] биз сўз юритаётган Чағониён амирини Абулмузаффар Тохир Чағоний дейди, ушбу хато Х.Мирзозода тарафидан ҳам такрорлангандир. Кўринадики, кўпинча, Абулмузаффар ўз салафи Абуляҳё Тохир Чағоний билан чалкаштириб келинган экан.

Бу хил хато талқинларга ўз вақтида профессор А.Абдуллаев (1) муносабат изҳор этиб, маълум тўғри фикрларни илгари сурган эди. Аммо А.Абдуллаев тадқиқотларида Абулмузаффар билан Тохир ҳақида лом-мим дейилмаган ҳолда Фаррухий мамдуҳи Абулузаффар Аҳмад бинни Муҳаммад дейилади, амирнинг исми Аҳмад эканини Мунжик қасидаси ҳам тасдиқлайди:

Ба сони умру атои худойгоно жаҳон,  
Абул Музаффар шоҳи Чағониён, Аҳмад [15-С.42].

Мазмуни:

Абул Музаффар – Чағониён шоҳи, Аҳмад,  
Ҳаёт ижодкори улуғ Худо тухфаси.

“Чаҳор мақола” ношири йирик олим Муҳаммад Қазвинийнинг фикрича, амирнинг исми Фаҳр уд-Давла Абулмузаффар Аҳмад бинни Муҳаммаддир ва унга Дақиқий билан Фаррухийлар мадҳгўй эканлар. Ваҳоланки, Фаҳр уд-Давланинг ҳукмронлиги у зарб этган тангаларга асосланиб 1016-1017 йиллардан изланади, ҳар ҳолда Абулмузаффарни Чағониён тахтида Фаҳр уд-Давла алмаштиргани ҳақиқатга яқин туради. Етук адабиётшунос олим Зарринкуб [5:38-39] шоир Фаррухийнинг Чағониёнда бўлиши санасини 1005-1006 йиллар деб кўрсатади ва амир Абулмузаффар ибн Муҳтож шоирлардан Дақиқий ҳамда Фаррухийнинг ҳомийси эди дейди. Фаррухийнинг Чағониёнга сафари 1005-1006 йиллар дейилишига боис, Маҳмуд Ғазнавӣ (971-1030) ўз ҳукмронлигининг бешинчи йили (1003) Сейистонни босиб олади ва шундан кейингина Фаррухий боғлиқ Чағониён воқеалари рӯй берган бўлишини фараз қилса бўлади. Лекин Абулмузаффар ҳукмронлиги (992-1010) кезлари Дақиқий оламдан ўтган эди, бундан ташқари, Дақиқий Чағониёнда Абу Али (939-955) ҳамда Абу Мансур (952-976) лар даврида бўлганини яхши биламиз. У ҳолда нега Муҳаммад Қазвинӣ (1877-1949)дан кейинги барча олимлар ҳеч иккиланмай қарийб юз йилдан буён Абулмузаффарни Дақиқий ҳомийси тарзида эътироф этишади. Бунга сабаб бўлган нарса Фаррухий ўша машҳур “Доғгоҳ” қасидасида Дақиқийни эслатиб ёзган эди:

То тарозандаи мадеҳи ту Дақиқӣ даргузашт,  
3-офарини ту дилоганда чунон, к-аз дона нор.

То ба вақти ин замона мар варо мударат намонд,  
3-ин сабаб чун бинигари имрӯз то рӯз шумор.

Ҳар наботе, к-аз сари гӯри Дақиқӣ бардамад,

Ғар бипурси, 3-офарини ту сухан гӯяд ҳазор [4-С.179].

[Юқоридаги байтлар “Сабақи Рудақӣ”да қайдани топмаган].

Мазмуни:

Сени гўзал куйлаган Дақиқий оламда йўқ,

Мадҳингда унинг сўзлари анор каби гулзор.

Шу вақтгача менга муддат етмаган эди-ку,  
Бугундан бошлабон навбат меники, мен сардор.  
Дақиқий қабри узра кўкарган ҳар бир кўкат,  
Истасанг сени таърифлар каломи ила минг бор.

Ана шу байтлар Дақиқийни ҳам Фаррухий сингари Абулмузаффарнинг маддоҳига айлантириб юборган эди, бу эса байтнинг музминини нотўғри талқин этишдан содир бўлган. Аслида Фаррухийнинг Дақиқийга ишора қилишдан муроди Дақиқийни умумчағониён амирларининг мақтовчиси сифатида мажозан олқишладан иборат, холос. Янада тўғрироғи, Фаррухий буюк Дақиқийни Абулмузаффарнинг эмас, балки бугун Чағониённинг куйловчиси демоқчи. Фаррухий қасидасидаги Дақиқий мадҳида айтилган байтлар фахрия услубига тегишли бўлиб, ўзига хос лирик чекинишдан ўзга нарса эмас, байтлар музмунида рамзий талқин ётади. Шундай қилиб, Фаррухий Чағониёндан сўнгра Ғазнага боради ва Ғазнавийлар хонадонининг буюк шоирига айланади ҳамда ўша ерда 1037 йили оламдан ўтади. Айтишларича, шоир ўз юртига қайтганми, йўқми бу хусусда маълумотлар йўқ ҳисоб, қолаверса, шоирнинг қабри ҳам қаердалиги номаълум.

Фаррухий ҳақидаги ахборотимизни бир қизиқарли ва муҳим янгилик билан тугатишни лозим топдик. Асадий Тусий (1005-1075) нинг “Луғати фурс” асарида Музаффарий исмли шоир [8:29]дан бир рубоий келтирилади:

Ба кушой ба шодиву фаррухи,  
Эй жони жаҳон остини хи.  
Ки имрўз ба шоди фаро расид,  
“Тож ул-шуаро” хожа Фаррухи.

Мазумуни:

Шодлигу бахт ила очилган,  
Эй жони жаҳон пойдевори,  
Чун бугун шодлик етиб келди,  
Хожа Фаррухий шоирлар тождори.

Шеърдаги “Тож ул-шуаро” бирикмасига эътибор беринг, энг муҳими ҳам шунда, биз шу пайтгача шоир Фаррухийнинг ана шу улуғворлик касб этувчи унвонини билмас эканмиз. Фаррухий шеърят майдонида ҳамиша ғолиблик байроғини баланд кўтарган ҳолда, у яна шоирларнинг тождори унвонига ҳам сазовор бўлган экан.



Биз юқорида Фаррухий Чағониён амири Абулмузаффарга бағишлаган қасидалардан иккитаси ҳақида сўз юритиб, ундан маълум миқдорда парчалар ҳам келтириб ўтдик. Биламизки, Фаррухий Чағониёнга бағишланган тўрт дона қасидаси мавжуд, қолган икки қасиданинг бири амир Абулмузаффарга ва биттаси айни шу амининг кадхудоси мадҳига аталган. Қасидаларнинг сарлавҳаларини ва уларнинг бошланма байтларини келтириб ўтишни лозим топдик: “Дар мадҳи Хожа Амид Асъад кадхудои амир Абулмузаффар волии Чағониён [4-С.188-189; 92-қасида, 27 байтли]:

Баргирифт аз рӯи даръё абри фарвардин сафар,  
3-осмон бар бўстон борид марвариди тар [4-С.188].

[Юқоридаги байт “Сабақи Рудакӣ”да қайдани топган. 12-С.95].  
Мазмуни:

Дарёдан фарвардин булути бошлади саёҳат,  
Осмондан бўстонга тўшар марвариддан ҳаёт.

“Дар мадҳи амир Фахр уд-давла Абулмузаффар Аҳмад бин Муҳаммад волии Чағониён [4-С.219-221; 110-қасида, 41 байтли]:

То хазон тохтан овард сӯи боди шамол,  
Ҳамчу сармозада бо зилзила гашт оби зилол [4-С.219].

[Юқорида байт “Сабақи Рудакӣ”да қайдани топмаган].  
Мазмуни:

Кузнинг ҳужуми ибтидоси бузғунчи шамол,  
Совуқ зилзила олиб келди тип-тиниқ зилол.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллоев А. Адабиёти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI.(Доираи адабии Ғазнин).– Душанбе: “Дониш”, 1979. – 286 с. (Фаррухи.–С.90–92; 141–178).

2. Авфий, Муҳаммад. Тазкираи Лубоб ул-албоб. 1–2 жилди. Биринчи нашри. Профессор Браун нашри асосида, муқаддима ва шарҳлар аллома Муҳаммад Қазвиний, изоҳлар устод Саид Нафисий ҳамда инглиз тилидаги дебочаларнинг форсий таржимаси Муҳаммад Аббос қаламига мансуб. –Техрон: “Мумтоз”, 1361. – 1036 сах. (Фаррухи. – С. 534–537).

3. Аҳмедов Б.А. Давлатшоҳ Самарқандий. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1967. – 86 б.

4. Дар партави хуршед (Мунтахаби ашъори шоирони нимаи аввали асри XI). Таҳияи Мирзо Муллоаҳмад ва М.Шарофова. Муҳаррир Гулназар.– Душанбе: “Адиб”, 2011. –480 сах. (Фаррухий.–С. 14–204).

5. Девони Ҳаким Фаррухий Систоний (Сейистоний). Чопи ҳаштум. Ба кӯшиши дуктур Муҳаммад Дабирсиёқий. – Техрон: Интишороти Заввор, 1388. – 523 сах.

6. Зарринқӯб Абдулхусайн. Бо корвони ҳулла: мажмуаи нақди адабий. Чопи 9. –Техрон: Интишороти Илми, 1374. –475 сах. (Фаррухий – Шоири аз Систон – С.47–54).

7. Мавлоно Муҳаммад Ҳусайн Озод. Сухандони форс. Таржимон Абдуллаҳон Маликушшуаро. – Кобул: Матбаъи умуми, 1315. –263 сах. (Фаррухий – С. 244–246).

8. Мирзозода Холиқ. Таърихи адабиёти тоҷик (Аз давраи қадим то асри XIII). Китоби I (II). –Душанбе: “Маориф”, 1989. – 424 с. (Фаррухий –С.47–49).

9. Муҳаммад бин Умар ар-Родуёнӣ. Таржимон ул-балоға. Бо тасҳиҳи ва эҳтимоми профессор Аҳмад Оташ ва интиқоди устод Маликушшуаро Баҳор. Чопи дуввум.–Техрон:Ширкати интишороти Асотир,1362.–263 с.

10. Муҳаммад Муҳсин Тайиббӣ. Тарихи адабиёти дари Афғонистон. Давраи Сомониён ва Ғазнавиён. Жилди аввал.– Кобул, 126 с. (Фаррухий –С.98–113).

11. Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы.

Перевод с персидского С.И.Баевского и З.Н.Ворожейкинов. – Москва: Издательство восточной литературы, 1963. – 174 с. (Фаррухий –С.67–71)

12. Низомий Арузий Самарқандӣ. Нодир ҳикоятлар: (Маҷмаъ ун-наводир). Ҳ.Ҳамидов таҳр.остида; Форсӣдан М.Ҳасаний (Ҳасанов) тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 96 б. (Фаррухий – Б.35–40).

13. Ртвеладзе Э.В. К биографии Фаррухи // Художественная культура Средней Азии IX–XIII веков. –Ташкент: Изд-во лит. и иск., 1983. –208 с. (Фаррухи–С.177–181).

14. Сабақи Рӯдакӣ. (Муқаддима, таҳияи матн ва луғату тавзеҳот ба қалами Аҳмад Абдуллоев). –Душанбе: Ирфон, 1984. –

304 сах. (Китобнинг 72–133-саҳифаларида Фаррухий ижодидан намуналар келтирилган).

15. Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов тарж.; Шеърларни С.Раҳмон таржима қилган. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –224 б. (Фаррухий – Б. 24–25).

16. Сафо Зебихулло. Тарихи адабиёт дар Эрон. Чопи панжум. Жилди аввал. Аз оғози аҳди Исломи то даври Салжуқи. –Техрон: Амири Кабир, 1355. – 712 сах. (Фаррухий – С.531–535).

17. Термизий, Мунжик. Девон. / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Рамазон Абдуллаев. / Масъул муҳаррир: Жаъфар Муҳаммад.– 120 б.

18. Устод Халилий. Салтанати Ғазнавиён. – Кобул: Матбаъи умуми, 1333. –370 сах. (Амир Фаррухий – С.313–318).

19. Шибли Нуъмоний. Шеър ул-Ажам ё тарихи шуаро ва адабиёти Эрон. Жилди аввал. Чопи саввум. Таржимон Саидмуҳаммад Такий Фаҳрдои Гилоний. –Техрон: Дунёи китоб, 1368. – 300 сах. (Фаррухий –С.56–70).

20 Қодиров Б., Муртазоев Б. Чағониён адабиёти. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. –80 б. (Фаррухий – Б.64–71).

## ТОҲИР ЧАҒОНИЙ

**Бобоназар Муртазоев,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Тоҳир Чағоний биламизки, Чағониён амири ва ўз даврининг кўзга кўринган йирик давлат арбоби, ҳарбий соҳада етук лашкар-боши, айнаи замонда истеъдодли шоир ва маънавият дарғаларидан бири ҳамдир. Унинг ҳаёт йўлини, таржимаи ҳолини ўрганиш, ижодий меросини, бадий бисотини тадқиқ этиш, аввало, Чағониён амирлари тарихини билишда, шунингдек, кўплаб бошқа жумбоқларни ҳал этишда қўл келиши билан ғоят муҳим қирраларни намоён этади. Тоҳир Чағонийнинг таввалуд йили аниқ эмас, вафоти йили бир қадар аниқланган, аммо ушбу борада айрим баҳсу мунозаралар мавжуд. Чунончи Муҳаммад Қазвиний (Чаҳор мақола. Техрон, 1910) аниқ санани айтмай, манбага ишора қилмай, Тоҳир ўз амакиваччаси Абу Мансур Наср (952–976) ўрнига амир бўлганини таъкидлайди ва унинг вафоти санасини 987–988 йиллар дейди. Э.Э.Бертельс [6:302] ҳам айнан шу фикрда, фақат унинг айтишича, Тоҳирдан сўнг Чағониён тахтига Фаҳрадавла Музаффар Аҳмад ибн Муҳаммад чиққан экан, ғалати томони шундаки, тагин манбага ишора йўқ. Афғон олими Муҳаммад Муҳсин Тайбий бўлса Тоҳирдан бир дона рубоий ва бир дона ғазал келтирган ҳолда “Тоҳир ибн Фазл Чағоний” сарлавҳаси остида ёзади: “Аз амирои Чағониён аст, бо Абулмузаффар Аҳмад ибн Муҳаммад жанг карду ба дасти ў аз миён рафта” [13:36]. Кўринадики, Тоҳирни Муҳаммад Муҳсин 991 (ҳижрий 381) йилда ҳалок бўлган ва бу ҳалокат амакиваччаси Абулмузаффар Аҳмад ибн Муҳаммад билан Чағониён тахти учун жангда содир этилган деган ақидани илгари суради. Муҳаммад Муҳсин бу фикрларни Зебихулло Сафо (1911–1978) китобидан олган кўринади, дарҳақиқат “Торихи адабиёт дар Эрон”да ўқиймиз: “Амир Абуяҳё ё Абулҳасан ё Абулмузаффар Тоҳир ибн Фазл ибн Муҳаммад ибн Муҳтож Чағоний яки аз амрои оли Муҳтож Чағониён аст. Вай муосир ва писари аммии Амир Абулмузаффар Фаҳрадавла Аҳмад ибн Муҳаммад Чағоний мамдуҳи Мунжику Дакикий ва чанди бо ў дар ҳоли жанг буда аст то ба соли 381 (милодий 991) аз писари аммии худ шикаст ёфту

фарори ва мақтул шуд. Ин амир монанди писари аммии худ марди шоирдӯст буд ва Мунжикро касоиди дар мадҳи ўст” [18:428]. Тоҷик олими Холиқ Мирзозода шоир Фаррухий (980–1037) ҳақида куйидаги фикрларни баён этади: “Бинобар ин, аз сахтӣ ва бори вазнини рӯзгор аз дасти хожаи худ гурехта аз Систон ба Чағониён ба дарбори амири Балх Абулмузаффари Тоҳирии Чағоний омада, хизмати дарборро бажо оварда аст” [8:47]. “Рӯзгорнинг оғирлиги ва қаттиқлиги ҳамда ўз хожасидан қочиби, яъни Сейистондан Чағониёнга, Балх амири Абулмузаффар Тоҳир Чағоний хузурига келиб, хизмат қила бошлади”. Эътибор берилса, Х.Мирзозода негадир Тоҳир Чағонийни Балх амири деб таъкидламоқда, афтидан Х.Мирзозодани бир ҳолат чалғитган кўринади. Биламизки, Сомонийлар салтанати даврида Термиз ва Балх вилоятлари ҳам Чағониён вилояти тасарруфида бўлган, тарихдан маълумки, ушбу уч амирлик марказлари гоҳ Термизга, гоҳ Балхга, гоҳ эса Чағоншаҳрга кўчиб турган. Чунончи Сомонийлар (875–1005) ҳукмронлигида Чағоншаҳр, Ғазнавийлар (1005–1187) даврида Балх вилояти маркази Балх шаҳри, Салжуқийлар (1040–1190) замонида Термиз шаҳри устувор мақомга эга бўлганлар. Тоҳир Чағоний вафоти боғлиқ тарихий воқеаларга мурожаат қилсак, жумладан, муаррих Абу Наср Муҳаммад ал-Утбий (961–1030)нинг “Шарҳи Яминий”да ёзишича, амир Яҳё Тоҳир 991–992 йиллар Гузгон (Жузжон, Жавзижон, Жавзижонон) амири Фоиққа қарши жангда Балх қамали пайти ҳалок бўлган.

Тоҳир Чағоний академик Е.В. Ртвеладзенинг таъкидича [17:178], Гузгон амири Абулхорис Муҳаммад ибн Аҳмад (ҳукмронлиги 987–989) ўрнига амир бўлган экан. Чағониён амири Абулқосим ал-Ҳасан бинни Аҳмад номи билан 987–988 йиллар зарб этилган мис тангалар ҳисобга олинса, унда Гузгон амири Абулхорис 987–989 йиллар нечун ҳукмронлик қилибди экан? Ҳар ҳолда Тоҳир Чағоний амакиваччаси Абулқосимдан сўнг ҳукронлик қилгани ҳақиқатга яқин ва бу ҳодисалар 988–992 йиллар рўй берган. Шундай қилиб, Тоҳир Чағонийнинг вафоти ва ҳукмронлиги саналари аниқ бўлгани ҳолда, унинг таваллуд санаси ҳозирча очиқ қолади. Бундан ташқари, адабиётшунос Муҳаммад Муҳсиннинг Зебиҳулло Сафо фикрларига таяниб Тоҳир тахт талаш курашларида Абулмузаффар тарафидан маҳв этилгани талқини эса инкор этилади. Масалан,

амир Абулмузаффарга шоир Мунжик Термизий бағишлаган қасидада Тоҳир марҳум сифатида эҳтиром ила эслатилади, бу эса икки амир ўртасида мутлақо тахт билан боғлиқ можаро ёки сиёсий мухолифлик йўқлигини исботловчи аниқ далилдир. Муҳими Тоҳир Чағоний ҳукмронлиги даври Чағониёнда маълум адабий муҳит учун имкониятлар яратилгани тарихий манбаларда эътироф этилди. Мисол учун “Ашъори ҳамасрони Рудакий”да Тоҳир замони адабий муҳити доираси намоёндалари сифатида Маъруфий, Дақиқий, Мунжик, Лабибий сингарилар эслатилади. Юқорида айтилгани каби Маъруфий ва Дақиқийлар Тоҳир Чағоний давридан анча илгари Чағониёнда бўлган, чунончи Маъруфий 925–935 йиллар ва Дақиқий 950–970 йиллар Чағониёнда эдилар. Бу оз эмас, кўп эмас Тоҳир давридан қарийб 40–50 йил илгари содир бўлган воқеалардир. Энди Мунжик ва Лабибийга келсак, Мунжик дарҳақиқат Тоҳир замонида Чағониёнда эди ва у билан Бадъий бирга бўлган ҳамда ҳар иккисининг амир Тоҳирга бағишланган қасидалари бор, бу қасидалардан парчалар етиб келган. Мунжикнинг Абулмузаффарга атаб ёзган қасидалари бор, демак Мунжик амир Тоҳир вафотидан сўнг ҳам, яъни Абулмузаффар даври (992–1010)да ҳам Чағониёнда бўлган экан. Лабибий бўлса Тоҳир Чағоний даврида эмас, балки Абулмузаффар замонида Чағониёнда яшаган, бу ҳақда профессор А.Абдуллаев ўз тадқиқотларида тўхталган (2). Афсуски, Тоҳир Чағоний даргоҳида Мунжик ва Бадъийдан ташқари яна қандай шоирлар бўлганини аниқлай олмадик.

Энди бевосита Тоҳир Чағонийнинг авлодлари масаласига келсак, эслатилгандек, “Ашъори ҳамасрони Рудакий” [5:324]да унинг тўлиқ исми шарифи Амир Абуяҳё Тоҳир ибн Абулаббос Фазл ибн Абубакр Муҳаммад ибн Абусаид Музаффар ибн Муҳтож Чағоний тарзида битилади. Зебихулло Сафонинг “Торихи адабиёт дар Эрон” китобида ўқиймиз: Амир Абуяҳё ё Абулҳасан ё Абулмузаффар Тоҳир ибн Фазл ибн Муҳаммад ибн Муҳтож Чағоний [18:428]. “Лубобу-л-албоб”да эса ушбу хилда: Ал-амир Абулмузаффар Тоҳир ибн ал-Фазл ибн Муҳаммад Муҳтож ал-Чағоний [12:77–79]. Демак Абулаббос Фазл унинг отаси, Абубакр бобоси, Абу Саид катта бобоси, англашиладики, машҳур Абуали ва Тоҳирнинг отаси Абулаббос ака-ука эканлар. Тарихдан маълумки, Абуали ўз укаси Абулаббос ни Жабал вилояти (Тус, Рай, Ширвон, томонлар)га ҳоким

қилиб тайинлайди, бу воқеа тахминан 945–946 йилларга тўғри келади. Афтидан ака ўз укасининг Чағониён тахтига тахдидидан чўчиган кўринади, аммо Абулаббос акаси Абуалининг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ Бухорога, амир Нух ибн Наср (943– 954) қошига кетиб қолади ва унга хизмат қила бошлайди. Нух ибн Наср Чағониён амирзодасини яхши кутиб олади ва ҳатто Абулаббосни Шош (Тошкент) вилояти ҳокими этиб тайинлайди.

Тоҳир Чағоний нафақат шоирпарвар ва шеърдўст амир бўлиб қолмай, ўзи ҳам кўзга кўринган шоир бўлганини, араб тилидан форсчага дурустгина шеърлар таржима қилганини яхши биламиз. Ҳатто унинг шеърларидан намуналар Умар Родуёнийнинг шеър санъатлари баҳсига бағишланган “Таржимон ул-балоға”сида ҳам келтирилади ва илми бадеънинг муқтазаб (иқтибоз – қирқилган) санъатининг кўркам намунаси сифатида таъкидлаб ўтилади:

Бар мамлакат савор нагашти ту аз гузоф  
В-озодагонт банда нагаштанд хер-хер,  
Эдун ба мавқеи ба мадори рўзгор  
К-аз неш нўш макки в-аз бода шири шер [14:21].

Мазмуни:

Сарварсан юртда бу эмас осон,  
Пешволар сенга тобе бегумон.  
Мақоминг устун, чакса гар илон –  
Бетаъсир, соғасан шерни чунон.

Биз мавжуд манбалар ила танишиб, Тоҳир Чағоний ижодига тегишли баъзи шеърӣ намуналарни аниқлашга муяссар бўлдик, чунончи “Ашъори ҳамасрони Рудакий” (5) тўпламида:

Шодам ба хаданги ту, ки новакфиканонро,  
Сўи хадафи хеш ниҳоний назаре ҳаст.  
Чун ғунча чи доний, ки ту дар хилвати нозий,  
К-аз баҳри ту чун боди сабо дарбадаре ҳаст.  
Аз хандаи пинҳонии лаъли ту тавон ёфт,  
К-аз холи дили гумшуда ўро хабаре ҳаст.  
Гуфтий, ки: “Маро ҳаст бәсе чун ту гирифтор”,  
Бинмо ба гирифториини ман, гар дигаре ҳаст [5:326]

Мазмуни:

Отган найзангу ўқларингдан шодман,  
Ниҳон нишонга олган бир назардир.

Хилватда ғунча мисол ноз айлабон,  
Тонг сабоси сен-ла дарбадардир.  
Лаълинг пинҳон кулгиси қувват берур,  
Овора дил ҳолидан бохабардир.  
Айтинг, ки: “Сен менга роса мафтунсан!”  
“Менинг ошиқлигим бошқа – дигардир!”  
Даврон моро зи васл шодон накунад,  
Жуз тарбияти рақиби нодон накунад.  
Ҳаргиз нарасонад дили моро ба мурод,  
Коре ба муроди номуродон накунад [5:326].

Мазмуни:

Даврон мени васл ила этмаса шодон,  
Зинҳор ташвишга солмасин ғами нодон.  
Ҳаргиз дилим муродга етмаса-етмас,  
Номурод аҳли менга кулмасин хандон.

Шу каби “Фарҳанги забони тожикий” (20)да беш байт шеърлари баъзи сўзлар изоҳи сифатида мисол тариқасида келтирилган экан, чунончи: “урдак парондан – ўрдак учирмоқ”, яъни истихзо, масхаралаш маъносида:

Он кий аз савлатий сарпанжаи шоҳину уқоб,  
Боли товуси фалакро шиканад чун **урдак** [20:393].

Мазмуни:

Бахтли товус қанотин янчган ўрдак монанд,  
Бургут савлати, лочин панжаси беписанд.

“Фош шудан (гаштан) – фош бўлмоқ, машҳурлик ва танилмоқ маъносида”

**Фош** шуд номи ман ба гетий, фош,  
Ман натарсам зи жангу аз пархош [20:442].

Мазмуни:

Жангдан чўчиб, этмам ўзим пинҳон,  
Менинг номим билур бутун жаҳон.

Ёки “ялафкан – ялфикан – паҳлавон, полвонларни енгувчи, энг зўр паҳлавон”

Он гурди **ялфикан**, ки ба тиру синон гирифт,  
Андар ниҳолгаҳ бадали оҳувон ҳижабр [20:634].

Мазмуни:

Оҳулар жабри йиртқич шер ўрмонда,



Ўқ, найза қўлда паҳлавон армонда.

Кейинги бир сўз “жалвиз – муфид – фойда, ғаммоз” – кўз ва қошга ишора қилувчи, сўз терувчи маъносида:

Раво набудий зиндонук бандубасти танам,

Агар на зулфаки мушкин ў будий **жалвиз** [20:769].

Мазмуни:

Унинг қора зулфи гар этмаганда фасод,

Зиндонда ётиш нораво деб солмам фарёд.

“Жўжагак – жўжаи хурд. Жўжача!” :

Эй **жўжагак**, ба солу ба боло баланд зех! (Сол )

Эй бо ду зулфи бофтан чун каманд зех! [20:798]

Мазмуни:

Эй сенинг, қора зулфинг тўқилган сиртмоқ, торт!

Эй жўжача, ниятинг юкни **солга** ортмоқ, торт!

Бу ўринда сол – сувдан нарсаларни олиб ўтиш учун дарахт ва ёғочдан ясалган сувда сузувчи восита.

Биз маколага “Лубобу-л-албоб” тазкираси таркибидаги ўзимиз таржимасини амалга оширган Тоҳир Чағоний қисмини илова этишни лозим топдик. Бу эса Тоҳир Чағоний ҳақидаги тасаввурларимизни анча бойитади, деган умиддамиз, чунки унинг шеърлари, умуман бадий ижоди билан танишув фойдадан ҳоли бўлмас.

**Ал-амир Абулмузаффар Тоҳир ибн ал-Фазл ибн Муҳаммад Мухтож ал-Чағоний.**

Чағониён амирлари ўз даврида номдор эдилар ва бу – амир Абулмузаффар замонасининг нодири, асрининг ягонаси эди. Давлат ва қудратда юлдузлар мисоли ажралиб туради, юксаклик ва қувватда Жавзонинг белидаги камарини ечиб олган эди. Абубакр Муҳаммад Музаффар Мухтож унинг бобоси амирлик кезлари фалакка ишорат қилмаган бўлса-да, тахтда устувор, ўт ва сувга ҳукми ўтар, оғир ишларни амалга ошира олган эди. Олам амири Абуали Аҳмад Музаффар раҳматуллоҳ унинг амакиси, яъни унинг амакисини илм жаҳони, мулойимлик макони, ифтихорлар қони ва юлдузлар осмони васф этар эди. Бу улуғ хонадоннинг зикри “Носирий тарихи”да битилган ва бошқа қатор тарих асарлари саҳифаларида номлари такрор-такрор тилга олингани бор ҳақиқат.

Амир Тоҳирнинг фазилати чексиз аён, қобилияти юксакликда намоён эди, Чағониён мулкида малик, шунингдек, истеъдод

вилоятида, султонлик баёнида юқори чўққиларнинг забткори эди. Унинг вафоти 377 (уч юз етмиш етти, милодий 987–988 йил) санада рўй берди. Амирларга ворисий мерослик берувчи, саждамизни қабул қилувчи олий Худо мулк шохлари ва вазирларининг равшан кўзидир.

Тоҳирнинг тароватли ва латофатли шеърлари бор, ушбу мажмуага киритилган шеърларининг ўқилиши равон, тушунилиши осон, мағзи нозик, маъноси сўлим. Айниқса, шароб (виқоъ-арпа ёки гуручдан тайёрланувчи ичимлик) ҳақидаги луғзни ўқиган киши маза қилади, шеър:

Лўбате сабзчехри тангдаҳон,  
Бифазояд нишоти пиру жавон.  
Меъжари сар чу з-он бараҳна куний,  
Хашм гирад, каф афганад зи даҳон.  
В-ар бихоҳий варо, ки бўса заний,  
У бихандад, туро кунад гирён.

Мазмуни:

Гул юзли зебо, ғунча даҳон,  
Ёшу қари сен ила шодон.  
Этсанг бехос бошинг яланғоч,  
Кўпик отар қаҳр сочиб чунон.  
Ногоҳ талаб этсанг гар бўса,  
Сен гирёну, у кулар хандон.

Ва амир Сайфуддавла Абулҳасан Али ибн Абдуллаҳи Ҳамадон (Ҳамдон) раҳматуллаҳ “Қавси қазах” (Рустам камони) ҳақида тозий (арабий) тилда қитъа ёзган эди, шеър:

Ва сақин соҳийҳин ли-с-субух даъавтуху  
Фа-қома ва фий ажвафиҳи синату-л-ғомз  
Йатуфу би-касатил-л-уқор ка-хомриҳа  
Фа-мин байни мустаъсин ғалайна ва манқоз  
Ва қод нашарот айда-л-жануб муторифан  
Фа-аҳмару фий айдин ва аҳзор мубйаз  
Йуторризуҳа қовсу-с-саҳаб би-асфар  
Ғала-л-жавви дакнау-л-ҳаваший ғала-л-арз  
Ка-азбал худин ақбалат фий ғазаирин  
Мусоббағотин ва-л-баъз ақсору мин баъз

Бу абёт (байтлар) Амир Тоҳир ал-Фазлга етиб келди, у шеърнинг ҳар байтини диққат ила ўқиб, форсий назмда таржима қилди ва ўша ушбуди́р, назм:

Он соқии махрўй сабўҳий бари ман хўрд,  
В-аз хоб ду чашмаш чу ду то наргиси хуррам.  
В-он жоми май андар кафи ў ҳамчу ситора,  
Нохўрда яке жом дигар дода дамодам.  
В-он меғи жанубий чу яке мутрифи хаз буд,  
Доман ба замин барзада ҳамчун шаби адҳам.  
Барбаста ҳаво чун камаре қавси қазахро  
Аз асфару аз аҳмару аз аҳзари мўўлам.  
Гўй ки ду-се пирахан аст аз ду-се гуна,  
В-аз доман ҳар як зи дигар порагаке кам.

Мазмуни:

Ой юзли соқий оғушимда хуморин ёзар,  
Икки бедор кўзларида икки наргис сузар.  
Гулгун май тўла жом кўлида мисли чўғ юлдуз,  
Бир жомни тугатмай сипқориб, пайдар-пай тутар.  
Этак қоқиб ерга зим-зиё тун оғушида,  
Оқ булут ила юзига ҳарир ипак ёпар.  
Сариқ ва қизил ва яшил байроқдан нишона,  
Осмон булути тархин Рустам камони бузар.  
Ҳар бирин этаги гул ямоғи турфа рангда  
Гўё икки-уч хилда кўйлак, икки-уч хил зар.  
Унинг қалами маҳсули бўлмиш ушбу ғазалда дейди, шеър:  
Дилам танг дорад бад-он чашми танг,  
Худованди дебои фирўзаранг.  
Ба чашми гавазн асту рафтори кабк,  
Ба кашший чу Гўр асту кибри паланг.  
Сухан гўфтанаши талху ширин ду лаб,  
Чунон к-аз миёни ду шаккар шаранг.  
Камони ду абрўшу он ғамзаҳо,  
Яко-як ба дил-бар чу тири хаданг.  
Бад-он монад он бут, ки хуни маро,  
Кашидаст бар бур тозиш танг.  
Яке фол гирему шояд бад-он,  
Ки гетий ба як сон надорад диранг.

Мазмуни:

Зебо эгнида либос феруза ранг,  
У кўзи қийиқ олдида дилим танг.  
Кўзи оху, хироми каклик сифат,  
Гўр коматли мағрурликда асл паланг.  
Сўзлари аччиқ, икки лаби ширин,  
Гўё икки лабдин тўкулур занг.  
Қошлар камон, ўтли кўзлар ғамзали,  
Ўқ сингари дилга қадалган заранг.  
Билгил, ул санамдир, қонимга ташна,  
Ўзин олиб қочар, феълидир таранг.  
Воз кечиб дунё ишидин батамом,  
Шунда фалак зора этмаса гаранг.

Айтишларича, унинг шамол билан беллаша оладиган тозий  
(арабий) қора оти бор экан, назм:

Чу шаб буду ҳар гаҳ, ки биштофтий  
Би таг рўзи бигзашта даръёфтий

Мазмуни:

Туну кун шитоб ила чопар эдинг,  
Мақсадга етгач бир оз тинар эдинг.  
Ушбу икки байтни нарғиз сифати хусусида айтган, назм:  
Чаро бода наёри моҳи рўйо,  
Ки бе май сабр нотавон бар қалақ бар.  
Ба нарғиз нанигари то чун шукуфтаст,  
Чу руми жом бар симин табақ бар.

Мазмуни:

Нечун бода келтирмас ул моҳи чехра,  
Майсиз ҳаёт мазмунсиз ташна саркашга.  
Зинҳор боқма нарғисга юзин очибди,  
Румий жом – зебу чирой кумуш баркашга.  
Ушбуни ҳам нарғиз сифати хусусида айтган:  
Он гуле к-аш соқ аз миной сабз,  
Бар сараш-бар симу зар омехта.  
Нохуни хур аст, гўй, гирд-гирд,  
Дидаи боз аз миён-ш ангехта.

Мазмуни:

Ўшал гулким келиндек ясанган,

Боши узра кумушу олтин-зар.  
Хурлар гўё атрофин қуршаган,  
Ўртада шахло кўз ташлар назар.  
Бу икки рубоийни ҳам у айтган (ёзган):  
Як шаҳр ҳаме фусуну ранг омезанд,  
То бар ману бар ту ростхез ангезанд.  
Бо мо ба ҳадиси ишқи мо чи-стезанд –  
Ҳар мурғеро ба пои хеш овезанд.

Мазмуни:

Сену менга қиёматли фитнагар –  
Ул ой, турли-туман афсун ўргатар.  
Бизларга ишқ ҳадисидин уриб лоф,  
Ҳар бир кушни ўз оёғидан осар.  
Дилдори мино туро садаф хоҳам кард,  
Охир ба мадорот ба каф хоҳам кард.

Мазмуни:

Мағрур дилдор сени пиёла қилиб,  
Ва томоша айласам қўлга олиб.

**(Изоҳ:** “Лубоб ул-албоб”даги бу шеърлардан *Чаро бода наёри моҳи рўйо ва Дилдори мино туро садаф хоҳам кард* – мисралари билан бошланувчи шеърлар “Ашъори ҳамасрони Рўдакӣ”да йўқ. “Ашъор”да Тохирдан учта бошқа шеър берилган, аммо манбалари кўрсатилмаган. Ана шу шеърлардан биттаси “Таржимон ул-балоға”да мавжуд, “Фарҳанги забони тожикий”да ҳам Тохирдан янги беш байт шеърлар келтирилади, таассуфки, манбаларга ҳавола йўқ. “Ашъор”даги қолган шеърлар “Лубоб”дан олинган. Авфий унинг вафотини 997–988 йил деса, Утбий “Тарихи Яминий”да Гузгон (Жузжон) амири Фоикга қарши жангда Балх қамали пайти 992 йил ҳалок бўлган дейди.

Жавзо–шамсий йилининг учинчи оyi, буржлар бўйича эгизак кизалоқлар.

1. “Тарихи Носирий”– Абулфазл Байҳақий (995–1077)нинг ўттиз жилдлик асари, Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Носириддин Сабуктегин (942–998) номи билан юритилади, ҳукмронлиги (978–998). Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Носирий” асари “Табақоти Носирий” ва “Минҳож ус-сирож” (Ёруғ йўл) номлари билан ҳам юритилади.

2. Гўр – ёввойи эшак (қулун)
3. Қалақ – беқарор, беором.
4. Садаф – май ичиладиган кичик пиёла).

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. – 58 б.
2. Абдуллаев Аҳмад. Адабиёти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабиёти Ғазнин). – Душанбе: “Дониш”, 1979. – 286 саҳ.
3. Абдуллаев Исмадулла. Бухоронинг арабийнавис шоирлари.– Тошкент: Фан, 1965. – 56 б.
4. Абдуллаев Исмадулла. Поэзия на арабском языке в Среднем Азии и Хоросане X начала XI в. – Ташкент: Фан, 1984. – 254 стр.
5. Ашъори ҳамасрони Рӯдакий. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тожикистон, 1958. – 408 саҳ.
6. Бертельс Е.Э. История персидско - таджикской литературы. – Москва: “Наука”, 1960. –556 с.
7. Ибн ал-Асир. “ал-Камил фи-т-тарих” “Польный свод истории”. Избранные отрывки / Пер. с араб. Яз., прим. И коммент. П.Г.Булгакова; Доп. к пер., прим. и коммент., введ. и указ. Ш.С.Камолиддина. – Ташкент: Ўзбекистан, 2006. – 560 с.
8. Мирзозода Холиқ. Таърихи адабиёти тожик (Аз давраи қадим то асри X III). Китоби. I (II). – Душанбе: Маориф, 1987. – 424 саҳ.
9. Муртазоев Б., Валиқулов Ю. “Лубобу-л-албоб”да термизлик шоирлар зикри // Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари.–Тошкент: Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi, 2010. – Б. 5–7.
10. Муртазоев Бобоназар. Авфий “Лубобу-л-албоб” тазкирасининг таркиби ва мундарижасига доир // “Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзuidaги илмий-назарий анжуман материаллари. Нашрга тайёрловчилар: А.Улуғов, Б.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2014. – 332 б. ( Қаранг: –Б. 120–124).

11. Мусульманкулов Рахим. Персидско-таджикская классическая поэтика (X– XV вв.) – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – 240 с.

12. Муҳаммад Авфий. Лубобу-л-албоб.–Техрон: Мумтоз, 1361. –1036 сах.

13. Муҳаммад Муҳсин Тайибий. Тарихи адабиёти дарии Афғонистон. Давраи Сомониён ва Ғазнавиён. Жилди аввал. – Кобул, Буржи Далв. 1349. –162 с.

14. Муҳаммад бинни Умар ар-Родуёний. Таржимон ул-балоға. Чопи дуввум. Ба тасҳиҳи ва эҳтимоми профессор Аҳмад Оташ ва интиқоди устод Маликушшуаро Баҳор. –Техрон: Ширкати интишороти Асотир, 1362. –263 сах.

15. Неъматов Нуъмон. Давлати Сомониён: тоҷикон дар асрҳои IX–X. – Душанбе: Ирфон, 1989. – 304 с.

16. Осори Рӯдакий. – Сталинобод: Нашрдавтож, 1958. –544 сах.

17. Ртвеладзе Э.В. К биографии Фаррухи // Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. – Ташкент: Изд-во лит. и иск., 1983. – 208 с. (Қаранг: –С. 177–181).

18. Сафо Зебихулло. Тарихи адабиёт дар Эрон. Жилди аввал. Чопи панжум. Аз оғози аҳди Исломи то давраи Салжукий. – Техрон: Муассасаи интишороти Амири Кабир, 1355. –712 сах.

19. Термизий, Мунжик. Девон /Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Рамазон Абдуллаев.– Тошкент: “Yangi nashr”, 2016. – 120 б.

20. Фарҳанги забони тоҷикий (аз асри X то ибтидои асри XX). Иборат аз ду жилд. Жилди 2. – Москва: Издательство “Советская энциклопедия”, 1969. – 952 стр.

21. Қодиров Б., Муртазоев Б. Чағониён адабиёти (X–XI асалар). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. – 80 б. (Тоҳир Чағоний ҳақида қаранг: –Б. 57–59).

## ТЕРМИЗЛИК ШОИР МУНЖИК ҲАҚИДА

**Рамазон Абдуллаев,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Термиз юртимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс хисса қўшган қадимий шаҳарларидан биридир. Ушбу табаррук шаҳарнинг улуғ фарзандлари қолдирган илмий-адабий мерос туфайли ҳадис, фикҳ, тафсир, тасаввуф, калом, фалсафа, ахлоқ, тарих, жуғрофия, тиббиёт ва адабиёт каби бир қатор фанлар ва соҳалар янада ривожланди, инсон маънавиятини юксалтириш учун хизмат қиладиган бир қатор диний-ирфоний, фалсафий-ижтимоий ва эстетик-дидактик таълимотлар яратилди. Айниқса, Имом ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий каби улуғ алломалар, Адиб Собир Термизий ва Хожа Самандар Термизий каби адибларнинг номи мангуликка муҳрланди. Таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек айтганидек, “қадимий Термизнинг шон-шавкати, эътибор ва шарафи ҳам мангу Термизийлар биландир. Термизнинг асл безавол қалъалари улуғ термизийлардир”[1:9]. Ана шу улуғ термизийлар силсиласида Х (ҳижрий-қамарий IV асрнинг иккинчи ярими) аср охирларида яшаб ижод этган машҳур шоир Абулҳасан Али бин Муҳаммад Мунжик Термизийнинг ҳам алоҳида ўрни бор<sup>1</sup>.

“Мунжик Термизий” таҳаллуси билан танилган Абулҳасан Али бин Муҳаммад Термизда дунёга келди, бошланғич диний таълим, араб ва форс-тожик адабиёти ҳақидаги илк маълумотларни ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақасининг ўша даврдаги йирик маданий марказларидан бири саналган она шаҳрида олди. У камолга етган давр Сомонийлар давлати таназзулга учрай бошлаган, Чағониён (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг шарқий қисмида) ҳокимлари ўз худудларини кичик бир давлат сифатида омонатгина сақлаб турган даврга тўғри келди.

---

<sup>1</sup> Афсуски, “Термиз тазкираси” китобининг “Шоир Термизийлар” бобида фақат икки шоир – Адиб Собир Термизий ва Қатрон Термизий ҳақида маълумот берилган, холос. Аммо, улардан олдин яшаб ижод этган ва бир қанча тазкираларда алоҳида зикр этиб ўтилган Мунжик Термизий киритилмаган.



Мунжик Термизий шоир Дақиқийдан сўнг узоқ йиллар давомида Чағониён ҳукмдорлари ҳимояси остида яшади, Чағониён амирлари – Амир Абу Яхё Тохир бин Фазл Чағоний (ҳижрий-қамарий 381 йилда қатл этилган) ва Амир Абулмузаффар Аҳмад бин Муҳаммад Фахруддавла Чағонийлар мадҳида қасидалар ёзди. Ушбу сулола таназзулга учраганидан сўнг Ғазнавийлар саройидан паноҳ топди.

Мунжик Термизий нафақат “Сабки хуросоний” – Хуросон услубида ижод қилган ва баракали мерос қолдирган истеъдодли бир шоир, балки мусиқа илмининг буюк билимдони сифатида ҳам шуҳрат қозонган эди. У мусиқа назариясини эгаллаш билан бирга улуг замондошлари Рўдакий (Рўдакий X асрнинг биринчи ярими – 941 йилда вафот этган) ва Фаррухийларга ўхшаб ўз шеърларига куйлар басталар, чанг чалиб, ширали овози билан кўшиқ куйларди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мунжик “мадҳий ва васфий қасидалар яратишда юксак маҳорат эгаси бўлиши билан бирга ҳажвий шеърлар ёзишда ҳам ўз даврининг мумтоз шоирларидан бири ҳисобланар эди” [2:112]. XII асрнинг машҳур ҳажвнавис шоирларидан бири бўлган Сўзаний Самарқандий ўз даражасини кўрсатиш мақсадида шундай дейди:

Ман он касам, ки чу кардам ба ҳачв гуфтан рой,  
Ҳазор Мунчик аз пеши ман кам орад пой.

Мазмуни: Агар мен ҳажв ёзишга киришсам, мингта Мунжик менинг олдимда ип эшолмайди.

Мунжик мадҳий қасидалар битишда ўз даврининг етук шоирларидан бири ҳисобланган. Жумладан, унинг ҳамшаҳар шоири Адиб Собир Термизий шундай деган:

Эзид маро зи баҳри саноъи ту ҳадя дод,  
Таъби Шаҳиди Балхиву Мунчики Тирмизӣ.

Мазмуни: Парвардигор менга сени мақташ учун сийлади ва менга Шаҳид Балхий ва Мунжик Термизий каби нозик таъб берди.

Мунжик Термизийнинг шеърӣ девони шоир яшаган даврда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам машҳур бўлган экан. Буюк шоир ва мутафаккир Носир Хусрав Қабодиёний ўзининг “Сафарнома”сида Табриз шаҳрида Қатрон Табризий деган шоир билан учрашгани ва унинг Мунжик девонини мутолаа қилиш жараёнида Носир Хусравдан унга тушуниши қийинроқ бўлган луғатлар (сўзлар ва иборалар)нинг маъносини сўрагани ҳақида ёзади. Табиийки,

Ғарбий Эронда яшаб ижод этган Қатрон Табризий учун Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси ишлатган форсий (яъни, ҳозирги дари-тожик тили)даги баъзи бир сўзлар ва иборалар бироз нотаниш туюлган ва уларнинг асл маъносини ўша минтақадан келган Носир Хусравдан сўраган. Ушбу маълумотга қараганда, Носир Хусрав ва Қатрон Табризийлар яшаган даврда Мунжик Термизийнинг девони мукаммал ҳолда мавжуд бўлган. XII асрнинг охирларида яшаб ижод этган машҳур адиб ва адабиётшунос Муҳаммад Авфий Бухорий ўзининг “Лубоб ул-албоб” номли тазкирасида Мунжик Термизий шеърятига баҳо берар экан, унинг “ажойиб шеърлар, гўзал сўзлар, янги мазмун ва маънолар, қиёмига етган иборалар ва нодир истиоралар” яратган шоир бўлганини таъкидлайди. Носир Хусрав шунингдек, ўзининг “Девон”ида ҳам Мунжикни катта ҳурмат билан тилга олади. Кейинги даврда яшаган машҳур адабиётшунос – Умар ар-Родуёний ўзининг “Таржумон ул-балоға” номли асарида, Адиб Собир Термизий билан бир даврда яшаган шоир ва мунаққид Рашидиддин Ватвот ўзининг “Ҳадоийқ ус-сехр фи дақойиқ уш-шеър” номли кимматли асарида Мунжик Термизий ижодига юқори баҳо берганлар. Бундан келиб чиқадики, Мунжик Термизий девонининг мукаммал варианты XIII асрга қадар мавжуд бўлган ва эҳтимол, мўғуллар истилоси натижасида минглаб шеърӣй девонлар ва илмӣй-тарихӣй манбалар қаторида йўқ бўлган. Бугунги кунга келиб, Мунжик Термизий девонидан бор-йўғи уч юзу эллик байтга яқин шеър қолган, холос. Унинг девони мукаммал ҳолда бизгача етиб келганида эди, форс-тожик шеърятининг энг машҳур девонларидан бири сифатида баҳоланиши тайин эди.

Тарихӣй ва адабий манбалар Мунжик Термизий ҳаёти ҳақида сукут сақлайди. Тазкираларда унинг туғилган ва вафот этган санаси ҳақида ҳам маълумот учрамайди. Фақат шуниси маълумки, у ҳижрий-қамарӣй тўртинчи асрнинг биринчи яримида Жайхун бўйидаги шаҳар – Термизда туғилган. Унинг тахаллуси ҳақида турли нуқтаи назарлар мавжуд. Жумладан, “Таърихи эҳё ул-мулук”да [3:9-6] “Мунжик” Тирмизнинг шарқӣй қисмида жойлашган қишлоқнинг номи эканлиги ва “Мунжик” ушбу қишлоқ номидан олинганлиги ҳақида эслатиб ўтилади. “Чароғи Ҳидоят” тазкираси муаллифи Ризоқулихон Ҳидоят [6] ҳам “Таърихи эҳё ул-мулук”да берилган маълумотни такрорлаган. Шох Хусайн Сийистонӣй эса

ўзининг “Хайр ул-баён” номли тазкирасида Мунжикни Сийистон вилоятидаги жойлардан бирининг номи ва шу асосда Мунжик Термизийни хуросонлик ва сийистонлик деб атайди [5:138]. Аммо ушбу маълумотга эътибор берилса, муаллиф Мунжик Термизийни аввал хуросонлик, сўнг сийистонлик деб атаганини мушоҳада этиш мумкин. Ахир, бир одам икки жойда туғилган бўлиши ҳам мумкинми? Булардан ташқари учинчи тахмин ҳам бор: “мунж” луғатларда “асалари” маъносида келган, “ик” эса унга қўшилган кўшимчадир. Шоирнинг ўзи ҳам бир жойда шунга ишора қилади:

Ҳарчанд ҳакирам, суханам олию ширин,  
Оре, асали ширин н-ояд магар аз Мунч.

Мазмуни:

Бечора бўлсам ҳам сўзим олий ва шириндир.

Ҳа, ширин асал Мунждан бошқа қаердан ҳам келарди?

Турли тазкира ва баёзларнинг муаллифлари Мунжик Термизийни турлича унвон ва лақаблар билан тилга олганлар. Жумладан, “Арафот ул-ошиқин” тазкираси муаллифи уни “амлаҳ ул-калом”, “афсаҳ ул-аном”, “устод уз-замон”, “нодир уд-даврон”, “ашъор ул-қодир ул-фозил ул-комил”, “афсаҳ ул-фусаҳо аблағ ул-булағо”, “ажубат ул-аср” каби юксак фахрий унвон ва лақаблар билан сийлаган. “Ҳафт иқлим” тазкираси муаллифи эса Мунжик Термизий ҳақида “лутфда таъби хулосаи даврон эди” деб, уни “қудват уш-шуаро” (Шоирлар пешвоси – Р.А.) унвони билан ёд этади, лекин хатога йўл қўйиб, таҳаллусини “Мунжик” эмас, балки “Михак” тарзида келтиради [6:84]. Техрон университетининг Адабиёт факультети кутубхонасида 53-д рақами остида сақланаётган жунг (баёз)да Мунжик “Малик ул-калом қудват уш-шуаро” [6:84,7] лақаби билан зикр этилган бўлса, Техрон университетининг Марказий кутубхонасида 5496 рақами остида сақланаётган жунгда Мунжик “тили ўткир, ҳазил-мутойибани хуш кўрадиган, мижози тез, балоғат билан сўзлайдиган, нуктадон киши” [6] сифатида зикр этилади.

Мунжик яшаган давр форс-тожик адабиётида шеърият санъат даражасига етган давр эди. Бу даврда айниқса, қасида ва ҳажвий шеърларнинг бозори чаккон бўлган эди. Мунжик, бир томондан Сомоний ва Чағоний амирларни ўзининг юксак даражадаги қасидалари билан мадҳ этган бўлса, иккинчи томондан ўз рақиблари

ва баъзи ҳолатларда ўз улфатларини енгил ҳажв ва мутойиба билан “сийлаган”. Ана шундай унинг замондошларидан бири шоир Бурқайй бўлиб, улар ўртасида қандайдир ихтилоф ё баҳс-мунозара мавжудлиги боис Мунжик уни шеърӣй парчаларида ўткир ҳажв остига олган. Мунжикнинг Бурқаййга бағишланган ҳажвларидан бизгача икки байт етиб келган ва ушбу икки байт орқали адабиёт тарихида Бурқайй номли шоир ҳам ўтганлиги маълум бўлади.

Мунжикнинг ўткир ҳажвга учраган шоирлардан яна бири ўз даврида анча машҳур бўлган Шаҳид Балхийдир. Кисоии Марвазий, Бушшор Марғазий, Мантикий Розий, Абулаббос Рабанжаний, Оғожий Бухорий, Хусравий Сарахсий, Вулвучий ва Лавкарий каби Сомонийлар саройида, Бадеъ Балхий ва Лабибий каби Чағонийлар саройидаги машҳур маддох шоирлар ҳам Мунжик Термизийнинг замондошлари ҳисобланадилар.

Мунжик Термизий ижоди фақатгина мадҳу сано ва ҳажвиётдан иборат эмас. Шоирнинг бизгача етиб келган номукамал девонидан унинг ишқӣй, ахлоқӣй, фалсафӣй ва турли маиший-ижтимоӣй мавзуларда ҳам яхшигина қалам тебратгани аён бўлади.

Мунжик Термизийнинг бизга маълум бўлган асарларига қараганда у асосан қасида, ғазал ва қитъа каби лирик жанрларда ижод қилган. Қасидаларини кўпроқ аруз вазнининг ҳазаж, мутақориб, музореъ, муқтасс ва мунсарех каби баҳрларида ёзган. Шеърларида бадий санъатнинг барча турлари – лафзий, маънавий, ҳам лафзий ва ҳам маънавий санъатларни юксак маҳорат билан ишлатган. Айниқса, ташбеҳ, киноя, истиора, ийҳом, мажоз, муболаға, игрок, тарсеъ, тажнис, тазод, савол ва жавоб, мурут ун-назир, тажохул ул-ориф, сажъ, такрор, луғз каби бадий санъатларнинг юксак эстетик дид ва маҳорат билан ишлатилиши Мунжик Термизий ижодини Шарқ шеърятининг буюк намояндалари ижоди билан бир қаторга қўйиш имконини беради. Мунжик Термизий ўзидан олдинги шоирлар – Рўдакий, Дақиқий, Шаҳид Балхий ва Унсурӣй каби шоирларнинг ижодидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўз қасида ва ғазаллари билан кейинги даврларда яшаб ижод этган Носир Хусрав, Қатрон Табризий, Анварий Абебардий, Адиб Собир Термизий, Рашидиддин Ватвот ва Сўзаний Самарқандий каби машҳур хуросонлик ва мовароуннаҳрлик шоирларнинг ижодига ижобӣй таъсир кўрсатганини мушоҳада этиш мумкин. Жумладан,

Сўзаний Самарқандий Мунжикинг Амир Абул Музаффар Аҳмад Чағонийга бағишланган “Ломия” номли машхур қасидасига<sup>1</sup> айнан ўша вазн (мужтасс баҳрида) ва қофияда жавоб ёзган экан.

XX асрнинг иккинчи яримига келиб Мунжик Термизий шеърларини турли тазкира ва баёзлардан тўплаб нашр эттириш ишлари бошланди. Натижада, шоирнинг турли тазкира ва баёзлар туфайли бизгача етиб келган шеърлари ва шеърларидан парчалар эронлик адабиётшунос олим доктор Муҳаммад Дабирсиёқийнинг “Топилган хазина” (Техрон, ҳижрий-шамсий 1334 йил) ва “Форсий шеърият пешқадамлари” (Техрон, ҳижрий-шамсий 1351 йил) номли китоблари, Важилбер Лазарнинг “Энг қадимги форсийзабон шоирларнинг сочма шеърлари” (Техрон, ҳижрий-шамсий 1341 йил), таниқли тожик олим академик Абдулғани Мирзоевнинг Рўдакий замондошларидан қолган асарлар” каби китобларидан жой олди. Улардан сўнг Аҳмад Идорачий Гилоний ўзининг “Рўдакийга замондош шоирлар” (Техрон, ҳижрий-шамсий 1370 йил) номли тўпламида, доктор Муҳаммад Мудаббирий эса ўзининг “III, IV, V асрларда яшаган девонсиз шоирлар ҳаёти ва ижоди” номли китобида Мунжик Термизий ижодига ҳам алоҳида ўрин бердилар.

Муҳаммад Мудаббирий китобида Мунжик Термизий ижодидан 324 байт келтирилган [7:218]. Шунингдек, ушбу китобда Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға”сида келтирилган маълумотга ишониш натижасида Мунжик Термизийнинг 7 байтлик бир қасидаси Хусайн Айлоқийга нисбат берилган. Али Ашраф Содиқий ўзининг Абулмуҳаммад Оятий юбилеи муносабати билан ёзган “Ашъори тозае аз Мунжик” (Мунжикнинг топилган янги шеърлари) номли мақоласида (Техрон, ҳижрий-шамсий 1388 йил) Мунжикнинг Мудаббирий китобига киритилмаган байтини келтиради. Эронлик заҳматкаш олим Эҳсон Шаворибий Муқаддам Мунжик Термизий ижодини ўрганиб, Тақиюддин Авҳадий Балёнийнинг “Арафот ул-ошиқин ва арасот ул-орифин” номли тазкирасидан шоирнинг яна бир нечта байтини топишга муваффақ бўлади [8:8-10]. Натижада, юқорида зикр этилган олимларнинг кўп йиллик изланишлари ўз

---

<sup>1</sup> Шаворибий Муқаддам берган маълумотга қараганда, ҳозиргача ушбу қасиданинг 45 байти турли тазкиралар, баёзлар ва луғатлардан топилган. Қаранг: Эҳсон Шаворибий-йэ Муқаддам. Девони Мунжики Тирмизий. – Техрон: “Мирос-э мактуб”, 2012.

самарасини берди: эронлик адабиётшунос олим Эҳсон Шаворибий Мукаддам Мунжик Термизийнинг бизгача етиб келган шеър ва шеърӣй парчаларини турли тазкиралар, баёзлар ва луғат китобларидан бир жойда жамлаб, мукамал бўлмаса-да, “Девони Мунжики Тирмизий” номи остида (Техрон, “Мероси мактуб”, 2012) нашр эттирди.

Мунжик Термизий ҳаёти ва ижоди термизлик адабиётшунос олимлар профессор Аҳмад Абдуллоев ва Бахтиёр Муртазоевнинг баъзи бир қайдларини ҳисобга олмаганда бизда ҳалигача жиддий ўрганилгани йўқ. Шоир ватандошимизнинг шеърлари ҳам ўзбек тилига ўгирилмаган. Ушбу китобни нашрга тайёрлаш арафасида сурхондарёлик зуллисонайн адиб Чоршанбе Дехнавӣй шоир ижодидан амалга оширган эркин таржималарини бизга тақдим этиб, мушкулимизни бироз осон қилгандай бўлди. Мана, ўша таржималардан намуналар:

Қасида  
(Парча)

Не дурки, қучди лаълу шаккар,  
Не ойки, тўсди абри анбар?  
Не сарвки, ёпиб замин юзин,  
Ерга қўнди мехроби анвар?  
Белин боғлаб этса аҳд, айтинг,  
Оби Замзам ёритгай озар.  
Ҳар кеча ўртар ҳажр азоби,  
Томир каби урганда наштар.  
Ёр гарданиму, ё елкаси,  
Боғ ичра гулки, шохи пурбар.  
Хархир<sup>1</sup>мушкидин ўзга эрмас,  
Шом насимию гули аҳмар.  
Сахро товланар турфа-турфа,  
Товуслар гўё қадашган пар.  
Булбул Борбад куйин эпламас,  
Савт-соз шоҳидур ул навогар.

---

<sup>1</sup> Хархир – ноёб мушклари билан машҳур бўлган Хитойдаги бир шаҳарнинг номи

Дединг, хурлар бордир дунёда,  
Ҳар бирида ёқутдин чодар.  
Дашт гуллариға булут тили,  
Ёр тили бўлди, тўқди гавҳар.  
Муборак хокса шукрин доим,  
Қавмлар бошига этмиш афсар.  
Бахиллик дарёси хавфлидир,  
Кафтни оч, сахони эт лангар.

#### Ғазал

Зулфлари тарам-тарам, қадди санавбарсен,  
Ғажаклари кучган пинҳона анбарсен.  
Лаб ақиқу остида икки раста дур,  
Наргис кўзлари остида гули тарсен.  
Кўзу зулфу лаб – уч маккораи беқиёс,  
Бир-биридин улгу олган сеҳру дилбарсен,  
Жаннат тусин олди тоғу саҳро, бегумон,  
Ҳар ён очилса-да турфа гул, навбарсен.  
Наргис бағрида Муштарийни пинҳон дединг,  
Икки юзи порлаган маъшуқи савсарсен.  
Олу оқу сарик, бинафшаю лаъли кўк  
Гуллар пардозида Наврўз суйган заргарсен.  
Кўзларинг хира тортсаю боқсанг ҳар ёна,  
Кўрганин писанд илмай ўтгувчи ўтарсен.

#### Шеърӣ парчалар

Кўш ранг ажиб гулга боқ, гўё  
Ақиқ остида дур сочишган.  
Ё севишганлар хилват қилиб,  
Қапишган, юзларин очишган.

\* \* \*

Юзи юзмас, чамбар таққан тўлин ой,  
Қадди қадмас, хилъат кийган сарви сой.  
Ғарчи ойдирӯ сарв, эмас ой ҳам сарв,  
Сарв камар боғламас, чамбар тақмас ой.

\* \* \*

Баҳор завқи дер сени ошиқ, ҳаққасту рост,  
Лоларуху сунбулсочу ёсумантансен.  
Фироқинг ўқидан пора бўлди жигарим,  
Эй сабр, шукрки, бутлар фироқиға жавшансен.

\* \* \*

Оромим йўқдир, айтишдан не фойда,  
Дегум: “Ўтирма, боргил аста-секин”.  
Лек ариқ бўйидаги чечак мисол,  
Минг ёқма, гугурт чўпи кетар текин.

Биз ҳам ўз навбатида, Мунжик Термизийнинг Эҳсон Шаворибий Муқаддам томонидан тўпланиб, нашрга тайёрланган “Девон”ини улуг ватандошимиз ҳаёти ва ижоди бўйича шу пайтгача амалга оширилган энг қимматли тадқиқот иши сифатида баҳолар эканмиз, уни кирилл ёзувига ўгириб, керакли изоҳлар билан нашр эттиришга қарор қилдик. Ушбу қимматли китоб тадқиқотчиларга қадимий Термиз ва Чағонийн ҳудудида яратилган ватанимиз адабиёти тарихини ўрганишда мадақкор бўлади, деган умиддамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Термиз тазкираси. Мусанниф Мирзо Кенжабек. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.9.
2. Забехулло Сафо. Таърихи адабиёти Ирон. Жилди дуввум. Хўлосаи жилди аввал ва дуввум. – Техрон, 1380. – С.112.5
3. Қаранг:Шоҳ Ҳусайн Сиистоний. Эҳё ул-мулук, с.9.6
4. Шоҳ Ҳусайн Сиистоний. Хайр ул-баён, с.138.
5. Розий, Амин Аҳмад, 3-ж, с.84.7
6. Ҳидоят, 5-ж, с.1176 ва 5492 жунг.8
7. Муҳаммад Мудаббирӣ. Шарҳи аҳвол ва ашъори шоирони бедевон дар қарнҳои III, IV, V ҳижрии қамарӣ. - Техрон, 1370. – С.218-251.9
8. Қаранг: Эҳсон Шаворибии Муқаддам. Ашъори навофта аз Мунҷики Тирмизӣ. / “Ховар”, 1-15 июли соли 2015. – С.8.10.



## ШОИР МУНЖИК ШЕЪРИЯТИ

**Бобоназар Муртазов,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Мунжик Термизий (X аср) ижодий бисотидан бизгача етиб келган шеърий намуналар матни адабиётшунос олимлар томонидан кузатилиб, айрим мулоҳазалар изҳор этилган. Қадимий луғат, тазкира, баёз, мажмуа ёки айрим тўпламлардаги Мунжик шеърлари матнининг турличалиги, гоҳо Мунжикка бошқа шоирларнинг, гоҳо Мунжик шеърларининг бошқа шоирларга нисбат берилиши ходисалари бу борада қилинажак ишлар кўламини англади. Боиси Мунжик шеърларининг Рудакий (858–941), Дақикий (929–977) ва Анварий (1090–1166) га ёки аксинча Бадъий Балхий (X аср) шеърларининг Мунжикка нисбат берилиши ҳолатлари кўп бор қайдани топган. Мунжик шеърларидан намуналар Асадий Тусий (1005–1073)нинг “Луғати фурс” (1065), Умар ар-Родуёний (XI аср)нинг “Таржимон ул-балоға” (Гўзаллик маънолари, 1090), Рашидиддин Ватвот (1080–1178)нинг “Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақиқ иш-шеър” (Сеҳрли боғлар ва шеър нозикликлари), Муҳаммад Авфий (1172–1233)нинг “Лубоб ул-албоб” (Маъноларнинг мағзлари, 1221) ва Шамси Қайс Розий (1180–1240)нинг “ал-мўъжам” (Луғат, 1233) асарларида ҳамда шу асарлардан фойдаланиб кейинги даврларда яратилган баёз, тазкира, луғат, мажмуа ва тўпламларда учрайди. Чунончи, биз Мунжик шеърларидан “Таржимон ул-балоға”да (қирк бир байт), “Лубоб ул-албоб”да (ўн уч байт) ва “ал-мўъжам”да (тўрт байт) берилган парчаларни таҳлилга жалб этдик.

Боиси Мунжикнинг айрим шеърлари матнини Умар ар-Родуёний, Муҳаммад Авфий ва Шамси Қайс Розий асарлари мисолида солиштирсак маълум саволларга жавоб топилади. Бу жиҳатдан Родуёний ва Авфийнинг Мунжик қаламига мансуб Чағонийён амири Тоҳир Чағоний (вафоти 992)га бағишланган қасидасидан келтирган парчалари эътиборлидир. Ушбу қасидадан Родуёний тўққиз байт, Авфий саккиз байт мисол келтиради, байтлардан бор - йўғи икки байт бир хил:

Худойгоно! Фархунда меҳргон омад,  
Зи боғ гашт ба тахвили офтоб аҳвол.

Саропардаи суҳбат кашид себу турунж,  
Ба табли реҳлат барзад гулу бунафша дувол [4: 41].

Мазмуни:

Улуғ эгам! Муборак меҳргон келди,  
Бил, қуёш боғаро сайр этар хушҳол.  
Гул ила бинафша ноғора қоқар,  
Олма ва нокнинг суҳбати ажиб ҳол.

Қолган байтлар ўхшаш эмас, юқоридаги муштарак байтлар солиштирилганда иккинчи байтдаги бир сўз Родуёний [4:4]да “**кашид**”, Авфий [3:501]да “**кашида**” битилган. Авфий қасидадан мисоллар олар экан қасиданинг ўзига хуш ёққан байтларини танлашга интилганини тахмин қилиш мумкин.

Мунжик ижодиёти билан боғлиқ ғалати ҳодисалардан бири турли давр манбаларида унинг бадиий бисотига тааллуқли баъзи шеърлари гоҳо ўзга шоирларга нисбат берилса, гоҳо бунинг тескарисини кузатамиз. Зотан бу хил воқеаларга эътибор қаратиш шоир ижодининг мавҳум қирраларини барқарорлаштиришда қўл келиши муқаррар. Ўтмиш луғатнавислари, баёзнавислари, тазкиранавислари Мунжик шеърларини баъзан бошқа ижодкорлар шеърлари билан чалкаштиришади. Жумладан, Мунжикнинг ушбу:

Аё балоя, агар қор қард пинҳон буд,  
Кунун тавонӣ боре хашук пинҳон қард [1:364].

Мазмуни:

Беҳаёликни қилган каби пинҳон,  
Ҳаром ишни яширасан чунон. –

байти Рудакийга ҳам нисбат берилади ва иккинчи мисрадаги “хашук” сўзи “Осори Рудакий” [5:222]да “хушук” ёзилган, аммо бу сўзнинг ҳар икки ҳолатда ҳам маъноси бир хилдир. Рудакийнинг Мунжикдан олдин яшаб ўтгани сабаб шеърни бемалол Рудакийники дейиш мумкин, лекин масалани бу хил ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун биринчи ғалда манба (луғат, тазкира, баёз, рисола)лардаги матнларни ўзаро муқояса этиш жоиз, ана ўшандагина шубҳалардан холи хулосаларни ўртага ташлаш имконияти туғилади. Гоҳо шундай бўладики, матнларни қиёслашнинг иложи йўқ, унда бир шеър икки ижодкорга тенг даҳлдор бўлиб қолаверади. Масалан куйидаги матлаъ ила ибтидо топувчи Дақиқий ғазали:

Дар боғ гул фиристад ҳар ними шаб абир,  
В-аз шох андалеб бисозад ҳаме сафир [1:284].

Мунжик ғазали:

Дар боғ гул фиристад ҳар нимшаб абир,  
В-аз шох андалиб бисозад ҳаме сафир [1:347].

Мазмуни:

Боғдан гул юборар ҳар тун иполр нозда,  
Булбу шохда куйлар ёқимли овозда.  
Оқшом боғда гул хушбўй ис таратар,

Дарахт шохида булбул хониш этар. – биратўла ҳам Дақиқийнинг ва ҳам Мунжикнинг бадий мулкига айланган. Ёки “Ашъори ҳамасрони Рудакий”да Бадеъий Балхийнинг ўн икки байтли шеъри тўлиғича Мунжикники дейилади [1–С.308–309]. Авфий “Лубоб ул-албоб”да шу шеърдан Бадеъий Балхийга нисбат берилган етти байтни мисол беради, унинг бошланмаси:

Ҳаво рўи заминро шуд мутарриз,  
Ба софй оби даръё ба қирмиз [3:509].

Мазмуни:

Соф дарё суви, қизил ранг – тамал,  
Ва ҳаво бирла заминга тўшар бахмал.

Илгари Мунжикка, кейинчалик Бадеъийга нисбат бериб келинаётган бу шеър Тоҳир Чағоний (вафоти 922)га бағишланган қасида бўлиб, унинг матни тўлиқ тикланмаган, ундан ўн икки байт сақланиб қолган. Мунжик ва Бадеъий Чағониёнда бир вақтда яшаб ижод этган, улар Тоҳир Чағонийга мулозим эди. Ана шундан манбаларда бу шеър ғалат равишда ҳар иккала шоирга нисбат бериб келинган. Унинг асл муаллифини тайин этиш мушкул иш, чунки Мунжик ва Бадеъийнинг шеърий девони етиб келмаган, шу боис бу масала ҳозирча очиқ қолади. Муҳими кейинги изланишлар айтиши шу шеър Бадеъий Балхийга тўлиқ тааллуқли эканлиги тўқис исботлаб берилди [8:120].

Мунжик ва Бадеъий бир замонда яшаган, уларнинг шеърлари адашиб гоҳ уники, гоҳ буники дейилиши табиий ҳол, қолаверса, Дақиқий ҳам Мунжик замонида яқин яшаган. Бироқ Мунжик ва Анварий шеърларининг чалкашиб кетишига боис нима? Ахир Мунжик ва Анварий даври оралиғи бир асрга тенг, улар шеърларининг адашиб бир-бирига ўтиши ўта ғалати ҳодиса. Анварий

девонида Мунжикка нисбат берилган ўша қитъа куйидагича бошланади:

Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,

В-зи баду неки ин жаҳон огоҳ [2:628]. ва у уч байтдан иборат. “Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ” да бу шеър Мунжик номидан келтирилади, шеър тўрт мисралаи, у ушбу мисралар ила бошланади:

Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,

В-зи баду неки рузгор огоҳ [1:352].

Бу шеър сайри тарихига илк бор Зебихулло Сафо (1811–1978) диққатни тортган эди, олим “Торихи адабиёт дар Эрон” асарида шеърнинг тўлиқ матнини келтиради. Анварий девони, “Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ” ва З.Сафо (Торихи адабиёт дар Эрон)даги шеър матнлари қиёсланиб, матнда фарқлар борлиги аниқланди. Хуллас, Мунжик шеърининг иккинчи байти Анварий девони воситасида етиб келган:

Чун куни табъи поки хеш палид,

Че куни рӯи сурхи хеш сиёҳ [2:628].

Зебихулло Сафонинг “Торихи адабиёт дар Эрон” китобидаги шеър матнига мурожаат қилсак, масала анча ойдинлашади. Қисқаси шеър Анварий девони саҳифасига кўчгунча матн талай ислоҳларни бошидан кечирган:

Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,

В - зи баду неки рўзгор огоҳ.

Чун куни табъи поки хеш палид,

Че куни рӯи сурхи хеш сиёҳ.

Нони фурӯ зан ба оби дидаи кам,

В-зи дари ҳеч сифла шир махоҳ [2: 628].

Мазмуни:

Ақл дарёсига шўнғибон ногоҳ,

Бўл дунё яхши-ёмонидин огоҳ.

Пок номингни нопок айлама,

Қизил юзинг этибон сиёҳ.

Меҳнат нонин қилгил тўтиё,

Зинҳор нокас бўлмас додхоҳ.

Шеър узоқ сайр этган бўлса-да, ўзининг дастлабки мазмуний халқасини айтарлик саклаб қолган, бу унинг ғоявий моҳиятига ҳам тааллуқлидир.

Мунжик шеърляти малохати ўз давридаёқ эътирофини топган, ўтмиш адабиётшунослари, лугатшунослари бунга кўп бор муурожаат қилишган. Мунжик шеърлари тасвири мантикли, ифодаси мазмунли ва чиройли хулосага бойлиги билан ажралиб туради.

Ба рўй, гўй, моҳ аст барнихода кулоҳ,  
Ба барз, гўй, сарв аст миёни қабоҳ.  
Чу моҳ буду чу сарв, на моҳ буду на сарв –  
Камар набандад сарву кулоҳ напўшад моҳ.

Мазмуни:

Юзинг ойдир, бошга қўндириб дўппи,  
Хушқоматинг либос ичра сарв каби.  
Ёрим этмам на ою, на сарвга киёс,  
Сарв камар тақмас, ой дўппи киймас.

Умар Родуёний нечундир айни юкоридаги Мунжик байтларини “Таржимон ул-балоға” асарида Фаррухий (980–1037)га нисбат беради [4:51]. Худди шунга монанд мазмунга эга мисраларни Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий (XV аср) “Фунун ул-балоға”да Рашидиддин Ватвотдан келтириб ўтади:

Туи чу моҳ – агар моҳро кулоҳ бошад,  
Туи чу сарв – агар сарвро қабо бошад [11–86].

Мазмуни:

Сен ой монанд, аммо дўппи киймас ул ой,  
Сен гўё сарвсан, сарвга либос бермас чирой.

Ватвот кўринадики, Мунжик шеърига татабуў қилмоқда, демак шеърнинг чуқур моҳиятга эгалигининг таъсири қанчалар кучлилигини англаш қийин эмас.

“Фаранги забони тожикий”да Мунжик шеъридан олинган бир байт Сўзаний (1091–1173) га нисбат берилади:

Зи ҳайбати, ту адў нақши “Шоҳнома” шавад,  
К-аз ў на мард ба кор ояду на аспу на соз ([9:485].

Мазмуни:

Савлатингдан жонзоту от, душман нафақат,  
Балки “Шоҳнома” алплари гўё суврат.

Даврлар ўтиши билан манбадан-манбага кўчган шеър матнлари ўзгариб борганига шубҳа йўқ. Узоқ бормай Мунжик шеърларидан келтирилган парчаларни Умар Родуёний “Таржимон ул-балоға” ва Шамси Қайс Розий “ал-Мўъжам”да келтирилган мисоллар асосида

таққослашнинг ўзи кифоядир. Родуёнийда:

Ар ангубинлабий сухани талх мар чарост,  
В-ар ёсуманбарий ту, ба дил чун, ки оҳаний [4: 50].

Шамси Қайс Розийда:

Гар ангубинлабий сухани ту чарост талх,  
В-ар ёсуманбарий ту, ба дил чунак оҳаний [13: 282].

Мазмуни:

Баданинг гул монанд, дилинг тош - қаттиқ,  
Лабинг асал, нечун сўзларинг аччик.

Родуёнийда:

Моро жигар ба тири фироғи ту хаста шуд,  
Эй сабр, дар фироғи бутон нек жавшаний [4 :80].

Шамси Қайс Розийда:

Моро жигар ба тири фироғи ту хаста шуд,  
Эй сабр, дар фироғи бутон нек жавшаний [13: 304].

Мазмуни:

Жигарим ҳажр ўқидан бўлди пора,  
Эй сабр, фироққа совутсан – чора.

Қизиғи, юкоридаги байтлардан бири Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ал-балоға” асари (1437)да Рашидиддин Ватвотга нисбат берилади, бу ушбу байт:

Ар ангубинлабий, сухани ту чарост талх?  
В-ар ёсиманбарий, ту ба дил чунки оҳани [13:75].

Аммо байтнинг биринчи мисраси Шамс Қайсга, иккинчи мисраси Умар Родуёнийга монанд тарзда ўзгаришларга учраган. Зебихулло Сафо тадқиқотларида бу шеър матнида гоҳо ўзгаришлар борлиги кузатилади, чунончи,

Родуёнийда:

В-он жо, ки рўи туст, ҳамеша **бараҳманий** [4: 50],

Сафода:

В-он жо, ки рўи ту ҳама кишвар **ба равшаний** [6 : 425].

Ёки яна Мунжикнинг бошқа бир шеъри

Родуёнийда:

Мангар ба моҳ нураш **хира** шавад зи **мушк** [4 :50].

Сафода:

Мангар ба моҳ **тира** шавад зи **рашк** [6 :425].

Бу хил турличалик Мунжик қаламига мансуб бир қасидада ҳам кўзга ташланади, масалан

Авфийда:

Кужо **барояд** хайли ситорагани хаёл [3 :500].

Сафода:

Кужо **битобат** хайли ситарогони хаёл [6: 426].

Авфийда:

Ба **хома бар бинабиштам** бихори май хўрдам [3:501].

Сафода:

Ба **хона дар биншастам** ба жои май хўрдам [6 :426].

Айни шу қасидадан

Родуёнийда:

Ба гоҳи **шона** бар ў бар тазарв ҳоя **қунад** [4: 43].

Сафода:

Ба гоҳи **пўя** бар ў бар тазарв ҳоя **ниҳад** [6:427].

Родуёнийда:

Инони ў **бикашам** то **ҳижоби** он малике [4: 43].

Сафода:

Инони ў **накашам** то **жаноби** он малике [6:427].

“ал-Мўъжам”да Мунжикка тегишли бир тўртлик шеър борки, Шамси Қайс Розийгача ва ундан кейинги манбаларнинг бирортасида бу тўртлик учрамайди:

Гугирди сурх хост зи ман сабзи ман парер,

Имрўз агар наёфтаме, рўйзардаме.

Гуфтам, ки нек бувад, ки гугирди сурх хост,

Гар нони хожа хости аз ман, чи кардаме? [11: 300].

Мазмуни:

Мендан тунов кун гугурт истади гўзалим,

Бугун топмасам, рангим сариғдир.

Дедим: “Яхши гугурт сўраши,

Агар хожа нонин сўраса нима қилардим?”

Очиғи мурожаат қилган манбаларимиз орасида Родуёний “Таржимон ул-балоға”си хийла қадимий ва мўътабардир. Масалан, Мунжикка тааллуқли бир шеърнинг давомини “Таржимон ул-балоға” бўйича тикладик. Шеърнинг бошланмаси “Ашъори ҳамасро-ни Рўдакй»да:

Ҳама ҳар он-ч на озодагист пеша куний,  
Сари ту аз дари он аст, ки зери теша куний [1:353].

Мазмуни:

Одамейлик миннат қилинмас зинҳор,  
Бошинг мақомин тешадан қилма ор.

Худди шу шеърнинг давомий байти “Таржимон ул-балоға”да:

Якист рўйи бинам чунон ки мар харро,  
Ба гоҳи нохта бардоштан лавиша куний [4:48].

Мазмуни:

Ифлослар башараси ўхшар, айни–  
Эшак нохтасиву юганга ҳамкор.

Яна Мунжикнинг Тохир Чағоний мадҳидаги қасидасида мавжуд  
ушбу байт “Таржимон ул-балоға”дан бўлак манбаларда йўқ экан:

Мангар зи чашми муҳолиф ба боғи давлати хеш,  
Баланд сарв набинад, на навнишонда ниҳол [4:42].

Мазмуни:

Ғаним кўзи ила боқсанг бойлик боғига,  
Илғамассан, на сарву на ниҳолни.

3.Сафо ўз тадқиқотларида шу қасиданинг айтарлик тўлиқ матни  
(ўттиз етти байт)ни келтиради. Афтидан қасида матни бизгача  
нотугал етиб келган ва айни “Таржимон ул-балоға”даги ўша байт  
3. Сафода ҳам тушиб қолган. “Таржимон ул-балоға”даги бир китъа  
ва “ал-Мўъжам”даги гугурт ҳақидаги шеър матнлари “Ашъори  
ҳамасрони Рўдакий”га кирмай қолган.

Эронлик адабиётшунос олим Эҳсон Шаворибий Муқаддам ўз  
изланишларининг якуни сифатида Мунжик шеърларининг адашган  
муаллифлари ёки аксинча қуйидаги ҳодисаларни аниқлашга муяссар  
бўлди. Чунончи Мунжик шеърларининг адашиб шоирлардан  
Азракий, Дакикий, Қатрон, Юсуф Арузий, Фаррухий, Анварий,  
Сўзаний, Бусаид Хатирий, Оғочий, Ҳусайн Айлоқий, Абулмуъид  
кабилар номига ўтиб кетиши ёки аксинча Рудакий, Лабибий,  
Бадеъий Балхий, Шаҳид Балхий, Фаррухий, Манучеҳрий, Абуали  
Чочий шеърларининг Мунжик номига нисбат берилиши ҳодисалари  
шулар жумласидандир [8:120].

Кейинги изланишларимиз шуни кўрсатдики, “Фарҳанги забо-  
ни тожикий” (М.:1969.–952 с.)да бошқа манбаларда учрамайдиган  
Мунжикнинг ўн етти байти борлиги аниқланди. Башарти излани-



шлар шу усулда турли манбалар ўзаро чоғиштирилиб давом этирилса, Мунжик шеърларининг номаълум қисмларини топишга ёки тиклашга умид боғласа бўлади. Буларнинг бари ҳали XIII–XIV асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам Мунжик шеърляти шуҳратининг сўнмаганидан далолат беради. Ҳиндистонда Абдурахмон ар-Розий тартиб берган “Мажмуаи ашъори шуарои мутақаддимин”да Мунжикнинг икки қасидаси жой олгани воқеаси ҳам фикримизни тўқис исботлайди (тасдиқлайди).

### **МУҲАММАД АВФИЙ “ЛУБОБУ-Л-АЛБОБ”ДАН:**

Мунжик номи ила машҳур бўлган Абулҳасан Алимухаммад ат-Термизий. Мунжик шоирларнинг сеҳргарларидан бўлиб, шеърлари гўзал ва сўзлари асал, шеърларининг маънолари латиф, иборалари етук, мажоз ва рамзлари нодирдир. Шоир Мунжик жаҳонда бекиёс ва улуғликда комил Чағониён амир (Аллоҳ ўз раҳматига олган)ларининг мулозимларидан эди. Унинг куйидаги қасидаси Чағониён амири фозилларнинг фозили Абулмузаффар Тоҳир ибн ал-Фазл ибн Муҳаммад мадҳидадир. Шеър:

Маро зи дида гирифт офтоб хоби завол,  
Кужо барояд хайли ситарағони хаёл.  
Ба хома барбинабиштам бихори май хўрдам,  
Ба жом нолаи май, доғи дўст моллом,  
Ҳазордастон овоз дод, гуфт: “Чий буд,  
Маро зи шох фикандий, ба нола беш манол!”

Мазмуни:

Юлдузлар тўдасин тўплаб бу хаёл,  
Кўздан уйқуни офтоб қилди завол.  
Қаламда ёзиб, май денгизини ичиб,  
Жомда май ноласи, дўст доғи малол.  
Булбул нолиб хонишда: “Менга дерлар  
Шохдан тушгил, нола бас, энди йўқол!”

Ўша жойда яна айтади:

Худойгоно! Фархунда меҳргон омад,  
Зи боғ гашт ба тахвили офтоб аҳвол.  
Кужост он ки падар-ш оҳан асту модар санг,  
Адўи уду абиру жазои куфру залол.  
Саропардаи суҳбат кашу себу турунж,

Ба табли рехлат барзад гулу бунафша дувол.  
Би гўй, то бафурўзанду барфарозонанд,  
Бад-ў бисўзон дайро саҳифаи аъмол.  
Ба табъ, чун жигари ошиқон, таби фаву гарм.

Бар ранг, чун алами ковиён, хужаста ба фол.

Мазмуни:

Улуғ эгам! Муборак меҳргон келди,  
Қуёш боғаро сайр этар хушҳол.  
Қани темир отаси, тош онаси,  
Душман, уд()жазосидин тамом лол.  
Гул ила бинафша ноғора қоқар,  
Олма ва нокнинг суҳбати ажиб ҳол.  
Айтгил! Эй фалакни иситиб чунон,  
Ёндирсин дайни() қолмасин мулку мол!  
Тақдирдан ошиқлар жигари жўшиб,  
Ковийлар() байроғи гўё бахтли фол.  
От васфи ҳақида буни ҳам у айтган:  
Чий гуна аспе, к-аш моҳи нав бизебад наъл,  
Фалак на бас бувадаш зини карзораз ор.  
Ду гўшро бинихад чун ду барги вард, чунон-к,  
Забон бурун кунаду зинҳор хоҳад мор.  
Ба гоҳи рафтан ҳамчун чаҳор кавкаби саъд,  
Ду мебарояду ду мефурўшавад ҳамвар.

Мазмуни:

Бу не от, зебдир тақаси янги ой мисол,  
Жангда фалак келолмас бас, ҳоли танг.  
Атиргул баргидек икки қулоғи хилқат,  
Тилин қилса ташқари илондир хангу манг.  
Гар чопса тўрт порлоқ бахтли юлдузлар монанд,  
Иккиси чорлар, иккиси ботар ҳамоҳанг.

Бу ҳам уникадир:

Некў гули дурангро нигоҳ кун,  
Дурр аст зери ақиқи сада.  
Ё ошиқу маъшук рўзи хилват,  
Рухсори бар рухсора барниҳода.

Мазмуни:

Назар сол, гўзал, гул ранг-баранг,

Тиниқ ақиқ қошида дур сочар.  
Ё ошиқ-маъшук хилват кунида,  
Юз-юзга кўйиб, бир-бирин кучар [“ЛУБОБУ-Л-АЛБОБ”,  
кўрсатилган манба. –С.500–501].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ашъори ҳамасрони Рўдакий. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тожикистон, 1958. – 408 сах.
2. Девони Анварий. –Техрон: Нигоҳ, 1376. –744 сах.
3. Муҳаммад Авфий. Лубоб ул-албоб.–Техрон: Мумтоз, 1361. –1036 сах. (Қаранг: Мунжик С. 500–501).
4. Муҳаммад бинни Умар ар-Родиёний. Таржимон ул-балоға. Чопи дуввум. –Техрон: Асотир, 1362. –263 сах.
5. Осори Рўдакий.–Сталинобод: Нашрдавтож, 1958. –544 сах.
6. Сафо Зебихулло. Ториhi адабиёт дар Эрон. Жилди аввал. –Техрон: Амири Кабир, 1355. –721 сах.
7. Саъдиев Садрий. Сўзаний ва муҳити адабии Самарқанди асри XII. – Душанбе: Нашриёти “Дониш”, 1974. – 166 сах.
8. Термизий, Мунжик. Девон / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Рамазон Абдуллаев.– Тошкент: “Yangi nashr”, 2016. – 120 б.
9. Фарҳанги забони тожикий. Иборат аз ду жилд (аз асри X то ибтидои асри XX). Жилди 1. – Москва: Нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969.– 952 стр.
10. Фарҳанги забони тожикий. Иборат аз ду жилд (аз асри X то ибтидои асри XX). Жилди 2. – Москва: Нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969.– 952 стр.
11. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. – № 4. –Б. 78–92.
12. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. – № 6. – Б.71–89.
13. Шамси Қайс Розий. Ал-мўъжам.–Душанбе: Адиб, 1991. – 464 сах.

## ЧАҒОНИЁН ЗАМИНИ: ДАҚИҚИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (929 – 977)

**Бобоназар Муртазоев,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Бар садру ту ба лафзи Дақиқий кунам нисор.

Мазмуни:

Хукмронингга Дақиқий сўзларидан чочиқ сочаман.

Адиб Собир Термизий.

Абу Мансур Муҳаммад ибни Аҳмад Дақиқий нуфузи жиҳатидан форс-тожик мумтоз адабиётида буюк Рудақийдан кейинги иккинчи ўринда туради, ва бу баҳс аллақачон ўз исботини топган. Дақиқий ҳақида Беруний “ал-Осор ал-боқия”, Муҳаммад Авфий “Лубоб ул-албоб” (1221), Абдурахмон Жомий (1414–1492) “Баҳористон” [Душанбе: “Ирфон”, 1966], Лутф Алибек Озар (1711–1780) “Оташқада” (1760–1761) асарларида ва бошқаларнинг китобларида маълумотлар битиб қолдирилган. Беруний шоирни балхлик, Авфий туслик, Лутф Алибек самарқандлик дейди ва бу баҳслар кейинги асрларда ҳам давом этди ҳамда шоир гоҳ Бухородан, гоҳ Марвдан, гоҳ Хиротдан дейилади. Беруний бошқаларга нисбатан Дақиқий замонига яқин яшаган ва шоирнинг асли балхлик эканига заррача шубҳа қилмаса бўлади. Авфийнинг “Лубоб ул-албоб” тазкираси Дақиқий давридан 250 йил кейин яратилганига ҳам эътиборни жалб этмоқ лозим. Беруний шоирни Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий тарзида, Авфий эса ал-Устод Абумансур Муҳаммад бинни Аҳмад ад-Дақиқий ат-Тусий [1– С. 498] шаклида тилга олиб ўтади. Ҳар икки ҳолатда ҳам Муҳаммад ибн Аҳмад, яъни исми шариф бир хил, фақат куня (Абу Али ва Абу Мансур) лар ва таҳаллус (Балхий ва Дақиқий)лар турлича. Беруний тилга олган шоир Дақиқий экани В.В.Бартольд (1869–1930), Н.Осмонов, И.В.Брагинский, Б.Ф.Лившиц, Э.В.Ртвеладзелар тарафидан тасдиқланган. Зеро, “Шохнома”ни илк бор назм инжусига айлантирган шоир Дақиқийлиги ҳаммага маълум, демак Беруний эслатган шоир Дақиқийдан бўлак ҳеч ким эмас.

Энди Дақиқийнинг Абу Али ва Абу Мансур куняларига келсак,

шоир тахминан 950 йиллар Чағониёнга келади ва Абу Али Чағонийга мулозимлик қила бошлайди. Абу Али (955 йил) вафотидан сўнг ҳам Дақиқий Чағониёнда эди ва Абу Алининг ўғли Абу Мансур (952–976 йиллар) қошида хизматни давом эттиради. Агар Дақиқийнинг 970 йилгача Чағониёнда истикомат қилганлиги тахмин этилса, у холда шоир қарийб йигирма йил Чағонийлар хизматида бўлган. Ана шу узоқ йиллик кадрдонлик эвазига Дақиқий ўз ҳомийлари Абу Али Аҳмад Чағоний ва Абу Мансур Наср Чағоний (ота-бола) ларнинг кунясини ўзига куня тариқасида қабул (куня – тахаллус ва лақабдан фарқ) қилади. Қадимий манбаларда Дақиқийни Абу Али ибн Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад тарзида аталганини фараз қилсак, биринчи куня аста-секин тушиб қола бошлаган ва шоирни Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад деб аташ одатга айланади.

Авфий неғадир Абу Саид Музаффар Чағоний (910–930 йиллар ва Абу Бакр Муҳаммад Чағоний (930–939 йиллар)ни бир киши деб ўйлайди ҳамда Дақиқий қасидалари Чағониён амири Абу Саид Муҳаммад Музаффарга бағишланган дейди. Ваҳоланки, Абу Саиднинг исми Музаффар, Абу Бакрнинг исми Муҳаммаддир. Дақиқий қасидалари бўлса Абу Али ва Абу Мансурга бағишланган, тўғри, қасидаларга гоҳо Абу Саид ва Абу Бакр исмлари учрайди. Дақиқий қасидаларида Абу Али ва Абу Мансурни мадҳ этар экан, кези-кезида уларнинг буюк ажодлари Абу Саид ва Абу Бакрларга ҳам ишоралар қилиб ўтади. Бу эса қасиданавислик коидасига биноан ўзига хос лирик чекиниш бўлиб, табиийки, бу ҳол Абу Али ва Абу Мансурга хуш ёқар эди. Боиси Абу Алига Абу Бакр ота бўлса, Абу Саид бобо эди, Абу Мансур эса Абу Бакрга неvara ва Абу Саидга чевара эди. Айтилганидек, Дақиқий қасидаларида Абу Саид Музаффар тез-тез тилга олинади:

Қадам аст он ки гўй рўйи гетий,  
Бияфрузад ба Саъди Музаффар? [4–С.280].

Мазмуни:

Ким бўлсанг ҳам айт дунё юзи,  
Бу Саъди Музаффарга очилсин.

Дирафши мир Абу Саъд аст гўй,  
Фурузон аз сараш бар тож гавҳар [4–С.281].

Мазмуни:

Мир Абу Саъднинг байроғи хилпираб,  
Бошига гавҳардан тож зеб берсин.

Абу Саъд, он ки аз гетй бар ў барбаستا шуд дилхо,  
Музаффар, он ки шамшераш бибурд аз душманон парво  
[4–С.281].

Мазмуни:

Абу Саъд, дунёда диллар унга туташдир,  
Музаффар қиличи душманларга бермас омон.

Дақиқийнинг бир шеърини Абул Фатх ал-Бўстий деган шоир  
форсийдан араб тилига таржима қилган, мана ўша шеърнингфор-  
сча матни:

Ман ин жо дер мондам, хор гаштам,  
Азиз аз мондани доим шавад хор.  
Чу об андар шамар бисёр монад,  
Уфунат гирад аз ороми бисёр [11–С.88].

Энди шу шеърнинг арабча мазмуни билан танишайлик:

Мен узоқ тургандан лаънатландим,  
Бир жойда узоқ қолиш ҳурматли.  
Одамни ҳам лаънатга ботиради.  
Ахир бир жойда сув, кўлмак  
Кўп турса сувнинг ранги,  
Ҳиди ва таъми ўзгаради.

Дақиқий узоқ йиллар Чағониёндек гўзал воҳа бағрида яшади,  
шу заминда ижоди камол топди, доврўғи элга ёйилди, мухлислари  
кўпайди. Шоир турли шаҳарларни кезди, қадимий аждодлар та-  
рихини ўрганди, у Тус, Ҳирот, Самарқанд каби кўҳна шаҳарларда  
бўлади, тасаввурини бойитади, катта таассуротлар олади. Ниҳоят  
Бухорога борди, бу тахминан 970 йилга мос тушади, ўлкада бу  
пайтда Сомоний Мансур ибн Нух (962–976 йиллар) ҳукмрон эди.  
Ана шу тариқа Дақиқий ўз тақдирини, эндиликда мамлакат пой-  
тахти Бухоро билан боғлади ва бу ердаги фозилу фузалолар, олиму  
донишмандлар, шоиру адиблар ила танишди, сарой аҳли орасида  
обрў-эътибор қозонди. Дақиқийнинг шоирликдаги истеъдоди, қа-  
димий тарихни яхши билиши тез орада унинг адабий доирадаги  
нуфузини оширгандан оширди.

Мансур ибн Нух вафоти (976 йил) дан сўнг тахт тепасига унинг ўғли Нух ибн Мансур (976–977) келади. Нух ибн Мансур шоир Дақиқийни илгаридан яхши билар эди, шунинг учун ҳеч иккиланмай шоирга насрий “Шоҳнома”ни шеърга солишдек масъулиятли вазифани бажаришга фармони олий беради. Бу Дақиқий истеъдодига, унинг билим ва савиясига юксак ишонч бўлиши баробарида, шоир ғанимларининг аламига сабабчи ҳам бўлди. Дақиқий бир шеърхонлик базми кечаси ўз уйида нокас кули томонидан пичоклаб ўлдирилади, бу пайтга келиб шоир “Шоҳнома”нинг минг уч байтини ёзган эди. Шу минг уч байт “Шоҳнома” туркумига кирувчи “Гуштоспнома”нинг назми бўлиб, уни Фирдавсий (934–1020) мутлақ ўзгаришсиз ўз “Шоҳнома”си таркибига илова этади. Оқибатда Дақиқий қаламига мансуб бир минг уч байтли “Гуштоспнома” бизнинг давримизгача безавол етиб келган. Дақиқий мабодо тугалланмай қолган “Гуштоспнома”ни 976 йили ёза бошлаган бўлса, унга шу минг уч байтни ёзиш учун кўп фурсат шарт эмас эди. Демак шоир вафоти 977 йилга тўғри келади, буни Фирдавсий “Шоҳнома”сининг 980 йилда ёзила бошлагани ва “Шоҳнома”нинг дебоча қисмида Дақиқий марҳум сифатида эслатилиши ҳам тўқис исботлайди. Шу муносабат билан Дақиқий таваллуд санаси ҳам анча равшанлашиб қолади, башарти у йигирма ёшлар (яъни 950 йил)да Чағониёнга ташриф буюрган бўлсак, демак шоир 930 йилда дунёга келган дейиш мумкин.

Дақиқий шеърятти ўзининг ошиқона мазмуни, ҳикматона талқини ва маънавий моҳияти билан кишилар қалбини хануз забт этиб келади. Шоир шеърларида пайғамбар Зардушт номи кўп учрайди, умуман, оташпарастлик ақидалари мавзуига мурожаат этишлар, шоирни Зардуштий мазҳабига эътиқод қилувчи ёки оташпараст дейишга асос бўлмайди. Аммо Дақиқий комил бир мусулмон сифатида ўтмишни англашга интиланган шоирдир, холос. Дақиқий шеъряттида файласуфона ғоялар, ҳикматга айланиб кетган таъбирлар жуда кўп:

Гўянд сабр кун, ки туро сабр бардиҳад,  
Оре, диҳат ва лек бўи хуни жигар диҳат.  
Ман умри хешро ба сабури гузаштам,  
Умри дигар бибояд, то сабр бар диҳад [4–С.289].

Мазмуни:

Дерлар сабр қил, сабрдан мурод ҳосил,  
Бу рост, лек у жигарни айлар сил.  
Ўтди сабрда умрим, бошқа умр бер –  
Шояд ўшанда сабр берса ҳосил...

Дақиқийнинг “Гуштоспнома” достони Балхда Лухросп шоҳнинг ўғли Гуштоспга тахтни топшириши воқеалари билан бошланади. Достон дебчасида, шунингдек, Гуштоспнинг Рум қайсари кизи Нохидга уйланиши, ундан Исфандиёр ва Башутан исмли ўғилларнинг туғилиши гапирилади. Шундан сўнг Балхга Зардуштнинг келиши ва унинг динини шоҳ Гуштосп қабул қилиши ҳикоя этилади. Шу тариқа шоҳ Гуштосп ва шоҳ Аржосп ўртасида мазҳаб борасида нифокнинг пайдо болиши, икки ўртада рўй берган жанг оқиба-тида бегуноҳ кишиларнинг ҳалокати тасвирланади. Эрон ва Турон жангининг охири кўринмайди, жанг майдони мажруҳ ва ўликлар билан лиммо-лим, атроф рутубатли, чанг-тўзон, гард-гурд борлиқ-ни ўраган, дашти-чўл батамом лола рангли қонга безанган:

Заминхо пур аз куштаву хаста буд,  
Раҳи бодро гард барбаста буд.  
Дару даштҳо шуд ҳам лолагун,  
Ба дашту биёбон ҳам рафта хун [20–С.124].

Дақиқий “Гуштоспнома”си 24 (йигирма тўрт) бобдан иборат ва унинг тугалланмай қолганини айтдик, шоирнинг бехос ўлими бу хайрли ишни тўхтатиб қўйган эди. Фирдавсий салфи Дақиқий “Гуштоспнома”сига тўққиз боб қўшиб дostonни охирига етказди ва уни юқорида эслатганимиздек, ўз “Шоҳнома”си таркибига илова қилади. Дақиқий бадиий ижоднинг турли шаклларида ижод этди, унинг ижод бисотига тааллуқли қасидалардан парчалар, ошиқона ғазаллардан намуналар, қитъаларидан айрим байтлар, шеърларидан баъзи пароканда мисралар, тугалланмай қолган “Гуштоспнома” ва бошқалар бизгача етиб келган. Масалан, “Торихи Маъсудий” (гоҳо асар муаллиф номи билан “Торихи Байҳақий” шаклида ҳам аталади) асарининг муаллифи Абулфайз Байҳақий (996–1077 йиллар) кўп ўринларда ўз фикр-ўйлари якуни сифатида Дақиқий шеърятидан мисоллар келтиради. Бу ҳодиса биринчидан, XII асрнинг 2-ярмида ҳам ҳали Дақиқий шеърятининг кучи, қуввати мавжуд экани ва шеърятининг шухрати сўнмаганлигини тасдиқлайди. Иккинчидан,



баъзи масалаларда аниқлик киритишда ҳам бу ҳодисалар қўл келиши мумкин, боиси Дақиқийдан келтирилган бир парчада ғалати нарсага дуч келамиз:

Дареғо мир Бу Насро дареғо!  
Ки бас шодй надидй аз жавонй  
Валекин родмардони жаҳондор,  
Чунин бошанд кўтаҳзиндагонй [15–С.288–289].

Мазмуни:

Водариғ, Мир Бу Наср дариғ–афсус,  
У ёшлигидан кўрмади шодлик.  
Жаҳон эгаси, раҳўдил, шуҳратли –  
Кишилар умри шу хилда ўтади.

Ана шу мисралар Байҳақий қайд этганидек, Фаррухзода исмли шахзода ўлимига дахли йўқ, балки Дақиқийнинг бу шеъри, яъни марсияси, аниқроғи, Абу Наср деган шахзодага бағишланган. Дақиқий тилга олган Бу Наср аслида Абдумалик (954–961)нинг ўлимидан сўнг унинг ўрнига Алп Тегин (вафоти 963 йил)нинг катъий талаби туфайли тахтга ўтказилади. Хулоса, Бу Наср амир Абдумаликнинг ўғли, у тахтга чиққанида ҳали жуда ёш эди, шундан Бу Насрнинг тахтга чиқишига қатор лашкарбошилар қарши эди. Оқибатда Бу Наср атиги бир кун шоҳлик қилади, у ғанимлар томонидан ўша кечаси ўлдирилади, тахтга бўлса, Абдумаликнинг укаси Мансур ибн Нуҳ Сомоний ўтиради. Энди манзара аниқ, Дақиқийнинг бу шеъри марсия ҳам эмас, қасида ҳам эмас экан, балки ҳажвий шеър бўлиб, унда кесатик, пичинг анча устун туради. Юқорида зикр этилган тўртликка ўз вақтида В.В.Бартолд [6–С.406] ва З.Сафолар муносабат изҳор этишган эдилар, чунончи В.В.Бартолд айни Бу Насрни Абдумаликнинг ўғли деса, З.Сафо нечундир уни Абу Алининг ўғли Абу Мансур Наср (хукмронлиги 952–976 йиллар) билан адаштиради [“...Ва ин мир Бу Наср, амир Абу Наср бинни Абу Али Аҳмад Чағоний аст”. Тарихи адабиёт дар Ийрон. Жилди аввал. Чопи панжум.– Техрон: Интишороти Амири Кабир, 1355.–С.412].

Дақиқийни машҳур шоир дедик, дарҳақиқат, унинг форс-тожик мумтоз адабиётида ўз мақоми ва ўз мавқеи бор, шундан ЮНЕСКОнинг махсус қарори билан 1978 йили шоирнинг 1000 йиллик тўйи тантаналари жаҳон жамоатчилиги тарафидан қизгин нишон-

ланди. Эронда шоир ижодиёти тадқиқоти ва таҳлилига бағишланган муҳим илмий-назарий анжуман ўтказилди ҳамда “Китоби ёдномаи Дақиқийи Тусӣ” номли улкан илмий тўплам чоп этилди. Бу ҳодисалар, ҳақиқатан, шоир Дақиқийга қилинган юксак эъзоз, эҳтиром, эътиқод ва эътироф намоишидир. Лекин шоир Дақиқий асли Балх шаҳридан эканлиги аллақачон исботини топган ҳолда нечундир Эрон олимлари уни қатъий туриб, Тус шаҳридан деб эълон қилишлари бир қадар фанга зид ҳодисадир.

## **ДАҚИҚИЙНИНГ ТАВАЛЛУД ВА ВАФОТИ САНАЛАРИ ҲАҚИДА**

Дақиқийнинг туғилган йили бўйича зиддиятли қарашлар мавжуд, олимлар аксар вақт шошилишча хулосадан нарига ўтмайди. Жумладан, Б.Ф.Лившиц шоир таваллудини 939–940, К.Юар ва А.Массе 930–940, Э.В.Ртвеладзе 929–932 [17–С.177], Х.Мирзозода 937 [14–С.23], М.Ибрагимов 929–930 [14–С.235], А.Абдуллаев 956 [2–С.77] йилларни кўрсатади. Шарқшунослардан В.В.Бартольд [6], Е.Э.Бертельс [7–С.15–16], А.М.Мирзоев [13–С.56] ва бошқалар шоир туғилган санасини нечундир четлаб ўтишади. Шунингдек, Н.Риттер ва Э.Браун [17–.177]лар айтарлик бир хил нуқтаи-назарни илгари суради, бири Дақиқийни Абу Бакрга атаб қасида битган дейди. Олимлардан М.Қазвиний [17–С.177], З.Сафо (18–С.411), Е.Э.Бертельс [7–С.177], Шибли Нуъманий [21–С.37] лар Дақиқийни амир Абул Музаффар Чағоний саройида яшаганини айтади, бу нотўғри талқин ўз вақтида академик Э.В.Ртвеладзе [17–С.178] томонидан инкор этилган эди. Абул Музаффар исмининг ўз бобоси Абу Саид Музаффар билан ўхшашлиги боис шу хилдаги чалкаш фараз вужудга келган эди. Аслида Абул Музаффар шоирлардан Фаррухий (980–1037) ва Лабибийга ҳомийлик қилган, яна Мунжик ва Бадеъий ҳам унинг мулозимлари эди, юқоридаги шоирларнинг Абул Музаффар мадҳида қасидалари бор. Шу сингари Хусайн Озод [12–С.231], Х.Мирзозода [14–С.47], Ш.Нуъманий [“Абул Музаффар Чағоний он вақт аз тарафи Султон Маҳмуд ҳоқими Балх буд” 21–С.57]лар хато равишда Абул Музаффарни Балх амири деб кўрсатишади, бу чалкаш манба аниқланган эмас, зеро ўша пайтлар Балх Чағониёнга тобе эди. Абул Музаффаргача Чағониённи

Тоҳир Чағоний (вафоти 922 йил) бошқарган, Тоҳир истеъдодли шоир ҳам эди, айти пайтда бадиий таржима билан шуғулланган асосан, арабчадан форсийга таржималар қилган. Тоҳир саройида шоирлардан Мунжик ва Бадъий яшаган, уларнинг Тоҳирга атаб қасидалар ёзганини биламиз. Мунжик амир Абул Музаффарга бағишланган қасидасида Тоҳирни марҳум сифатида хотирилайди, демак фаолиятини Тоҳир даврида бошлаган Мунжик ва Бадъий Тоҳир ўлимидан кейин Абул Музаффар саройида қолган. Абул Музаффар ҳукмронлигининг кейинги йиллари Чағониёнга Фаррухий ва Лабибийлар ташриф буюришади. Фаррухий ва Лабибийлар ўз ижодининг кейинги даврини Маҳмуд Ғазнавий (ҳукмронлиги 988–1030 йиллар) саройи (Ғазна)да давом эттиришади. Шибли Нуъманий манбага ишора этмасдан, Мунжикни ҳам Маҳмуд саройи Ғазнада бўлганини таъкидлайди, аммо бу фаразни ҳали исботлаш керак [21–С.75]. Х.Мирзозода ҳатто Абул Музаффарни Тоҳир билан адаштиради, уларни бир одам деб ўйлайди, бошқа бир олим А.Абдуллаев бўлса Дақиқий ва Мунжиклар дўст бўлган дейди [2–С.79] ваҳоланки, улар Чағониёнда турли даврларда яшаган ва ўзаро учрашмаган ҳам. Биламизки, Мунжик Чағониёнга Тоҳир замонида келган (989–992 йиллар), бу вақтда Дақиқий аллақачон вафот этиб кетган эди.

Дақиқий вафоти йили бўйича ушбу саналар кўрсатилади: 962 [12–С.231], 967–969 [11–С.139–140], 976 [7–С.15–1], 977 [5–С.7], 977–988 [9–С.487], 977 [14–С.23], 978 [22Хусайнзода–С.69], 979–989 [17–С.177], 980 [Бируни 8–С.77–80][, 997 [24–С.98–99]. В.А.Лившиц [17–С 177]нинг фикрича шоир 40–45 ёшлар чамаси ўлдирилган, Э.В.Ртвеладзе [17–С.178] шоирни 50 ёшларда пичоклаб ўлдиришган деса, М.Мухсин [12–С.178] шоирни вафоти даврини 30 ёшдан излайди. Кўринадики, Дақиқийнинг туғилган ва ўлдирилган йиллари ҳақида олимларнинг фикрлари турлича ва зиддиятли. Дақиқий ўлими йилини Фирдавсий (934–1020 йиллар) кўмагида аниқлаш мумкин, сабаби, ”Шоҳнома” 980 йилда ёзила бошлаган ва дебоcha Дақиқий марҳум деб эсланади. Дақиқий Сомоний ҳукмдор Нух ибн Мансур (ҳукмронлиги 976–997 йиллар) топшириғига кўра “Шоҳнома” туркумидан “Гуштоспнома”ни назмга сола бошлайди. Аммо “Гуштоспнома”нинг бир минг уч байти тугаллангач, шоир бир базм кечаси ўз кули томонидан пичоклаб ўлдирилади. Фирдавсий

“Шоҳнома”си ёзила бошлаган ва Нух ибн Мансур хукмронлигининг илк кезлари 977-980 йилларга тўғри келади. Дақиқий амир Нухнинг отаси Мансур ибн Нух (962–976 йиллар) замонидан буён Бухорода эди, демак Нух аслида Дақиқий истеъдодини олдиндан сезган ва тахтга чиққан 976 йилдаёқ ҳеч иккиланмай “Шоҳнома” назмини шоирга буюради. Энди баралла айтиш мумкинки, Дақиқий 977–978 йиллар ўлдирилган экан, эндиги масала шоирнинг туғилган йилини аниқлаш қолади, зеро бу ҳам осон ишлардан эмаслиги аён. Э.В.Ртвеладзе [17–С.178]нинг ёзишича, В.В.Бартольд (6–С.405) тадқиқотларда айтилганки, Дақиқий ўз хукмрони кунясини олган экан. Абу Райҳон Беруний [8–С.124] шоирни Абу Али деб эслатади, худди шундай куняга Чағониён амири Абу Али Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар ибн Мухтож Чағоний (қисқача Абу Али Чағоний) ҳам эга эди. Дақиқийнинг Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий атамасини изоҳласак, Абу Али куня, Муҳаммад исми, Аҳмад отаси, Балхий–Балхдан демак, Дақиқий – адабий тахаллусидир. Аммо кейинги аср манбаларида шоир кўпроқ Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий тарзида тилга олинади. Аён бўладики, Дақиқий бира тўла ўзига Абу Алининг ўғли Абу Мансур кунясини ҳам олган экан, биламизки, Абу Али (939–953 йиллар) дан сўнг Чағониённи Абу Мансур (хукмронлиги 952–976 йиллар) бошқарган. Дақиқийнинг, умуман, Чағониёнга келиши Абу Али хукмронлигининг сўнгги йиллари, яъни 950 йилга мос тушади. Ана шу тариқа шоирнинг таваллуд йили аниқ бўлади, башарти Дақиқий ўша пайтлар йигирма яшар йигит бўлса, унда шоир 929–930 йилларда туғилган бўлиб чиқади.

## ДАҚИҚИЙ ВА ФИРДАВСИЙ

Дақиқий ҳақида илк маълумотлар Фирдавсий “Шоҳнома”сида учрайди, ”Шоҳнома” дебчасида у эъзоз ва эҳтиром билан тилга олинади. ”Шоҳнома” “Оғози китоб” (“Китоб бошланиши”) сарлавҳаси ила ибтидо топади, кейин оламнинг, одамнинг, офтобнинг, ойнинг яратилиши ҳамда пайғамбар ва унинг чориёрлари мадҳи боблари келади. ”Шоҳнома”нинг яратилиши ҳақидаги бобдан сўнг “Достони Дақиқий шоир” (“Шоир Дақиқий достони”) номли боб бошланади. Бу бобда Фирдавсий салафи Дақиқий борасида маълум

миқдорда сўз юритади ва шоирнинг ҳаёт йўли хусусида озрок тасаввур олишга имкон туғилади. Дақиқийга бағишланган боб ўн байтли бўлиб, бошланғич байти ушбу хилдадир:

Чу аз дафтар ин дostonхо бaсе,  
Ҳaме хонд хонaнда бaр ҳaр кaсе [19–С.37]

Мазмуни:

Тaрих китоблaрин титкилaб бaрин,  
Ўқиди ҳaммaсини бaрин-бaрин

(Фирдaвсий ишлaтгaн дaфтар-хужжaт, тaрих вa дoston-ривoят, нaқл мaънолaрини бeрaди).

Эътибор берилса, Дaқиқий ўз “Шoҳнoмa”сини ёзишдaн aввaл унгa тaллукли жaми тaрих китоблaрини, aфсoнa вa ривoятлaр тўплaмини, нaсрий “Шoҳнoмa”ни бaтaфсил тaҳсил вa тaҳлил килaди, ҳaтто кимнинг қўлидa шoҳлaр тaрихигa oид китоблaр бўлсa ҳaммaсини ўқиб-ўргaниб чиқaди. Бу хил зaҳмaтлaр, aлбaтгa, Фирдaвсийнинг ҳaм бoшидaн ўтгaн эди, бoиси Фирдaвсий “Шoҳнoмa”ни битиш учун оз эмaс, кўп эмaс ўттиз йиллик умрини бaхшидa этди. Фирдaвсий ўтмишдoши Дaқиқийни “Шoҳнoмa” устидa иш бoшлaгaндa ҳaли ёш эди дeгaн бир ишорaни бeрaди.

Жaвoнe биёмaд кушoдa зaбoн,  
Сухaн гуфтaни хубу рaвшaн рaвoн [19–С.37]

Мазмуни:

Ёш йигит пaйдo бўлди бир зaмoн,  
Сўз aйтди яхши, рaвшaну рaвoн.

Дaқиқий “Гуштoспнoмa”сининг 976–977 йиллaр oрaлиғи ёзилгaнини ҳисoбгa oлсaк, у пaйтлaр шoир 46–47 ёшлaрдa бўлгaн. Лeкин Дaқиқий ўз “Шoҳнoмa”си устидa ишни aнчa илгaри бoшлaгaн, буни Фирдaвсий сўзлaри ҳaм тaсдиқлaйди қoлaвeрсa, “Шoҳнoмa”-дeк aсарни нaзмдa бунёд этиш учун биргинa шoирлик истeъдoдининг ўзи кифoя қилмaслиғи тушунaрли ҳoлдир. Бунинг учун тaғин кўхнa тaрихни oбдoн яхши билиш тaқoзo этилaр эди, шундaн Дaқиқий ҳaм мaълум тaрaддуд ҳис eтaди вa тaлaй мaнбaлaрни кўздaн кeчирaди. Бу қaрийб 20 йиллик дaврни ўз ичигa oлaди, дeмaк Дaқиқий “Шoҳнoмa” ёзиш учун, унинг устигa ишлaшни 26–27 ёшлaрдa бoшлaгaн бўлиб чиқaди. Дaқиқийнинг 962 йили Тусдa қaтoр дostonсaрo (бaхши)лaр жaмлигидa тaртиб берилгaн нaсрий “Шoҳнoмa”нинг яратилишигa иштирoки бoрлигини тaҳмин қилиш

мумкин.

Фирдавсий афтидан, Дақиқийнинг бутун феъл-атвориғача ўрганган кўринади, чунки Фирдавсий ҳатто Дақиқийнинг ёшлигида шўх йигит эканини, шунинг учун доимо панд егани ҳақида гапирди:

Жавонишро хўйи бад ёр буд,  
Або бад ҳамеша ба пайкор буд [19–С.37].

Мазмуни:

Ёшлигида ёмон одат унга ёр эди,  
Шу боис у ўққа доим нишондор эди.

Ана шу шўхлик унда кўп азиятлар келтиради, дунёда бирон кун рўшнолик кўрмай ўтгани етмагандек, ширин жонини ҳам барбод қилади:

Бад он хўйи бад жони ширин бидод,  
Набуд аз жаҳон дил-ш як рўз шод [19–С.37].

Мазмуни:

Дунёда бир кун ҳам бўлмайд шодон,  
Ёмон феъли сабаб берди ширин жон.

Фирдавсий аниқ далилларга таянган чоғи, сабаби Дақиқий ҳақида кейинги сарчашмаларда бу хил хабарлар учрамайди ва қисқаси Фирдавсийдан кейинги ахборотлар асосан мактову олқишдан нарига ўтмайди. Фирдавсий “Шоҳнома” учун ашёлар тўплар экан, бутун бошли Хуросон ва Мовароуннаҳр тупроғини кезиб чиқади. Дақиқий умрининг маълум даврини Бухорода ўтказди, Фирдавсий ҳам ўз сафари пайтида Бухорода бўлган экан. Фирдавсий ана шу Бухорода бўлган кезлари Дақиқий ҳаёти ва ижодиёти билан қизиқади, у ҳақида маълумотларини жамлайди ҳамда тугалланмай қолган “Гуштоспнома”нинг матнини қўлга киритганини гумон қилиш мумкин. Фирдавсий шўх йигит деб таъриф берган Дақиқий хусусидаги далилларни, асосан, ўша даврда Бухорода яшаган ва Дақиқийни яхши таниган, билган шоиру фозиллардан олган бўлиши эҳтимол.

Яко-як аз ў бахт баргашта шуд,  
Ба дасти яке банда – бар кушта шуд [19–С.38]

Мазмуни:

Ундан юз ўгирди бахт бирин-кетин,  
Ва топди ўз қулин қўлидан ўлим.

Булар бежиз айтилмаган, Дақиқий кўхна тарихни бошқалардан кўра яхши билган, бу соҳада тенгсизлиги тан олинган ва насрий “Шоҳнома”ни назмга солишдек бахт унинг чекига тушган эди. Бу ўз навбатида Дақиқийнинг шоирлик эътирофи бўлса, иккинчи бир томондан шоир душманларининг хуружига замин ҳозирлаган эди. Агар Фирдавсий сўзларига ишонсак, Дақиқий шўхлиги, демак унинг, яъни Дақиқийнинг атрофдаги айрим шоирларни писанд қилмаслигига йўйиш бизга макбулрокдек туюлади. Ёки Фирдавсий айтган Дақиқийнинг ёшликдаги шўх феъли борлигини Дақиқий томонидан ўз қулига қилинган тегажоглик билан изоҳлаш мумкин. Дақиқий ўз хонадонида ўтган бир шеърхонлик базми кечаси севимли қули (у ёшгина турк болакайи бўлган) наздида гўё ўша қулга хиёнат (бошқа қулбаччага бежолик) қилади, ана шу туфайли рашк ўтида ёнган турк қулбачча кайф қилиб, ухлаб қолган шоирни пичоқ (чавок)лаб ўлдиради.

Оқибатда:

Бирафати уву ин нома ногуфта монд,  
Чунон бахти бедори у хуфта монд [19–С.38].

Мазмуни:

У кетди, қолди айтилмай бу нома,  
Сўнди бахти, у бўлиб шўр пешона –

деган Фирдавсий кўп ҳодисаларга сирли ишоралар изхор этади ва Дақиқий ўлимининг сабабларини китобхонга лўнда қилиб тушунтиришга интилади. Дақиқий ўз ажали билан ўлмаган, унинг ўлдирилгани нақд бўлганидек, бу машъум ўлимда шоир ғанимларининг ҳам озми-кўпми қўли борлиги бир оз англашилади.

Фирдавсий ўн байтдан ташкил топган Дақиқий тўғрисидаги фикр-ўйларни шу билан чегаралаб қўймайди, балки уни “Шоҳнома”нинг “Гуштосп шоҳлиги” қисмида яна давом эттириб, шоирни такрор хотирлайди ва у ҳақда ўз андишаларини баён этади. “Шоҳнома”нинг “Подшоҳии Густосп” (“Гуштосп подшоҳлиги”) бўлими “Ба хоб дидани Фирдавсий Дақиқийро” (“Фирдавсийнинг Дақиқийни тушида кўриши”) фасли ила ибтидо топади ва Фирдавсий тушида Дақиқий билан учрашиб суҳбатлашади. Дақиқий “Шоҳнома”дек масъул ишга бел боғлаган Фирдавсийга офаринлар айтади, унинг бу борадаги куйинчаклигини олқишлайди, барча манбаларни топиб, катта тарихни жам қилганини улуғлайди:

Бад-ин нома арчанд биштофтй,  
Кунун хар чи жустй, ҳама ёфтй [20–С.80]

Мазмуни:

Бу номани ёзмоққа қилиб ҳаракат,  
Жами излаганинг топдинг оқибат.

Дақиқий ўз сўзида давом этиб яна айтадики:  
Аз ин бора ман пеш гуфтам сухун,  
Агар боз ёбй, бахили макун [20–С.80].

Мазмуни:

Бу борада мен сўз айтдим аввал,  
Бахил бўлма, қилмагин таваккал.

Англашиладики, Дақиқий ўзини биринчи “Шоҳнома” ёзган шоир сифатида намоён этмоқда, зеро, бу сўзларни, аслида Дақиқий тилидан Фирдавсининг айнан ўзи сўзламоқда. Демак Фирдавсий уни – Дақиқийни шахсан тан олиб эътироф этмоқда, ушбу эътироф мутлақ ҳақиқатдир.

Зи Гуштоспу Аржосп байте ҳазор,  
Бигуфтам, саромад маро рўзгор [20–С.81].

Мазмуни:

Айтдим минг байт Гуштоспу Аржосп ҳақида,  
Вафо қолмади менга олам мулкида.

Дақиқий юқоридаги байтлар билан ўзи битган минг байтли Гуштосп ва Аржосп ўртасидаги жангни ифодайди (тугамай чала қол)ган дostonга шама қилмоқда. Хуллас Фирдавсий ўз салафи Дақиқийнинг ўтинч ва ўкинчларини эътиборсиз қолдирмайди, яъни Дақиқий “Гуштоспнома”сининг мавжуд қисми (24 боб)ни “Шоҳнома” таркибига сингдириб юборади ва ўзидан 7 боб қўшиб, уни тамомлайди. Аслида Фирдавсий кўшган боблар сони 9 (тўққиз) боб бўлиб ундан, яъни икки бобдан бири Дақиқийни тушида кўрган боби бўлса, иккинчиси: “Анжом шудани гуфтори Дақиқий ва боз омадани Фирдавсий ва гуфтори худ ва ситойиши шоҳ Маҳмуд ва накуҳиши сухани Дақиқий” тарзида номланади. Унинг мазмуни қуйидагича “Дақиқий сўзининг тугаши ва Фирдавсийнинг майдонга кириши ва шоҳ Маҳмуд мадҳида сўз айтиши ва Дақиқий сўзларини давом эттириши”. Ушбу ўттиз байтли бобда сўз Дақиқий ва султон Маҳмуд Ғазнавий хусусида кетади ҳамда



Дақиқий нечундир қаттиқ танқид остига олинади. Фирдавсийнинг Дақиқий тўғрисидаги танқидий фикрларига турлича муносабат изҳор этилади, бирлари Дақиқий шеърятига хос тарихий сўзлардан, айримлари Дақиқийга мос ноарабий сўзларни қўллаш усулидан, Фирдавсий замонага келиб арабий калималарнинг кўпайиши билан боғлиқ ҳодисалардан излайдилар.

Энди бевосита Фирдавсий танқидининг ўзига келсак, яъни Фирдавсий ўтмишдоши Дақиқийни нималарда айблайти ва бу билан айнан Фирдавсий нима муддаони англамоқчи:

Дақиқий расонид инжо сухун,

Замона баровард умраш ба бун [20–С.163].

Мазмуни:

Шу ерга етгач Дақиқий сўзи,

Замона дастидан узилди ўзи.

Шундан сўнг:

Ба гетй намодаст аз у ёдгор,

Магар ин суханҳои нопадор [20–С.163].

Мазмуни:

Шу сўзлардан ўзга бир миқдор,

Жаҳонда қолмади ундан ёдгор –

деган Фирдавсий негадир Дақиқий сўларини бетаъсир, асоссизлиги ҳақида даъво қилади ва бунинг сабаблари нимада эканига шарҳ бермайди. Аммо шунга қарамай, Фирдавсий танқидни янада жиддийроқ тус олдиради ва Дақиқийни ўта пастга уради:

Нигоҳ кардам ин назму сушт омадам,

Басе байт нотандуруст омадам [20–С.163].

Мазмуни:

Қарасам бу назм менга сушт кўринди,

Тамом байтлари нодуруст кўринди.

Ҳатто Фирдавсий бир ўринда Дақиқийга қарата сўзнинг додини беришини мендан ўрган дейишгача бориб етади;

Зи Фирдавсий акнун сухан ёд гир,

Суханҳои покизаву дилпазир [20–С.163].

Мазмуни:

Покиза сўзлар дилга ёқишни,

Фирдавсийдан ўрган сўз айтишни.

Бир қарашда Фирдавсийнинг бу сўзлари ғалати туюлади, чунки

Фирдавсийга Дақиқийни бу қадар, бунчалик ёмон отлиққа чиқариш нечун керак бўлди экан? Бу ҳам етмаганидек, Фирдавсий бечора Дақиқийни тагин шохларнинг маддохи, амалдорларнинг мақтовчиси, Дақиқийни ана ўша амалдорларнинг садақаси эвазига яшовчи бир шоир сифатида қаттиқ танқид қилиб, шунинг учун ҳам Дақиқий сўзларининг таъсири сушт эди, дейишгача бориб етади:

Ҳама ёфт аз мектарон аржу ганж,  
Зи хўи бади хеш будиш ранж.  
Ситоянди Шаҳриёрон будй,  
Ба мадҳ афсари номдорон будй.  
Ба назм андарун сушт гашташ сухан,  
Аз ў нав нашуд рўзгори куҳан [20–С.164].

Мазмуни:

Улуғлар мақтовидан топса-да ганж.  
Аммо феъли ёмонидан топди ранж.  
Шаҳриёрларнинг маддохи эдинг,  
Номдорларнинг ҳамроҳи эдинг.  
Чиндан бўлди сўзи сушткашлик тенги,  
Эски дунё бундан бўлмас янги.

Хуллас, Фирдавсий танқиди гоҳо аччиқ-тизиқ аломатларга бўялиб боради ва танқид янада чуқурлашиб, Дақиқий шеърятини айтарлик барбод этилади. Бу танқид ва унга муносабат масаласига илк дафъа забардаст ҳинд олими Шибли Нуъмунӣ (1857–1914) томонидан эътибор тортилган эди (21–С.37–42). Шибли Нуъмунӣ узок бормай, Фирдавсий ва Дақиқий шеърятини ўзаро таққослайди ҳамда солиштиради, шу асосда ўз хулосаларини ўртоқлашади. Шибли Нуъмунӣ шоир Дақиқий шеърятини кузатар экан ўз фикрларини мисоллар воситасида исботлашга ўтади, биз ҳам шу йўлдан бориб, мисолларга мурожаат этамиз:

Сипоҳе биёмад бар даргоҳи шох,  
Ки чандон набуд бар замин гиёҳ [20–С.104].

Мазмуни:

Шоҳ тўплади, чунон лашкару сипоҳ.  
Ундан оз эди ҳатто ердаги гиёҳ,

XXX

Чунон хун ҳаме рафт бар куҳу дашт,  
К-аз он осиёҳо ба хун дар бигашт [20–С.140].

Мазмуни:

Тоғу тошни қон сели босди беомон,  
Қон шиддатидан ишга тушар тегирмон.

XXX

Зи торикии гарду аспу сипох,  
Касе рўзи равшан надиду на мох, [20–С.105].

Мазмуни:

Чангу гард жангда сипоҳу от иши,  
Кечани кундуздан фарқламас киши.

XXX

Ту дони, ки хашми падар бар писар,  
Беҳ аз хуб меҳри писар бар падар [20–С.155].

Мазмуни:

Боланинг отага меҳридан, бироқ –  
Отанинг болага қаҳри яхшироқ.

Башарти, Фирдавсийниг Дақиқийга, унинг “Туштоспнома” асарига муносабати масаласини яқунлайдиган бўлсак, қуйидагича хулоса яшашга тўғри келади. Фирдавсийга Дақиқий “Туштоспнома”сининг услуб жиҳатлари бироз хуш ёкмаган кўринади. Дақиқийнинг ноарабий ёки арабий сўзлар ишлатилиши масаланинг туб моҳиятини у қадар белгилай олмайди. Шибли Нуъмоний тўғри таъкидлаганидек, Дақиқий санъаткорлиги Фирдавсий маҳоратидан заррача паст эмас ва ҳатто Дақиқий шеърляти ўзига хослиги билан алоҳидалиқ касб этади. Дақиқий ижодига нисбатан Фирдавсий қўллаган танқидни, бизнингча, мумтоз адабиётдаги фахрия услубининг бир кўриниши сифатида қабул қилиш матлуб, қолаверса, Фирдавсийнинг ўзи кўп ўринларда Дақиқийни очикча эътироф этишини ҳам назардан четга қочирмаслик лозимлигини унутмайлик.

## ДАҚИҚИЙ ВА БЕРУНИЙ

Қадимги шоҳлар тарихини назмда тартиб беришнинг илк ибтижосини қўйган шоир Дақиқий ҳақида Беруний “ал-Осор ал-боқия”да қизиқарли маълумотлар битиб қолдирган. Бу эса Дақиқий хусусидаги тасаввурларимизни бойитиш баробарида айрим муаммоларни ҳам кўндаланг қўяди. Шоир аксар тарихий

манбаларда Абу Мансур ибн Аҳмад Дақиқий тарзида тилга олинса, Беруний уни Абу Али Мухаммад ибн Аҳмад Балхий шаклида беради. Ўз вақтида бу хил долзарб ва муҳим масалага йирик олимлар Е.Э.Бертельс (1890–1957) ҳамда И.С.Брагинскийлар (1905–1985) ҳам эътиборини жалб этган эдилар. Шунингдек, худди шу жумбоқ шарқшунос М.Н.Осмонов томонидан ҳал этилган бўлиб, олим Дақиқийга боғлиқ Абу Али ва Абу Мансур куняларининг боисини далиллар билан исботлайди [17–С.404-405].

Абу Али ва Абу Мансурлар Дақиқийнинг мамдуҳ (мадҳ этувчи) лари экан. Хўш, улар ким ўзи? Дақиқий ижодий фаолиятини Чағониёнда бошлаган, қолаверса, ўз тахсилиниг сўнги босқичини ҳам айни шу ерда интиҳосига етказган бўлиши эҳтимол. Англашиладики, Дақиқий ҳар икки мамдуҳининг кунясини ўзига куня қилиб олган экан, яъни Абу Али ва Абу Мансур шоирнинг қўшалок кунясидир. Абу Али 939–952 йиллар, Абу Мансур 952–976 йиллар Чағониёнда амир эдилар. бу Дақиқийнинг ҳаёти йўлига аниқликлар киритишга имкон беради. Куня араблар билан алоқадор ҳолда вужудга келган бўлиб, унга кўра, оилада ўғил боланинг таваллуди муборак ҳодиса ҳисобланади. Зеро ўғил фарзанд ажоду авлод давомчиси, оила ифтихори, сулола устуворлиги, салтанат пойдевори ва ҳоказо. Шундан арабларда отани тўнғич ўғил фарзанднинг исми билан аташ анъанаси таомилга кирган. Чунончи, ҳазрат Алининг падари бузрукворларини қисқача Абу Толиб (Толибнинг отаси, асли исмлари Имрон бўлган – Б.М.) дейишган, бунинг боиси Алилар оиласида тўнғич фарзанд, яъни Али акасининг исми Толиб эди. Кейинги асрларга келиб куня танлашда муршид ёки уламоларнинг обрўи баланд бўлса, ниҳоят аста-секин бу борада эркинлик юзага келади. Жумладан, Дақиқий ўз ҳомийлари, мамдуҳлари – Чағониён амирлари Абу Али Аҳмад Чағоний ва Абу Мансур Наср Чағонийнинг куняларини ўзига олади.

Абу Райҳон Беруний “Авесто” ақидасига биноан дунёда биринчи одам Каюмарс тўғрисида гапирар экан, тагин Дақиқийга мурожаат қилади ва унинг (Шоҳнома”сидан нақл келтиради [8–С.124–125]. Бу эса бир қадар ғалати муаммоларни кўндаланг қўяди, чунки биламизки, Фирдавсий таъкидича, Дақиқийдан атиги бир минг байтли “Гуштоспнома” достонидан ташқари “Шоҳнома” мавзуидаги бошқа асарлари борлигини таъкидламоқда. Берунийнинг шоир Абу

Али Балхий (демак Дақикий) “Шоҳнома”си мундарижасида мавжуд Каюмарс достони мазмунини мухтасар ҳикоя қилади.

Дарҳақиқат, Фирдавсий “Шоҳномаси” Каюмарс тарихи билан бошланганидек, Дақикий “Шоҳнома”сининг ҳам Каюмарсдан бошланиши табиий ҳол эди. Аммо Дақикий ва Фирдавсийнинг Каюмарс мавзуидаги асарлари мазмуни Беруний нақлига суянадиган бўлсак, улар бир-бирларидан тамоман йироқдир. Шоҳномашунос олимлар Фирдавсий “Шоҳнома”си таркибидаги Дақикий “Гуштоспнома”си дебочасининг ярим-ёрти бошлангани ва тугамай қолгани, уни Фирдавсий янги боблар қўшиб тугатгани ҳодисасига эътиборни қаратган эдилар [6–С.404–406]. Ана шу ҳодисалар эса Дақикийнинг ҳам “Шоҳнома” дебочалари билан боғлиқ дostonлар назм қилганига очиқ ишоралар қилмоқда.

Дақикий “Шоҳнома”си байтлари ҳажми хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд, масалан, Ҳ.Қазвиний (XIV аср) “Торихи гузида”да Дақикий байтлари сонини уч минг деса, М.Авфий (1172–1233) “Лубоб ул-албоб” (1221)да байтлар миқдорини йигирма минг дейди. Булар шуни билдирадики, Дақикий мукамал (Шоҳнома) ёзмаган бўлса-да, “Шоҳнома”нинг мукаддимотлари ҳисобланмиш талай мавзуларга мурожаат этилганлиги ҳар ҳолда ҳақиқатдан узок эмаслиги аён бўлади:

Юқоридагилардан шундай хулоса яшаш мумкин:

1. Абу Райҳон Беруний маълумот берган Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий асли Дақикий бўлиб чиқади.

2. Беруний сўз юритган Каюмарс ҳақидаги дoston Дақикий қаламига мансублигига шубҳа қолмайди.

3. Дақикий ўз ҳомийлари Чағониён амирлари – ота-бола Абу Али ва Абу Мансурнинг кунясини ўзига куня қилиб олгани ҳақиқатдир.

4. Дақикий “Шоҳнома”сидан атиги бир минг байт етиб келгани ҳақидаги Фирдавсий таъкиди тасдиқланмайди.

5. Фирдавсий демак Дақикийнинг “Гуштоспнома”дан ташқари мавжуд асарларидан хабарсиз бўлган бўлиши эҳтимолдан узок эмас.

6. Авфий айтган байтлар миқдори, яъни йигирма минг байт ҳақиқатга яқин туради.

7. Дақикий “Гуштоспнома” дostonининг безавол етиб келиши Фирдавсий туфайлидир.

8. Дақиқийнинг “Гуштоспнома”дан ташқари асари етиб келмаганидек, Каюмарс ҳақидаги асарининг қисқача мазмуни Беруний асари орқали сақланиб қолган.

9. Каюмарс зикрида фикр баёини берган Беруний бошқа муаллифлардан кўра Дақиқий асарини мақбул билади ва Каюмарс нақлини Дақиқий асари асосида беради.

10. Беруний фикрлари Дақиқий ҳақидаги мавҳум нуқталарни равшанлаштиришга муҳим имкон туғдиради.

11. Беруний тилга олган аш-шоир Дақиқий эканига заррача шубҳа йўқ. Сабаби Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий ва Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқийлардаги Муҳаммад ибн Аҳмад бир хилдир.

12. Қолаверса, Дақиқий илк бор “Шоҳнома”ни назмга солган шоир. Бу эса яна бир қарра Берунийнинг аш-шоир таъкидини тўқис тасдиқлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авфий Муҳаммад. Лубоб ул-албоб. Ба саъи ва эҳтимоми Эдуард Браун. Таржима аз англизи (тавзиҳот) Муҳаммад Аббос. – Техрон: Чопхонаи Мумтоз, 1361 (1983). – 1036 саҳ. [Дақиқий.–С.498–500; Фирдавсий. –С.519–520). Авфий тазкирасида: Ал-Устод Абумансур Муҳаммад бинни Аҳмад ад-Дақиқий ат-Тусий ва Абулқосим Фирдавсий ат-Тусий. 2-жилд].

2. Абдуллоев А. Адабиёти тоҷик. Китоби дарси барои синфи 9. – Душанбе: «Маориф», 1990. – 352 с.

3. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средном Азии и Хорасане X - начала XI в. – Ташкент: “Фан”, 1984. – 294 с.

4. Ашъори ҳамасрони Рудакий.– Сталинобод: Нашрдавтож,1958. – 408 саҳ.

5. Байхаки А. История Масуда. Пер. с перс. Изд. 2-е. – Москва: “Наука”, 1969. – 1008 с.

6. Бартольд В.В. Сочинения. Т. VII. – Москва: “Наука”, 1971. – 664 с.

7. Бертельс Е.Э. Абулкасим Фирдоуси. – Ленинград, Москва: АН СССР, 1935. – 70 с.

8. Беруний А. Осор ул-боқия.–Ташкент: “Ирфон”,1990.–432 с.

9. Брагинский И.С. История персидско-таджикской литерату-

ры.–Москва: “Наука ”, 1972.–524 с.

10. Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.2. – Душанбе: “Ирфон”, 1989.–480 с.

11. Жомий А. Баҳористон. – Душанбе: “Ирфон”, 1966. – 148 с.

12. Мавлоно Муҳаммад Хусайн Озод. Сухандони Форс. – Кобул: “Анжуман”, 1315. –263 с.

13. Мирзоев А. Рудаки. –Москва: “Наука”, 1968. –318 с.

14. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик. Китоби I. (I). – Душанбе: “Маориф”, 1987. – 488 с.

15. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик. Китоби I. (2). – Душанбе: “Маориф”, 1989. – 422 с.

16. Муҳаммад Муҳсин Тайиббий. Тарихи адабиёти дарии Афғонистон. Жилди аввал. – Кобул, 1349. – 162 с.

17. Ртвеладзе Э.В. К биографии Фаррухи // Художественная культура Средней Азии (IX–XIII веков). – Ташкент: Изд-во лит. и иск., 1983. – 208 с. (–С.177–181).

18. Сафо Зебихулло. Тарихи адабиёт дар Эрон. Чопи панжум. Жилди аввал. Аз оғози аҳди Исломи то даври Салжуки. –Техрон: Амири Кабир, 1355. – 712 сах. (Дақиқий.–С.408–419);

19. Фирдавсӣ А. Шохнома. Иборат аз 9 жилд. Ж.1. –Душанбе: “Адиб”, 1987. – 480 с.

20. Фирдавсӣ А. Шохнома. Иборат аз 9 жилд. Ж.6. –Душанбе: “Адиб”, 1989. – 522 с.

21. Шибли Нуъмонӣ. Шеър-ул Аҷам ё тарихи шуаро ва адабиёти Эрон. Жилди аввал. – Техрон: “Дунёи китоб”, 1368 (1990). – 300 с.

22. Хусайнзода Ш. Адабиёти тоҷик. Барои синфи 8. –Душанбе: “Ирфон”, 1968. – 200 с.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД: ТЕРМИЗ ВА ЧАҒОНИЁН

**Жўрабек Чўтматов,  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)**

Ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудлари асосан икки тарихий вилоятни камраб олади: Термиз ва Чағониён. Бир-бирига тутшиб кетган бу икки жой тадқиқи вилоят тарихи, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тасвирини умумлаштириб беради.

Табарий (839-923) Мусо ибн Хозим давридаги Термизни “дарё четида дарё узра бўй чўзиб турган қалъа” деб таърифласа, Яъқубийга (ваф. тахм. 905) кўра, Термиз улуғ Балх (Аму) дарёси бўйида, унинг шарқий қисмидаги шонли шаҳардир. Ёкут Ҳамавий (1178-1229) Термизни “Шаҳарлар оналаридан бири бўлган машҳур шаҳар” дейди.

Ибн Хўрдодбехга кўра, Тоҳирийлар (821-873) вакили Абулаббос Абдуллоҳ ибн Тоҳирга (828-845 йилларда ҳукмронлик қилган) Хуросон ва унга яқин жойларнинг 826-827 йиллар харожи учун белгиланган вазифа доирасида Термиз харожи қирқ етти минг юз (47.100). У “Хуросон ва машриқ подшоҳлари лақаблари” бобида Термиз ҳукмдорининг Термизшоҳ унвонига эгалигини ҳам қайд этади. Унга кўра, Термиздан Сарминжонгача 6 фарсах (тахм. 30-35 км.). Эътиборга сазовор жиҳати, Ибн Хўрдодбех ат-Термиз ва Термиз орасини ажратган. У юқорида келтирган харож миқдори ат-Термизга тегишли бўлиб, Термизга тегишли харож эса икки минг (2000) дирхамдир. Бундан эса ат-Термизнинг кенгроқ, худдики вилоят маъносидаги ҳудудий бирликни, Термизнинг ўзи эса, шаҳар маъносини англатганини хулоса қилса бўлади. Шунингдек, Термиз шаҳрининг номи бутун ноҳияга қўлланганлиги унинг ушбу ҳудудлар учун марказ мақомида бўлганлигини билдириши мумкин. “Вилояти Тирмиз” жумласини кейинчалик Адиб Собир Термизий (тахм. 1078-1147) ҳам ишлатган. Бу каби тақсимотни Сюань Цзанга ҳам нисбат бериш мумкин: “Да-ми (Термиз) мулклиги шарқдан ғарбга 600 ли, жанубдан шимолга 400 лига чўзилган. Пойтахтнинг айланаси 20 лидан ортиқроқ”.



Тадқиқотларга кўра, ҳозирги Термиз, Ангор, Музработ, Жаркўрғон, то Дарбандгача бўлган Шеробод худудларига тўғри келади.

Самъоний (506-562/1113-1167) “Ал-Ансоб” асарида дейди: “Термизий – Жайхун деб аталувчи Балх дарёси бўйида жойлашган қадимги шаҳарга бериладиган нисба. Ундан олимлар, машойихлар ва фозилларнинг кўплаб жамоаси чиққан. Кишилар бу нисбанинг айтилиши борасида турлича сўз айтадилар. Баъзилар “те”ни фатҳа билан (Тармиз), баъзилари замма билан (Турмиз), баъзилари касра билан (Тирмиз) дейишади. Бу шаҳар аҳлининг тилида бардавом бўлгани эса – мен бу шаҳарда ўн икки кун турдим – “те”нинг фатҳаси ва “мим”нинг касраси билан (Тармиз) бўлгандир. Бу борада қадимдан билганимиз эса “те” ва “мим”нинг касрасидир (Тирмиз). Илм ва маърифат аҳли “те” ва “мим”нинг заммаси билан (Турмуз) айтишади”.

Истахрий (ваф. тахм. 957) ва бошқалар Термиз ҳақида шундай ёзади: “Чағониён Термиздан катгароқ бўлган шаҳар. Фақат Термизнинг аҳолиси ва бойлиги мўлроқ”. “Термиз Жайхун водийсидаги шаҳар. Унинг қалъа, шаҳар ва ва работи бор. Работи ҳам девор билан ўралган. Дорул-иморат (ҳокимият) қалъада. Зиндон кўхандизнинг ташқарисидаги шаҳар бозорида. Жомеъ масжиди ҳам шаҳарда. Мусалло (ийд намозлари ўқиладиган жой) работда бўлиб, деворнинг ичкари тарафида. Шаҳари бозорлари ва бинолари лойдан. Кўпгина кўчалари ва бозорларига ғишт тўшалган. Шаҳар обод ва аҳолиси кўп. У бу ноҳиядаги жойларнинг Амударё бўйидаги бандаргоҳидир. Унга энг яқин тоғ тахминан бир марҳала (марҳала – ўрта аср карвонларининг бир кунлик йўли бўлиб, шароитга қараб, 30 дан 50 километргача). Шаҳарнинг суви Жайхун ва Чағониёндан келувчи дарёдан. Аҳолининг ичадиган суви Жайхундан эмас, балки фақат Чағониёндан келувчи дарёдандир. Унинг Сармингон ва Ҳошимгирд каби шаҳарлари бор”.

Мақдисийнинг (947-тахм.990) қўшимча қилишича, Шаҳарнинг уч дарвозаси бор. Яна унда рабод (шаҳар атрофи, ташқариси) ва сурадикатлар бор. У дарёнинг юқори қисмидаги шаҳарларнинг энг аввалгисидир. Четга ҳам чиқариладиган маҳсулотлари совун, елим ва қайиқ қабилардир.

“Худуд ул-олам” муаллифига (IX-X) кўра, “Термиз кўркам

шаҳар. Жайхун дарёси бўйида, унинг дарё бўйида жойлашган бир кўҳандизи бор. Бу шаҳар Хутталон ва Чағониённинг марказидир. Унда яхши совун, яшил бўйра ва елпиғич ишлаб чиқарилади”. Шунингдек, Ҳошимгирд кўй ва чорваси кўп шаҳарча, Жарминкон ҳам экинзорлари ва оқар сувлари бор шаҳарчадир.

Умуман, Термизнинг шаҳар ва ноҳиялари сифатида қуйидагилар саналади: Термиз, Буғ, Ҳошимгирд, Хушвара, Сарминжон ёки Жарминкон, Шайшақ, Бусанж, Рухшабуз, Куфтан ва Ғазо ёки Адо.

Ҳошимгирд – ҳозирги Шеробод туманига тўғри келиши айтилади. У айна вақтда Табарий эслатган Хушварага ҳам тўғри келади.

Табарий келтирган Куфтан, яъни, Кўҳитанг ҳам Шерободнинг ғарби ва шимоли ғарбига тўғри келувчи ушбу ҳудудлардадир.

Сарминжон ёки Чармингон ҳозирги Жарқўрғондан 4-5 км. жануби-ғарбдаги Минор қишлоғи яқинидаги Култeпа харобалари ўрнидаги йирик шаҳар дейилади. 1108-1109 йилда Султон Санжар даврида қурилган ва Жарқўрғон минораси номи билан машҳур бўлган минора ҳам шу ерда.

Рухшабуз ҳақида дейиладики, у эҳтимол Салавот қишлоғи яқинидаги кичик ўрта асрлар манзили харобаси. XV асрда Темурийларнинг балки бу ерда бўлган зарбхонасидан чиққан тангалари маълум.

Буғ қишлоғи локализацияси турлича кўриниш олган. У Ангор яқинидаги Каптархона ёки Термиздан Шерободга қараб кетган йўлдаги 30 км. масофада бўлган Қулоқлитeпа шаҳарчаси бўлиши мумкин [1].

Бусанж, Шайшақ ва Ада ёки Ғазо жой номларининг Термиз вилояти таркибидаги локализацияси аниқланмаган.

Термиз 676 йилда Саъид ибн Усмон ибн Аффон томонидан сулҳ билан фатҳ этилгач, бу ерда маълум чегара горнизонини қолдирган бўлиши мумкин. Зеро, Термиздаги Абу Фотима Амр Ййодий каби саҳоба фаолияти айнан шу даврга тўғри келиши мумкин. Ибн Ҳиббон “Ас-Сикот” асарида келтиришича, у ғозий ҳолида Термизда икки ой ва ундан ошиқроқ муддат туриб, одамларга, аниқроғи, ўз гуруҳига жамоат намозини ўқиб берган.

689 йилда Термизни араб қўмондони Мусо ибн Абдуллоҳ эгаллаб, ундаги Термизшоҳлар фаолиятини тугатгач, бу ер узил-

кесил мусулмонлар тасарруфига ўтди ва Мовароуннахр микёсда биринчи бўлиб амалда эски тарихи билан хайрлашди.

Бу омиллар эса Термизнинг исломий тарихи ниҳоятда эрта бошланишига сабаб бўлди ва бу ердан 10 га яқин табаъ тобеъинлар етишиб чиқишига сабаб бўлди. Холид ибн Зиёд Термизий, Абдулазиз ибн Холид Термизий, Исроил ибн Зиёд Термизий, Ҳажжож ибн Муҳаммад Термизий кабилар шулар жумласидандир. Термиз қозиси Холид ибн Зиёд Имом Аъзам Абу Ҳанифа билан ҳамсабоқ ва дўст бўлган бўлса, унинг ўғли, Термиз ва Чағониён қозиси Абдулазиз, яна Исроил ибн Зиёдлар улуғ мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг бевосита шогирдлари бўлишган. Пировард натижада VIII-XIII асрларда фаолият юритган Термизий алломалар мактабининг 200 дан ошиқ вакиллари қайд этиш мумкин [бат. қаранг: 2, 3].

Чағониён ҳам ўрта аср манбаларида обод, баҳаво, фусункор табиатли, гўзал ноҳия сифатида таърифланади. Чағониён – ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Денов, Бойсун, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шўрчи туманларига тўғри келади. Қуйида ўрта аср тарихчилари Ибн Хўрдодбех (820 – тахм. 893), Истахрий (ваф. тахм. 957), Мақдисий (947 – тахм. 990), Бакрий (ваф. 1094), Самъоний (1113-1167), Ёқут (1178-1229) ва бошқа машҳур олимларнинг асарларидан олинган Чағониёнга оид тасвирларнинг бир қисмини ва Хатиб Бағдодий (1002-1072), Заҳабий (1274-1348), Айний (1360-1451), Али Қорий (ваф. 1606) ва бошқаларнинг табақот китобларига киритилган ноҳия олимлари ҳақидаги айрим маълумотларни келтириб ўтамыз.

Ушбу ноҳиянинг исми аслида “Чағониён” ёки “Жағониён” бўлиб, араб тилида “ч” товуши” бўлмагани учун “сод” ҳарфи билан “Сағониён” ёзилади. Шунинг учун бу ердан чиққан олимлар манбаларда “Сағоний” нисбаси билан машҳур бўлишган.

Чағониён исломий тарихи эса уни 665 йилда Хуросон волийси этиб тайинланган саҳоба Ҳакам ибн Амр Ғифорий (ваф. 670) фатҳ этиши билан бошланган. Манбаларга кўра “Ҳакам – дарё (яъни, Абударё) ортида намоз ўқиган аввалги шахсдир”. Машҳур олим Абдуллоҳ ибн Муборакнинг (736-797) Чағониён аҳлидан бўлган ҳадис илми толибига шундай дегани нақл этилади: “Юртингни ким фатҳ этганини биласанми?”. У: “Йўқ” деди. У: “Уни Ҳакам ибн Амр

Ғифорий ғатх этган” деди”. Яна бир ривоятга кўра, “Дарёдан сув ичган мусулмонларнинг энг аввалгиси Ҳакамнинг мавлосидир. У соvuти билан ундан олиб ичди, сўнг Ҳакамга узатди ва у ҳам ичди ва таҳорат олиб, дарё ортида икки ракат намоз ўқиди. У ушбу ишни қилган энг аввалги кишидир”.

Чағониённинг табиатига келсак, бу катта ва кенг бир ноҳия бўлиб, сув, дов-дарахт ва аҳолиси кўпдир. Бу ердан сувсар, олмахон ва бошқа тур тукли мато – мўйналар бошқа юртларда учрамайдиган миқдорда кўп чиқарилади. У Термиздан ҳудуд жихатидан катта, фақат Термизнинг аҳолиси ва молу мулки кўпроқ. 826-827 йиллар харожи учун белгиланган вазифа доирасида Чағониён тўлайдиган харож миқдори 48 500 дирҳам этиб белгиланган.

Бу ер жуда ҳам обод, хайру баракаси мўл-кўл жой. Унда ўн олти минг қишлоқ бор. Агар кимдир султонга қарши чиқса, бу ердан ўз нафақалари ва уловлари билан ўн минг аскар чиқади. У ерда арзончилик ва мўл-кўлчилик ҳукм суради. Нон арзон, гўшт кўп. Жомеъ ўқиладиган масжиди бозорнинг ўртасида, латиф тарзда бўлиб, тоқ-аркасиз, ғиштандир. Ҳар бир уйда дарахтзор ва оқиб турувчи сув бор. Унда қушларнинг ва овланувчи ҳайвонларнинг кўплаб тури мавжуд бўлиб, бу ер уларнинг конидир. Қишда қор ва ёмғирга сероб. У ерда шундай ўтлоқзорлар борки, отлиқ унда йўқолиб қолиши мумкин. Шу билан бирга, улар динда ҳам тўғри йўлдаги аҳли сунна вал жамоага мансуб кишилардир. Улар ғарибу ғураболар ва солихларни яхши кўришади.

Манбаларда Чағониённинг ноҳиялари сифатида Дарозанж, Босинд ёки Болсинд (Бойсун), Санкардах ёки Санк кардах (Сангардак) ва бошқа кўплаб жой номлари ҳам келтириб ўтилади. Унинг ноҳиялари Термиз вилояти ерлари билан туташдир. Макдисий Сағониён шахрини Фаластиндаги Рамла билан, Сағониён вилоятини эса Фаластиннинг ўзи билан билан қиёслайди.

Чағониёндан, жумладан, қуйидаги олимлар етишиб чиққан:

1. Абу Саъид Муҳаммад ибн Мунташир. Фахрли жихати шуки, ушбу шахс улуғ мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг (699-767) шогирдларидандир. Қайд этилишича, Имом Аъзам уни дарс халқасидаги шогирдларининг биринчи сафига қўяр ва ишини унинг ҳожатини адо этишдан бошлар эди;

2. Табаъ тобеъинлардан саналувчи Абу Саъд Муҳаммад ибн

Муяссар Соғоний Зарир. У Бағдодда тобеъин Ҳишом ибн Урва Маданий (680-763) ва Абу Ҳанифа ҳамда бошқа улуғ олимлардан ҳадис ва илм ривоят қилган. Устозларидан билиш мумкинки, у Макка, Мадина, Куфа, Бағдод ва бошқа шаҳарларда бўлган. Ундан машхур олим Имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855) ҳам илм олган. Машхур муҳаддис Имом Термизий (824-892) эса ўзининг “Сунан” асарида унинг икки ривоятини келтирган. Таъкидлаш лозимки, Ислому тарихида Пайғамбарни кўрганлар саҳоба, саҳобаларни кўрганлар тобеъин, тобеъинларни кўрганлар эса табаъ тобеъинлар деб аталади ва бу уч табақа ислом тарихидаги энг сара авлод сифатида кадрланади;

3. Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар (тахм. 796 йил – 883). У Ислому оламидаги энг машхур олимлар қаторида эътироф этилади. У Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насайи ва Ибн Можа каби асрнинг сара муҳаддисларга устозлик қилган ва улар ушбу олимдан ҳадис ривоят қилишган. У кўплаб юртларни кезган, машхур олимлардан илм олган, Бағдодда яшаб, фаолият юритган;

4. Самарқандда ҳам ҳадис айтган Абулфазл Аббос ибн Жаъфар Сағоний (ваф. 888 йилдан сўнг);

5. Нишопурда ҳам ҳадис айтган Абу Сарий Саҳл ибн Абдулазиз ибн Савра Сағоний (903 йили ҳаёт бўлган);

6. Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Савра Сағоний. У юқоридаги Саҳл ибн Абдулазизнинг амакиваччаси бўлиб, Марв ахлидан саналса-да, аммо асли Сағоний бўлган;

7. Солиҳ ибн Ҳиббон ибн Сулаймон ибн Солиҳ Сағоний (1067-1138). У Самарқандда яшаган. Машхур “Дор ал-жузжонийя” илмий мактабининг фаолларидан бўлган фақиҳ [4].

Хулоса қилиш мумкинки, Чағониён ҳам Термиз каби саҳобаи киром қадами етган табаррук заминдир. Зеро, бу омил мусулмон дунёсида энг кадрланувчи хислат. Бу ердан табаъ тобеъин, мазҳаббошимиз Имом Аъзамнинг икки шогирди ва ислом дунёсида таниқли бўлган олимларнинг етишиб чиқиши ушбудек бараканинг муносиб давомидир. Унинг гўзал ва бой ҳайвонот ва наботот олами эса нур устига нур бўлиб, бу тарихий таърифу тавсифлар ҳақлигини бугунги кун воқелиги ҳам тасдиқлайди. Зеро, ушбу тарихий ноҳия ҳозир ҳам юртимиз ва жаҳон миқёсидаги энг сўлим гўшалардан

биридир. Ушбу хислатларнинг бари йиғилиб, Чағониённи том маънодаги хайру барака диёрига айланишига сабаб бўлгандир.

Умуман, келажакда эса ушбу жой тарихи, Чағониёндаги илмий муҳит, маҳаллий олимлар фаолияти ва уларнинг бутун ислом дунёсига таъсири каби муҳим масалаларни ёритиш янада диққат билан ўрганилиши ва тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Чунончи, Термиз тарихи бўйича маълум илмий тадқиқотлар ниҳояланган ва галдаги вазифалар аниқлаштирилаётган бўлса-да [3], Чағониён тарихини илмий ўрганиш ва ёритиш масаласи ҳали етарли даражада бўлмаётган, келажакда қилиниши лозим энг бирламчи зарурий ишлар долзарблигича қолмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шамсуддин Сирожиддинович Камалиддинов. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XII вв. – Ташкент: “Узбекистан”, 1996.
2. Жўрабек Чўтматов. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: “YANGI NASHR”, 2017.
3. Жўрабек Чўтматов. VII-IX асрлар Термиз маънавий муҳити тарихи: анъаналар, тадриж ва янгиланиш. Т.ф.н.... дис. – Самарқанд, 2020. – 222 б.
4. Жўрабек Чўтматов. Чағониён – хайру барака диёри. “Чағониён” газетаси, 2022, 7 июль, пайшанба, №23 (1 1719). – Б. 4.

## ЎРТА АСРЛАРДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН СУРХОН ВОҲАСИНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИ ВА БУ ЕРДА ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ХУНАРМАНДЧИЛИК

Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори

Тарихдан маълумки, ҳали Буюк ипак йўли шаклланмасдан аввал, Юнон-Бақтрия давлати (мил. ав. III-II аср) даврида савдо қарвон йўллари ривожланади. Сўғд ва Бақтрия мамлакатлари Эрон, Ҳиндистон, Хитой билан савдо қила бошлаган. Ўша даврда Вахш, Қоратегин ва Олой водийлари ҳамда Қошқар орқали Хитойга борилган. Ғарбга чиқиладиган йўллар икки йўналишда: биттаси қарвон йўли орқали Оқбутанга (Ҳамадон) ва Сурияга борган, иккинчиси, Страбоннинг ёзишича, Амударё орқали Ҳинд маҳсулотларини олиб келган.

Бу даврда Юнон-Бақтрия давлатида хунармандчилик саъна-ти жуда ривожланади. Айниқса, тилла ва қумушдан ишланган зеб-зийнатлар, кундалик ҳаётда ишлатиладиган турли идиш-товоқлар, чавандозлар анжомлари, маъбудларнинг ҳайкаллари ва деворий расмлар бизгача етиб келган. Бундай маҳсулотларнинг кўпчилиги қадимги қарвон йўллари атрофида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардан топилган. Ўша даврнинг ёзма манбаларида, жумладан, “Милинда-Панха”да Юнон-Бақтрия подшолигига қарашли шаҳарларда хунармандчилик ривожланганлиги айтилади. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида турли маҳсулот билан олди-сотти қиладиган сотувчиларнинг жуда кўплиги ҳақида ҳам маълумотлар келган [1:185].

Ўрта асрларда Термиз шимолдан (Европадан) ва шимоли-ғарбдан – Сўғддан Темир дарвоза орқали Ҳиндистонга, Сўғд – Саройкамар – Қундуз орқали Кашмирга, ғарбдан Балх, Бадахшон, Ҳисори Шодмон-Тяншань орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга ўтадиган йўллар кесишган жойда жойлашган. Термиздан дарё орқали Хоразм, Панж билан алоқа ўрнатилган. Тадқиқотларга кўра, Буюк ипак йўли шаклланиши 4 минг олдинги даврга бориб тақалади. Ғарбда Британия оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган: Ўрта ер денгизидаги Рим, Яқин шарқдаги Парфия (пой-

тахти қадимий Неса шаҳри), Хитойдаги Хан империяси ва ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёни бирлаштирган Кушонлар давлатидан иборат тўртта империя инсоният тарихида битта йўл билан боғланган эди. Ипак йўли Хитойдаги Хан империяси пойтахтидан Кушон ва Парфия давлатлари ҳудуди орқали Ўрта ер денгизининг шимолий қирғоқларигача чўзилган. Шу даврларда Рим Мисир кўрфазларидан Ғарбий Ҳиндистон портлари-Кушон давлатининг денгиз дарвозаларига доимий денгиз йўли ҳам очилган эди [2:14-15]. Бу даврда Кушон давлатида анча пухта товар-пул муносабатлари шаклланди. Рим тарихчиси Пленейнинг таъкидлашича, Рим империяси Кушон давлатидан жуда кўп маҳсулотлар, темир буюмлари ҳам олган. Бактрияликлар ва Сўғдлар жаҳонда энг моҳир савдогарлар бўлишган. Бу давлатлар подшоларининг бир-бирларига элчи юбориб, совға-салом алмашишлари улар ўртасида савдо-сотикнинг ривожланиши, ғарб ва шарқ маданиятининг алмашишига сабаб бўлган. Бу даврда қадим Буюк ипак йўлида жойлашган Сурхон воҳасида ислом дини кириб келгунига қадар ибтидоий динлар, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монавийлик каби турли эътиқод шакллари мавжуд бўлган. Бу ҳудудларда милoddан аввалги ва милодий I-IV асрларда Сополлитепа Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Қоратепа каби қадимий ибодатхоналарни ўз ичига олган археологик ёдгорликлар шаклланди [3:8,22]. Ушбу ҳудудлар кулай географик жойлашуви билан ажралиб турувчи илк деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланди Зараутсой, Сополлитепа, Жарқўтон, Термиз, Занг каби номлар билан аталган қадимий маданият марказлари бўлган.

Милодий I асрга тегишли бўлган Эски Термиздаги Фаёзтепа ва Қоратепа ибодатхоналарида олиб борилган тадқиқотлар Ўрта Осиёга буддавийликнинг тарқалиши, Бактрия буддавий маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида жуда қимматли маълумотларни беради [4:18]. Бу даврда Қоратепадан топилган кулол идишлар, Термиздан олдин топилган май ва айш-ишрат худолари Вакхания ва Вакх-Бохус шарафига уюштирилган байрам саҳнаси тасвири солинган лой идишлар ва Ҳайрабодтепа (Термиздан 30 километр шимоли-ғарбда Ангордаги Зартепа ёдгорлиги шимолий ғарби) дан топилган Нерон тангалар, шимолий Бактрия (Термиз),



Афғонистон, Ғарбий Покистон ва Шимолий Ҳиндистонни ўз қўлига олган Кушонларнинг Рим империяси билан кенг алоқалар олиб борганидан далолат беради [5:15].

Эфталитлар даврида (Vаср) Кушон даври иншоотларидан даҳма сифатида фойдаланилган. Термизда "Қўрғон" деб аталган ёдгорликда кушон даври қатламидан оилавий қабристон топилган [6:18]. 567-600 йилларда Термиз Тутк хукмронлиги остида бўлди. Шундай бўлса-да, Термиз Термизшоҳлар томонидан бошқарилган. Сиёсий вазият қай тариқа ўзгармасин Термиз буддавийлик маркази бўлиб қолган [7:17]. VII асрнинг 30 йилларида Термизга келган хитойлик сайёҳ Сюань Цзин буддавий ибодатхоналар роҳиблар ҳақида маълумот қолдирган. Унга кўра Термизда 10 та буддавий ибодатхонаси ва мингга яқин роҳиб бўлган.

IX-XII асрларда Сурхон воҳасида мусулмон дунёсида алоҳида хурматга сазовор бўлган Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Абу Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Саййид Бурхонуддин Ҳусайн Термизий каби алломалар етишиб чиққан ва улар ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган.

Сомонийлар (IX аср), Қорахонийлар (X-XIII асрлар), Ғазнавий ва Салжукийлар (XI-XII асрлар) даврида Буюк ипак йўлида жойлашган Чағониён ва Термизда ўзига хос маданият, маънавият, шаҳарсозлик, меъморчилик, савдо алоқалари ривожланиб, хом ва пишиқ гиштдан шарқона меъморий услубда Эски Термизда Қирқ киз қаъласи (IX аср), Ҳаким Термизий (X-XIV асрлар), Султон Содот (XI-XIX асрлар), Эски Термиз яқинида жойлашган Пайғамбар оролида жойлашган Зул Кифл (X аср), Термиз хукмдорлари қароргоҳи Термизшоҳлар саройи (IX-XII асрлар), Абу Исо Термизий (X-XI асрлар) макбаралари қурилган [8:150].

X асрда Сурхон воҳасида савдо алоқалари ривожланган бўлиб, Термизда совун ва муаттар (хушбўй тош)ни кўплаб ишлаб чиқариш ва уни четга сотиш кенг йўлга қўйилган. Термиз хунармандлари шарқ бозорларида балиқ елими, кир ювиш ишқори, қўлда тўқилган матолари билан шуҳрат топганлар. Ҳатто византиялик савдогарлар Термиздан пахта олиб кетишган. Ўз навбатида, Термиз бозорида бошқа шаҳарлардан келтирилган маҳсулотлар билан ҳам савдо қилинган [9:38].

Шуни таъкидлаш керакки, IX-X асрлар Термиз маъмурий-савдо,

хунармандчилик марказига айланди, дарё порти курилди. Шаҳарда темирчилик, мисгарлик ва шишадамгарлик, айниқса, кулолчилик кенг ривожланган [10:103]. Салжуқийлар даврида кўплаб гиламлар тайёрланиб, Миср, Ҳиндистон, Хитойга олиб бориб сотилган [11]. Ўрта Осиёда қўлда жундан патли ва патсиз гиламлар тўқиш, айниқса, Туркменистон, Хоразм, Сурхон воҳасида ривожланган.

Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида нафақат Самарқанд ва Туркистон, балки бўйсиндирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта тиклади. Карвон йўлларида работлар, қалъалар, кўприклар, карвонсаройлар, шаҳарларда масжид ва мадрасалар қурдирди. Карвон йўллари қароқчилардан тозаланди, йўловчиларнинг хавфсизлиги таъминланди. Шарқ билан ғарбни боғловчи карвон йўлини қайта тиклади. Ибн Арабшоҳнинг, ипак йўли орқали Самарқандга турли мамлакатлардан, хусусан Хуросондан маъданлар, Ҳинд ва Синддан ёкут, олмос, Хитойдан атлас, яшин тоши, мушк, бошқа ва моллар, ўзга мамлакатлардан олтин ва кумуш олиб келинарди. Чет мамлакатлардан Самарқандга олиб келинадиган молларнинг миқдори нақалар кўп бўлган. Клавиҳо бу шаҳарда бўлган вақтида, Хитой пойтахти Хонбалиқдан 800 туялик савдо карвони келганини қайд этган [12:88].

Мовароуннаҳрдан Хитойга ўша замонларда икки карвон йўли орқали борилган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва шарқий Туркистоннинг Турфон ва Қумул шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали Хўжанд, Кўкон, Марғилон, Андижон, Ош шаҳарлардан ўтиб, Олой водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Қошқар, Хўжанд ва Ёрканд шаҳарлари орқали ўтган. Амир Темур даврида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Татаристон, Фарангистон, Испания ва бошқа давлатлар билан савдо-сотик ишлари кучайган. Хитойдан асосан ипак, шойи матолар, парча, чинни, лаълу гавҳар, мушк, Ҳиндистондан сифатли чойлар, нафис оқ рангли матолар, нил бўёқлар, хушбўй зираворлар, Эрондан марварид ва дурлар, Россия ва Татаристондан ҳар хил мўйналар, тери ва мум келтирилган. Самарқанд бозорларида Фарангистон газламалари, мовутлари ва Черкас пичоклари машҳур эди. Ўз навбатида, Ўрта Осиё шаҳарларидан чет мамлакатларга арзон нархли ип матолар, бўз, духоба, шойи газлама, қоғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта, калава иплар, кулолчилик, мисгарлик буюмлари, пичоқ каби

махсулотлар чиқарилган [13:87]. Бу билан нафақат Мовароуннахр, балки шарқ ва яқин Шарқ, Овропа мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди.

Араб сайёҳи Ибн Баттутанинг "Ибн Баттута саёҳати" (XIV аср) номли асари ёзма манбалар орасида алоҳида ўрин тутати. У Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, савдо алоқалари, алломаю, авлиёлари, улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, вақф мулклари, карвонсаройлар ва бошқа қизиқарли, қимматли маълумотларни келтирган.

Ибн Баттута ўзининг "Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати" (XIV аср) китобида Эски Термиз Жайхун соҳилида бўлганини, Чингиз вайрон этганидан сўнг, янги шаҳар дарёдан 2 мили масофада бунёд этилгани, Термизда уни ноиб Алоул Мулк Худовандзоданинг топшириғи билан муносиб кутиб олишгани, у ерда шаҳар қозикалони Қавомиддин билан учрашгани, қози билан бирга, Ҳиндистон саёҳатида бирга бўлганини, Термиз ва Ҳиндистон алоқалари, Жайхундан Хуросонга, Балхга ўтганини, у ердаги масжид-мадрасаларининг пештоқида ложувард тошлар ярақлаб туриши, у тошлар Бадахшондан келтирилганини айтиб ўтган [14:76-77].

А.Ҳасанов ўзининг "Сайёҳ олимлар" асарида ёзишича Хуросон ҳокимлари Шохруҳ билан Бойсунқур 1419 йилнинг декабрида Хитойга 500 кишилиқ элчилар юборишган. Улар қайтишда Андижон (Тян Шан) тоғлари (Қашқар билан Фарғона орасидаги тоғлар)да икки карвонга ажралишган. Бири Андижон – Самарқанд – Амударё орқали Ҳиротга жўнаган. Иккинчи карвон жанубий йўл билан Бадахшон – Ҳисори Шодмон (ҳозирги Душанбега яқин шаҳар) – Балх орқали Ҳиротга йўл олган [15:154].

Термиз Хатлон (Кўлоб ва Кўрнтепа) нинг савдо маркази бўлган. 1893 йилда шарқшунос олим, капитан А. Г. Туманскийга бухоролик Гулпойгоний топширган ва муаллифи номаълум асарда баён этилишича: "Шаҳар бозори доимо бой ва гавжум бўлган. Бу шаҳарни теварак-атроф, узоқ-яқин мамлакатлар элчилари, сайёҳлар, дарвешлар, савдогарлар четлаб ўтиша олмаган, унинг меҳмони бўлишган" деб келтиради [16].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадим замонлардан Термиз

гарб ва шарқ, шимол ва жанубни савдо йўллари туташган жойда бунёд этилган бўлиб, жаҳон савдоси ва маданияти ривожига ўз хиссасини қўшган кўхна шаҳардир. Термиз ҳозир ҳам ўзининг дарё порти, Амударё устида 1982 йилда қурилган "Дўстлик кўприги" орқали мамлакатимизни Афғонистон давлати ўртасидаги савдосотиқ ишларида восита бўлиб келмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдулфайзиев Ф. Ўрта Осиёда илк савдо муносабатлари тарихи. // "Давр, замон, шахс" Республика илмий-амалий анжумани. Биринчи қисм. –Термиз, 2016.
2. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993.
3. Хошимов М.А. Религиозный памятники Центральной Азии. Алматы: САГА, 2001.
4. Мирза Ж. Термиз тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2001.
5. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993.
6. Мирза Ж. Термиз тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2001.
7. Термиз йилномаси. –Тошкент: Шарқ, 2001.
8. Аршавсея В. А., Ртвеладзе Э. В., Ҳақимов З. А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т: Издательство литературы и искусства им. Г. Гулама. 1982.
9. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993.
10. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001.
11. Қодиров У. Қадимдан машхур хунармандчилик тури. машхур// "Давр, замон, шахс" Республика илмий-амалий анжумани. Биринчи қисм. –Термиз, 2016.
12. Кеген Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Маъсул муҳаррир: Тожихонов О. –Тошкент: Адолат, 1996.
13. Бектурдиев Ш. Амир Темур даврида буюк ипак йўли. // "Бойсун баҳори миллий маънавиятимиз дурдонаси". Халқаро илмий-амалий анжуман. –Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.
14. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: "Шарқ баёзи", 1993.
15. Ҳасанов А. Сайёҳ олимлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981.
16. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993.

## V БОБ: СУРХОН ВОҲАСИДА МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТ НАМУНАЛАРИ

---

---

### СУРХОН ВОҲАСИДА ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИК САНЪАТИ

Лола Азимова,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Халқ хунармандчилик санъати моддий ва маънавий маданиятни ўзида доим мужассамлаштириб келган. Улар қадимги даврлардан буён ривожланган. Халқ амалий санъатига каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар киради.

**Каштачилик санъати.** Ўрта Осиёда қадимдан каштачилик жуда кенг ривожланган бўлиб, ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Ўзбек миллий каштадўзлиги халқ хунармандчилиги саънатининг бир тури бўлиб, қадимги даврдан ривожланган. Каштачилик кийимларда, келинларнинг сепларида, уйни чиройли қилиш учун деворларга осиб қўйиш мақсадида рўзгор буюмларида кенг ишлатилган. Ўзбек чеварлари томонидан тикилган сўзана, зардевор, кирпеч, палак, бўжғома, қийиқча белбоғ, жойномоз, гулкўрма, чойшаб, дўппи, кўйлак, нимча, дастрўмол, ҳамён, сўмка ва бошқа буюмлар республикамиз вилоятларидан Қашқадарё ва Сурхондарё, Фарғона водийсидаги хонадонларда тайёрланган ҳамда амалий санъат музейларида экспозицияга айланиб бўлган. Бугунги кунда ўзбек амалий саънатининг каштачилик тури Франция, Италия, Япония, Германия, Белгия, АҚШ ва Ҳиндистон каби давлатларнинг музейларида кўргазмаларга қўйилган.

Палак – деворларга илинадиган энг йирик, қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилган. Уни қадимда бўзга, оқ сурпга кашта тикиб тайёрлашган. У сўзанадан гулларнинг йириклиги, заминининг кашта қопланиши билан фарқ қилган. Палакнинг ўртасида йирик ой тасвири кизил, қирмизи, пушти ипак билан тикилган. Нақшлар ичида бодом, қалампир элеменларидан фойдаланилган. Палакда қирқтача ой ҳам тасвирлаш мумкин. Шунинг учун ойнанинг сонига қараб олти ойлик

палак, ўн икки ойлик палак, ҳатто катта уйлар учун қирқ ойлик палак тикилган. Агар ойни ичи сидирға рангда ифодаланган бўлса, уни “Ойпалак”, нақшдан бўлса, “Гулпалак” деб аташган. Палакнинг гули кўп, ҳажми ва меҳнати катта бўлгани учун уни кичкинарок холга келтиришиб, қисқартириб, сўзана” деб аташган [1:195-196].

Сўзаналар – ўзида коинот, табиат, бахт ва севги, тушунчаларини ифодаловчи хушманзара полотнолардир. Сўзаналар сатҳида воҳа чеварлари тасаввурларидаги дунё акс этган. Сўзаналар ҳажми буйича 1,5 метрдан 2 метргача, узунлиги 2 метрдан 4 метргача бўлган. Ҳамма сўзаналар “меҳробгул” номли жингалак нақшлар туширилган кенг ҳошиялар билан ўраб олинган. Ташки ҳошиялар эса “оба” (сув) номли тўлқинсимон нақшлар билан безатилган. Асосий майдонда тўпбарггул шаклидаги безак туширилган. Марказда асосан ой ва қуёшни ифодаладиган катта айланалар жойлашган. Ушбу айланалар сони 1 тадан 8 тагача бўлади. Акс эттирилган сайёралар – ой деб аталган. Лекин сайёралар катта ой, панжа ой ва кичик ойларга ажратилган. Сайёраларнинг марказида унинг негизини ҳосил килувчи тўпбарггул туширилган. Унинг атрофида бир неча булбулларнинг услублаштирилган турли нақшлари солинган [1:196-197].

Кирпеч-кирпўш – токчага тахлаб қўйиладиган кийим-кечак устидан ёки деворни вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадиий буюм. Кирпеч кашталари қўлда ёки машинада тикилган. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалган. У кийим-кечакни чангдан сақлаган ва уйни безаб турган. Унинг ўлчами 250×65 см ни ташкил қилади.

Чойшаб – асосан тахмонда тутиш, ётганда ёпиниш учун тўшак устидан қилинадиган мато. У каштали оқ сурп, тахмонга тутиладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги вақтда чойшабдан сўзана каби бадиий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинади.

Қийиқча-белбоғ – эркаклар белига боғланадиган рўмол, белбоғ. У чопоннинг олди ёпилиб туриши учун боғлаб қўйилган. Белбоғ ўз вақтида жойномоз, дастурхон, пешанабоғ, дастрўмол, тугун ўрнида ҳам ишлатилган. Қийиқча-белбоғ тикиш учун гулсиз сидирға, сурп, сатин, слон, атлас ва товар матолардан фойдаланилган. Белбоғнинг гуллари илма, йўрма, сув, босма ва кўпайтирув чокларида тикилган

ва турли ўлчамлидир. Ҳозир ҳам белбоғ ўзбек халқининг тўй-томошаларида, бошқа маросимларда ишлатилган ва ўлчами 110×110 см бўлган.

Жойномоз – ерга солиб, устида номоз ўқийдиган тўшама. У ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади. Жойномоз уч томондан жияклар билан тикилган каштадан иборат. Буюмнинг ўртаси очик қолдирилади [1:198].

Ҳар бир қиз балоғат ёшидан бошлаб, ўз қўллари билан ўзига палак, сўзана, зардевор, ётиқча қопламалари, қийиқча-белбоғ, дастрўмоллар тиккан. Уларга уйларидаги янгалар, қўшни қизлар ҳам ёрдам беришган. Қизларга совчи келса, қиз эмас, балки, у тиккан каштачилик буюмлари кўрсатилган. Совчилар қизнинг тиккан буюмларини кўриб, унинг ақли, билими, қобилияти ва дид-фаросатини билиб олишган.

**Зардўзлик.** Зардўзлик санъатининг ватани шарқ давлатлари хисобланиб, қадимги Бобил, Византия, Эрон подшолигида ҳам раванқ топиб, ривожланган. Ўрта Осиёда милодий I-II асрларда зарбоп кийимлар бўлган. Зардўзи кийимларни фақат аслзодалар кийишган. XIX-XX асрларда Бухорода зардўзликнинг ўзига хос мактаби шаклланиб, гуллаб-яшнаган. 1930 йил Ўзбекистонда рассомлар уюшмаси қошида зардўзлик артели ташкил топган.

Турли навдаги симли иплар зардўзликнинг асосий хом-ашёси бўлиб, улар қадимда Миср Бобил, Деҳлида ишлаб чиқарилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида зар иплар Бухорога Москвадан, кейин Англиядан, ҳозир эса Япониядан келтирилади. Момик зар толалари калёбатун деб номланиб, у ингичка метал ип, шойи ипга пухта ўрнашади. У оқ ипак, яъни кумуш ип бўлиб, ундан кумуш гуллар тикилади. Оқ ипак ипни тилла калёбатун қилиш учун сим ипга тилла суви югуртирилган. Зардўзликда олтин, кумуш рангдаги ипак ҳамда сунъий ипак толаларидан фойдаланилади [2:200-203].

Зардўзликда яна пўлакча, олмос куббалар, зарҳал тўғалар ҳам ишлатилади. Пўлакча – зардўзликда ишлатиладиган кичкина пистон, у оқ, қизил ва сариқ рангларда бўлади. Олмос куббалар заргарлар томонидан ясаладиган олмос нақшлардир.

**Гиламчилик.** Бадий ҳунармандчилик соҳаларидан бири бўлган гиламчилик қадимдан чорвадор аҳоли орасида ривожланган. Гидамлар ўсимлик (пахта, зиғир) толаси ва жун (қўй, эчки ва туя

жуни)дан тайёрланган. Манбаларда сак-массажет қабилалари эра-миздан олдинги III-II асрларда гиламчилик билан шуғулланган-лиги келтирилган. Салжуқийлар даврида кўплаб гиламлар тайёр-ланиб, Миср, Ҳиндистон, Хитойга чиқарилган. Тўқилиш усулига кўра гиламлар патли ва патсиз гиламларга бўлинган. Нақши, си-фати билан бир-биридан фарқланадиган туркман, турк, эрон ва озорбайжон гиламлари машҳур бўлган [3:50-52].

Сурхон воҳасида амалий безак санъатининг муҳим турларидан бири бўлган гиламдўзликда кўй жуни ёки пахтадан тайёрланган иплар ишлатилган. Гилам қилиш учун асосан баҳорги жундан фойдаланилган. Чунки баҳорги жун узунроқ ва юмшоқроқ бўлган. Кузги жундан эса кигиз босилган. Кузги жун мустаҳкамроқ бўлган [4:152-153].

Сурхон воҳаси аҳолисининг гиламчилик санъати қадимдан ривожланиб келган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам воҳа бой моддий меросини дунё миқёсида тарғиб этиб келмоқда.

**Кулолчилик.** Кулолчилик – хунармандлар лойдан турли-туман идиш, буюм, қурилиш материаллари ишланадиган маҳсулотларни, яъни маҳсус тупроқдан, қорилган лойдан пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир ва бошқа буюмларни тайёрлаб, уларни сирлаб, безаб, хумдонда пишириш билан шуғулланган [5:196].

Сурхон воҳасида энг қадимий хунарлардан бири кулолчилик хунаридир. Кулолчилик хунарининг ўлкада юксак даражада ривожланганлигини Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилган археологик изланишлар жараёнида топилган нафис сопол буюмлар ҳам исботлаб турибди. Сополлитепа ва Жарқўтон сопол буюмлари кулолчилик чархида ясалган бўлиб, ўзининг бежиримлиги ва жарангдорлиги билан диққатга сазавордир. Кулолчилик хунари воҳанинг барча ҳудудларида қадимдан халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб, юксак даражада ривожланган. Жумладан, Эски Термиздаги кулоллар маҳалласи бир неча гектарни ташкил этган. Ўрта асрлар шароитида ишлаб чиқарилган мис кўзачалар факатгина Термиз кулолчилигига хос бўлган. Сурхон воҳаси кулолчилиги асосан 2 турга бўлинган. Улар косагарлик ва кўзагарликдан иборат бўлган. Биринчи турга ёйиқ шаклда ишланган идишлар кирган. Уларнинг катта қисмини турли ҳажм ва атамаларга эга булган



товоқлар ташкил этган. Ундан ташқари, таом ва ичимликлар, сут маҳсулотлари шокосалари ҳам киради. Иккинчи турга баланд бўйлик турли ҳажм ва шаклга эга бўлган идишлар киради. Улар сув солинадиган кўзалар, маҳсулот сақлайдиган кенг оғизли идишлар, туваклар ва бошқалардан иборат. Сурхон воҳасида косагирлик гуруҳига кирувчи идишларга: сирланган кўзагарлик ва сирланмаган идишлар кирган. Воҳада кичик ҳажмли идишлар ҳам ишлаб чиқарилган. Булар туздон, чироқ ва шамдонлар бўлган. Кўзагарлик гуруҳига оид идишларга, кенг оғизли, болдоқсиз туваклар, сув ва сут солинадиган кўзалар характерлидир. Хўжалик ишлари учун мўлжалланган йирик ва ёйиқ тоғоралар ишлаб чиқарилган. Хумлар ва хурмачалар сут ҳамда сув маҳсулотларини сақлашда ишлатилган. Кулоллар болалар ўйинчоқлари, айникса, шувуллоқ ясашда ҳам машхур бўлган.

Кулоллар коса, товоқ, хум, пиёла, кўза, офтоба, тувак ва турли шаклдаги шувиллоқ (хуштак)ларни бозорларга чиқарган. Хуштаклар орасида чумчуқсимон такасимон, қўчқорсимон ва найсимонлари кўпроқ ясалган. Шерободда Абдурайим кулол, Бойсунда Қоар жебачи кулоллар машхур бўлган. Кулолларнинг дўкони одатда уйнинг бир хонасида ёки ҳовли яқинида жойлашган. Дўкондаги ишлаб чиқариш қуроллари асосан хумдон ва чархдан иборат бўлган. Кулолчилик чархи халқа шаклидаги иккита катта-кичик тахта вертикал ўқдан иборат бўлиб, ўқнинг пастки қисми тош ёки ёғочдан ясалган тағдош (тош кунда)га, юқори томонидан эса, кичик ёғоч диск (каплачарх)га ўрнатилган. Уста ўтирғич (отёғоч)да ўтириб, пастки катта дискни оёғи билан айлантириб, юқоридагисига лой қуйиб, идиш ясайди. Идиш тегишли шаклга келгач, чархдан пичоқ ёки ўроқ билан кесиб олинади ва қуритилади, сўнгра хумдонда пиширилади. Кулоллар устахонасида буёқ ва сир тайерлаш учун турли ҳажмдаги қозон, қўл тегирмони (ёрғучоқ) элак, мўйқалам, маҳсус пичоқ (кажкард) ва бел бўлган. Кулоллар катта хумларни қўлда ясаган. Косаларни безатишда тўқ, яшил, зангори, феруза ранглар айлана-доира шаклида чизиб чиқилган. Доира шакли коинот, табиат тимсолини англатган ва улар доимо ҳаракатда, ҳайвонот ва набодот олами қуршовида деб тушунилган. Воҳа кулолчилигида тандирсозлик хунари ҳам муҳим ўрин тутган. Тандирлар 2 хил усулда ясалган. Биринчи усулда ердан қолип

қазиб, тандир шу қолипда ясалган, иккинчи усулда эса бир ёки икки пеш лой олиниб, ёғочдан ясалган товонча ва сополдан пиширилиб ясалган чундак билан бир-бирига туташтириб, қўлда ясалган [6:94-96].

Воҳа кулолчилик анъаналари ҳам авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келган. Шу боисдан ҳам воҳада уста кулоллар, тандирсоз усталар кўплаб етишиб чиққан.

**Ёғоч ўймакорлиги.** Сурхон воҳасида миллий хунармандчилик тури бўлган ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланган. Ёғоч ўймакорлигида ёғочга нисбатан ашё, бой ранг ва текстурага эга маҳсулот сифатида қаралиши, унинг кенг кўламда ишлатилишига олиб келган. Ёғоч ўймакорлигидан меъморчиликда, айниқса, дарвоза, тўсинлар устунлар; рўзғордаги буюмлар: турли хил тагликлар, сандиклар, қутичалар, бешиклар, кириш эшиклари, жовонлар, хонтахта, мусиқа асбобларини безашда фойдаланилган. Унда терак, ёнғоқ ва қарағай дарахтлари ишлатилган. Рўзғор учун ишлатиладиган ёғоч буюмлар учун қўлланиладиган оддий сатҳсиз ўймакорлик халқ санъати тушунчаларига хос табиий материалнинг гўзаллигини ифодалайди. Сатҳсиз уч қиррали ўйма ва қавсли ўймакорлик нақшлари ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Улар сандиқ, бешик, эгарлар, ўқловлар ва бошқа рўзғор буюмларида қўлланилган. Бешиклар нақшида каштачилик ва сандиқларда учрайдиган нақшлар ишлатилган: ой, гул, лола гули, панжара. Ўйма нақшга учбурчаклар, тўртбурчаклар, қавсчалар киради [1:206-209].

Сурхон воҳасида ёғоч ўймакорлиги, асосан XIX аср охири – XX аср бошида кенг ривожланган. XIX асрда тайёрланган ва Сайробнинг Жума масжидига ўрнатилган ўйма нақшли устун бунга мисолдир. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асосий асбоблар: теша, болта, арра, искана, ранда, омбур ва бошқалардир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, усталар ишни осонлаштирадиган ва енгиллаштирадиган дурадгорлик дастгоҳларини қўллаб бошлаган. Шу сабаб оммавий рўзғор буюмларини илгари нақшлаб, ўйилган қисмлари токарли металлларга алмаштирилган [7:98-101].

Воҳада миллий хунармандчилик тури бўлган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларига бўлган талаб бугунги кунда ҳам кучлидир. Дурадгорлар турли уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари, уй жиҳозларига безак беришда нақшли ўймакорликни қўллаб,

қадимдан ривожланган ёғоч ўймакорлиги санъатини авлоддан-авлодга ўтказиб, асраб келмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сурхон воҳасида қадимдан ривожланиб келган халқ бадиий ва амалий санъати бўлган: каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа хунармандчилик турлари бугунги кунда ўзига хос услубда анъанавий ривожланиб келмоқда. Улар Сурхон воҳаси аҳолисининг этно ва моддий маданият турлари бўлиб, бугунги кунда жаҳон давлатлари, ватанимизда ўтказилган кўргазмаларда, бадиий ва амалий санъат, Ўзбекистон тарихи музейларида ноёб экспозиция хисобланади ҳамда чет эллик туристларни ҳам қизиқтириб келмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Турсунов С.ва бошқалар. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017

2. Сурхондарё: буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари [Matn]: Китоб-альбом/ Тузувчилар: Қўчқоров Р., Пидаев Ш., Шарипов Ф., Алимардонов З. ва бошқалар. – Тошкент: "Маънавият", 2018; Турсунов С. ва бошқалар. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. –Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

3. Қодиров У. Қадимдан машхур хунармандчилик тури //"Давр, замон, шахс" мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани. Биринчи қисм. – Термиз: 2016.

4. Имомқулова М. Ўзбек миллий гиламлари нақшларни Бойсунда жилоланиши // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Термиз: "Сурхон-нашр". 2017.

5. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. – Тошкент: "Muharrir" нашриёти, 2013.

6. Жумаева Ш. Бойсунда миллий хунармандчиликнинг миллийлик ва ўзликни англашдаги аҳамияти // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

## СУРХОН ВОҲАСИДА АЁЛЛАР МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ

Лола Азимова,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Сурхон воҳаси аҳолиси ўз анъанавий кийимларида ўзига хос минтақавий ва этник кўринишларни сақлаб қолган. Шу билан бирга, кадимги урф-одатларга кўра, кийим бичишда ёки унинг кийқимларига ёмон кўзли ёки “назари бор” кишиларнинг нигоҳи тушса, ўша кийимни кийган киши касалланади, деган эътиқодлар бўлган. Кийим-кечаклар қишлоқ ва ёзлик қилиб тикилган. Ёзлик кийимлар асосан бир қават, астарсиз ва пахтасиз, қишлоқ кийимлар эса, аксинча, астарли ва пахтали бўлади. Кийимлар уни киядиган кишиларнинг ёшига, оила ҳам жамиятда тутган ўрнига қараб турли матодан ҳар хил қилиб тикилган. Шунингдек, кийим учун танланган матонинг ранги ҳам катта аҳамият касб этган. Масалан, сувли қишлоқлар аҳолиси (чиғатойлар, тоқчилар асли турклар) кўпроқ пахтадан, дашт худуди қишлоқлари аҳолиси (асосан ярим ўтроқ ўзбек уруғлари) жундан, шаҳарлар аҳолиси эса (асосан бойроқ хонадонлар) шойи ва ипақдан тайёрланган матолардан кийим-бош тайёрлашган. Кекса чеварларнинг айтишларича, кийимлар ранги тўй-тантаналарга, қувноқлик (кўпроқ қизил) ва таъзия либослари хафачилик (оқ, қора, кўк) рамзлари сифатида намоён бўлган. Кийимларнинг ранги асосан кишиларнинг жинсига ва ёшига қараб танланган. Ёшларни катта ва улуғ кекса кишилар кўпроқ оқ, кулранг, ёшлар қизил ва сариқ рангдаги кийимларни кийишган. Ўрганилаётган худуд хотин-қизлари ҳам ўша давр ижтимоий-иқтисодий шароитига мослашган ҳолда кийинганлар. Лекин хотин-қизлар кийимлари ҳам ёшларига қараб бичилиши, тикилиши, ранги мато турига қараб фарқланган. Матоларни маҳаллий хотин-қизлар кийимлари кўпроқ шойи, зарбоф, адрас, чит, сатин каби матолардан тайёрланган [1:104-105].

**Аёллар кийими.** Сурхон воҳаси аёлларининг кўйлаклари ёшларига қараб турли бичишда бўлган, кўйлақлар узун ҳамда кенг қилиб тикилган. Аёлларнинг ички кийими оқ матодан тикилган.

Кўйлак ҳамда “кўкрак-банд”дан иборат бўлган. Кўкракбандни фақат эмизикли аёллар устки кўйлаги сути ўтиб кетмаслиги учун таққанлар, кампирлар ҳамда қизларнинг кўкракбанд тақишлари гуноҳ саналган. Туркий халқларда ички кўйлақлар устидан ҳамиша кундалик кўйлақлар кийиб юрилган. Воҳада қизлар кўйлагидан аёллар кўйлаги маълум томонлари билан фарқ қилган, фарқ аввало кўйлак ёқаларида мавжуддир. Аёллар кўйлаги ўйма ёқа ҳамда кўндаланг ёқали бўлган, ўйма ёқали кўйлак бўйиндан бир қарич узунликда кўкраккача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Асосан бу кўйлак аёл кишининг бола эмизишига мўлжалланган, воҳанинг айрим қишлоқларида бу кўйлакни “пешчак”, “пешкумо” деб аташган, воҳада қизлар ҳамда қариялар кўндаланг ёқали, айрим қишлоқларида бу кўйлакни “кифтаки” деб аташган. Бундай кўйлак ёқалари чап ва ўнг томонидан ярим қарич узунликда бош бемалол киришига мўлжаллаб кесилган, бош кириши учун мўлжалланган тепа қисми ип билан боғлаб кўйилган.

Отасиникида юрган келинчак қиз кўйлагига юрган, фарзандлик бўлганда эса қиз кўйлакнинг икки ён томони, яъни қўлтиқ тагидан пастга қарата бир қарич кесилиб, бола ўша ердан бир қарич кесилиб, бола ўша ердан эмизилган. Албатта, келин куёвнинг уйига келгандан сўнг хотинлик кўйлагини кийган. Сурхон воҳасида аёллар асосан қиш фаслида ҳамда тўй ва байрамларда икки-уч, ҳатто ундан ҳам кўп кўйлақларни устма-уст қилиб кийганлар, албатта, устинги кўйлак қимматбаҳо матодан тикилган. Шунингдек, бу кўйлак энглар учига катта, яъни “енг кашта” турли ипак ипларидан тикилган.

Воҳа аёлларининг анъанавий ички кийимларидан бири лозимдир. Эркак ва аёллар лозимлари, яъни иштонлари бичимларида фарқ бўлмаган, фақат тикилишида фарқ бўлган. Аёл кишининг, ҳатто бир ёшга етмаган чақалоқ қизларда ҳам гуноҳ саналади деб лозим кийиши шарт бўлган. Аёллар лозими икки хилдаги матодан тикилган. Лозимнинг пойча қисмига янги матодан липпасига, яъни кўзга кўринмайдиган томонига арзонроқ матодан, ғилтагига пойча қисмига ишлатиладиган матодан тикилган. Ёши катта ва кекса аёллар лозими малла, кўкиш рангдаги матолардан, қизлар ва ёш аёллар лозими қизғиш, оч рангдаги матолардан тикилиб, пойчаларига турли хилдаги жияклар қадалган.

Воҳа аҳолиси аёлларининг устки кийимларидан бири чопон

бўлиб, аёлларнинг чопони беқасам ипак ҳамда ярим ипакли матолардан тикилган. Аёллар пахталик чапони кишда, пахтасиз энгил чапонлар ёзда кийилган. Аёллар чопони эркаклар чопонидан маълум даражада фарқ қилиб, аёллар чопонига олдиларини ёпиб юриши учун тугма ёки боғичлар қилинган.

Сурхон воҳаси аёлларининг устки кийимларидан бири курта йўл-йўл матодан тикилиб, асосан астарсиз аврадан иборатдир. Куртанинг энглари, ёқаси ҳамда этакларига чиройли жияклар тикилган, аёллар куртани асосан бошига ташлаб юрган. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд аҳолисида ҳам бўлиб, қорақалпоқларда “оқ жада” ҳамда Хоразм ўзбекларида “жада” деб аталади. Воҳа аёлларининг анъанавий уст кийимларидан мунисак бўлган, мунисак қадимги кийимлардан саналади. Мунисакдан фойдаланиш услуги бир хил бўлса-да, лекин ҳар хил номланган. Хусусан, Бухорода “катача”, Хоразмда “мисак”, Тошкентда “мирсак”, Фарғонада “мунсак” деб аталган. Воҳада мунсакнинг тикилиш услуги куртага ўхшаб, фақат авра-астарли ҳамда энги тирсаккача кенг бўлиб, унинг тагидан кўйлак энгига тикилган каштали безаклар кўриниб турган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг кенг тарқалган кийими паранжидир, паранжи воҳа аёлларининг кўчага кийиб юрадиган асосий кийими ҳисобланган. Паранжи арабча “фарожия” (кўпликда фарожат) сўзидан олинган, асосан XVI асрда аёлларнинг бошига ёпинадиган ёпинчиғига айланган. Паранжи тикилиш услуги чопонга ўхшаб, фақат сохта энгли бўлиб, бу иккала энг орқага ташлаб, бир-бирига бирлаштириб кўйилган. Бу сохта энглар “паранжининг удумлари” ҳисобланган паранжининг чачвони отнинг ёлидан тўқилган, чачвон бетга тутилиб, устига паранжи ёпилган. Сурхон воҳаси аёллари кийимларида бош кийимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, бош кийимлар анъанавий кийимларнинг ажралмас бир қисмидир, аёлларнинг бош кийимсиз бўлиши гуноҳ саналган. Ҳаттоки, эркаклар ҳам “имон”и учиб кетади, деб бош яланг овқат емаган, агар аёл таом устида бош кийимсиз ўтирса, уни кўриқловчи фаришталар учиб кетади, деб ўйлашган.

Воҳада қизларнинг қадимги бош кийимларидан бири “қасава” бўлиб, у қаттиқ бўлиши учун бир неча хил матодан чамбарак услубида тайёрланган ҳамда ўрта қисми очик қолдирилган. Қасава воҳа аҳолиси аёлларининг қадимий бош кийимларидан бири

эканлиги ҳақида айрим муаллифлар тўхталганлар. Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийимларидан бири бўлган рўмол тўртбурчак шаклида бўлиб, турли усулда ўралган. Рўмоллар тайёрланган матосига қараб, турлича номланган, воҳада қизлар “гуноҳ ёши”га етган даврдан бошлаб, рўмол ўрай бошлаганлар. Воҳада ўрта ва катта ёшдаги аёллар рўмолининг тагидан киядиган бош кийимлардан култа бўлиб, бошга кийиладиган жойи айлана шаклида бўлган. Орқа томонга икки қарич узунликда соч қопи мавжуд, култани воҳанинг айрим ҳудудларида “култа пўшак” деб аташган [2: 227-229].

Олача – аёллар кийими учун ишлатиладиган пахта мато. Олачанинг қизил, ҳаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб, ола яъни йўллари майда ва тор бўлган.

Беқасам йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда кўндаланг чизиқлар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Беқасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин бўяганлиги боис унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли- тумандир. Беқасамдан туман аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланган.

Паранжи – (арабча-фаражи – кенг кўйлак) кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи, чачвон билан ансамбль ҳосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб, туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб боровчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чагиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Авра-астарли қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четларига кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади. Астари чит, сатиндан тайёрланади ҳамда четларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжини икки ёни (чўнтак ўрни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чагилади, жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан кўнғироқчалар осилган. Қадимги Мисрда пайдо бўлган ва бошқа мамлакатларга тарқалган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариатига мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса 1930 йиллардан бошланган "Хужум" ҳаракати ва бошқа туфайли) паранжи деярли урфдан қолган [3:150-152].

Курте – олди ёпик, узун, туникасимон бичимда, ёнлари трапетсиясимон шаклда бўлади. Куртега баъзан хиштак солинмайди. Баъзан эса ромбсимон хиштак қўйилади. Курта этагининг ён томонларига қирқим берилади. Этаги ва ён қирқимларига занжир чокда рангли кашта тикиб безалади. Енгил устки кийимлар бичими ва кўриниши жиҳатидан ҳар хил бўлган. Туркменистоннинг марказий, жанубий ва жанубий-шарқий туманларида дон, чабит ва курте каби енгил устки кийимлар – қизил ва сариқ рангдаги энсиз, йўл-йўл ёки сидирға ипакдан тикилган, астари яшил сатиндан, кейинчалик читдан қилинган [4:225].

Қадимий Сурхондарё либослари ҳақида сўз кетар экан, қайси вилоят қайси қавмдан эканлигидан дарак берувчи бу кийимлар билан доим ғурурланиб яшайди. Асрлар давомида авлоддан авлодга безавол етказилаётган бу бойлигимизга ҳурмат, қадр ҳисси билан муносабатда бўлиш халқимизга бўлган ҳурматни ифодалайди.

Оқ кийма (салла) докадан тайёрланади. Доканинг ярми бошга пешона билан айлантриб ўралади. Қолган қисми аёлнинг кўкрак қафасини ёпиб туради. Кекса аёлга улуғлик бахш этиш билан бирга, либос қирланишини ҳам олдини олади. Дока тоза пахтадан тайёрлангани боис кишининг нафас олишига халақит бермаган.

Саллалар ип газлама, ип аралаш жун матолар, дока, баъзан кимматбаҳо нав матодан тайёрланган. Аҳолининг ҳар бир ижтимоий табақаси саллани ўзига хос ўраши билан ажралиб турган. Кишилар иш билан машғул бўлган ёки уйдалик пайтларида саллани ечиб қўйиб, бошларида бир бўлак матони ёки рўмолчани боғлаб олишган.

Капач (кийгич) қизил, яшил шойи ёки тоза сатиндан тайёрланган. У икки қисмдан иборат бўлган. Бош қисми айлана қалпоқ шаклида. Айлананинг ўрта қисми алоҳида ўйиб олинган. У ерга жойлаштирилган матога саккиз бўлакли кашта тикилган. Капачнинг пешона қисмига ҳам панжа шаклида уч бўлакли кашта солинган. Бу кашталар гиламдаги ғожари, қатик, пичоқ учи усулида тикилган. Бу кийимнинг бош қисми билан орқа елка қисми бирлаштирилади. Елка қисми эни бир қарич, бўйи уч қарич келади. Ана шу елка қисмининг пасти бирлаштирилган жойидан аёлнинг сочлари ўтказиб олинади. Капач аёл киши рўзғор юмушларини бажараётганда сочлари халақит бермасликни таъминлаган. Одатда капачни аёллар икки-уч болалик бўлганидан сўнг то умрининг



охиригача кийиладиган кийимбош ҳисоблаганлар. Уни бир неча қават рўмол ёки салла остидан кийишган. Ёзда иссиқдан, кишда эса совукдан асрайди. Воҳамизнинг қунғирот уруғи истиқомат қиладиган айрим қишлоқларида ҳозирга қадар кийгич сакланиб келинади.

Тойтўри рўмол – қатта, оқ пахтали, сочиқли рўмол. Социқлари саккиз чоракли ёки ўн бир чоракли бўлган. Рўмолнинг гуллари ёрқин, кўпроқ қизил тусда. Момоларимиз бу рўмолни келинчаклик давридан то умрининг охиригача ўраганлар. Тойтўри рўмолнинг сочиқлари пахтали ва ипакли бўлади.

Қорашол рўмол – қатта, туси қора, гуллари хирароқ бўлган. Рўмол сочоғи саккиз ёки ўн бир чоракли бўлган. Бу рўмол аёлларга, айниқса, кексалик ва азалик пайтида асқотган.

Гарди рўмол – туси қизил ёки қирмиз, гуллари оқ, қатталиги бир ярим қулочга бир ярим қулоч бўлган. Бу тоза пахтадан тайёрланган. Қизил гарди рўмолни ёш келинлар ўраганлар. Ранги хирасини эса кекса момолар ўрашган. Бу барча кийгич, рўмол ва либослар авлоддан авлодга ўтиб, қизлар сепига солиниши урф бўлган [5:253-257].

Дўппи – енгил бош кийими. Қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида) миллий кийим турига айланган. Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, беағи билан фарқланади. Дўппи уч қисмдан иборат – тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклида) ва жияқдан тузилган, республиканинг турли жойларида турлича безатилади; қисмлари бирлаштирилганда турлича кўринишга эга бўлади. Дўппи тикувчи уста дўппидўз, дўппини. тикиш касби эса дўппидўзлик деб аталади. "Дўппи" – сўзининг ўзи туркий "тубе" сўзидан олинган бўлиб, уст, юқори деган маънони билдиради. Унинг тарихий шакллари саллага ўхшаб ўраладиган гумбаз шаклидаги телпак ҳосил қилади. Аста-секин у ўз шаклини ўзгартирди – пахта ёки ипак билан тикилган ва ҳатто атлас ёки баҳмал олтин ипалар билан тикилган чўққили, конуссимон, думалоқ ёки тўртбурчак кўринишга келди. Ўзбекистонда дўппилар бош кийим сифатида ўрта асрларда кенг тарқалди. Дўппи тикиш санъати қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга, онадан-қизига ўтиб, мерос бўлиб келмоқда.

Аёллар дўпписига шойи, бахмал, парча матолар ишлатилади. У бисер, майда металллик ишланмалар билан безатилади. Бир қарашда уларни бир хил деб ўйлаймиз. Аммо юртимизнинг ҳар бир вилоятида турфа хил кўринишдаги дўппилар мавжуд. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёда думалоқ кўринишдаги дўппилар, ёрқин, бир-биридан кескин фарқ қиладиган иплар билан тикилган бўлса, Бухоро дўппилари кўпроқ зар иплар билан тикилган [6].

Сурхондарё дўппидўзлик мактабида миллий каштачилик амалий безак санъатининг ўзига хос жозибадор халқчил услублари сақланиб қолинганки, бундай дўппиларни халқ севиб, бошидан туширмай келмоқда. Айниқса, бойсун, дашнобод дўппиларга разм солар экансиз, улардаги мукамал ранг-баранг нақшлар жилосига қараб халқ қалбининг жўшқинлиги, табиатга яқин, ҳамнафас эканлигини хис қиласиз.

“Тўлдирма”, “пулакча”, “тангача” ёки “лолагул” деб аталувчи дўппиларни йигитлар ва эркаклар киядилар. Бундай дўппилар асосан патли бахмалдан тайёрланганлиги сабаб, “патдўзи” деб ҳам ном олган.

Хотин-қизлар кийишига мўлжалланган “мунчок” ёки “шабанок” деб номланувчи дўппилар эса шаклан думалоқ, уларга майда мунчоклар тизиб, гул тикиб тайёрланади. Дўппиларининг кизагига “йўрмадўзи” усулида тайёрланган, жияк қадаб безатилган. Эркак ва аёллар дўппиларининг жияклари гул нухаларига қараб фарқланади. Дўппига жияк тикиб бўлингач, жиякнинг туташган жойига турли рангдаги ипаклардан попукча қадаб безатилади [7:313-314]. Шундай қилиб, ўзбек дўпписи безагининг барча элементлари — ранги, чизиклари, расмлари муҳим маъно юклаганасига эга бўлиб, кўпинча ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва қоронғулик, ер ва осмон, яхшилик ва ёмонлик каби умумий тушунчалар билан боғлиқ бўлади.

Чакка пўпак ёки заркокил – ёш аёллар ва келинларнинг сочларига тақадиган соч безаги чакка пўпак ёки заркокил дейилади. Бошга боғланғич тақилиб, олтин суви юритилган кумуш найча ичидан гажакка ўхшатиб, тилла ип аралаш попук чиқарилади [7:314].

Заргарлик – бадий хунармандлик соҳаси – олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар, безак буюмлари яшаш каби), безак буюмлари яшаш касби. Заргарлар безак буюмлари тайёрлашда қуйиб, болғалаб (зарб бериш) яшаш,

халлаш (олтин ва кумуш суви юритиш), ўйиб ёки бўрттириб нақш яшаш, зигирак, савот кори, калипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланилади. Қимматбаҳо тошлар (гавҳар, феруза, дур, ҳақик ва бошқа)га ишлов бериб, заргарлик буюмлари (баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоки, бўйинтумор, гажак, дуо тузи, жеваҳ, жига, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла, баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қошқарбалдоқ, халқа каби) яратилган [8:50].

Заргарлик қадимги даврлардан буён ривож топган. Заргарликда, асосан олтин ва кумушдан фойдаланишган. Бойсун олтин ва кумушсозлик бадиий мактаби тақинчоқларининг таркиби, техник ҳамда бадиий услубнинг ўзига хослиги билан Бухоро бадиий мактабига яқин туради. Заргарлик ишларида тоблаш, ўймакорлик, кесма, филигранъ, текис ва чуқур ўймакорлик, чизмачилик, сайқаллаш, олтин суви юритиш, сирлаш каби усуллар қўлланилган. Филигранъ буюмлари бўлиши «Панжара», «Бозбандча», «Қатмала», «Мохитилло» каби билакузуклар Бухоро заргарлик мактабининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган. Бойсун заргарлик буюмларидаги ранг-баранг ва бекиёс нақшинкор безаклар «Ислимий» ва хандасавий шакллардаги қатъий чизикларнинг ўзига хос гўзаллиги кишини беихтиёр хайратга солади. Нақшларда ёзувчилар, шеърлар, Қуръон сураларига ҳам алоҳида эътибор беришган. Нозик араб имлосида битилган ёзувчилар буюмларга ўзгача ифода бахш этган. Қуръондан парчалар, шахс ва исм ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Эрон ферузаси ва ҳақик заргарлар томонидан алоҳида кадрланган. Тошлар сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган. Чунончи, ёқут, лаъл, нилум (санфир), зумрад, қизилхонт (рубин), марварид ва жавохирлардан қимматбаҳо буюмлар яшашда кенг фойдаланилган. Тақинчоқлар таркиби ўзида аҳолининг жинсий бўлинишини акс эттирган. Аёллар тақинчоғи 3-4 ёшдан то кексалик давригача тақилган. Бойсун шаҳар келинчақлари бой, ранг-баранг сепи алоҳида ажралиб турган. Бинобарин тақинчоқлар авлодлар, сулола давомийлигини билдирган. Тўй тақинчоқларига бош, бўйин, кўкрак безаклари: «Қошитилло», «Боло-абру», «Тилло баргак», «Мохитилла» каби зеби-зийнатлар кирган. Бошга тақиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, моҳитилла, хатаба қабилар

кирган.

Тиллақош – кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилган. Бу безакни кўпроқ сувли қишлоқлар хотин-қизлари (чиғатойлар, тоқчилар, турклар, лўлилар (жўгилар)) тақишган.

Силсила – ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланган, уни маҳаллий халқлардан ташқари кўшни худудлардан келган туркманлар, араблар ҳам тақишган. Қарияларнинг шоҳидлик беришларича қадимий силсилалар тўрт қисмдан иборат бўлган (хатабак, силсила, чўйша ва чеккадуо).

«Қошитилло» – ушбу тақинчоқнинг дастлабки шакли олтин қошлар кўринишида бўлган ва қошлар устидан тақилган. Тақинчоқларни бора-бора тош кўзлар, кейинчалик эса, тошлар билан безалган яхлит тасма эгаллаган.

«Баргак» – қолипсимон маълум бир услубга солинган япроқли тақинчоқ бўлиб, гул ва барглардан ясалган гулдастага ўхшайди. У яшаш ва туғилиш рамзини билдирган.

«Бибишак» бой хотинларга, яъни бегойимларга тегишлиликни англатади. Бошни безайдиган тақинчоқ-безаклар «синсила» ёки «силсила» дейилиб, икки хил маънони яъни «занжир» ва «сулола» маъноларини билдиради.

Соч тўғноғич эса «сарсўзан» деб аталган. «Сочпопук», «туф» каби шаклдаги турли хил кумуш деталли ипак боғичлар ўрим сочларнинг асосий зийнати ҳисобланган. Улар гўёки сочларни беркитиб туриш ва ёмон кўзлардан асраш учун ишлатилган. Бойсун заргарлик санъатига хос бўлган зиракларнинг барча асосий турлари доирасимон «кундалсози», «муҳаммади», «қашқар балдоқ», «шибирма» ва бошқалар мавжуд. «Шибирма» қизларга балоғат ёшига етганда ёки тўй куни совға қилинади. Зираклар, анъанавий филигранъ техникаси услубида тайёрланиб, оч-қизил ёқут, феруза марварид билан жило берилган. Бу ерда кўкрак тақинчоқларидан маржон, бозбандчанинг олтин ва кумуш ўрнатилган ярим қимматбаҳо тошли, жимжимадор қатмола шарчали, тангачали шода мунчоқларнинг бир неча тури заргарлар томонидан ясалган.

Худудда кўп тарқалган тақинчоқлардан билагузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлар бири албатта мавжуд бўлган. Воҳа заргарлари эски

тангалардан ҳам турли тақинчоқлар яшашган, улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Ҳудудга хос аёлларнинг тақинчоқларидан бурунларга тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни асосан кўнғирот аёллари, шунингдек, араб, лўли хотин-қизлари ҳам тақишган. Бунда сирға буруннинг икки четига бурун паррақларига ҳамда бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра, бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари булоқи (булови), бурун балдоқ деб ҳам юритилган.

Кўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашаган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбанд, хапамант деб аталган, шунингдек, безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган, улар кўкрак тумор, бўйин тумор деб юритилган.

Сурхон воҳасида заргарлик санъати намуналари жуда қадимий, бебаҳо ва ранг-баранг бўлиб, хусусан, холчаён, Далварзин каби археологик ёдгорликлардан топилган тақинчоқ ва зебу зийнатлар бунга мисол бўлади. Мингйилликлар давомида кийимларни безашда кўпинча турли хилдаги ва рангдаги мунчоқ, юпқа ва ясси қилиб олтиндан, кумушдан ясалган, баргақлар билан ишланган зирак, кўкрак ва бўйин тақинчоқлари ҳам мавжуд бўлган.

Тақинчоқлар мовий, зангори мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар (нефрит, фируза, лаъл ва бошқалар) билан безатилган. Тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни, табақавий қатламни ва оилавий аҳволни белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насли-насабидан дарак бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Денов беклиги марказида махсус заргарлик устахоналари мавжуд бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатган.

Воҳада аёлларнинг пешонага, сочга, кулоққа, бшйин, кўл-оёққа ва кўкракка тақиладиган, тикиладиган мунчоқ, сирға, узук ва билакузук каби тақинчоқлари мавжуд бўлган. Сурхон воҳасида бундай тақинчоқларни аёллар тўй, байрам (наврўз, курбон, рамазон ҳайитларидан) кунлари айниқса, келинлар тўй куни яхлит тарзда таққанлар.

Воҳада келинчақлар “тиллақошни” баргақнинг устидан тақиб юрганлар, айрим манбаларда бу ҳақида тўхталиб ўтилган. Сурхон воҳаси аёллари хусусан, ёш келинчақлар ҳамда бой хотинлар

тўйларда, байрамларда бурунларига сирға, яъни “латива” таққанлар. Лативани Хонжизза, Хўжаасмин қишлоқларида “натибини” деб аташганлар, латива тақинчоғи ўзбек лоқайларида ҳам мавжуд бўлган.

Воҳада ёш келинларнинг тақинчоқларидан бўлган “силсила” уч-тўрт қатор йўма нақшли бир-бирига занжир кўринишда халқачалар билан уланган бўлиб, асосан, бошдаги кийгичга ёки рўмолга беркитилган. Силсилалар тўрт қисмдан: ҳабатак, силсила, гўйша ҳамда чеккадуодан иборат бўлган. Силсила тақинчоғи тожик ва туркман аёллари ижтимоий турмушида сеvimли тақинчоқлардан бўлган. Сурхон воҳасида аёлларнинг барчаси гуноҳ ёшидан бошлаб оқ кулоққа сирға таққанлар, сирғаларнинг уй сирғаси, ойбалдоқ, қозик сирға, муҳаммади сирға каби турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Хусусан, воҳада айлана ёки бодомсимон сирғалар бўлиб, “халқай муҳаммади сирға” деб номланган. “Муҳаммади” сирғанинг тоқ сонли осилчоқлари бўлиб, уларнинг сонига қараб “уч оёқли”, “ўн бир оёқли” каби турлари бўлган. Воҳада “тўққиз оёқли” Муҳаммади сирғани асосан бой хотинлар тақишган, бу сирғанинг воҳа аёллари Биби Фотиманинг сирғаси деб муқаддас билганлар. Воҳада аёлларнинг бўйин ва кўкрак тақинчоқларидан бири маржон бўлиб, маржонлар бир неча шодаларнинг алоҳида тўқималаридан иборат бўлган. Воҳада маржоннинг қизғиш-пушти рангли “қалампир маржон” ҳамда “нозик маржон” турлари жуда кенг тарқалган.

Воҳада кенг тарқалган бўйин тақинчоқларидан “хафабанд” бўлиб, хафабанднинг ёйсимон, учбурчаксимон ҳамда ромбсимон шакллари бўлиб, хафабанд хафани боғлаб, қувонч келтиради, деган фикр мавжуд. Сурхон воҳаси хотин-қизларининг қимматбаҳо тақинчоқларидан юмалоқ шаклда бўлган, зебигардоннинг учбурчаксимон, ромбсимон осилчоқлари бир-бирига уланган занжирлари бўйинда ва кўкракда жуда гўзал турган, зебигардонни воҳанинг ўзига тўқ, бой хонадон аёллари тақишган. Воҳа аёлларининг тақинчоқлари ичида сочга тақиладиган тақинчоқлар ўзига хос ўринга эга бўлган. Соч тақинчоқлари “жамалак”, “попук” каби турли хилларда номланиб, воҳа аёллари тўй-ҳашамларида безатилган соч попукларини, кундалик турмушда эса оддий соч попукларини таққанлар.

Воҳада қизлар, ўрта ёш аёллар ҳамда ёши кекса кампирларнинг соч ўришида жуда катта фарқ бўлган. Қизларнинг сочи турмушга чиққанига қадар тўрттадан қирқ ва ундан ҳам кўп майдалаб ўрилиб, учига жамалак тақилган. Гуноҳ ёшигача бўлган қизларнинг сочига эса майдалаб ўрилаётганда пахтадан “пахта пилик” қўшиб ўрилган. Турмушга чиқаётган қизнинг сочини иккита қилиб ўрган ҳамда турли хил тугма, мунчоқ ва пошшои танга (кумуш тангалар) билан безатилган, жамалак (сочпопук) тақилган. Аёллар кундалик турмушда оддий қора рангга бўялган ипакли, чилвирдан иборат жамалаклар тақишган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг қўлга тақиладиган анъанавий тақинчоқларидан узук ва билагузук бўлиб, узукларни эркак ва аёллар такқанлар. Узукни воҳанинг Мармин, Хидиршо, Обшир каби қишлоқларида “узук” деб атасалар, Чоч, Пуштикаллак, Пуштиварак, Хўжаасмин каби қишлоқларида эса “ангуштарин” деб аташган. Ўзига тўқ бой хонадон соҳиб ва соҳибалари асосан тилладан ясалган узук такқан бўлсалар, ўрта ҳол аҳоли эса асосан кумушдан ясалган узуклар такқанлар.

Воҳада аёлларнинг сеvimли тақинчоқларидан билакузуклар бўлиб, бу тақинчоқларни воҳанинг Шалдирок, Бодом, Тўла каби қишлоқларида “билакузук”, Сина, Куёвсув, Ойбарак, Даҳана каби қишлоқларида эса “дастпона” деб атаганлар. Билакузуклар ҳам узуклар каби тилло ва кумушдан ясалган, айримларининг эни 1-1,5 бармоқ бўғинни ташкил этган. Билакузукларга нақшлар берилиб, айримларига қимматбаҳо тошлардан кўзлар ҳам кўйилган, уларнинг “панжа”, “турна” каби нақшлар солинган турлари мавжуд бўлган [9].

Заргарлар дастпона нақшлар билан жило берилган билакузук ва узук айниқса, беш йўлли «дастпона-панжара» флигранъ билакузуклари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир узук араб имлоси билан безатилган. Улар қўл покизалигини саклаб туради, дейишган. «Тумор» (тўртбурчак, учбурчак), «Бозбанд»лар ҳам илоҳий хусусиятларга эга деб ҳисоблашган. «Бозбанд» балиқ тангачаларини эслатувчи «майдаланувчи феруза» техникси усулида тайёрланган. Балиқ тўкинлик, қут-барака тимсоли сифатида ифода этилади. Бойсунда отга тегишли кўкрак пешбанди, бош, бўйин, шунингдек, эгар-жабдуқ безакларининг энг асл намуналари тайёрланган. Улар

кумушдан ясалган ҳамда феруза ва қимматбаҳо тошлар билан жило берилган. Бойсун заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумуш идишлар Бухоро амирига совға қилинганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Пардозлаш, сирлаш ва ўймакорлик ишлари маромига етказилган, олтин, кумуш, ёқут, феруза каби қимматбаҳо тошлар ўз даврида Бойсун заргарлик мактабининг беқиёс санъат дурдоналаридан гувоҳлик беради.

Бойсун ҳунармандчилигининг шуҳрат топишида нафис ва бектакрор гўзалликни буюмда акс эттирган заргар ҳунармандларнинг хизмати беқиёсдир. Заргарлик санъати билан шуғулланган ҳунармандлар асрлардан-асрларга ўзига хос санъат мактабини яратиб, оилавий заргарлик сулоаларини шакллантирган. Жумладан, уста Худойқул заргар, Остонқул заргар, Хайит кичкина, Абди заргар, Курбон Мурот заргар, Холмамат заргар, Хуррам заргар, Менгнор заргар, Мавлонқул заргар, Қулмамат каби заргарлар Бойсуннинг Тузбозор мавзесидаги заргарлик мактабининг оилавий сулолари ҳисобланади. Иброҳим заргар, Исмоил заргар, Сафар заргар, Муқум заргар, Раҳмонқул заргарлар Пойгабоши қишлоғида яшаб ижод қилган. Ҳамид заргар, Кенжа заргарлар Кўктепа қишлоғида, Маҳмудзаргар, Мулло Нурман заргар, Хурсан заргар Омонтепа қишлоғида умургузаронлик қилган. Бойсун заргарларини кейинги авлоди совет ҳокимияти даврида, яъни 1953-1954 йилларгача фаолият кўрсатган. Мустақиллик йилларида Бойсун заргарлари сулоласини давомчиси бўлган Ҳомид заргарни чевараси Файзулло Ҳамидов ушбу заргарлар ишини давом эттириб, Пойгабоши маҳалласида заргарлик устахонасини ташкил этган. Файзулло заргар томонидан сирға, аёллар тақинчоқлари, лотибинди, билакузук, кифти, понча, холбинди, сирға, узук, шокила, кўзгу, пардоз буюмлари ва бошқа буюмлар тайёрланмоқда [2:227-229].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Сурхон воҳаси миллий кийимлари момолардан мерос бўлиб, шу жой аҳолисининг келиб чиқиши, турмуш тарзи, этномаданий тарихини ўзида номоён этади. Аёллар кийимлари матоси, ранги ва ёшига қараб фарқланган. Воҳа кийимлари қадимийлик анъаналарини сақлаб қолганлиги, ўзига хослиги билан республикамизнинг бошқа вилоятлари кийимларидан ажралиб туради.

Воҳа аёллари ҳаётида безак ва тақинчоқлар ҳам муҳим ўрин тутган.



Қўнғирот хотин-қизлар кўпроқ бўйнига ва кўкракка тақиладиган мунчоқ ва маржонларни ёқтиришган. Заргарлар кўпинча кўкракка ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрлашган. Келинчақлар, 30 ёшдан ошган аёллар, ёши катта оналар бир-биридан фарқ қилувчи тақинчоқлар, кумуш тангалар тақишган. Аёллар тақинчоқлари ҳам этномаданиятимизни ўзида номоён этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Рўзиева М. Бойсун миллийлиги унинг либосларида номоён // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

2. Турсунов С., Рашидов Қ.Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr, 2011.

3. Худоймуратова Қ. Анъанавий кийимларда миллийлиги акс этган Бойсун матолари // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

4. Rahmatullayeva D., Xodjayeva L., Ataxanova F. Libos tarixi. – Toshkent, 2015.

5. Турсунов С. ва бошқалар. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017;

6. <https://l.facebook.com>

7. Сурхондарё: буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари [Matn]: китоб-альбом / Тузувчи-муаллифлар: Қўчқоров Р., Пидаев Ш., Шарипов Ф., Алимардонова З. ва бошқалар. – Тошкент, "Маънавият", 2018.

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ziyo.uz. кутубхонаси

9. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н.С. Сурхондарё – этнографик макон. – Термиз, 2011

## СУРХОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ

Лола Азимова,  
филология фанлари бўйича  
фалсаа доктори (PhD)

Ўтмишда Юнон-Бактрия ва Кушон салтанати маркази, савдо йўллари чорраҳаларида жойлашган Сурхон воҳасида бугунги кунда қадимги анъаналар, миллий кадриятлардан саналган: ўйин-рақслар, бекиёс оҳанглар, халқ мусиқа фольклори сақланиб қолган [1:198].

Фольклор – халқ оғзаки ижодини, унинг тарихи, турмуш тарзи, одат ва маросимларини ифодаловчи санъат тури ҳисобланади.

Бойсунда ўзига хос мусиқа маданияти ривожланган. Бойсун мусиқа фольклори – аҳолининг иқтисодий-маиший, ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда асрлар давомида шаклланган. Бойсун мусиқа меросининг асосий хусусияти – бу оғзаки тарзда эканлиги. Бу мерос иккига бўлинади: 1). Мусиқа фольклори ёки халқ мусиқа ижодиёти (унинг ижодкори, ижрочиси ва тингловчиси халқ). 2). Мумтоз мусиқа ёки оғзаки профессионал мусиқа (уларнинг ижодкори таниқли хонанда, созанда, бастакорлар). Ҳар бири ривожланган куй, мураккаб шакл, ранг-баранг ижро услуб ва усуллари билан ажралиб туради. Бойсун миллий фольклор мусиқа санъати илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Бугунги кунда ўз ижросидаги хилма-хил жанрлари, бой тасвирий воситаси билан ривожланиб келмоқда [2:153-154].

Бойсун мусиқа фольклорининг жанр тизими инсоннинг турли эҳтиёжига хизмат қилиб, унинг ҳаёти-фаолиятини акс эттиради. Айтим (халқ кўшиқлари, айтимлар, йиғи-сиғилар) ва чолғу (чакириқлар, оҳанглар, усуллар, куйлар) жанрлари халқ маросимлари билан кенг боғлангандир. Булар орасида маросим кўшиқлари (мавсумий, тўй-маросими, аза-мотам, диний ибодат) ҳамма кишлоқларда мавжуд.

Халқ кўшиқларига қадимдан қуйланиб келинаётган, “Суст хотин”, “Майда”, “Бойсун мавриги”, “Муборакбод”, “Кўк салла”, “Лолачага ишим бор”, “Янгажон”, “Бедана чертмоқ”, “Наврўз”, “О, зам-зам”, “Кўш хайдаш”, “Шохмойилар”, “Ўроқчилар кўшиғи”, “Алла”, “Хавор-хавор”, “Турна келди”, “Ҳа, дўрси-дўрси”,

“Бойсун ёр-ёри”, “Якку-якку-як”, “Уфу жақала”, “Айлансин ёр”, “Ё рамазон”, “Ковушим”, “Ошпаз кўшиғи”, “Ким оладиё”, “Келгин ёр ўйнайлик”, “Хут”, “Хай ёр-ёр”, “Дўст бўламиз лолача”, “Ҳа-мал-ҳамал”, “Тул бобо”, “Ҳалинчак”, “Воқуба”, “Ҳа, жўш” каби кўшиқлар киради [3:155-156].

Сурхон воҳасида 1980 йилларда “Наргиз” (фольклор), “Бехруз” (эстрада) “Шалола”, “Ситора”, “Ширу шакар”, “Бойсун” дасталари фаолият кўрсатган. Совет ҳокимиятининг “Миллатчилик ва эскилик саркитлари” деб номланган сиёсати туфайли ансамбллар фаолиятида бироз лирик чекинишлар бўлган. 1985 йилда “Совет Ўзбекистони” газетасида “Шалола қаерда?” номли мақола нашр этилади. Сурхондарё вилояти ва Бойсун тумани раҳбарияти, шу соҳадаги маҳаллий фаоллар ташаббуси билан 1987 йилда “Шалола” дастаси “Бойсун” фольклор этнографик дастаси номи билан фаолият бошлади. Шу даврдан бошлаб “Бойсун” этнографик фольклор ансамбли республикада, Москвада бўлган тадбирларда ва халқаро танловларда ғолиб бўлди. 1987 йилда Ўзбекистон телевидениеси томонидан ансамбль фаолиятига оид “Бойсунда қор ёққанда” номли фильм-концерт суратга олинди. “Ўзбеккинохроникаси” студияси томонидан “Унутилган оҳанглар” номли фильм ишланди [4:291-293].

1988 йил сентябрь ойида Москва шаҳрида “Олтин хўроз” халқаро фольклор фестивалида “Бойсун” дастаси қатнашиб, фестивалнинг 1-даражали дипломи билан тақдирланди. 1989 йил май ойида республика фольклор фестивалига қатнашиб, яна “лауреат” унвонига созавор бўлди. “Бойсун” дастаси 1989 йилда Қозоғистон Республикасининг Алма-Ата шаҳрида бўлиб ўтган “Олтин олма” халқаро фестивалида иштирок этиб, юксак соврин билан қайтди. Кейинчалик бу фестиваль “Осиё овози” деб номланди. Шу йилнинг ўрталарида “Бойсун” дастаси Тожикистон Республикасининг Марказий телевиденияси орқали ўзининг “Ширу шакар” деб номланган дастурини намоиш этди. Бундан ташқари, Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрида ўтган “35-параллел” номли халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди. 1990 йил Ўзбекистон телевидениясида “Наврўз”га бағишланган теле-марафонида ҳам муваффақиятли иштирок этди. “Бойсун” дастасининг энг муваффақиятли ижодий сафарларидан бири 1990 йил август-сентябрь

ойларида Буюк Британия бўйлаб ўтган Англиянинг 11 та шаҳарида “Биллингэм халқаро фольклор фестивали”, “Милтон Кейнс халқаро мусиқа фестивали”, Буюк Британиянинг олти навуфзули фестивалларига қатнашиб, Ватанимизга фестивал ташкилотчиларининг 6 та раҳматномасини олиб қайтди [5:160-161].

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши “Бойсун” дастасининг янада ўсишига сабаб бўлди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг миллий қадриятлари тикланди. 1993 йилда “Бойсун” дастаси Туркия Республикасининг Селчик шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда қатнашди. 1999 йил апрель ойида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Бойсун тумани ҳудудини “Жаҳон халқ ижодиёти дурдонаси” деб эълон қилди.

ЮНЭСКО ташкилоти 2001 йилда ушбу минтақанинг бой маданий ва фольклор мероси “Бойсун маданий муҳити” номи остида “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари” қаторида тан олинган, 2002 йил май ойида эса бу ерда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган халқ ижрочилари иштирокида “Бойсун баҳори” биринчи очик фольклор фестивали бўлиб ўтган. 2008 йилдан бошлаб Бойсун ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон Репрезентатив рўйхатида киритилган.

Бундай халқаро эътирофдан келиб чиқиб, ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан 2002 йилдан бошлаб, Бойсун туманида “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ўтказиладиган бўлди. Фестиваль доирасида халқ тарихи ва маданиятини ўрганиш, унинг бой меросини сақлаб қолишга бағишланган илмий анжуманлар ташкил этилди. Ана шундай форум ва конференцияларда тарихчи, археолог, этнограф, филолог ва санъатшунос олимлар ҳамда ҳунармандлар иштирок этиб, натижада, 50 га яқин ёдгорлик аниқланди. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти ЮНЕСКО ҳомийлигида олиб борган халқаро экспедицияда маҳаллий аҳоли орасида тарқалган юзга яқин ижрочилик санъати намуналарини ёзиб олишга ҳам эришилди. Шунга қарамай, бундай улкан амалий аҳамиятга эга тадбир 2004 йилга келиб тўхтаб қолган эди. Юртимизнинг бошқа вилоятларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва минглаб маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилаётган Самарқандда “Шарқ тароналари”, Бухорода “Ипак ва зираворлар”, Хоразмда “Рақс сеҳри” фестиваллари, Марғилон шаҳрида «Атлас

байрами», Тошкент шаҳрида баҳорги ва кузги халқаро туризм кўргазмалари каби тадбирлар қаторига кириши кутилаётган ушбу фольклор фестивалини ташкил этиш орқали Ўзбекистоннинг маънавий-маданий анъаналарини сақлаш ва асраш, уларни халқимиз орасида ва халқаро миқёсида кенг тарғиб қилиш имконияти яратилади [6:210-211].

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йилнинг 17 ноябрида ўзининг сайловолди дастури доирасида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувда вилоятда амалга ошириладиган бир қанча лойиҳалар қаторида яхши анъана, халқаро обрuga эга бўлишга улгурган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини қайтадан тиклаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳазаларини билдирган эди.

Ушбу ташаббус сабаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23. январдаги “Сурхондарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 28-сон қарори ҳамда 27 апрелдаги 73-сонли Баёнига мувофиқ 2017 йил 13-14 май кунлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида “Бойсун баҳори” фольклор фестивали ўтказилиши белгиланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Сурхон воҳаси халқининг қадимги анъаналари, кадриятлари, аҳоли турмуш тарзида ўзида акс эттирган фольклор санъати бугунги кунда ҳам маънавий меросимизнинг ноёб дурдонаси саналади. Шу жумладан, Бойсун фольклор мусиқа мероси кўп асрлик тарихга эга бўлиб, шакл жиҳатдан хилма-хил, мазмун жиҳатдан бой. Улардан бизгача кўшиқ, маросим, меҳнат кўшиғи, дoston, халқ эпоси, йиғи-сиғи айтимлари, чолғу-куй, оҳанглар етиб келган. Уларни асраб-авайлаш, нодир маънавий мерос сифатида келгуси авлодга етказиш энг долзарб вазифадир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда “Бойсун баҳори” фестивали янгича кўлам касб этди. Бу ҳаракатларнинг ютуғи “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали ва унинг доирасида Халқаро илмий анжуманлар ўтказилди (2002-2006) ЮНЕСКО ҳамкорлигида “Халқ ижодиёти маркази” қурилди. “Бойсун амалий санъати” музейи ва ҳунармандлар устахонаси

хамда унинг қошида анъанавий "устоз-шоғирд" мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Фестиваль доираси халқ амалий санъати ярмаркаси, анъанавий ва замонавий мода кўرғазмаси, ўзбек миллий академик театри ва Сурхондарё вилояти драма театрлари томонидан фольклор спектакллари намойиш этилди. Янгича кўриниш касб этган "Бойсун баҳори" фестивалига туризмини ривожлантириш мақсадида турли давлатлардан сайёҳлар таклиф этилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ачилов Н. Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр" 2017.

2. Аъзамова Д.Бойсун тарихий манбаларда – фольклор санъати // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр" 2017.

3. Қурбонова Д. Миллий маданиятимизнинг нодир дурдоналари // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр" 2017.

4. Турсунов С., Рашидов Қ.Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr, 2011.

5. Ширназарова М. "Бойсун баҳори" халқ миллий ансамбллари-нинг ўзбек халқи миллий қадриятларига қўшган ҳиссаси // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

6. Алимардонова Л., Чориева М. "Бойсун баҳори" миллий қадриятларимиз тимсоли // "Бойсун баҳори" – миллий маънавиятимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр", 2017.

## СУРХОН ВОҲАСИ БАХШИЧИЛИК МАКТАБИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори  
Гулираъно Аскархужаева,  
ЎЗМУ етакчи мутахассиси**

Халқимиз турмуш тарзининг юксалишида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти катта бўлиб, унинг муҳим йўналиши бўлган дostonчилик асрлар давомида ривожланган. Dostonлар-қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, романтик, маиший турмуш йўналишларини ёритувчи турларга бўлинган. Жумладан, дostonлар: қаҳрамонлик («Алпомиш», «Фарҳод ва Ширин»), саргузашт-детектив («Сабаи сайёр»), ишқий-романтик («Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун»), жангнома («Юсуф ва Аҳмад», «Садди Искандарий»), тарихий-мемуар («Шайбонийнома», «Жиззах кўзғолони»), фалсафий («Хайрат ул-аброр»), фантастик-аллегорик («Лисон ут-тайр»), дидактик («Кутадғу билиг») каби воқеликларни ифодалаган. Қаҳрамонлик дostonларида халқ, жамият тақдири тасвирланса, ишқий-романтик дostonларда ошиқ-маъшукларнинг саргузаштлари бош ўринда туради. Тарихий-мемуар ёхуд тарихий-биографик дostonларда бирор тарихий шахслар рамзийлаштирилиб, бўрттириб тасвирланади. Умуман, дostonларда идеаллаштириш, муболағали тасвир устун бўлади, уларда турли афсоналар, асотирлар, ҳикоятлар, дев, пари, Хизр, аждар, ажабтовур отлар («Алпомиш»даги Бойчибор), сеҳр-жоду кўп иштирок этади. Фольклордаги дostonлар билан ёзма адабиётдаги дostonлар шакл-шамойили жиҳатидан бир хил кўринишда бўлса-да, ёзма адабиётдаги дostonлар ёзувчининг дунёни ўзига хос тарзда идрок этиши, баҳолаши ва ўз фикр-ғоялари, орзу-армонларини ифодалаш тарзи, усули, услубида фаркланади. Гарчанд, Навоийнинг аксар дostonлари, жумладан, «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» асарлари асосида фольклор мавзуи турган бўлса-да, шоир уларни ўз эстетик қарашлари ва бадиий ниятидан келиб чиқиб, тубдан қайта яратган. Халқ дostonлари бахши, дostonчи, халқ шоирлари томонидан дотор, дўмбира ва бошқа чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади [1:4-5].

Бахши-халқ дostonлари, термаларини куйловчи, уларни ёдда

сақлаб, наслдан-наслга етказувчи санъаткордир. Бахши сўзининг маъноси мўғулча ва бурятча бахша, бағша-устод, маърифатчи, санскритча бхикшу-қаландар, дарвеш деган маънони беради. Мўғуллар истилоси даврида будда динидаги қаландарларни, уйғур алифбоси асосида турли хужжатлар тузувчи идора ходимларини, Чигатой улуси, Олтин Ўрда, Қозон ва Қрим хонликларида котибларни, Бобурийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва уларга маош тўловчи йирик амалдорларни, Бухоро амирлигида маъмурий бинолар куришда маблағ (сарф-харажат) ҳисобини олиб борувчи кишиларни, туркманларда уруғ оқсоқолларини ҳам бахшилар, деб атаганлар. Тарихий манбаларга кўра XV-XVI асрларда Ўзбекистон ҳудудида дostonчилик мактаблари ривожланган. Бахшичилик санъати маркази Ўзбек фольклоршунослигида Бойсун, Булунғур, Нурота, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шахрисабз, Шеробод, Чироқчи каби йирик дostonчилик мактабларидан ташқари, Камай, Пискент, Кўлбукон, ўзбек-лақай ва бошқа шундай марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажралиб туради.

Қаҳрамонлик дostonларида халқнинг ўз эрки босқинчиларга қарши мардонавор курашлари акс эттирилган, шундай қаҳрамонлик дostonларидан бири «Алпомиш» дostonи эди. Халқнинг сеvimли қаҳрамонларидан бири Гўрўғлининг жасорати ҳақидаги туркум дostonлар ўзбек, тожик, қозок, туркман, қорақалпоқ, татар, озарбайжон, грузин, турк халқлари орасида кенг тарқалган. Жангнома дostonларда асар қаҳрамонларининг тарихий ва афсонавий урушлардаги жасорати тасвирланган. «Жангномаи Або Муслим», «Жангномаи Амир Хамза», Фирдавсийнинг «Шохнома» асари, «Жангномаи Жамшид», «Хўшанг», «Тўмарис» каби дostonлар шулар жумласига киради. Бахшилар репертуарларида ўтмишда бўлиб ўтган воқеа ва ходисалар, тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган дostonлар ҳам бўлиб, уларда тарихий ҳақиқат билан афсона, воқелик манба билан бадий тўқима чатишиб кетган. XX аср бошларида тарихий мавзуларда яратилган «Жиззах кўзғолони». «Мардикор» каби дostonларда 1916 йилда бутун Туркистонни қамраб олган халқ кўзғолонлари воқеалари ўз аксини топган. Ўзбек халқ дostonларининг энг катта қисмини романтик дostonлар



ташкил қилган. Уларнинг сюжетлари ниҳоятда ўхшаш бўлиб, одатда қахрамон гўзал қизга ошиқ бўлиб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни бошидан кечиради, қийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади. «Кунтуғмиш» каби севги можаролари, саргузаштли воқеалар шундай дostonлар сирасига кирган. «Сохибқирон», «Орзуғул», «Эрали билан Шерали» дostonларида халқнинг маиший турмуши билан боғлиқ воқеалар акс этган. Дostonлар орасида мумтоз поэзия намуналарининг халқ оғзаки ижодида қайта ишланиши натижасида юзага келган, ёзма адабий манбага эга бўлган, яъни ёзма адабиёт таъсирида яратилган китобий дostonлар ҳам бўлган. Уларга, Алишер Навоий асарлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайхо», «Рустами Дoston», «Маликаи Дилором» каби дostonлар киради [1:5-6].

XIX-XX асрларда дostonчилик Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида, Хоразмда ҳамда Самарқанд вилоятида кенг ривожланган. Бу даврда дoston куйловчи бахшилар репертуарида 150дан ортиқ халқ дostonлари бўлган. Халқ орасида Йўлдошбулбул, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан, Ислом шоир, Берди бахши, Бола бахши, Аҳмад бахши каби дoston куйловчилар машҳур эди. Фавқулодда хотира қудратига эга бўлган Пулкан шоир етмишдан ортиқ дostonни ёддан билган. Ҳар бир дoston икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни ўз ичига олганлиги халқ бахшиларининг катта салоҳиятга, кучли хотирага, ёд олиш ва эсда сақлаш қобилиятига, ижод қилиш қудратига эга бўлганлигидан далолат берар эди. Фозил Йўлдош ўғли 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та дostonни ёддан айта олганлар, бахшиларнинг баъзилари фақат дoston айтса, баъзилари ўзлари ҳам дostonлар тўқиганлар. Дoston айтиш учун махсус кечалар уюштирилган, тўй-ҳашамлар ҳам бахшиларсиз ўтмаган, тингловчилар бахшини тўрға ўтказиб, уни диққат билан тингланлар. Иқтидорли дostonчилар икки-уч кеча мобайнида дoston куйлай олганлар, чунки дostonларнинг ҳажми ҳам икки-уч кеча муттасил ижро этишни тақозо этган. Бахшилардан Шерназар Бердиназар ўғли етти кеча давомида дoston айта олган. Дostonчилик кечаларига ташриф буюрган бахшилар ўз иқтидорлари, сўзга чечанлиги, соз чалишдаги маҳорати билан ўзаро беллашганлар. Мин-

тақада ўзига хос анъаналарга эга бўлган дostonчилик мактаблари шаклланган. Айниқса, Булунғур, Нарпай, Кўрғон, Хоразм, Шахрисабз, Шеробод каби йирик дostonчилик мактаблари машхур бўлган. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажралиб турган [2:5-6].

Бахшилар, асосан, икки тоифага: ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлинади. Ижрочи бахшилар, асосан, устоздан ўрганган дostonларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйласалар, ижодкор бахшилар оғзаки эпик анъана асосида янги дostonлар ҳам яратдилар. Бундай бахшилар шоир бахшилар деб ҳам юритилади, масалан: Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Абдулла шоир, Хидир шоир ва бошқалар. Бахшилар дoston ва кўшиқларни кўбиз, дўмбира, дутор каби созлар жўрлигида куйлайди. Хоразм бахшилари дostonларни асосан, дутор, қисман тор билан ижро этадилар, уларга ғижжак ва созчилар жўр бўлади. Дoston куйлаш, шогирд етиштиришда қатъий тартиб, қонун-қоидаларга риоя қилинади. Ўзбекистонда қуйидаги дostonчилик мактаблари бўлган:

1) Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилик мактаби. Дўмбира билан бўғизда айтилади.

2) Самарқанд дostonчилик мактаби. Дўмбира билан очиқ овозда айтилади.

3) Хоразм дostonчилик мактаби. Кўп мусиқа асбоби жўрлигида очиқ овозда айтилади.

4) Фарғона дostonчилик мактаби. Мусиқа асбобисиз очиқ овозда айтилади.

Сурхон воҳаси бахшичилик санъатида Шеробод дostonчилик мактаби асосий ўрин тутди. Шеробод дostonчилик мактаби Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва Туркменистоннинг жанубий қисми, Шимолий Афғонистон (ўзбеклар яшайдиган жойлар)да бахшиларни юзага чиқарадиган мактабдир [3:47-48].

Бу мактабда Мардонакул Авлиёкул ўғли, Умир Сафар ўғли, Бўрибой Аҳмад ўғли, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб дostonчилар етишиб чиқди. Шеробод бахшилари томонидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Бева Барчин ёки Барчин бека», «Авазнинг туғилиши», «Қунтуғмиш», «Нурали», «Аваз ва Ойбарчин», «Малла савдогар», «Ойпарча», «Авазхон», «Зандигор», «Оллоназар Олчинбек», «Ол-

тин қовок», «Тошбосар» каби дostonлар куйланган [4:201-202].

Шеробод дostonчилик мактаби ўзига хос таъсир кучи, анъаналари ва кенг тарқалиш доирасига эга. Бу мактаб намоёндаларига куйидагилар киради: Шерназар бахши Бекназар ўғли, Шотўра Юзбоши Бойкул ўғли, Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли, Чорша бахши Раҳматуллаев ва бошқалар [2:7-8].

Сурхондарё бахшичилик мактаби ўзига хос бўлиб, воҳадан Ўзбекистон халқ бахшилари етишиб чикган. Улардан бири Шоберди Бахши Болтаевдир. Шоберди бахши Болтаев 1938-йилда Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Сайроб маҳалласидаги Мунчок қишлоғида туғилган. Етти ёшида дўмбира чалишни отасидан ўрганган. Биринчи марта «Ойпари» термасини, «Нурхоннинг ютилиши» номли дostonни куйлаган. Шоберди бахши Болтаев Термиз педагогика институтида тахсил олган. 1983 йилда Шаҳрисабзда ўтган республика бахшиларининг кўрик танловида III ўрин, 1989 йилда Деновда ўтказилган республика танловида I ўрин, 1991 йилда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё бахшилари кўрик танловида олий мукофот совриндори бўлган.

Шоберди бахши кўплаб мамлакатларда ижодий сафарларда бўлди. Жумладан, 1993 йилда Францияда бўлиб ўтган Ўрта Осиё халқлари маданияти кунларида иштирок этди. 2002-йилда Германияда немис олими Карл Райхел томонидан немис тилига таржима килинган «Алпомиш» дostonининг тақдимот маросимида қатнашган. 2003-йилда Францияда ўтказилган Эрон, Покистон, Афғонистон давлатлари ҳамда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари санъаткорларининг концерт дастурида иштирок этган.

Шоберди бахши 1993-йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фахрий ёрлиғи, 2000-йилда Ўзбекистон халқ бахшиси унвони, 2007-йилда Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. Бахши репертуаридан «Алпомиш», «Олтин қовок», «Оллоназар Олчинбек», «Кунтуғмиш», «Сулувхон», «Санам гавхар», «Малла савдогар», «Ойпарча» дostonлари, «Дўмбирам», «Мехмондир», «Тилар», «Нима керак?», «Билмади», «Ойпари» каби кўплаб термалар ўрин олган[1:12-15].

Сурхон воҳаси бахшичилик мактабининг яна бир намоёндаси Абдуназар бахши Поёновдир. Абдуназар бахши 1954-йилда Бой-

суннинг Хамкон қишлоғида туғилган. 1984-йилдан бошлаб Хушбоқ баҳши Мардонакуловдан, сўнгра Чоршанба баҳши Раҳматуллаев ва Қодир баҳши Раҳимовлардан баҳшичилик сирларини ўрганди. 1985-йилда биринчи марта Хоразм вилояти Шовот туманида бўлиб ўтган баҳши шоирлар республика кўрик-танловида иштирок этган. Шундан буён Республика ва халқаро кўрик-танловлар ҳамда фестивалларда доимий тарзда катнашиб, катта ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, 1987-йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика баҳши-шоирлар кўрик-танловида иштирок этган.

Абдуназар баҳши 1999-2001-2003-йилларда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган баҳши-шоирлар кўрик-танловларида фахрли биринчи ўринни, 1999-2003-йилги Марказий Осиё республикалари баҳши-шоирларнинг I-II Халқаро кўрик-танловларида иккинчи ўринни эгаллаган. 1994-йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган «Манас» эпосининг 1000-йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро оқинлар кўрик-танловида иккинчи ўринни олишга муяссар бўлган. 2002-йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган халқаро «Ак тандай» оқинлар фестивалида иштирок этган. Халқаро «Бойсун баҳори» фестивалида мунтазам равишда катнашиб келмоқда. 2000-йил май ойида Франция, Швейцария, Бельгия мамлакатларидаги концертларда иштирок этган. Ўзбекистон радиосининг олтин фондида Абдуназар баҳши Поёновнинг «Олтин қовоқ», «Санам гавхар», «Туркистон», «Равшан ва Зулхумор», «Гўрўғлининг туғилиши ва ўсмирлиги», каби дostonлар сақланмоқда. Унинг репертуарида қирқдан зиёд дostonлар, термалар бор. [5:97-99].

2003-йилда Абдуназар баҳшига «Ўзбекистон халқ баҳшиси» унвони берилган. 2006-йилда «Ўзбекистон Республикасининг 15-йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Бундан ташқари Сурхондарё вилоятдан, Сарийосиёлик Бобораҳим баҳши Маматмуродов (2005 й), Қора баҳши Умиров (2008 й), Хушбоқ баҳши Мардонакул ўғли (2013 й), Расул баҳши Умиров (2015 й), Шодмон баҳши Хўжамбердиев (2016 й), Чори баҳши Умиров (2017 й)лар ҳам «Ўзбекистон халқ баҳшиси» унвони соҳиби бўлишган [6:270-272].

Барча соҳалардаги каби ўзбек баҳшичилик санъати соҳасида ҳам устоз-шогирд анъаналари самарали давом этиб келмоқда. Устоз баҳшилар иқтидорли ёшларни ўз ёнига олиб, уларга дoston

ва термаларни мунтазам ўргатиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улардан: Норали Алланазаров, Илхом Норов, Бахшиқул Тоғаев, Сафар Шайдилов, Рўзибой Турсунов, Жовли Тангиров, Ўрол Раҳимов, Равшан Маматмуродов, Исмоил Анваров, Зулхумор Шерназарова, Рўзиқул Болтаев, Ақрам Мамаражапов каби ёш бахшилар бугунги кунда «Ёш бахшилар мактаби» аъзоси ҳамда «Ёш бахши-шоирлар» Республика танловлари иштирокчиси бўлиб келмоқдалар.

ЮНЭСКО ташкилоти томонидан 2001-йилда Сурхон воҳасида минтақанинг бой маданий ва фольклор мероси «Бойсун маданий муҳити» номи остида «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари» қаторида тан олингани, 2002-йил май ойида эса бу ерда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган халқ ижрочилари иштирокида «Бойсун баҳори» биринчи очик фольклор фестивали бўлиб ўтган. Унда халқ оғзаки номоддий мероси бўлган фольклор, бахшичилик санъати намойиш этилган. 2008-йилдан бошлаб Бойсун ЮНЭСКОнинг Умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилган [7:210-211].

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016-йилнинг 17-ноябрида ўзининг сайловолди дастури доирасида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувда вилоятда амалга ошириладиган бир қанча лойиҳалар қаторида яхши анъана, халқаро обрўга эга бўлишга улгурган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалини қайтадан тиклаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳазаларини билдирган эди.

Ушбу ташаббус сабаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 23-январдаги «Сурхондарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 28-сон қарори ҳамда 27-апрелдаги 73-сонли Баёнига мувофиқ 2017-йил 13-14-май кунлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида «Бойсун баҳори» фольклор фестивали ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 14-майдаги «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4320-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 23-сентябрдаги «Республика бахшичи-

лик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 798-сонли қарорлари ҳамда шу масала юзасидан Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг 2019-йил 26-сентябрдаги Қ-481-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорлар асосида Термиз шаҳар ҳокимлигининг 2019-йил 6-ноябрдаги Термиз шаҳар 22-сонли Болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ҳудудида 150 ўринли ётоқхона ва ошхона куришга рухсат бериш тўғрисидаги Қ-2771-сонли қарори ва 2021-йил 13-апрелдаги «Термиз шаҳар 22-сон болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактабини бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатига ўзгартириш тўғрисида»ги Қ-473-сонли қарорлари қабул қилинган. Қарорлар ижросини бажариш мақсадида, Сурхондаё вилоят ҳокимлиги маданият бошқармаси 2021-йил 1-ноябрдаги 49-и/ч буйруғига асосан 2021-2022-ўқув йилидан бошлаб, бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган Республика бахшичилик санъати мактаб-интернатига 78 нафар ўқувчи қабул қилинган.

Қисқа муддат ичида мактаб-интернат ўқувчилари 2022-йил феврал ойида 7 та давлатлар ўртасида бўлиб ўтган «SOUL» онлайн халқаро кўрик-танловида «Бахшичилик» санъати йўналиши бўйича 5-синф ўқувчиси Шотемиров Жавоҳир «Grand pri» ҳамда Исмоилов Жавоҳир, Зокиров Улуғбек ва Юсупов Сардорлар II-даражали диплом билан тақдирланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Сурхон воҳаси ҳалқининг қадимги анъаналари, кадриятлари, аҳоли турмуш тарзини ўзида акс эттирган бахшичилик санъати бугунги кунда ҳам номоддий меросимизнинг ноёб дурдонаси саналади. Шу жумладан, Сурхондарё воҳаси дostonчилик мактаби ва бахшичилик мусиқа санъати кўп асрлик тарихга эга бўлиб, шакл жиҳатдан хилма-хил, мазмун жиҳатдан бой. Улардан бизгача қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, бадий дoston, кўшиқ, дўмбира, дотор, кўбиз ва бошқа чолғу асбоблар оҳанглари етиб келган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан амалга оширилган сай-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда «Бойсун баҳори» фестивали янгича кўлам касб этди. Бу ҳаракатларнинг ютуғи «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали ва унинг доирасида Халқаро илмий анжуманлар ўтказилишидир. ЮНЕСКО ҳамкорлигида «Халқ

ижодиёти маркази» қурилди, Сурхондарё вилоятида Республика бахшичилик маркази, Республика бахшичиликка ихтисослашган мактаб-интернати ташкил этилди. Унинг қошида анъанавий «устоз-шогирд» мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Сурхондарё вилояти «Бойсун баҳори» фестивалига туризмни ривожлантириш мақсадида турли давлатлардан сайёҳлар таклиф этилди. Нодир номоддий меросимиз бўлган дostonчилик, бахшичилик санъатини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш олдимизда турган долзарб вазифадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон бахшилари ва бахшичилик санъати тарихи. Термиз, 2022.Б. 4-5.

2. Ўсарова М. Сурхондарё бахшилари: кеча ва бугун. Термиз: «Сурхон-нашр» нашрети, 2017.Б. 5-6.

3. Турсунов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент: «Fan va technology», 2014.Б.47-48.

4. Турсунов С. ва бошқалар. Шеробод тарихи ва этнографияси. Тошкент: «Yangi nashr», 2014. Б. 201-202.

5. Раимов С. Бахши сирлари //»Давр, Замон, Шахс», Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Иккинчи қисм. Термиз: «Сурхон-нашр» нашрети, 2016.Б. 97-99.

6. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Тошкент: «Akademnashr», Б.270-272.

7. Алимардонова Л., Чориева М. «Бойсун баҳори» миллий қадриятларимиз тимсоли //»Бойсун баҳори»-миллий маънавиятимиз дурдонаси» мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Термиз: «Сурхон-нашр» 2017.-Б.210-211.

## СУРХОН ВОҲАСИДА ЧАВАНДОЗЛИК ВА КЎПКАРИ

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори**

Тарихдан бизга маълумки, чавандозлик қадим қадимдан аждодларимиздан бизга етиб келган, оммавий спорт турларидан бири саналади. Чавандоз баҳодир йигитлар ва уларнинг отлари ҳақида: Семуруғ ва Бунёд, Сиёвуш, Алпомишнинг Бойсибор Гўрўғли, Авазхоннинг Ғирот тулпорлари ҳақида дostonларда, қизлар ҳақида эса, Тўмарис жасорати, қирқта канизаги билан отда юрган малика, қирқта жангчи-чавандоз қизлар, Ойбарчин ҳақида афсоналар, ривоятлар етиб келган.

Истеъдодли бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Қундуз ва Юлдуз" достонида бир лавҳа бор: "Авазхон душман аскарлари билан жанг қилиб, кўпини кириб ташлайди. Охири ўзи ярадор бўлиб, хушдан кетиб қолади. Шунда унинг оти Ғирот ўз соҳибининг белбоғидан тишлаб, тоққа олиб чиқиб кетади. Ёв уни қувиб, етолмайди. Авазхон хушига келиб, кўзини очиб қараса, Ғирот тепасида кўз ёш тўкиб турганмиш. Шунда Авазхон Ғиротни: "Жоним Ғирот, молим Ғирот, сени минган топгай мурод" деб эркалаган экан. От олис сафарларда, жангу жадалларда, Ватанни боскинчи душманлардан ҳимоя қилишда йигитнинг энг яқин дўсти, жон йўлдоши, ҳамроҳи бўлган. Қадимда от ўргатувчилар "Аспжаллоб" яъни отни ўзига жалб этувчи, отнинг ёши, зоти, феъл-атворини яхши билувчилар "синчи" деб аталган [1:220]. Шу билан бирга, от аҳоли турмуш тарзида асосий транспорт воситасини бажарган.

Соҳибкирон Амир Темур ҳам чопқир отларни жуда қадрлаган. Чунки отлар жангларда, узок сафарларда унинг содиқ дўсти, ҳамроҳи бўлган. Саркардани неча бор ўлимдан, душманларнинг қилич ва найзаларидан асраб қолган. Амир Темур. даврида чавандозларнинг мартабаси улуғ бўлган. У ўзининг "Темур тузуклари"да сипоҳий (оддий отлик аскар)ларга улуфа (ҳарбийларга бериладиган ҳақ, маош) бериш тўғрисида: "Оддий сипоҳийларга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан маоши минган отининг баҳосида, баҳодирларнинг маоши эса икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин қилинди" деб айтади [2:95]. Бундан кўринадики, Амир Темур



чавандоз баҳодирларни алоҳида ҳурмат қилган. Уларнинг оти ҳам учкур, баҳоси йўқ бўлгани учун отининг 3-4 баробар нархида маош белгилаган. Темурий шаҳзодалар ҳам чавандозлик, ҳарбий санъат бўйича махсус ўқитилган. Шоҳ ва шоир, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир вақтнинг ўзида бир неча отлар устида югуриб, яъни отдан отга сакраб, ўз чавандозлик маҳоратини кўрсата олган.

Умар Ҳайём ўзининг "Наврўзнома" асарида от ва унинг фазилатлари ҳақида ёзиб, "Тўрт оёқлилар ичида отдан яхшиси йўқ, чунки у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир" деб келтирган. Форслар отни "боджон" (елжон), румийлар "бодпой" (шамол оёқли), турклар "қутлуғ қадам" ва "бахтиёр этувчи", хиндлар "тахти равон", араблар "ердаги Бурок" деб атаганлар. Айтишларича, куёш гардунини кўтариб юрувчи фаришта "алус" деб аталувчи от суратида эмиш. Афридундан сўрадилар: "Эй шоҳ! Нега сен отда юрмайсан?". У жавоб берди: "Яздонга етарли даражада миннадорчилик билдира олмайман, деб кўркаман".

Кайхусрав айтдики: "Менинг подшоҳлигимда отдан қимматлироқ нарса йўқ". Халифа Маъмун: "От қандай яхши, у осмони Гардон ва тахти равондир" деган. Отнинг хосиятлари, фазилатлари, яхши аломатлари ҳамда уларга кўйган номлари ҳақида форсларда кўплаб афсона ва ривоятлар сақланиб қолган [3:276-277].

Ўзбек халқининг қадимий анъанавий спорт ўйинларидан бири бўлган кўпқари (улоқ) жуда қадим замонлардан бери сақланиб қолган. Кўпқари (улоқ) – чавандозликнинг олий даражадаги ўйини ҳисобланади.

Манбаларга қараганда кўпқари (улоқ) ўйинида: 1.Якка ажратиб чиқиш усули, 2.Кўрага, яъни маррага келиб, ташлаш усули мавжуд бўлган. Якка ажратиб ташлаш усули Ўзбекистон ва Туркменистонда қўлланилади. Бунда улоқ бир жойдан иккинчи жойга ташланади. Чавандоз тўдадан чиқиб улоқни бошқа чавандозлардан 10-15 метр узоқликка олиб бориб ташлайди. 2.Кўрага-маррага келтириб ташлаш усулида майдоннинг бирор-бир жойига белги қўйилади, у жой қозон деб аталиб, улоқни чуқурчага, яъни қозонга ташлаш керак. Биринчи усулда чавандоз якка ҳолатда амалга оширса, кўрага келтириб ташлаш усулида эса чавандозлар жамоа бўлиб от чопадилар. Ҳар икки усулда ҳам кўпқари қизиқарли ўтади [4:108]. Кўпқари (улоқ) ўйини суннат тўйларда, халқ сайлларида, турли

мусобақаларда ўтказилган. Ўйинга 50-60 килолик сарка-улоқлар ташланган.

Кўпқари (улоқ) – ўйини ўтказиладиган жойга чавандозлар бир кун олдин борадилар. Тўй эгаси уларни бошпана билан таъминлайди, отларига арпа ва ем-хашак беради. Чопағонларга эса махсус дастурхон безатилиб, қўлбола ош таёрлашади. Чавандоз йигитларнинг илиги тўқ бўлсин деб илик гўштлири билан сийлашади. Тўй эгаси улоқни суйиб, ичак-чавоқларини олиб, ичига тўлдириб арпа ёки туз солиб, сувга ташлаб қўяди. Эртаси куни Бойсун, Музробот, Жарқургон. Қумқўрғон, Шўрчи, Ангор, Денов, Шеробод каби туманлардан чопағонлар келишади. Улоқ чопадиган улоқчи отларнинг номлари ҳам бор. Масалан: Бойка, Бойчибор, Лочин, Тошкентури, Танка, Бурнаш, Марадона ва бошқалар.

Эрталаб ҳамма ўзининг отида кўпқари бўладиган "Кўпқари сой"га етиб келади. Бакавул улоқни ташлагунча ҳамма ўзининг отини кўпқарига тайёрлай бошлайди. Чопағонлар отларининг устидаги дигил ва эгарларини ечиб, отларни совутиш мақсадида қумли ерда юмалатади. Бунинг натижасида эса терлаган отларнинг терлари қотиб, кўпқарига тайёр туради. Кўпқари бошлангунча қадар чопағонлар ўз отларининг оёқлари босилганда шикаст етмаслиги учун туёқлари устига қалин материал, яъни чарм ўраб боғлаб қўядилар. Шундан сўнг бош баковул улоқни олиб келади ва ўртага ташлайди. Чопағонлар йиқилганда лат емаслик учун бошларига ва устига қалин, ҳимоя қиладиган кийим кийишади. Чавандозлар жон-жаҳди билан улоқни олиб қочади. Улоқни тўдадан айирган чопағон даврани икки ёки уч марта айланиб келади, кейин улоқни ерга ташлайди. Шундан сўнг бориб қўйилган совринни олади. Ва кейинги марта зот айтилгунча кутиб туради [5].

XX асрнинг бошларида яшаб ўтган Бойсулик чопағонларнинг бобокалонларидан бири доврўғли Саттор чопағон Очилдиев Бойсун, беги Мирзо Салимбек (1902-1905)ни шахсий чопағони бўлган. Довруғли чопағон; Совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати қурбони бўлди. Ғузорда ўтказилган Наврўз байрами сайлидаги кўпқари (улоқ)да у билан беллашадиган тенг топилмаган. Шунда, Ғузор, беги қойил қолиб: "Бундан кейин кимнинг хотини ўғил туғса, отини Саттор қўйинглар" деган экан. Бу гап ҳозирда ҳам чопағонлар орасида юради. 1934 йилда Бойсунда бир сайлда бир

ярим центнер ғаллани қопга солиб, оғзини бойлайдиларда, қайси чопағон от устида туриб, шу қопни бир қўллаб кўтариб, юз мертга олиб борса, ўзиники бўлади, деб эълон қилинади. Шунда Саттор чопағон биринчи интилишида ғалабага эришганлиги ҳақида халқда гап юради [6:278].

Совет йилларида миллий чавандозлик ўйини бўлган кўпқари (улоқ) "Совет мавқурасига тўғри келмайди" деб қатъиян ман этилган. Отлар эса давлатга гўшт режасини бажариш учун топширилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, 1997 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қарорига асосан от спорти машғулот ва мусобақалари жонлантирилди. Жойларда чавандозлик мактаблари, клублар ташкил этилиб, миллий кўпқари ўйинларига рухсат этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Кўпқари (улоқ) уйини-чавандозликнинг олий даражадаги миллий ўйини сифатида миллионлаб мухлисларига эга. От спорт тури бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий ўйинларни ўргатишдан иборатдир. Юртимизда отчиликни ривожлантириш ҳам муҳим вазифамиздан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бегимқулов О. Халқимизнинг миллий қадриятлари ҳисобланган чавандозлик ва кўпқари // "Бойсун баҳори" – миллий маънавий-атимиз дурдонаси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Термиз: "Сурхон-нашр" 2017.

2. Темур тузуклари. Форсчадан Ж. Раҳимов ва Ҳ. Кароматовлар таржимаси. Нашрга тайёрловчи Ж. Раҳимов. – Тошкент: "Shodlik nashryoti", 2018.

3. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr, 2011.

4. Суёнов Л. Бир неча асрлардан бери шаклланиб келган спорт тури // "Давр, замон, шахс" мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани. Иккинчи қисм. – Термиз: 2016.

5. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани 26 август 2022 йил.

6. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: "Akademnashr, 2011.

## СУРХОН ВОҲАСИДА АНЪАНАВИЙ СПОРТ ТУРИ БЎЛГАН КУРАШ ҲАҚИДА

**Санабар Джураева,  
тарих фанлари доктори  
Гулираъно Аскархужаева,  
ЎзМУ етакчи мутахассиси**

Миллий ва анъанавий спорт тури бўлган кураш-жаҳон давлатларининг юксак маънавий қадриятларидан бири саналади. Археологик ва этнографик тадқиқотларга кўра курашнинг ёши 2,5-3000 минг йилдан ошиқ тарихга эга.

Сурхондарё, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимги аҳоли манзилгоҳларидаги ноёб топилмалар, қояларга битилган тасвирий санъат намуналари ҳам бунга тўлиқ мисол бўла олади. Жумладан, Панжикентдан топилган курашаётган икки паҳлавоннинг деворий расми Суғдиёна давлатчилигига, яъни ўрта асрлар даврига оид ноёб ёдгорлик саналади.

Шундай ашёлардан яна бири цилиндр шаклидаги сопол идиш бўлиб, у қадимги Бактрия (Жанубий Ўзбекистон) худудидан топилган. Унинг бир парчасида икки курашчи ва улардан бирининг ўз рақибини оёғидан чалаётгани тасвирланган. Яна бир идиш гардишидаги ҳайкалчаларда ҳам паҳлавонларнинг қўлларини кўтариб курашга шайланаётган ҳолати тасвирланган. Бу идишлар бронза даврига оид бўлиб, у курашнинг тарихи 3,5 минг йил эканлигини кўрсатади.

Навбатдаги топилма бронза даврига оид иккита от тўқасидир. Кураш усуллари тасвирланган ҳар иккала тўқа, профессор М.А.Грязновнинг ёзишича, сак-скиф қабилаларининг маънавий қарашлари руҳида ишланган бўлиб, кўчманчилик даврининг дастлабки босқичларига оид. Милодий биринчи минг йиллик ўрталарига оид кумуш чўмич гардиши сиртида ҳам икки паҳлавоннинг олишаётгани тасвирланган [1:12-13].

Самарқанд яқинидаги Челак қишлоғидан топилган геометрик нақшлар солинган кумуш дастали қадокча дастаси сиртида икки паҳлавоннинг ўзбек кураши усулида олишаётгани ифодаланган [1:14-15].

Этнографларнинг тадқиқотларига кўра энг қадимги ривоят, эртак ва дostonларда ҳам кураш ҳақида лавҳалар учрайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Рустам», «Тўлғаной», «Кунтуғмиш» каби дostonларда ҳам паҳлавонлар кураши мадҳ этилиб, эпчил ва чакқон, зукко ва донолари улуғланган.

«Кураш» сўзи ҳалол усул билан мақсадга эришиш деган маънони билдиради. Кураш-спорт тури белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишувидир.

Тадқиқотларга кўра Мовароуннаҳрда IX-XVI асрларда халқ сайллари, маҳаллий аҳолининг турли маросимлари, Наврўз байрамларида кураш мусобақалари ўтказилган. X асрда яшаб ўтган араб географи ва сайёҳи Муқаддасий ўз асарларида Мовароуннаҳрнинг Марв, Самарқанд, Бухоро, Балх сингари йирик шаҳарларида тез-тез кураш олишувлари бўлиб ўтганлигини таъкидлайди.

Шарқ адабиёти дурдоналари ҳисобланмиш «Шоҳнома», «Қобуснома», «Зафарнома»[2], «Бобурнома»[3], «Абдуллонома»[4], «Девони луғотит турк»[5] сингари асарларда ҳам полвонлар сийратию кифасига оид ёрқин чизгилар, уларнинг маънавий оламини безовчи сержило рангин тасвирлар, таърифу-тавсифлар акс этган.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳам курашдан, унинг доврўгини етти иқлимга таратган полвонлар баҳсидан ҳузурланган. Шу боис кўплаб асарларида паҳлавонлар ҳаёти ва фаолиятига оид ажойиб-ғаройиб воқеалар, лавҳаларни ёзиб қолдирган [6].

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида соҳибқирон Амир Темур давридаги паҳлавон Бобоҳоки (асли Афғонистон шимолидаги Шибиргон вилоятидан), Учқора баҳодир (асли Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан), Аббос Усмон жалойир (асли Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан) сингари юзлаб беназр ўзбек полвонлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ҳазрати Паҳловон Бобоҳоки кейинчалик авлиёлар сирасига киритилган, Учқора баҳодир эса Миёнқолда ер-мулк олган (ҳозир ҳам Хатирчи туманида машҳур «Учқора майизи етиштириладиган шу номдаги қишлоқ ва туман ҳудудида ул зотнинг Полвонота қадамжоси сакланган). Аббос Усмон жалойир эса Тўхтамиш кўшинларини енгилда жасорат ва матонат кўрсатган. Лекин, ҳасадчилар чакувидан ёки қасдидан

сўнг 25 ёшида шахид кетган. Замондошларининг ёзишича. Пахлавон Бобохоки 122 йил, Учқора баходир эса 110 йил яшаган[1:18]. Бу зотлар мисолида полвонлик ва сихат-саломат узоқ умр кўриш бир-бирига узвий боглик эканлигини кўрамыз.

Кураш қадимги даврдан Юнонистонда кенг тарқалиб, олимпиада мусобақаларида асосий спорт тури сифатида ўз ўрнига эга бўлган. Миллий курашнинг хилма- хил кўринишлари Греция, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Россия, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Кураш спортининг асосий қоидалари XVIII аср охири XIX аср бошида Европанинг бир неча давлатларида ишлаб чиқилган. 1912-йилда Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси (FILA) тузилди. Ҳозирги кунда унга 144 та давлат аъзо (Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлган). Чоризм даврида (XIX. аср охири, XX аср бошида) Фарғона водийсида Аҳмад Полвон, Хўжа Полвонлар машхур бўлган. Бироз вақт ўтиб, улар фаолиятига чек қўйилган. Чоризм истилоси ва шўролар даврида ўзбек миллий кураши халқ турмуш тарзидан сунъий равишда сиқиб чиқарилган. XX асрнинг 90-йиллари охирида бундай ҳаракатларга барҳам берилди {7}.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий курашга эътибор кучайди. Кураш жаҳонда янги спорт тури сифатида шаклланди. 1991 йилда ўзбек курашининг жонқуярларидан бири Комил Юсупов томонидан миллий курашнинг жаҳон аренасига олиб чиқиш ҳақидаги ғояси илгари сурилди. Миллий кураш бўйича бир неча йиллик изланишлар натижасида 1991-йил 14-15-июлда Ўрта Осиё ва Қозоғистон илмий конференциясида кураш қоидалари, ҳакам ва курашчиларнинг кийимлари тасдиқланди. Ҳозирда жаҳон бўйича кураш-тили, дини, миллатидан қатъий назар «Таъзим», «Кураш», «Ҳалол», «Ёнбош», «Чала», «Ғирром», каби ўзбек сўзларидан фойдаланилмоқда.

Кураш қоидаси 1991-йил 17-сентябрда «Спорт» газетасида эълон қилинди. 1992-йилда эса «Миллий кураш қоидалари» китоби нашр этилди. 1991 йил 7-10-август кунлари Шаҳрисабз тумани Мироки оромгоҳида Ўрта Осиё ва Қозоғистон полвонлари ўрта-сида катта кураш сайли ўтказилди.

Қоракўлда Турсун ота, Шаҳрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда Ат- Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Андижонда

Бобур Мирзо, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар ўзбек курашининг юксак даражага кўтарилишида, спорт оламига янги тур бўлиб киришига катта ҳисса қўшди. Миллий спортимизни дунёга танитиш мақсадида, Жанубий Корея (1992), Канада (1993), Литва (1993), Япония (1994), Ҳиндистон (1995), Атланта (1996), Ирландия (1997), Москва (1998), Франция ва Ирландияда ўтказилган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши ҳақида маълумотлар берилди.

1998-йил 6-сентябрида Лотин Америкаси. Европа ва Осиё қитъасининг 28 та давлатидан келган вакиллар иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конгрессида Кураш Халқаро Ассоциацияси (КХА) тузилди. Бу халқимизнинг миллий қадрияти «Кураш» номи билан жаҳон майдонига чиққанлигини эътироф этди.

Шу конгресснинг ўзида ХКАнинг Ижроия қўмитаси ташкил қилинди. Ўзбек курашининг К.Юсупов томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидалари халқаро қоидалар сифатида бир овоздан маъқулланди ва К.Юсупов Ассоциация Президенти этиб сайланди.

## **КУРАШ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ**

2001-йилнинг 28-апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 470-рақам билан мамлакатимизда биринчи марта нодавлат Халқаро Кураш Институти рўйхатга олинди ва бу ҳақда гувоҳнома берилди.

Кураш Халқаро Ассоциацияси ва унинг таркибидаги 10 мамлакат - ЖАР, Болгария, Боливия, Буюк Британия, Венгрия, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Туркия, Қирғизистон Кураш Миллий Федерациялари президентларининг таъсисчилиги асосида Халқаро Кураш Институти тузилди.

## **БУТУН ЖАҲОН КУРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**

Жамғарма Кураш Халқаро Ассоциациясига кирган бта давлат Япония, Венгрия, Ҳиндистон, Польша, Россия, Болгария Кураш Миллий Федерациялари Президентлари таъсисчилигида ва Кураш

Халқаро Ассоциациясининг 1999-йил 5-апрелдаги 5-У-сонли буйруғи ҳамда таъсисчилар йиғилиши қарори асосида ташкил этилган.

## **ЎЗБЕКИСТОН КУРАШ МИЛЛИЙ ФЕДЕРАЦИЯСИ**

Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси 1992-йил 11-мартда Тошкент шаҳар туманида рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси Кураш Халқаро Ассоциациясининг Ўзбекистондаги федерацияси ҳисобланади, у Ўзбекистонда курашни ривожлантириш билан шуғулланади ва Ассоциацияга кўмаклашади.

Бугунги кунда Курашнинг дунё аренасида обрў топиб, шиддатли ривожланаётганлигига ҳамда Ўзбекистонда Курашнинг устувор спорт тури сифатида оммавийлаштиришга Республика Кураш Федерацияси бевосита масъулдир [1:3-12].

Сурхон заминида кураш санъати қадим бронза давридан бошлаб шаклланган ва ўзига хос тарихий босқични босиб ўтган. Полвонлар ўз юрти ори учун курашган, тинчлигини сақлаб келган. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурдоналари бўлган «Алпомиш», «Қирққиз», «Авазхон», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Равшан», «Ёдгор», «Кунтуғмиш», «Тошбосар» сингари дostonларда халқнинг ботир ўғлонлари, полвонлари куйланган. Қадимдан Сурхон диёрида тўй-томошалар, халқ маросимлари, сайллари курашсиз ўтмаган. «Алпомиш» дostonида ҳам Қўнғирот элининг баковули бўлган Алпомишнинг мардлиги ва унинг жасур севгилиси Ойбарчин тараннум этилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек миллий кураши дунё давлатлари томонидан муносиб кутиб олинди. Ўзбек спорти-кураш бўйича Америка, Африка, Европа, Осиёнинг қатор давлатларида чемпионат- турнирлар ўтказилмоқда. Сурхондарёда ўтказиб келинаётган ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнири (2010 йилгача 9 марта ўтказилган) ўзбек курашини жаҳонга танитди.

Термизда Ўзбек кураши бўйича ўтказилаётган хотира турнирида Бойсунлик сара полвонлар қатнашиб фахрли ўринларни олиб келмоқдалар. Даштиғозлик Тоштемир Муҳаммадиевнинг илк халқа-



ро турнирига ўз вазни бўйича ғолиб келишини ўзи Бойсунлик алпларни дунёга танитди. Кураш бўйича оғир вазнда жаҳоннинг мутлоқ чемпиони (1999 й. Тошкент), халқаро миқёсидаги спорт устаси (1999 й.). Тоштемир Муҳаммадиев ал-Ҳаким ат- Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ғолиби (1995-1999 й. Термиз). Ўзбекистон чемпиони (1998 й.), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1999).[8:321-322].

Тиллокамарлик Абдулла Тангриев ўз вазни бўйича халқаро турнирида 5 марта ғолибликни қўлга киритди. Довруғли полвонни турнир майдонида пайдо бўлиши Бойсунликлар учун эсда қоларли ва кувонарли воқеалардан бири бўлди. Билагада кучи кўп, кураш тушиш услубига кўра ва шиддатли бўлган полвонимиз дзю-до кураши бўйича олимпиадада (Хитой, кумуш) ва бир неча маротаба жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпиони бўлган [9:99-101].

Бугунги кунда дунёнинг 5та қитъасидаги 130дан ортиқ мамлакатларда, жумладан, Канада, Боливия, Жанубий Африка Республикаси, Буюк Британия, Венгрия, Туркия, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Эрон, Японияда курашнинг минглаб ихлосмандлари бўлиб, Доминикан Республикаси, Парагвай, Эквадор, Замбия, Нигерия, Марокаш каби давлатларда зўр қизиқиш ва иштиёқ билан кураш услулари ўрганилмоқда[10:3-4].

2020-йил 4-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4881 сонли қарори чиқди. Унга кўра 2025-йилгача кураш-миллий спорт турини янги босқичга олиб чиқиш, 2028-йилгача Халқаро олимпиа кўмитаси томонидан олимпиа спорт тури сифатида тан олиншига ҳамда Халқаро олимпиа ўйинлари дастурига киритилишига эришиш масаласи қатъий қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги «Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4881-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2022-йилда Сурхондарё вилояти кураш федерацияси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди: Жумладан Кураш маҳорат мактаби қурилиши учун Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан Термиз

шаҳрида 1,5 гектар ер майдони ажратилди. Мазкур қурилиш ишларини амалга ошириш учун давлат дастури асосида 16 млрд сўм миқдорда маблағ ажратишга таклиф киритилди. Бойсун курашга ихтисослаштирилган мактаб-интернати Ўзбекистон кураш федерацияси тасаруфига ўтказилди. Ўзбекистон кураш Федерациясининг 2022-йил

4-мартдаги 103-сонли хатига асосан йил мобайнида «Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур, Биз Президент полвонларимиз, Биз Президент Барчиноларимиз!» шиори остида мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиб келинди.

«Кураш-Олимпия сари. Гендер танглик» шиори остида бир қанча тадбирлар ташкил этилди.

2022-йил 17-21-март кунлари Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида Кураш бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати доирасида ўтказилган Халқаро ҳакамлик ўқув семинарига 2 нафар, 4- 8-сентябр кунлари Таиланд қироллигининг Чон-бори шаҳрида ёшлар ўртасида 7-Осиё чемпионати доирасида ўтказилган Халқаро ҳакамлик ўқув семинарига 1 нафар ҳакамимиз муносиб иштирок этиб, Халқаро тоифали ҳакамлик сертификатиغا эга бўлишди.

2022-йилги Республика мусобақаларининг саралаш босқичида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан спортчилар иштирок этиб, қуйидаги ўринларни эгаллашди:

25-28 феврал куни Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 4 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медали,

27-30 апрел кунлари Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида 2002-2004-йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 3 та олтин ва 1 та бронза медали,

5-8 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида 2002-2004-йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 1 та кумуш ва 1 та бронза медали,

21-27 май кунлари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 2007-2008 ҳамда 2005-2006-йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 1 та кумуш ва 1 та бронза медали,

6-12 июн кунлари Наманган вилояти Янги Қўрғон туманида

Соҳил кураш бўйича катталар ҳамда 2005-2006-йилларда туғилган ўсмирлар ва кизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 3 та олтин 1 та кумуш 6 та бронза медалларини қўлга киритишди.

4-7 декабр куни Тошкент шаҳрида 5 ташаббус олимпиадаси доирасида ўтказилган Бош Прокурор кубоги мусобақасида 5 та бронза медали,

16-17 декабр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Прокурор полвони» мусобақасида ҳам иштирок этилди.

Халқаро мусобақаларда:

2022-йил 17-21-март кунлари Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида Кураш бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионатининг 87 кг вазнда аёллар ўртасида Мухаммадиева Юлдуз 3-ўрин, +87 кг вазнда Хусанова Ситора 3-ўрин,

25-26 июн кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган халқаро турнирда аёллар ўртасида мутлоқ вазнда Хусанова Ситора 3-ўрин,

28-29 июл кунлари Болгария давлатининг Бургас шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган халқаро турнирда эркаклар ўртасида мутлоқ вазнда Хисомиддинов Мухсин 2-ўрин,

4-8-сентябр кунлари Тайланд қироллигининг Чон-бори шаҳрида ёшлар ўртасида 7-Осиё чемпионатида 57 кг вазда Қаххорова Комила 1-ўрин, 90 кг вазнда Худойназаров Жасурбек 1-ўрин, 81 кг вазнда Жўраев Абдулазиз 3-ўрин,

23-28-ноябр кунлари Ҳиндистон давлатининг Пуна шаҳрида катталар ўртасида ХХИИИ-Жаҳон чемпионатида аёллар ўртасида 48 кг вазнда Муминова Моҳинур 1- ўрин, 57 кг вазнда Шафоатова Хожар 3-ўрин, 87 кг вазнда Мухаммадиева Юлдуз 3-ўрин, +87 кг вазнда Хусанова Ситора 3-ўрин, эркаклар ўртасида +100 кг вазнда Хисомиддинов Мухсин 1-ўринларни эгаллашди.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Кураш дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, авлоду аждодлардан бизгача етиб келган маънавий меросдир. Бу хазина бугун фарзандлар тарбиясида муҳим омил бўлмоқда. Сайёрамизнинг турли қитъа ва юртларида истиқомат қилувчи не-не халқлар, элатлар Курашнинг жозибасига, унинг инсонпарварлик, байналминаллик, бағрикенглик ғояларига маҳлиё бўлиб, сеvimли спорт тури сифатида қабул қилмоқдалар.

Ҳар қандай спорт туридан Олимпия, Жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши мумкин. Аммо ҳамма миллат ҳам ўз спортини жаҳон майдонига чиқара олмайди. Спортчининг олий мақсади Олимпия чемпиони бўлиш бўлса, ўзбек миллатининг, жаҳон курашчиларининг энг олий мақсади Курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Юсупов К. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси.-Тошкент: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2005.
2. Шарофуддин Али Яздий. Зафатнома/Сўзбоши, табдид, изоҳлар муаллифлари А. Аҳмедов ва Х. Бобобеков.- Тошкент, 1997.
3. Бобур З. М. Бобурнома.-Тошкент: «Фан», 2018.
4. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 2-ж.-Тошкент: «Фан», 1969.
5. Маҳмуд Қошқарий. Девони луғотит турк. 1-том.-Тошкент, 1960.
6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том.-Тошкент, 2001.
7. Юсупов К. Кураш. Тошкент, 1999.
8. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун.-Тошкент: «Akademnashr», Б.321-322.
9. Қаршиев И. Бойсун паҳлавонлар юрти//»Бойсун баҳори»-миллий маънавиятимиз дурдонаси» мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.- Термиз: «Сурхон-нашр» 2017.-Б.275-278.
10. Тўраев П. Кураш машғулотлари асослари.- Термиз:»TerDU nashr-matbaa markazi» нашриёти, 2021.Б.3-4.

## ХУЛОСА

Тадқиқотда ўрганилган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти тарихини ёритишда- қадимги давр объектлари, воҳа зиёратгоҳлари, термизийлар ҳаёт-фаолияти, ўрта асрларда Чағониёнда адабий муҳит ва савдо-сотик алоқалари, воҳада маънавий ва моддий маданият намуналарини комплекс ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сурхон воҳасида мил.ав.6 минг йилликдан, милодий II-III асрларгача бўлган қадимги давр ёдгорликлари: Жарқўтон, Кайриттепа, Таллашқон, Хайитободтепа, Жондавлаттепа, Айритом, Эски Термиз Сополлитепа каби қадимий археологик ёдгорликларнинг ўрганилди. Улар орасида Кайриттепа Таллашқон, Хайитободтепа, Жондавлаттепа ёдгорликлари илк тадқиқотга тортилиб, илмий асослаб берилди.

2. Сурхондарё вилоятида зиёратгоҳлар масаласига доир қарашлар ўрганилиб, саҳобалар, хўжалар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган зиёрат объектлари тарихи, зиёратгоҳлардаги шайх ва хизматчилар фаолияти, у ерда бажариладиган маросим ва амаллар, зиёратгоҳларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрни каби масалалар бирламчи илмий маълумотлар, дала тадқиқотлари асосида ёритилди.


3. Дунё мамлакатларида исломшунослик, ҳадисшунослик, калом илми каби исломий фан йўналишлари ва ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Ади Собир Термизий, Саййид Бурҳонуддин Ҳусайн Термизий, Самандар Термизий Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр каби алломалар ҳаёт-фаолияти, илмий мероси, асарларининг хорижий тилларга таржима қилиниши умуминсоний ғоялар ва маънавий қадриятларни тиклашда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

4. Ўрта асрларда Чағониёнда Фаррухий, Дақиқий, Тохир Чағоний, Мунжик Термизий каби адабиётшунос олимлар ижоди, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Чағониён ва Термизда савдо-сотик алоқалари каби масалалар қўлёзма манбалар, бирламчи илмий материаллар асосида ёритилиб, уларнинг Сурхон воҳаси тарихида тутган ўрни очиқ берилди.


5. Сурхон воҳасида аҳоли ҳаёти, кийимлари, фольклор, бахшичилик, кўпқари, кураш ва хунармандчилик каби номоддий маданият намуналари ҳозирги кунда ҳам ўзида минтақавий ва этник кўринишларни сақлаб қолган. Улар воҳа тириҳини ўрганишда тарихий, моддий манба ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхон воҳасида жаҳонга машҳур қадимги давр ёдгорликлари, ўлкамиз тарихи билан боғлиқ ўрта аср зиёратгоҳларини тиклаш, термизий алломалар илмий меросини ўрганиш, қадим Чағониёнда адабий муҳит, савдо алоқалари, воҳада маънавий ва моддий маданият намуналари юзасидан қилинган ишлар миллий тарихий меросимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг намунасиدير.

Бугунги кунгача сақланиб қолган қадимги давр ёдгорликлари, ватанимиз тупроғида хоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлари тарихи, воҳа адабий муҳити, савдо алоқалари, номоддий маданият, урф-одатларни ўрганиш, маънавий ва моддий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, улар онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқарашни шакллантириш, воҳага маҳаллий ва хорижий туристларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.



**СОПОЛЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. XVII-XVасрлар).**




**ЖАРҚЎТОН ЁДГОРЛИГИ (мил. ав II минг йиллик ўртаси).**





**КАЙРИДТЕПА ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. I минг йиллик боши).**



**ТОЛОШҚОН ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. VII-VI асрлар).**





**ҲАЙИТОБОДТЕПА ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. VI-V асрлар).**



**ЖОНДАВЛАТ ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. VI-V асрлар).**




**АЙРИТОМ ЁДГОРЛИГИ (милодий I-III асрлар).**



**ЭСКИ ТЕРМИЗ ЁДГОРЛИГИ (мил. ав. IX-XII асрлар).**




**ХЎЖАИПОК ЗИЁРАТГОҶИ (Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжаипок қишлоғи)**



**ХЎЖАМАЙХОНА ЗИЁРАТГОҶИ (Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Дарбанд қишлоғи).**





**ОМОНХОНА БУЛОҒИ ВА ҚАМАРИ АЗИЗ ЗИЁРАТҒОҲИ  
(Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Омонхона кишлоғи).**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	5
<b>I БОБ: СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР</b>	
<b>ЁДГОРЛИКЛАРИ .....</b>	<b>6</b>
Ш.Шайдалиев, А.Қурбонов. Жарқўтон ибодатхонасининг ижтимоий характери .....	6
Ш.Шайдалиев, О.Ҳамидов, А.Қурбонов. Кайриттепа .....	10
Ш.Шайдалиев, А.Қурбонов. Таллашқон .....	16
Ш.Шайдалиев, А.Қурбонов. Хайитободтепа .....	19
А.Қурбонов. Жондавлаттепа .....	22
Ш.Шайдалиев, А.Қурбонов. Айритом .....	25
Ш.Шайдалиев, А.Қурбонов. Эски Термиз .....	28
<b>II БОБ: СУРХОН ВОҲАСИДА ЗИЁРАТГОҲЛАР</b>	
<b>МАСАЛАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР .....</b>	<b>35</b>
С.Джураева. Марказий Осиёда зиёратгоҳлар масаласига доир қарашлар .....	35
С.Джураева. Термизий алломалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар .....	40
С.Джураева. Сурхон воҳасидаги Хўжа Ҳасан Илғорий, Хўжаипок ва Хўжамайхона зиёратгоҳлари тарихи .....	45
С.Джураева. Омонхона мўъжизалари .....	51
С.Джураева. Сурхон воҳасидаги Бибизайнаб, Бибиширин ва Биби Сарпуш зиёратгоҳлари .....	56
С.Джураева. Сурхон диёрида “Чил духтарон” - “Қирқ қиз”лар билан боғлиқ қарашлар .....	61
С.Джураева. Хонжиза зиёратгоҳлари .....	65
С.Джураева. Зиёратгоҳлардаги шайх ва хизматчилар фаолияти... ..	78
С.Джураева. Зиёратгоҳларда аҳоли бажарадиган маросим ва амаллар .....	84
<b>III БОБ: ТЕРМИЗИЙЛАР ҲАЁТ-ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ</b>	
<b>МЕРОСИ .....</b>	<b>92</b>
И.Усмонов. Абу Исо Муҳаммад Термизий .....	92
И.Усмонов. “Тасаввуф” атамасининг Марказий Осиёга кириб келиши .....	104
И.Усмонов. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-Илал” асарида фикҳий қарашлар таҳлили .....	111

И.Усмонов. Ҳақим Термизий асарларида диний бағрикенглик тамойиллари .....	117
И.Усмонов. Абу Бакр Варроқ Термизий .....	123
И.Усмонов. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий, Абу Али Муҳаммад ибн Дайсам Даққоқ Термизий ВА Адиб Собир Термизий .....	128
С.Джураева, И.Усмонов. Хожа Алоуддин Аттор шахси ва зиёратгоҳи .....	135
И.Усмонов. Умар Термизий.....	140
С.Джураева, И.Усмонов. Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий ва унинг зиёратгоҳи.....	143
С.Джураева, И.Усмонов. Сўфи Оллоёр шахси ва зиёратгоҳи.....	149
<b>IV БОБ: ЎРТА АСРЛАРДА ЧАҒОНИЁН АДАБИЙ МУҲИТИ ВА САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИ .....</b>	<b>154</b>
Б.Муртазов. Фаррухий ижоди ва Чағониён адабий муҳити.....	154
Б.Муртазов. Тохир Чағоний .....	164
Р.Абдуллаев. Термизлик шоир Мунжик ҳақида .....	176
Б.Муртазов. Шоир Мунжик шеърляти.....	185
Б.Муртазов. Чағониён замини: Дақиқий ҳаёти ва ижоди (929–977).....	196
Ж.Чўтматов. Сурхондарё вилояти Ўрта асрлар тарихига оид: Термиз ва Чағониён .....	216
С.Джураева. Ўрта асрларда буюк ипак йўлида жойлашган Сурхон воҳасининг савдо алоқалари ва бу ерда таракқий этган хунармандчилик .....	223
<b>V БОБ: СУРХОН ВОҲАСИДА МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТ НАМУНАЛАРИ .....</b>	<b>229</b>
Л.Азимова. Сурхон воҳасида халқ хунармандчилик санъати.....	229
Л.Азимова. Сурхон воҳасида аёллар миллий кийимлари ва такинчоклари.....	236
Л.Азимова. Сурхон воҳаси миллий фольклор санъати .....	250
С.Джураева, Г.Аскархужаева. Сурхон воҳаси бахшичилик мактаби.....	255
С.Джураева. Сурхон воҳасида чавандозлик ва кўпқари.....	264
С.Джураева, Г.Аскархужаева. Сурхон воҳасида анъанавий спорт тури бўлган кураш ҳақида.....	268
ХУЛОСА .....	277

**С.Н.Джураева, И.С.Усмонов,  
А.М.Қурбонов, Л.К.Азимова**

# **СУРХОНДАРЁ ТАРИХ САҲНАСИДА**

**Монография**

Мухаррир: С. Абдунабиева  
Бадий муҳаррир: К. Бойхўжаев  
Саҳифаловчи: А. Муҳаммад

Нашр. литц № 0038.  
Босишга рухсат этилди 12.12.2022.  
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. “Times New Roman”  
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 18,0.  
Адади 100 дона. Буюртма № 122.

«DAVR MATBUOT SAVDO» босмахонасида чоп этилди.  
100198, Тошкент, Қўйлик 4 мавзе, 46.